

Дилфуз Остонаева



# АЖДОДЛАР РУҲИ

929:32  
0-84 | 2020/125-24  
Оспинаева, Д.  
Английский  
язык.

7. 2020. - 2825.  
25.600c.

14.05.21  
25.916

2020 | 125-24

926-11  
3M

929:32  
0-84

Дилфуза Остонаева

## АЖДОДЛАР РУҲИ

Тошкент  
«Lesson press»  
2020

929:32 (575.146) Амир Олимхон - биография.  
Узбекистон.

УЎК 82-92

КБК 84-44

084

Д54

Дилфузда Остонаева

Аждодлар руҳи // Д.Остонаева. Тошкент. – Lesson press  
нашириёти. 2020. 282 бет.

ISBN 978-9943-6261-7-1

Ушбу китобда Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхоннинг шахсий ҳаёти, Бухорода қолиб кетган рус аёли ва уч фарзандининг тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Китоб муаллифи – амирнинг Остона исмли фарзандининг невараси, бобосидан эшитган хотираларни китоб ҳолига келтирган ҳолда уни китобхонлар ҳукмига ҳавола қилмоқда. Ҳар бир инсон ўз аждодлари ҳақида, уларнинг кимлигидан қатъи назар, хотиралар ёзишга ҳақлидир. Китоб Амир Олимхон ҳақидаги тасаввурлари янада ойдинлаштириша кенг ўқувчилар оммаси учун фойдали бўлиши мумкин.

УЎК 82-92

КБК 84-44

Узбекистон

© Д.Остонаева, 2020

© «Lesson press» МЧЖ нашриёти, 2020

20/125

A'lisher Navoiy

nomidagi

Ozbekiston M'

24

10 44914  
2

## СҮЗБОШИ

Арвоҳларни кўрмаганлар уларнинг борлигига ишонмайди, кўрганлар эса, "одамлар бунга ишонмайдилар", деб бу ҳақида гапириб юрмайдилар.

Бу воқеалар чиндан ҳам бўлганми-йўқми, айнан шундай бўлганми, балки бироз бошқачароқ бўлгандир, лекин аждодларимиз жуда буюк инсонлар бўлишган. Биз ўтган замонларда яшаб ўтган ўша инсонлар авлодимиз, уларнинг оламга таратган шуҳрати билан фахрланамиз, уларга муносиб авлод бўлишга интиламиз, руҳлари шод бўлишини, бизлардан рози бўлишларини Оллоҳдан тилаймиз, илтижо қилиб сўраймиз.

Мен, сиз дастлабки сатрларга қизиқиш билан кўз югуртираётган мазкур китобда, қалбим буорганини, кўз ўнгимда гавдаланган воқеаларни, тушларимда худди ўнгимдагидек содир бўлган воқеа-ҳодисаларни тасвиirlашга ҳаракат қилдим ва бу китоб сизларга манзур бўлади, деган умиддаман. Ҳаётда ўзи ва яқинлари, фарзандлари ҳаёти хавф остида қолмаслиги учун аслида кимлигини бир умр сир сақлашга тўғри келган инсонлар жуда кўп бўлган. Уларнинг бу сирларидан хабардор айrim кишилар ҳам одамийлик, аҳдига содиклик нуқтаи назаридан бу сирларни ўzlари билан нариги дунёга олиб кетишган.

"Аждодлар руҳи"ни ўқийдиган ҳар бир китобхоннинг тарихга қизиқиши ортади, мураккаб вазиятлар, ҳаётнинг кутилмаган синовларига дуч келган, таҳликали ҳолатларга тушиб қолган инсонларнинг ички кечинмалари билан яқиндан танишади, улар ҳақидаги салбий фикрлари, қарашлари ижобий томонга ўзгаради. Воқеа ва ҳодисалар ривожига баҳо беришда шунчаки эҳтиослар ёки асоссиз маълумотларга эмас, балки тарихий фактларга ҳам юзма-юз келадилар. Ўша давр тақозосига кўра, асаддаги барча қаҳрамонлар имкон қадар тўғри йўлни танлаб, иймон ва эътиқодларига содик қолган ҳолда яшаб ўтишганини тушуниб, тўғри хулосалар чиқарадилар, деб умид қиласиз.

Бир неча юз отлиқ навкарлар узоқдан от чоптириб, шошилиб кетишимокда. Отлар туёқларининг гупурлаган товуши бутун қир-адирлар бўйлаб, узоқлардан ҳам эшитилмоқда. Бу навкарлар Самарқанд шаҳри яқинидаги Чўпонота тепалиги ёнидачор Русияси забткорларига қарши жанг қилаётган маҳаллий аҳолига ёрдамга шошилаётган Бухоро амири Музаффархон қўшинлари эди. Маҳаллий аҳоли сони озчиликни ташкил этса-да, шаҳарни қаҳрамонларча ҳимоя қилаётган эди. Навкарлар етиб келмаса, бу жанг тез орада самарқандликлар учун мағлубият билан тугаши аниқ эди. Уларни кўрган самарқандлик жангчиларнинг гайрат-шижоатлари ошиб, янада дадиллик билан жангга киришдилар. Икки тараф аскарлари аввал ўқотар қуролларни ишга соглан бўлсалар, ўзаро яқинлашгандаридан кейин яккама-якка қиличбозлик бошланиб кетди. Ойболталар, қўлга илинган панشاҳа, сўйиллар офтобда ярқираб, кимнидир жонини олиши учун ишга тушиб кетди. Урушга тайёр бўлмаган маҳаллий аҳоли дуч келган буюмлар билан қуролланиб, босқинчиларга юзма-юз келган эди. Қиличларнинг бир-бирига урилгандаги жаранг овози, отларнинг пишқириб кишинашлари, замбараклардан отилаётган ўқларнинг даҳшатли шовқини бир-бирига қўшилиб кетганди. Икки ёки уч кишини ўлдирган жангчи ўзи ҳам бир лаҳзада душман қурбонига айланар, тўсатдан бўлаётган зарбалар кимнидир ёстиғини қуритиши мумкин эди. Бу чинакам ҳаёт-мамот жангига эди. Қирғин-барот олишув жадал давом этиб, борган сари тириклар сони камайиб борарди. Эрталаб бошланган жанг кун ботгунча давом этди. Тепалиқда қийғос очилган лолақизғалдоқлар гўё шу мархумлар қонидан ранг олгандек, ботаётган куёш нурларида алвон рангида шамолда бетакрор чайқалиб турар эдилар. Шамолда узилган лолақизғалдоқларнинг бир неча гултож барглари ерда ётган ўликларнинг узви баданига ёпишарди. Бир гултожбарги чалқанча чўзилиб ётган жасаднинг қонга бўялган пешонасига капалак каби оҳиста кўнди ва ёпишиб қолди. Шу нозиккина гултожбаргни шамол қанча юлқиса ҳам жангчининг пешонасидаги жароҳатга малҳам бўлмоқчидек, шом шамоли

билан курашиб, аскарни асло тарк этмади. Чунки, аскар ушбу лолақызғалдоқ униб ўсган тепаликни душмандан гүёки асрамоқчи бўлиб, жон таслим қилганини у ҳам сезгандек эди. Аммо, гултожбарг жуда кеч қолган эди. Бу уруш умуман бўлмаганида, бу ёш йигит омон қолган бўлар эдими?..

Маҳаллий аҳоли ва навкарлар қанчалик шиддат билан жанг қилишмасин, охири мағлуб бўлдилар. Рус подшоси қўшинининг кўли бугун баланд келди. Кун ботганда Чўпонота тепалигидан икки томонига қайтиб кетаётган қўшинларда тириклар сони анча камайиб қолганди.

Июнь ойида Бухоро амири Музafferхон қўшинлари Зирабулоқ ёнида сўнгги қатъий зарбага дуч келди. Кўшинда навкарлар сони жуда оз қолди. Кўшинбоши омон қолган аскарлари билан ортга қайтиб, амирга ҳисобот бериш лозимлигини, агар жангни давом эттирадиган бўлса ҳеч ким тирик қолмаслигини тушунган эди. Улар ана шундай танг аҳволда қолиб, Бухорога қайтишга мажбур бўлишди.

Улар шаҳар қўчаларидан ҳорғин отларини секинлатиб боришар экан, бир тўда беғам-беташвиш болалар қўшин ортидан юриб боришарди. Арк дарвозаси олдига келганда отлиқлар тўхтади. Кўшинбоши икки аскарни ёнига олиб, арк ичига кириб кетди.

Бухоро амири Музafferхон айни вақтда ўз маслаҳатчилари ва мулоzимлари билан уруш масаласида машварат қилаётган эди. Шу пайт эшик оғаси кириб келди ва тартибга кўра таъзим бажо айлаганча изн сўраб, Музafferхонга амирлик аскарларининг лашкарбошиси Самарқанддан қайтиб келганини маълум қилди. Амир унинг киришига рухсат берди.

Ўнг кўлини кўксига қўйганича, лашкарбоши ўзини гуноҳкор санаган ҳолда сўз бошлади:

— Амирим, мени кечиринг! Ишончинизни оқлай олмадим. Аскарларим қанчалик жон олиб-жон беришса-да, ёғий қўшини биздан устун келди! Агар жангни ҳалиям давом эттирсан, қолган навкарлардан ҳам айрилиб қолардик. Ҳукмингиз вожиб, дея яна сизнинг олдингизга, яъни не амрингиз бўлса, шунга кўра иш тутмоқ учун келдик.

- Ҳа, лашкарбоши, ҳар жиҳатдан салоҳиятимиз тенг эмаслиги олдиндан маълум эди. Сизларда айб йўқ! Хўш, сизлар нима дейсизлар? -дек амир сарой аъёнларига юзланди.

Кенгаш тўрида ўтирганлардан бирор садо чиқиши амири маҳол эди, шу пайт даврадаги энг хурматли зотлардан бирининг овози янгради:

- Амирим, уруш халқни ҳам тинкасини қуритди! Ҳар маҳалладан кунига 2-3 хонадонда жаноза ўқилмоқда. Бу кетишида шаҳар ва қишлоқларда қариялар, аёллар ва болалар қолади. Менимча, Русия подшоҳи билан сулҳ тузиб, урушни тўхтатмоқ лозимдур, олампаноҳ! - деди у биринчи бўлиб гапиришга журъат этаркан.

- Кўшни давлатлардан ёрдам сўраш имконимиз ҳам бор, лекин халқ барибир урушдан азият чекиши муқаррар. Шунинг учун мен ҳам сулҳ тузишни маъқул деб ҳисоблайман! - деди қушбеги. Бошқа ҳеч ким индамади.

- Ундей бўлса, эй ёши улуғлар, сулҳ музокараларини олиб боришга тарафдуд кўрингиз! Чегаралар дахлсизлиги биз учун ҳаммасидан муҳимроқ. Зўрнинг хукмига бўйсунишга мажбурмиз, тарихда ҳамиша шундай бўлиб келган. Зўрники тегирмонни юритади. Лекин бўйсуниш билан бўйсунишнинг фарқи бор. Сулҳда имкон борича ўз давлатимиз манфаатларини дифо қилишимиз керак, деди амир ва қушбегига юзланди:

- Сиз, бу ишларнинг ҳаммасига ўзингиз бош бўласиз. Асосий маъсулият сизнинг зиммангизга юклатилади, менга вазиятни ўз вақтида билдириб туринг!

Амир Музаффархон шундай деб тахти-равондан туриб, машваратни якунлади ва кенгашхонадан ўз хос хонасига олиб борувчи эшик томон юрди..

1868 йилнинг 23 июнида Русия подшоси ва Бухоро амири Музаффархоннинг ишончли вакиллари иштирокида икки томонлама сулҳ шартномаси имзоланди. Уруш тугади. Қушбеги:

- Амирим, сулҳ шартномаси бўйича биз рус подшосига ҳар йили 500 минг рубль товон тўлайдиган, сарҳадлар дахлсизлигини таъминлайдиган ва улар ишғол қилган жойлар уларнинг тасарруфларида қоладиган бўлди. Энг асосийси. - Русия мамлакати билан ўртамиизда уруш бўлмаслигига эришдик. Бундан кейин навкарларимиз сони белгиланган маълум

микдорда қолишига, яъни улар сонини 120 мингдан оширмасликка, ҳар йил тўланадиган бож солиги ҳам аниқ меъёрда қолишига, савдо-сотиқ эркинлигига келишиб олинди, - дея Музаффархонга ўзи билан келтирган ҳужжатларни тақдим қилди.

### АМИР НАБИРАЛИК БЎЛДИ.

Орадан бир неча йил ўтди. 1880 йил. Амир Музаффархоннинг хос хонасига бош канизак Умринисо эшик қоқиб, изн сўраб кириб келди:

- Амирим, муборак бўлсин, суюнчи беринг! Карманадан келган хушхабарга кўра ўғил набиралик бўлдингиз! Амири волида менга тайинладиларки, янги меҳмонга исмни сиз айтинг экан! -деб қўл қовуштириб турди. Музаффархон яқинда набиралик бўлишини билгани учун унга муносиб исм ҳам топиб қўйганди. Шунинг учун ҳеч бир тараддуудланмасдан хитоб қилди:

- Бориб айтингиз, Сайийд Олимхон деб ном бердим. Менинг ҳузуримга мирзани чақиринг.

Ҳаял ўтмасдан амир ҳузурига мирза кириб келди. Амир унга шундай топшириқ берди:

- Ёзиб олинг! Бош соқчи Муҳаммадга топширасиз! Мамлакатимизга кўплаб олимлар, зиёлилар керак. Шунинг учун набирам исмини Олимхон қўйдим. Замонамиз илмли ёшларга муҳтоҷ. Муҳаммад соқчи мамлакатимиз ҳудудидан, суҳбатлашиб 200 нафар иқтидорли болани танлаб олиб тўпласин. Мир Араб мадрасаси, кўча-кўй, маҳалла-гузарларни айланиб, болаларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиб, уларнинг рози-ризолигини олиб, рўйхат қилсан. Хорижга ўқишига юборумиз. Болаларни ва уларга бириктириладиган учтўртта устозининг йўл, таълим ҳаражати, кийим-кечаги каби барча ҳаражатларини амирлик ҳисобидан бўлар экан, деб тайинланг. Хорижда ўқиб келадиган бу болалар келажакда ўз юртимизнинг корига албатта ярайдилар, Иншооллоҳ! Англадикки, биз аҳли донишларга жуда муҳтоҗмиз. Улардан умидимиз катта! Менинг бу фикрларимни қоғозга тушириб,

муҳрдорга олиб киринг, сўнг унга етказинг! Саволлари бўлса, мендан келиб сўрасин!

\* \* \*

Орадан йиллар ўтиб, Сайид Олимхон 13 ёшга тўлди. Бу даврга келиб Музаффархон вафот этиб, мамлакатни отаси Абдулаҳадхон бошқараётган эди. Кунлардан бир куни амир ўғлини ўз хузурига чорлади.

- Шаҳзодам, мадрасада олаётган илмингиз сизга маъқул бўляптими?

- Шундай, падари бузрукворим! – деди ёш Сайид Олимхон отасига шаҳзодага хос ҳурмат эътибор билан.

- Яхши. Аммо менинг Петербургда содиқ дўстларим борлигини ҳам биласиз, уларга маслаҳат солдим. Сизга уч йил ичида 7 йиллик таълим бериб, илм ўргатиб “хужокати аъло” билан юборишга ваъда беришди! Дунёвий билимларни мамлакатимиз келажаги учун пухта эгаллашгиз керак. Ахир сизга юрт бошқарувида бундай билимлар асқотади. Бу таклифимга сиз нима дейсиз? – Амир ўғлидан жавоб кутиб, савол назари билан термулганча сукут сақлаб турди.

- Ишончингизни оқлайман падарим! – Сайид Олимхон мамнунлик ва ҳурмат билан отасининг кўзларига бокди ва саволини берди: – Волидам ҳам бунга розилик билдириларми, падари бузрукворим?

- Ҳа, ўғлим, келажакда давлатлар истиқболи жангу жадалларга эмас, ақлу заковатга, илму маърифатга боғлиқ эканлигини айтган эдим, волидангиз розилик билдирилар! Агар ўқишига боришини маъқул кўрсангиз, унда узоқ йўл тараддудини кўраверинг, ёнингизда ҳамроҳ бўлиб, юртдошларингиз қаторида устозингиз ҳам борадилар, сизга кўз-қулоқ бўладилар. Ахир сиз салтанатимизнинг бўлажак соҳибисиз, сиздан умидимиз катта.

Уч йил оқар сувдай тезда ўтиб кетди. Сайид Олимхон Петербургдаги ўқишлиарини тугатгач, Бухорога қайтди. У етти йиллик ўқув дастурини уч йилда аъло даражада ўзлаштирган эди. Ўғлининг пишиб-етилиб, ақлу фаросати камол топганини кўрган ота дастлаб уни вазирлардан бирининг қизи Зарифабонуга уйлантириб қўйди. Тўй ташвишлари тугагач эса,

ўзи анчадан буён ўйлаб юрган режасига мувофиқ ёш ўғлини Насафга ҳоким қилиб жүнатди.

Салтанатдаги урф-одатта кўра, эндиғина оила қурган ўғли ва бир неча жория, чўри қизлар билан Сайид Олимхоннинг волидаси Мұхтарама бека ҳам Насафга бирга келган эди. Бир куни Мұхтарама беканинг синглиси опасини кўриш учун қизи Гулсара билан фойтун аравада меҳмонга келди. Меҳмондорчиликдан сўнг опа-сингиллар орасида суҳбат қизиб кетди. Беканинг синглиси бу хонадонга бекорга ташриф буюрмаган эди.

- Опажон, - дея синглиси кўнглидаги гапини очиқроқ айтишни лозим кўрди, - сиз аркда малика бўлиб юрганингизда сизга роса ҳавас қилас әдим. Бахтингизга кўз тегмасин илоҳим! Ўғлингиз ҳам улғайиб, эсли-хушли йигит бўлди, шукур! Жияним иншооллоҳ, вақти келиб Бухоро таҳтининг эгаси бўлади. Бахшидангиз кундошларингизнинг ўғилларини эмас, Олимхонни таҳт вориси қилиб, тайинлаши аниқ. Гап орамизда қолсин-ку, унга иккинчи никоҳ қилиб Гулсарани келин қилсангиз яхши бўлар эди. Мен ҳам қизимни саройда малика бўлиб юришини истардим.

Мұхтарама бека индамаса ҳам, унинг бу гапларини хушламайроқ қарши олди. Синглиси ҳам бўш келмади:

- Опажон, сиз мени жону жигаримсиз-ку? Таклифимни амиришимиз ва шаҳзодамиз билан кенгашмасдан дарҳол ўзингиз рад қилиб қўя қолманг!

- Вой, сингилжоним-эй! Мен Гулсарани ўйлаяпман. Сени орзу-ҳавасинг қурбони бўлмасин, эрта бир кун рашик оловида куйиб йиғлаб юрмасин дейман. Менга осон бўлган деб ўйлайсанми? Маликаликини ҳам ўзига яраша азоб-уқубатлари бор. Маликалик умр бўйи эрнинг қалб мулкига молик бўлиш учун жанг ҳарб демакдир. Энг ёмони кундошлар билан ёнма-ён яшашга чидаш керак бўлади! Эрингни бирор ўзиники қилиб олса, кўз олдинга келтириб кўр-чи, бу ўзингга ҳам ёқармикин?

- Ҳа, сиз ҳақсиз! Ҳеч кимга ҳам ёқмайди. Аммо қизини камбағалга берганларни ҳам кўрганман. Баъзилари бир умр ночор яшаб ўтса, бошқа бирориозгина бойликка эга бўлгач, хотин устига хотин олишга тушади. Шунга... -сингил бирор тўхтаб яна сўзида давом этди. - Қизимнинг қайнонаси ўз

туғишиган опам бўлганларидан кейин ҳеч қачон жиянларининг кўнглини ўкситиб, ёлғизлатиб кўймайдилар, деб ўйладим. Опа, мавриди келганида шу масалани Олимхон жияним ва баҳшидангиз билан бир кенгашиб кўринг, кейин менга аниқ бир гапни айтарсиз.

- Қизингни ўзини буёқقا чақир-чи, ўзи нима деркин?

- Вой, опажон! Қиз бола-ку, сиздануялади-да! Мен буерга келишдан олдин унинг кўнглигакўл солиб кўрдим. Майли борга ўхшайди, рози бўладиган шекилли. Қолаверса, қизалоқлигига сизни кўргани саройга кўп келар эдик, эсингиздами? Ростини айтсан, бир пайтлар ўз ниятларимни унга ҳам айтгандим, қулоғига қолган экан денг, ўзи менга эслатди.

- Яхши, мен бу никоҳ ҳақида ўглим ва баҳшидам билан кенгашибганим бўлсин! Сенга натижасини ўзим айтаман.

Суҳбат ниҳоясига етгач, Мухтарама бека икки канизаги билан ўғли Олимхоннинг хонасига олдига келди. Эшик оғаси:

- Маликам, ўғлингиз усталар билан машғул эдилар! – деди.

- Унда, кирмайман. Ўзига, «волидангизга қарап экансиз», деб кўйинг!

Эшик оғаси беканинг топшириғини ўша заҳоти бажарди. У шаҳзода хонаси эшигини икки бора тақиллатди ва изн сўраб ичкарига кирди.

- Волидангиз келдилар шаҳзодам! Сизни сўрайтилар! – деди эшик оғаси ердан кўзларини узмасдан, боши эгилган ҳолатда.

Олимхон бу кенг ёруғ хонада Насаф шаҳрининг бир неча амалдорлари ва машҳур усталари қуршовидақоғозга туширилган шаҳар тарҳи олдида туарарди. У шаҳар қурилиши ва равнақи учун усталар, ўз соҳасининг етук намоёндалари билан маслаҳатлашиб, хайрли ишларни амалга оширишдан чарчамас эди. Олимхон волидасининг ташрифини бекорга эмас, муҳим сабаби бўлиши мумкинлигини билгани учун, эшик оғасидан волидаси келганини эшиттгач, дарҳол кенгашиб давомини сал кейинга қолдирди:

- Мени маъзур тутингиз, сизлар ўзаро кенгашиб туринглар, мен ҳозир келаман, – деди-ю, волидасини олдига чиқиб кетди.

Олимхон онаси ҳузурига ошиқди У волидасини кутдириб қўйишни ёқтирмасди.

- Ассалому алайкум, волидам! - деди у онаси истиқболига тез-тез қадам ташлаб бораркан. - Келинг, яхшиси, боқقا чиқамиз, менга мұхим гапингиз борға ўхшайды!

Улар боқقا чиқдилар ва гулзор ёнидаги нақшинкор ўриндиқлардан бирига ўтириб олдилар. Олимхон онасига савол назари билан каради.

- Ўғлим соғлигингиз, ишларингиз яхшими?

- Раҳмат, волидам! Ўзингиз соғ-саломатмисиз?

- Мен яхшиман. Аммо сиздан хавотирдаман. Кейинги пайтларда ҳеч дам олмасдан ишляпсиз, ўғлим! Нима гаплигини билмоқчи бўлсангиз, бир масалада сиз билан кенгашмоқчи эдим. - Она дилидагини дабдурустдан тилига чиқармаслик учун бироз мулоҳазага борди ва сўзини ўсмоқчилаб давом эттириди.

- Иккинчи никоҳ масаласида сизга бир гап айтмоқчиман. Масалан, Гулсарага уйланишга нима дейсиз, ўғлим?

Олимхон ўнғайсиз аҳволда қолди.

- Ахир уни синглимдек кўраман-ку! У ҳам мени канизаклардан рашқ қилиб юришни ҳоҳламаса керак?

- Гап шунда-ки, бу фикр мендан эмас, улардан чиқди. Онаси билан бирга келганига қараганда, у сизга турмушга чиқиш истагида. Уларга нима деб жавоб берганим маъкул ўғлим? Шошмасдан бир қарорга келиб, менга ўз фикрингизни айтинг! - деди онаси суҳбат пароканда бўлмаслиги учун фикрини жадал давом эттириб.

- Ундей бўлса, бироз сабр қиласилик. Яқинда наврўз байрамини нишонлаш учун Бухорога борамиз. Ўшанда ўзингиз отам билан бу масала хусусида кенгашиб кўринг. Бундай нозик масаланинг ечимини топишда отамни фикрлари мен учун қадрли, волидам!

\* \* \*

Наврўз байрами арафасида улар Карманада яшаётган амир Сайид Абдулаҳадхон хузурига боришиди. Шаҳарда байрам шундай тантанали нишонландиди, унда иштирок этмаган одам қолмади. Айниқса куаш мусобақалари бўлиб ўтадиган майдонларга одам сиғмасди. Абдулаҳадхон полвонлар ўртасидаги беллашувларда ғолиб бўлган қоракўллик Муҳиддин полвонга алоҳида илтифот кўрсатди.

- Мутлоқ ғолиб бўлган қоракўллик Муҳиддин полвон! Тилагингизни тиланг! - деди амир. Амирнинг бу сўзларидан сўнг ҳамма жим бўлиб қолди. Улар полвоннинг амирга нима деб жавоб беришини кута бошладилар.

- Амирим, хабарингиз бўлса, мен мархум Муҳаммад хос соқчининг ўғиллари бўламан. Тилагим - отам каби хос соқчи вазифасида хизмат қилиб, отамнинг рухларини шод этиш! - деди полвон.

Шу вақт амирнинг жиддий чехраси ёришиб, нимадандир мамнунлик аломатлари кўринди.

- Э, бу йигит менга кимни эслатяпти, десам, падари бузрукворимни бир пайтлар ёгий найзасидан омон сақлайман, деб ўзлари шаҳид бўлган қаҳрамон Муҳаммад соқчининг фарзандлари эканлар-да. Онангиз нафақа, яъниким, қаҳрамоннинг беваси сифатида моддий таъминот олиб турганларми? - сўради амир.

- Ҳа, худди шундай, амирим! Онам нафақа пули шарофати билан опам ва мени ҳеч нимага зориқтирумай катта қилганлар. Онам сизни ва раҳматлик амиришимиз Музаффархон ҳазратларини ҳалигача дуо қиласидар!

- Ундей бўлса, волидангизга ҳам мени саломимни етказинг! Сизни жуда яхши тарбиялаганлари учун волидангиз ва устозингизга раҳмат! - У шундай деб ёнидаги мулозимларига хитоб қилди. - Полвонга энг катта соврин сифатида бир новвос, бир тую, оналарига совға-саломлар берилсин ва полвоннинг тилаги бажо келтирилсин. Яъниким, Муҳиддин полвон бугундан бошлаб менинг ўғлим Олимхоннинг хос соқчиси лавозимига тайинлансан! - деди амир.

- Куллук, амирим, куллук! - деб йигит ҳам полвонларга хос салобат билан кўлини кўксига кўйганича амирга ўз миннатдорчилигини изҳор қилди.

Бир неча кундан сўнг байрам шодиёналари поёнига етгач, тугагач, малика Муҳтарама бахшидасига Сайид Олимхоннинг иккинчи никоҳи масаласида сўз очди. Амир бир пас ўйга толди ва маъқул бўлгани учун Олимхоннинг бўлажак иккинчи никоҳига розилик берди. Ихчамроқ тантана билан тўй маросими ҳам бўлиб ўтди. Тўйдан кейин икки кун ўтиб,

Олимхон фойтун араваларда онаси ва оиласини олиб яна Қарши шаҳрига жўнаб кетди.

Ўша воқеалардан сўнг орадан тўрт йил вақт ўтди. 1908 йил эди. Қарши Бухородан анча олис бўлгани учун амир ўғли билан тез-тез учраша олмас эди. У ўғлининг ўзига яқинроқ жойда бўлишини хоҳларди. Кейинги пайтларда кексайиб бораётган Абдулаҳадхоннинг тез-тез тоби қочиб қола бошлади. Ўғли Сайид Олимхон ва завжаси Муҳтарама бекани кўриш иштиёқи устун келиб, у Олимхонни Кармана вилояти ҳокими лавозимига тайинлади. Бу лавозим Олимхонни валиаҳд шаҳзода деб эълон қилиниши teng эди. Саройнинг барча аъёнлари Олимхон бу лавозимга тайинланган куни, амирнинг бу илтифоти валиаҳдлик мақоми унга берилиши ўз тасдигини топганлигини таъкидлаб, уни кутлашди...

...Бир куни Карманадаги уйида Самарқанддан келтирилган "Туркестанские ведомости" газетасини мутолаа қилаётган Сайид Олимхон бирданига ўрнидан туриб кетди ва эшик ортидаги Муҳиддин соқчига топшириқ бера бошлади:

– Соқчи Муҳиддин! Қаердасиз?

Муҳиддин соқчи дарҳол ичкарига кирди.

– Шаҳзодам! Шу ердаман!

– Сафарга ҳозирлик кўришни буюринг, жўнаб кетамиз! – деди соқчини ҳайрон қолдирганича. Чунки Муҳиддин шу кунларда Олимхоннинг бирор ерга кетиш режаси йўқлигини яхши биларди.

– Тинчликми, шаҳзодам қаерга кетамиз? – сўради Муҳиддин Олимхонни тушунолмай.

Уларнинг танишганларига унча кўп бўлмаган бўлсада, хос соқчи Муҳиддин полвон шаҳзоданинг энг яқин маслаҳатчисига, сирдошига айланиб бораётган эди.

– Самарқандга! Мана, "Туркестанские ведомости" газетасида ёзилишича, рус археологи Василий Лаврентьевич Вяткин жаноблари Мирзо Улуғбек қурдирган расадхонанинг аниқ жойини излаб топибди. Аввалига бу расадхона Улуғбек мадрасасида бўлган, деган тахмин бор эди. Бу тахмин ўз тасдигини топмаган. Жаҳонга машҳур бу расадхона шаҳар четидаги бир баландликда экан. Туркистоншунос Наливкин тўра Самарқанд оқсоқллари-нинг кўрсатмасига асосланиб,

Вяткинга расадхонани шу тепалиқдан излаш кераклигини маслахат берибди. Археолог Вяткинни қазиши маҳаллий аҳоли вакиллари кўнгилли асосда кўмаклашаётгани ҳақида газетада ёзишибди.

Муҳидин полвон шаҳзоданинг бу гапларини жон қулоғи билан тинглар ва тасдиқ маъносидаги бошини қимиллатиб турарди.

- Назаримда бу жўн ишга ўҳшамайди, - деди Олимхон газетани оҳиста буклар экан. - Қазишилари катта меҳнат ва кўп вақт талаб қиласди. Демак, олимлар ва ишчиларга моддий ёрдам керак бўлади. Балки уларга яна нималар кераклигини ўзларидан сўраб билармиз. Мен бу ерда асло қўл қовуштириб ўтира олмайман. Ахир бу хайрли иш-ку! Гап буюк Мирзо Улуғбекнинг меросини ўрганиш ҳақида бораёттир. Ул зотнинг оламшумул кашфиётларини бутун дунё аҳли билади. Шунинг учун олимлар Мирзо Улуғбек ҳайкалини Самарқанд шаҳри марказида ўрнатиш таклифини киритишибди. Мана қаранг, Муҳиддин полвон дўстим, яна нималар ёзилган. - Олимхон яна газетани очди. - Петербургдаги Рус археология жамияти ҳузурида Улуғбек ҳайкали учун ҳайр-эҳсон тўплаш кўмитаси тузилибди. Рус Жўкрофия жамиятининг Тошкентдаги Туркистон бўлими ва бошқа илмий ташкилотлар томонидан ҳам бу ташаббус қўллаб-қувватланмоқда. Сикора исмли астроном "Улуғбек ўзидан аввалги тадқиқотчиларга нисбатан бағоят мукаммал бўлган юлдузлар жадвалларини яратгани туфайли ҳам буюқдир", деб ёзибди. Тасанно, хорижликлар буюк алломамизга шундай таъриф берибдилар.

Олимхон шунчалар хурсанд эдики, агар иложи бўлганида эртага эмас, ҳозироқ йўлга чиққиси келаётгани тансоқчидан яшира олмасди.

- Шаҳзодам, Самарқандга шахсан ўзингизнинг боришингиз шарт эканми? Йўл олис бўлса... Балки мен ёки Тўракул, балки бирор чопар йигит уларга ажратган хайрия пулингизни олиб бориб бериб келармиз. Бунинг устига, Русия тасарруфидаги шаҳарга чегарадан ўтиб боришини хавфсиз деб бўлмайди. Сизнинг хос соқчингиз бўлганим учун буни сизга эслатиш менинг бурчим! - деди Муҳиддин полвон.

- Рус олимлари шунча узоқ жойдан келиб бизнинг ўтмишимиз билан қизиқар эканлар, маҳаллий аҳоли ҳам қўлидан келганича уларга ёрдам бераётган экан, биз томошабин бўлиб ўтира олмаймиз-ку! Ўзим бораман. Шахсан ўша археолог билан танишмоқчиман. Петербургда ўқиган кезларимда қанча рус олимларининг маърузаларини эшиганим боис уларга ҳурматим баланд! - деди Олимхон хонанинг у бурчагидан бу бурчагига бесаранжом юраркан.

- Ҳа! Демак, эрга тонгда йўлга чиқамизми? - деди полвон. Хожасининг феъл-авторини яхши биладиган Муҳиддин полвон, унинг ниятини дарров тушунди. Олимхон шундай одам эдики, бир нимани айтдими, бажармаса қўймайди. Ҳеч ким уни тўхтатиб қола олмайди!

- Албатта! - деди Олимхон.

Эрталаб Олимхон падари бузруквори ва волидаси ҳузурига кириб, оқ фотиҳа олди. Шундан сўнг улар беш киши бўлиб йўлга ҳозирлик кўрдилар. Йўл олис бўлгани учун энг кучли отларни танлашди.

Олимхон ташқари ҳовлига чиқди. Шерикларига, "қани кетдик" ишорасини қилиб, отларга миниши. Отлиқлар Самарқанд сари равона бўлдилар.

Бир пайтлар манғитлар сулоласининг энг нуфузли шаҳарларидан бири бўлмиш Самарқанд сарҳадларини эндиликда оқ подшо аскарлари қўриқлар эди. Бож тўлови ва чегарадан ўтиш қоидаларига тааллукли турли муаммоларни чегарачи аскарлар асосан карvonбошилар орқали ҳал қилишарди. Шаҳардаги аксарият амалдорлар ҳам чор ҳукумати томонидан тайинланган кишилар эди. Рус тилини яхши билган Олимхон хайрия учун ҳам етарли маблағ олгани сабабли улар сафар давомида ҳеч қандай муаммога дуч келмаслиги равшан эди.

Бир неча кундан кейин қош қорайганда Самарқандга кириб келган Олимхон ва ҳамроҳлари шаҳардаги карvonсаройлардан бирига кўндиilar. Аввал шаҳардаги азиз авлиёлар қадамжолари зиёратини режа қилган Олимхон ёнида икки соқчи билан эрта тонгдан отларни эгарлаб саёҳатга чиқди. Улар Гўри Амир мақбарасини, Регистон майдонини айланиб, сўнг шимолий-кунчиқар тарафдаги Бибихоним масжиди сари йўл олишиди.

Жуда ҳашаматли масжид олдида Олимхон отдан тушиб, от тизгинини хос соқчи Муҳиддин полвон қўлига тутқазди, ўзи аввал шу турган еридан, сўнг бироз орқага чекиниб, машхур Бибихоним масжидининг олд кўринишига, нақшу нигорли баланд бетакрор бежирим безакларига маҳлиё бўлиб тикилди. Анчадан бери таърифи тилларда достон бўлган масжиднинг машхурлиги сабабини англашга ҳаракат қилди. Бухордаги бинолар билан ўхшаш ва фарқли тарафларини хаёлан изламоқчи бўлди. Чиндан ҳам Соҳибқирон Амир Темур жанг жадал сафарларида бўлган кезларида сарой маликаси томонидан қурилган бу кўркам бино ҳар қандай тавсифу таърифга сигмас эди.

### 1908 ЙИЛ. КУЗ. САМАРҚАНД. БИБИХОНИМ МАСЖИДИ.

Ўз замонасининг муҳташам ва машхур иморатларидан бири бўлган, Самарқандга сайқал бериб турган Бибихоним масжидига одамлар, айниқса аёллар зиёратга кўп кириб туришарди.

Ўша куни эндиғина ислом динини қабул қилган Надежда ҳам бир гуруҳ аёллар ва қизлар курсовида зиёратни адо этиб, ташқарига чиққанди. У йигирма икки ёшлар атрофида, сунбул сочли, шаҳло кўэли, жуда гўзал, қувноқ ва зукко қиз бўлиб, нўхат гулли кўйлаги, ҳарир рўмоли ва ўзига ярашган оддийгина зеб-зийнатлари билан бошқалардан ажralиб турарди. Дарвоза олдида ўзи тенги икки рус қизи уни уйларига кузатиб қўйиш учун унинг чиқишини кутиб туришарди. Надежда дарвозадан чиққач қўлларини баланд кўтариб, уларга “мен бу ердаман” ишорасини қилди. Улар дарров бир-бирларини топиб олишди. Бу қизлар Самарқанддаги европалик бой хонадонларнинг фарзандлари эдилар. Энсиз соябонли шляпа, оқ тўр зонтик, европалик ёш хонимлар орасида урф бўлган узун, кенг этакли ихчам ва ёрқин рангли кўйлаклари бу қизларга ярашиб турган эди. Қизларолдига чаққон, енгил қадамлар билан етиб келган Надежда бошидаги катта рўмолини олиб, дугонаси ушлаб турган дўпписини бошига кийди. У ҳар қадам ташлаганида унинг сунбулдай, бир оз жингалак узун тилларанг соchlари шундай жозибали тебранардики, бу бетакрор лаҳзалар

мафтунлик денгизига шўнғиган Олимхоннинг хотира кўзгусида, тошга ўйилган сатрлардек, ўчмас из қолдириб, бир умрга муҳрланиб қолди. Ўз ҳаётларидан мамнун бу қизларшўх-шодон суҳбат қилишиб, уйлари томонга йўл олишди. Қизлар ораста кийинишган, бир-биридан гўзал бўлишса-да, Надежда ўзининг ёқимли жилмайиши, жарангдор овози, гавдасига ярашган чаққон ҳаракатлари билан ўз дугоналаридан ажралиб турар эди. Уни узокдан бир кўришда ошиқ-шайдо бўлиб қолган, қалбида эҳтиослар алангаси гурлаган бир йигит, яъни Олимхон Самарқандга нега келганини ҳам унутиб, беихтиёр қизларни ортидан оралиқ масофа сақлаганича кетаверди. Унинг ортидан эса бир оз узокроқдан яна икки киши – Муҳиддин ва Тўракул уч отни етаклаганча, қорама-қора боришарди.

Шу маҳал қизларнинг олдидан уларни атайин кутиб тургандек бир қорачадан келган ўрта бўйли йигит чиқиб қолди. У қизлар билан олдиндан танишлиги сабабли куюққина саломлашиб кўришди. Бу йигит Абу Саид Махсум бўлиб, Надежданинг отаси Василий Лаврентевич Вяткиннинг кўнгилли ёрдамчи - шогирдларидан бири эди. Қизлар у билан биргалашиб, суҳбатлашганча йўлда давом этдилар. Йигитнинг қўлида бир китоб бўлиб, бу Алишер Навоийнинг "Хамса" асари китобини қизларга ўқиб чиқишилари учун олиб келганини айтиб, улардан бирини қўлига тутқазди. Қизлар китобни биргаликда томоша қилиб, яна юриб кетдилар. Улар бироз юрганларидан кейин Махсум қўйнидан шойи рўмолга ўралгантугунни олиб очди. Тугун ичидаги қимматбаҳо тошлар билан безатилган тиллақош ярқираб, қизларнинг диққатини ўзига тортди. Қизлар бир оз тўхтаб тиллақошни томоша қилишди. Шунда қизлардан бири:

– Вой-бў! Буни чиройлилигини қаранглар, роса антиқа эканку? Буни қаердан олдингиз? – деб сўради. Махсум шундай деди:

– Надежда, бу бувиларимдан мерос бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тиллақош – сизга! Менга турмушга чиқасизми?

Томдан тараша тушгандай Махсумнинг бу гапларидан сўнг, Надежданинг дугоналари уларни ёлғиз қолдириш учун қўлларидаги китобни вараклаб, бир неча қадам олдинга юришди. Қизлардан бири иккинчисига маъноли қараб

жилмайиб кўйди. Улар нарироққа бориб, Надеждани кутиб туришди.

Надеждани ҳали ҳам узокдан кузатиб турган Сайид Олимхоннинг юзидағи беғубор табассуми ўрнини Махсум қизларнинг йўлини тўсганидан бери, хавотирлик аломатлари эгаллаган эди. Аммо бу хавотирланиш узоққа бормади. Кўнглидаги муқаддас муҳаббат туйғуси унинг юзига бояги табассумни яна қайтарди. Чунки Надежда йигитни совғасини қабул қилмай, унинг таклифини астойдил рад қилаётган эди.

- Йўқ, қўйинг! Узр, мендан хафа бўлманг Сизга турмушга чиқмайман. Шунинг учун совғангизни ололмайман, – деди қиз. Улар яна йўлларида давом этишиди.

– Надежда, рад этишга шошилманг! Бу тиллақош, отангиз Василий Лаврентьевичнинг айтишларича, ўрта асрларда моҳир заргарлар томонидан энг қимматбаҳо тошлар билан безатилиб, қадимий Самарқанд услубида ишланган экан. Ҳатто бир тарихий асарда ёзилгани бўйича, Амур Темур Бибихонимга атаб буюртма билан тайёрлатган тиллақошлардан бири экан, – деди Абу Сайд Махсум, қиз балки ўз таклифини яна бир ўйлаб кўрар, деган илинжда.

– Отам шундай деган бўлсалар, демак тўғри, тиллақош ҳақиқатдан ҳам бир пайтлар малика Бибихонимга тегишли бўлган. Лекин мен бу совгани сиздан қабул қила олмайман, чунки сизни умидвор қилмоқчи эмасман. Сизга турмушга чиқишга рози бўладиган қизга берарсиз! Айтгандек, тиллақош маликанини бўлса, сиз Темурийлар авлодиданмисиз? – сўради Надежда. Шу баҳонада сухбат ўз-ўзидан бошқа мавзуга кўчди.

– Билмадим, – деди Махсум бироз бўшашган ҳолатда. – Шу масалани аниқлашим учун отангиз ёnlарида яна кўпроқ вақт бўлишим керак! Ахир, аждодларимиз кимлар бўлганини билишимиз муҳим-ку! Бу тақинчоқ оиласизда азалдан бош ўғил фарзанд уйланадиган келинга берилиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган экан. Энди бу анъана ўзгарадиган кўринади. Чунки мен буни сиздан бошқа қизга тақдим эта олмайман. Бу аниқ! Аммо...сиз таклифимни яна ўйлаб кўришингизни мен кутаман. – Махсум оғир юмушни бажаргандан сўнг нафасини ростлаб олмоқчи бўлгандай бир оз жимиб қолди. У, балки Надежда бу сўзларимдан кейин совғани олса керакдир, деган илинжда

қизнинг кўзларига маъюс боқди. Аммо Надежда тақинчоққа бошқа қарамай ўз йўлида давом этди. Йигитнинг у билан ҳайрлашиб ортига қайтишдан бошқа чораси қолмади.

Олимхон енгил тин олиб, яна қизнинг ортидан сездирмай, ҳатто уни йўқотиб қўйишдан ҳам қўрқиб, йўлдан бирор от-ара ва ўтиб қолса ҳам, ўтиб кетишини кутиб, изма-из таъқиб этганча бораверди.

Унинг ортидан бир хил масофани сақлаб келаётган Мухиддин полвон отларнинг тизгинини шеригига бериб:

- Тўракул, сиз отларни олиб карvonсаройга бораверинг! Хос соқчилик вазифасини ўзим эплайман. Бугун, менимча, хожамизни бу қиздан бошқа ҳеч нарса қизиқтирумайди, -деди лабларида табассум билан.

- Хожамиз "муҳаббат дарди"га йўлиқдилар! Энди бир умр бу дардга фақат шу қиз даво бўлади, холос. Бу ишқ дардининг охири баҳайр бўлсин, дўстим! Майли мен кетдим. Аммо шом номозидан кечикмай хожамизни карvonсаройга соғ-саломат олиб боринг. Хожамизни сизга, сизларни Худога топширдим.

У энди қайрилиб кетмоқчи бўлиб турганди, Сайид Олимхон уни имлаб ёнига чақириб қолди.

- Манг, Тўракул, буни олинг! Бояги йигитни кўрдингиз-ми? Хув, ана, қорасини йўқотиб қўймай, орқасидан боринг! Бу пулга қизларга кўрсатган матоҳини сотадиган бўлса, сотиб олинг! - деди-ю, тилла тангалар солинган ҳамённи унинг қўлига тутқазиб, қизга етиб олмоқ учун шошилганича йўлни кесиб ўтди. Бу вақт Надежда кўпrik ёнида кутиб турган дугоналари ёнига етиб келган ва улар энди анҳор бўйлаб юриш учун пастга тушиб кета бошлаган эдилар.

Қизлар ўз уйларига яқин бу жойга тез-тез келиб туришар эдилар. Улар одамлардан холироқ бу сўлим анҳор бўйида катта чинор дараҳтига осилган арғимчоқда учиб, саратон ойларида кийимлари билан чўмилишни хуш кўришар эди. Аммо ҳозир куз бошланиб қолгани учун Надежда дугоналарига:

- Қизлар сув совуқ, куз бошланиб қолди! Чўмиламиз деманглар. Бироз китоб ўқиб, арғимчоқ учамиз, холос. Шогирд қизларга тез қайтамиз деган эдик, -деб эслатиб кўйди.

Қизларнинг ортидан уларга сездирмай кетаётган Олимхон кўпrik ёнида туриб қолган эди. Анҳор бўйлаб уларнинг

ортидан боришни ўзига эп билмади, бунинг устига қизлар ўзини сезиб қолишлари мумкин деб ўйлади. Унинг жонига чўнтағида ҳар эҳтимолга қарши олиб юрадиган бинокл оро кирди. У пайтлар бу матоҳ швейцар соатидек урф бўлган эди. Айниқса театрга кирилганда жуда керак бўлган. Олимхон биноклдан фойдаланиб, Надежданинг китоб ўқиётганини, дугоналарининг эса арғимчоқ учишаётганини олисдан бўлсада кўриб турди. У қизларни нариги тарафдан кетиб қолишидан чўчи迪. Ахир ҳали қизнинг исмини ҳам билмас эди. Ниҳоят қизларнинг қайтаётганини кўриб, юрагига таскинлик югорди.

Анҳор кўприги ёнида қизларни кутиб турган Сайийд Олимхон ниҳоят ўзида журъат топиб, уларга сўз қотди.

- Салом, қизлар! Агар мумкин бўлса, сизлардан бир нимани сўрамоқчи эдим, майлими? - деди у Надеждадан нигоҳини узмай.

- Ҳа, майли, сўрай қолинг! - деди Надежда.

- Биз сизнинг шаҳрингизга Бухородан келган меҳмонлармиз. Бизга Вяткин тўра керак эдилар. Уйлариними, иш жойлариними кўрсата оласизларми? Айтишларича шу атрофда экан, - дея сўради Олимхон одоб сақлаганча.

- Вой, Василий Лаврентьевичми? У киши менинг отам бўладилар! - деди қиз ҳайрон бўлганича. Унинг бу сўзларини эшигтан Олимхон ич-ичдан хурсанд бўлди. "Тасодифни қаранг, - Олимхон кўнглидан ўтказди, - қизнинг отаси кимлигини билиб олдим, Оллоҳга шукур!"

Надежда самимий, очиқ чехрали қиз экан, яна мулоzамат қилди:

- Юинглар, бўлмаса. Демак, бизникига борар экансизлар. Уйимиз ҳақиқатдан ҳам бу ерга яқин жойда. Сир бўлмаса айтинг-чи, отамда нима юмушингиз бор эди? - деди у меҳмонга одоб ва қизикувчанлик билан тикилар экан.

- Газетада у кишининг Самарқандга келганликлари, археологик қазиашма ишлари натижасида Улубек расадхонасининг жойлашган ўрни аниқланганини эшитиб, бу савобли ишларда бизга ҳам бирор хизмат бормикан, деб сўрагани келдик. Бор гап шу... - деди Олимхон.

Улар йўлда кетар эканлар Олимхон бошқа бир сўз айтишга ботина олмади.

- Мана, уйимизга ҳам етиб келдик, - деди Надежда ва дарвоза эшигини очиб, меҳмонларни ичкарига таклиф қилди. Олимхон русларнинг меҳмондорчилик таомилидан хабардорлиги учун тортиниб ўтирамди

Дарвозадан кирганларида русларнинг урф-одатига кўра, ҳовли супаси ўртасида стол-стуллар кўйилган экан.

- Қани, меҳмонлар, марҳамат қилиб ўтиринглар! - кейин онасига мурожаат қилди. - Мама, у нас гости! (Оий бизникига меҳмонлар келди). У онаси билан рус тилида гаплашди.

Надежда ойисини чақириб, меҳмонларнинг нега келганини тушунтира кетди ва Муҳиддинга юзланиб, ҳовлининг нариги томонида отлар боғланадиган жой борлигини кўрсатди. Ўзи ичкарига кириб кетди ва ҳаял ўтмасдан патнисда ширинликлар олиб чиқиб, меҳмонлар олдига кўйди. Онаси Елена хоним ҳам чаққон аёл экан, шу орада дарҳол бир чойнакда чой ва пиёлалар олиб чиқишга улгурди. Лекин меҳмонлар рўзадор бўлганликлари сабабли ўз узрларини айтиб, чой ва ширинликларга қўл узатишмади.

Елена хоним кутилмаган меҳмонлар зерикиб қолмасликлари учун улардан ҳол-аҳвол сўраб суҳбатлашиб ўтирди. Олимхоннинг рус тилида гапира олиши суҳбатни қизитиб, хоним уни оиласи билан таништириди. Маълум бўлдики, хонимнинг уч қиз ва бир ўғил фарзандлари бўлиб, Надежда тўнғичи экан. Сайийд Олимхон Елена хонимга одоб доирасида саволлар бериб, бу қиз ҳақида анча маълумотларни билиб олди.

Надежда болалигидан рус миллий каштачилик санъатига қизиқар, бу соҳа сирларини яхшигина эгаллаган экан. Қобилиятли бу қиз тенгдошларига нисбатан тиришқоқ ва синчковлиги боис эрта савод чиқариб, хатто отасидан араб алифбоси бўйича яхшигина сабоқ олишга ҳам улгурибди.

Тақдир тақозосига кўра, отаси Шарқнинг энг қадими, бой тарихига эга Самарқанд шаҳрига ўз археологик фолиятини давом эттириш учун оиласи билан кўчиб келганди. Бу ерга келганларидан бери тиниб-тинчимас Надежда маҳаллий қизжувонлар билан тезда тил топишиб, улардан миллий каштачилик сирларини ўрганиб олди. Сўнг рус ва ўзбек анъанавий миллий каштачилик йўналишини уйғунлаштириб,

каштачиликнинг янги бир услубини яратди. Тезда бу услубнинг ишқибозлари ҳам, уни ўрганишга ҳавасмандлар ҳам кўпайди. Маҳаллий каштасилар Надеждадан янги услубни ўргана бошлаган эдилар. Услуб моҳияти шундан иборат эдики, масалан, дастурхон бичими шарқда хонтахтага мўлжал қилиб, фақат тўртбурчак шаклда тикилган. Европада доира шаклдаги столлар бўлгани учун, тўртбурчак дастурхонни ишлатиб бўлмас экан. Доира шаклдаги дастурхонликлар, бунинг устига безаклари ҳам шарқ маданияти, ҳам Европа маданияти уйғуналиги билан тикилганлиги харидоргир бўлган. Қизиқувчан қиз-жувонларни шогирдликка олган Надежда уларга ўз билимларини астойдил ўргатиб борди.

Надежданинг рангларни дид билан тўғри танлай билиши, Шарқ ва Европа усулларидан бирдек фойдаланиб чизган нақшлари стол устидаги ўзи тиккан каштали дастурхондан ҳам билиниб турган эди. Шу кунларда бир неча маҳаллий ёш қизлар бу хонадонга келиб, ундан сабоқ олишаётган экан.

Дастурхондаги кашта билан тикилган араб алифбосидаги ёзувлар ҳам жуда чиройли, нафис ва бехато ёзилган эди. Олимхон Елена хонимдан:

- Кечирасиз, Елена хоним, гапларимни синчковликка йўймасангиз, айтингчи, қизингиз мураккаб араб ёзувларини қандай қилиб, кимдан пухта ўрганиб олган? –деб сўради. Чунки ёшгина рус қизининг бехато ва бежирим тиккан ёзувларидан қойил қолмасликнинг иложи йўқ эди. – Бизнинг маҳаллий қизлар ичida иқтидорлilari балки кўпdir, аммо ота-оналари уларнинг ўғил болалардек охиригача ўқишини ҳоҳлашмайди!

- Биласизми, Надюшамиз болалигидан ҳар нарсага қизиқувчан бўлиб улғайди. Бу сифатлари билан отасига тортган шекилли. У янги мактабларда дарс бериши мумкин, маълумоти ҳақида хужжати ҳам бор. Бошқа фарзандларим ҳам шунаقا тиришқоқ бўлиб ўсишди. Менимча, бунда оталарининг роли кўпроқ. Дарвоqe, меҳмон, ўзингиз ҳам рус тилида яхши гаприрап экансиз. Буни қандай, кимдан ўргангансиз?

Олимхонга Надежда ва унинг оиласи ҳақида кўпроқ нарсаларни билишни истаётгани учун, унга бу сухбат кўл келаётган эди. У хонимнинг саволини жавобсиз қолдирмади.

- Мен уч йил Санкт-Петербургда кадетлар мктабида ўқиган эдим, - деди ўзининг рус тилни яхши билишини хонимнинг эътироф этганидан мамнун бўлган Олимхон.

Шу пайт кимдир дарвозани тақиллатди ва уларнинг сұхбатини бўлди. Эшикка қарагани чиққан Елена хоним тезда изига қайтиб:

- Меҳмон сизни сўрашяпти, шеригингиз экан. Кираверинг, десам, кўнмади. Тортинчоқлик қилди шекилли кирмади, - деди.

Олимхон ўзи дарвоза олдига чиққанида отнинг тизгинини ушлаб турган Тўракулга кўзи тушди.

- Бу ерни қандай топдингиз? Нима гап? - сўради Олимхон.

- Сизни, археологнинг уйига келгандирсиз, деб ўйлаб, Вяткиннинг уйини суриштириб келавердим. У кишини кўпчилик танир экан, уйларини кўрсатиб юборишиди. Тўгриси бояги Йигитнинг исми Абу Саид Махсум бўлиб, ўша қизни Вяткиннинг қизи деди. Хожам, энг муҳими топшириғингизни бажардим! Мана, ўша айтган матоҳингиз, тиллақош экан.

У кўйнидан шойи рўмолга ўралган тиллақошни хожасига топширди. Олимхон уни бир зум томоша қилиб, яна ўраб кўйиб, ўз кўйин чўнтағига солди. Тўракул бўлган воқеани батафсил сўзлаб берди:

- Ўша Йигитнинг ортидан қорама-қора юриб кузатиб бордим. Махсум майхонага кириб, қиз таклифини рад қилгани сабабли аламидан ичган шароби учун гаровга ўз тиллақошини қўймоқчи бўлди. Муҳаббати рад қилинишини кутмаган бу йигитнинг ёнида ҳамёни бўлмаганига қараганда, бугун унинг шароб ичиш нияти ҳам бўлмаган. Тушкинликка тушган аламзада йигитга оз бўлса ҳам ёрдам бериш мақсадида, майхона хўжайинига, унинг шароб пулинини тўладим. Миннатдорчилик сифатида Махсум менга дардини тўкиб солди. Сўнг унга тақинчоқни сотишни таклиф қилдим. Аввалига унамади, "Хожам буни ўша қиз учун сотиб олишимни буюрганлар", деганимдан кейин: "барибир мен буни бошқа қизга тақдим эта олмайман", деб кўймоқчи бўлди. Аммо, "бунинг тошлари энг қимматбаҳо, асл тошлар", деб фикридан қайтди, бермай тураверди. Ёнимдан яна бир ҳамён олтин қўшдим. Яна унамади. "Устоз Вяткин бир қўлёзма китобда бу тиллақошнинг суратларини кўрсатиб, Бибихоним учун шахсан амир Темур

буортма берган эканлар деб исбот қилдилар” деди. Яна бир ҳамён олтин бериб, “бундан ортигини берадиган харидор топа олмайсиз” деган эдим, охири “сиз ҳақсиз буни күрмайин ҳам, куймайин ҳам” деб тиллақошни мени күлимга тутқазди. Олдиму, шу ёққа келавердим.

- Раҳмат, кўп савоб иш қилибсиз! Сиздан бошқа киши бу ишни уддалай олмас эди. Майли, сиз карвонсаройга бораверинг, ҳали замон Вяткин тўра билан учрашиб ортингиздан борамиз. Бозордан энг сара гуручдан олиб, Бухоро софи-ошига урнангиз! Кечаги савдогар ошналарни ош билан сийлайлик.

Сайийд Олимхон Тўракулга топшириқ бериб юбориб, яна жойига келиб ўтирди. Дастурхонга патнисда мевалар келтиришди. Худди шу лаҳзаларда Василий Лаврентьевич ҳам келиб қолди. У киши машхур олим бўлишига қарамай оддийгина кийинадиган, ориқдан келган, камтар, аммо жуда илмли ва мулоҳазали инсон эди. Унга пешвоз чиққан Елена хоним меҳмонлар кимлигини маълум қилгач, мезбон чехрасиги ҳорғинлик аломатидан асар ҳам қолмади.

- Э-э, меҳмонлар, хуш келдингиз, кўп кутиб қолмадингизларми? - деди у келганлар билан илиқ саломлашиб сўрашаркан. Василий Лаврентьевичнинг деярли бўш вақти бўлмаса ҳам, кейинги кунларда хонадонига меҳмонлар тез-тез келаётганига анча кўнишиб қолган эди. Бу шаҳарга кўчиб келганларидан бери самарқандликлар илм ва тарих борасида ўз аждодларидан мерос бўлиб қолган қадимий буюм, танга ёки китоблар тўғрисида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топиш мақсадида келиб туришарди. Айниқса Улуғбек расадхонасининг жойи аниқланиб, қазиш ишлари бошлангани ҳақида газетада эълон чиққанидан буён келадиган кекса-ю ёшларнинг кети узилмай қолди.

Василий Лаврентьевич ва меҳмонларнинг сұхбати тезда қовушиб кетди. Олимхон рус тилида бемалол сўзлай олиши, маъноли ва мантиқли гаплари, ёқимли сўзлаш оҳанги билан Вяткиннинг хурмат ва эътиборини қозонди. Олимхоннинг расадхонани қазиш ишларига ҳомийлик ёрдами кўрсатиш мақсадида шунча йўл босиб Самарқандга ташриф буюрганини билгач, Вяткиннинг унга хурмати янада ортди.

Аммо ҳозир Олимхонни бундан-да муҳимроқ ўз тақдири билан боғлиқ шахсий масала қизиқтираётган эди. Бу шундай кечиктириб бўлмайдиган, темирини қизигида босмаса, амалга ошмайдиган нозик масала бўлгани учун Олимхонни дадилроқ бўлишга чорлаётганди. Бу ишни ҳозир қилмаса, кейин кеч бўларди. Шунинг учун у Елена хонимдан дастурхон бошига Надеждани чорлашни илтимос қилди. Елена хоним бунга асло эътиroz билдирамди.

- Лаббай ойи, келдим, чой тугаб қолдими?, - назокат ва ҳаё билан сўради онасининг сўзини икки қилмасдан келган Надежда. У онаси индамаганига бир онаси, сўнг отасига қараб яна сўради - Бирор юмушингиз борми?

Шунда Олимхон дилидагиларини тилига чиқариш учун ҳозир айни вақти келгани сабабли, гарчи қалбининг туб-тубида ўз миллати маданиятига, анъаналарига хос одоб ва андиша туйгулари устунлик қилаётган бўлса-да, ўрнидан туриб, ўтирганларнинг эътиборини ўзига қаратди. Аммо улар Олимхоннинг нима учун ўрнидан турганини тушунмадилар. Чунки бир неча лаҳзадан сўнг бу даврада нималар рўй беришини ким билиди, дейсиз?

- Ҳурматли Василий Лаврентьевич... - Вяткин Олимхоннинг юзига ялт этиб қаради. - Мени маъзур тутинг. Дилимда бир эзгу ниятим бор эди. Буни ҳозир, шу ерда айтмасам бўлмайдиганга ўхшайди... - деди Олимхон ерга қараганича. Унинг сўзларида осон илғаса бўладиган самимийлик бор эди. - Мени маъзур тутинг, Василий Лаврентьевич, ҳурматли Елена Александровна, мен сизларнинг розилигингиз билан қизингиз Надежданинг қўлини сўрамоқчиман!

Илк марта хонадонларига ташриф буюрган эндинга таниш бўлган бу йигитнинг журъат ва жасорат билан ушбу сўзларни айтишни уddaлаши Надежда ва унинг ота-онасининг хаёлига ҳам келмаган эди. Шунинг учун вазиятнинг бундай тус олиши, ҳамманинг сукут сақлаб туришига сабаб бўлди.

Бу сукунатдан сўнг Олимхон боя Тўракул келтириб берган тиллақошни чиқариб, стол устига Надежда томонга суриброқ қўйди ва одоб юзасидан шундай деди:

- Албатта, ҳозир жавоб беришингиз шарт эмас. Ўйлашиб кўришингиз керак, тушунаман. Аммо шуни билишларингиз

керакки, мен уни ёқтириб қолдим ва уни албатта баҳтли қиласаман. Түғри, Надежданы учратгунимга қадар шарқона қадимий қоидаларга амал қилинганды ҳолда, менинг никоҳимда шартый иккى аёллар, лекин қизингиз менинг сүнгги ва ўз муҳаббатимга кўра никоҳимдаги ягона аёл бўлиб қолади. У менга турмушга чиқганидан кейин ҳаётимда бошқа бирор қиз ёки аёллар бўлмаслигига, уни асло ҳафа қилмасликка сизларнинг гувоҳлигингизда ваъда бераман.

Бу сўзларни Сайийд Олимхон соф рус тилида ва ишонч билан айтди. Ота-онаси қизини кўнглига қараб ҳали ҳам индамай тургандари учун Надежда, ўзи жавоб беришга қарор қилди:

- Йўқ, мен ҳали турмушга чиқмоқчи эмасман! Нима, келишиб олганмисизлар? Менга бугун бу тақинчоқни иккинчи марта, яна айнан уйланиш ниятида совға қилишяпти. Ҳафа бўлманг-у, бу совғани сиздан ҳам олмоқчи эмасман. Бошқа аёлларингиз бор экан, улардан, балки яна бошқаларидан баҳшидамни рашк қилиб юриш ниятим йўқ! - деб совғани Олимхон тарафга суреб қўйди.

Олимхон бўш келмади.

- Надежда, - деди у қатъият билан - ота-онангиз ва дўстим олдида ваъда бераманки, сизга уйланганимдан кейин бошқа аёлларга менинг ҳаётимда, қалбимда ўрин бўлмайди. Севимли аёл сифатида сиз ҳеч қачон рашк аламига дуч бўлмаслигинга кафолат бераман. Бу совға ҳам сизга иккинчи марта тақдим этилаётган экан, демак, у сизнинг тақдирингизда ёзилган экан. У сизнида менга турмушга чиқишингизни сўраб тураверади. - Шу сўзлардан сўнг уй соҳибига юзланди. - Хурматли Василий Лаврентьевич, бизга рухсат берсангиз! Эртага археологик ишларингиз билан танишмоқчи эдик, мени кечиринг, агар тўғрисини айтсан, аслида фақат хайрия масаласида келган эдик... Оллоҳга шукурки, муҳаббат дарди менинг ҳам пешонамга ёзилган экан.

Шундан сўнг мезбоннинг изни билан меҳмонлар Вяткиннинг хонадонини тарқ этишиди.

Надежда шогирд қизларининг ёнига кирди. Унинг кўлида китоб ва Олимхоннинг ҳозир қолдириб кетган совғаси бор эди.

- Қизлар, келинглар, Навоийнинг "Хамса"сини олиб келган эдим, менга жуда яхши, деб таърифлашган эдилар, сизларга ҳам албаттга ёқади, - деди.

Аслида у бояги йигит ҳақидаги ўй-хаёлларини машхур китоб мutoаласи билан chalғishini истаётган эди. Қизлар ўзлари учун ҳамиша қизиқарли ушбу китоб номини эшитишлари биланок, игна-ипларини жойига қўйиб, Надежданни ўраб олишди.

\* \* \*

Эртаси куни бу хонадонга яна ташриф буюрган Олимхон қулай фурсат топиб, қиздан кечаги хатти-ҳаракатлари учун узр сўради:

- Надежда, мени маъзур тутинг! Дил изҳоримни аввал сизга айтиб, розилигингизни олгач, ота-онангизга билдирмаганим учун! Ота рози - Худо рози, дейишади. Бизнинг одатимизга кўра, сизнинг қўлингизни сўрашим учун аввал уларнинг олдидан ўтишим керак эди-да ахир! Бизни юртимизда ёшлар фақат отоналар розилиги билан турмуш қурадилар. Бу яхши албатт, агар ёшларнинг иккиси ҳам ўз тўйларига қарши бўлмаса. Аммо, афсуски, аксарият ҳолларда қиз боланинг фикри билан қизиқмайдилар. Шунинг учун мамлакатимда бу нозик масалада қилинадиган ишлар жуда кўп! Насиб бўлса, сиз менга қилинажак янги ислоҳотларда кўмак бергувчи бўласиз! Ҳа, сизга яна шуни айтмоқчи эдимки, менга турмушга чиқишга сиз қаочон рози бўлсангиз, шундагина никоҳ маросими - тўй бўлади. Розилигингиз мен учун жуда муҳим. Ҳўш, узримни қабул қиласизми?

- Майли, узрингизни қабул қилдим. Ҳа, Самарқандда бугунги кунингиз қандай ўтди? - деб сўради Надежда мавзуни ўзgartириб.

- Жуда яхши! Очиги, Самарқандга атиги икки кунга келиб, қадамжоларни зиёрат қилгач, отангиз билан танишиш ва у кишининг Улугбек расадхонасида хайрия ишларига имконим қадар моддий кўмаклашиш ниятида эдим. Газетада шаҳарнинг хушманзара жойларидан бирига хайрия йўди билан Мирзо Улубек ҳайкалини ўрнатиш таклиф этилган экан. Мен ҳам ҳомийлардан бири бўлиш орзусини дилга туккан эдим. Аммо

отангизни айтишларича, ҳайкал қурилиши хужжатига губернатор ва ҳатто бир неча маъмурлар томонидан имзо қўйилиши негадир кейинга қолдирилибди. Майли, кутайликчи! Омон бўлсак, бу холис ниятимизга етишнинг уддасидан чиқармиз! Дарвоҷе, мен оиласизни Бухорои шарифга таклиф қилдим. Шаҳримизда ҳашаматли меъморий обидалар, муқаддас зиёратгоҳ, қадимий кўлёзма китобларга бой кутубхоналар жуда кўп. Арк қўргони олдида ҳайит айёмига бағишлаб қизиқарли томошалар бўлади. Отангиз қурбон ҳайити байрами арафасида Бухорога оиласи боришни маъкул кўрдилар. Албатта, сиз ҳам боринг, азиз меҳмонларим бўлишингизни сабрсизлик билан кутаман! – деди Олимхон.

Надежда йигитни самимий таклифига розилик билдириди. Улар хайрлашгач, қиз шогирдлари ёнига қайтди.

– Қизлар, бўлинглар, чаққон ишлашимиз керак! Бугун рўзанинг охирги куни, ифторликкача ишлаймиз холос! Эртага ҳайит муносабати билан ишламаймиз. Ҳаммамиз Регистон майдонида нишонланадиган байрам томошала-рига борамиз, тайёргарлик кўрингиз!

Ҳайит куни эрта тонгда дарвоза тақиллади. Надежданинг ҳовлисига тўрт киши бир қанча совға-саломлар олиб келишган эдилар. Ҳовлига киргач меҳмонлардан бири:

– Бухоро амири Абдулаҳадҳон ўғли, валиаҳд шахзода Сайид Олимхон жаноби олийларидан, Надежда хоним Александровнага ушбу совға-саломлар ҳайит айёми муносабати билан инъом этилди!—деди тантанали равишда. Унинг шериклари ортидан кетма-кет кириб қўлларидаги совғаларни уй соҳибасига топширишди.

Курбон ҳайитида Надежданинг оиласи Карманага меҳмонга келишди. Сайид Олимхон бўлажак қайнотасини ўзининг отаси Амир Абдулаҳадҳон билан танишитирди. Учинчи никоҳига отасидан изи сўраб, тўйга розиликларини олди. Кудалар маълум вақтдан кейин, яъни баҳорда тўй маросимини Аркда ўтказишга келишиб олдилар. Сайид Олимхон бу ўлкада байрамлар қандай нишонланиши, урф-одатлар, кутубхоналар, тарихий обидалар, зиёратгоҳ жойларини кўрсатиб, маҳаллий аҳоли учун қадрли бўлган бу жойларга изоҳ берди, меҳмонлари фикрини ҳам сўраб, ўзининг ажойиб меҳмондўстлиги билан бу

оиланинг ва айниқса Надежданинг хурматини қозонди. У, Надежда қисқа вақт ичида Самарқандга меҳр қўйиб ултурган экан, албатта Бухорони ҳам ёқтириб, бир умрга ўзининг ёнида қолиб, севиб қолиши ва суюкли рафиқаси бўлишини астойдил ҳоҳлади. Олимхон ниҳоят ота-оналар қуда бўлиш ниятида, тўй кунини белгилапгандарида, сездирмасликка уринса-да, бениҳоя хурсанд эди. Шу билан бирга у, келажакда севимли рафиқаси билан кувончли воқеаларга бор турмуш куришларини, фарзандлари камолини биргаликда кўрмоқликларни оллоҳдан тилаб, ширин орзуларга берилган эди.

### 1909 ЙИЛ ЭРТА БАҲОР.

Саройда Бухоро валиаҳд шаҳзодаси Сайид Олимхоннинг никоҳи маросими учун белгиланган кун келди. Базм тантанаси учун Аркнинг "маросимхона" бўлимида тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Бу базмтантанасига Самарқанд ва Бухоронинг энг обрўли инсонлари аёллари билан таклиф этилгани боис, алоҳида тайёргарлик кўрилмоқда эди. Тўйга келадиган меҳмонлар нафақат маҳаллий аҳолининг казо-казолари, балки европалик меҳмонлар, кудалар, Самарқанд шахри губернатори, бир неча археологлар, тижоратчи ва элчилар ҳам бор эдики, базмгоҳ безатилишида ҳам шарқона, ҳам Европа услубида энг ҳашаматли усуллардан фойдаланиш Амир Сайид Абдулаҳадхон томонидан буюрилган эди. Ҳатто бу вазифаларни қойилмақом қилиб бажарадиган махсус хорижлик кишилар буюртма асосида ёлланган эдилар. Майдонга бир неча каттагина айлана шаклдаги ёғоч столлар, стуллар кўйиб чиқилди. Бежирим кашта гуллари, хошиясига билур мунҷоқлар тикилган оқ рангдаги дастурхонлар столлар устига ёпилди. Стуллар оқ матодан тикилган филофлар билан безатилди. Ҳамма ўз вазифасига кўра елиб-югуриб шоҳона тўй тадбири учунхизмат қилмоқда. Бир томонда ошпазлар ўз вазифалари билан банд, иш бошқарувчининг кўрсатмалари бўйича дастурхон ниҳоятда дид билан безатилмоқда эди. Мулозимлар орасидаги рус миллатига мансуб тажрибали бош ошпаз ҳам бўлиб, барча тайёргарлик ишларини бошқаради. Европа чиннилари, билур қадаҳлар, тилла суви югуртирилган

санчқи ва пичоқлар, қошиқлар дастурхонга дид билан қўйиб чиқилмоқда эди.

Маросим тантанаси учун танланган жой тўридаги саҳна бироз баландроқлиги сабабли ҳаммага бирдек кўриниб турарди. Саҳна ёнидан майдонни teng иккига ажратадиган қимматбаҳо ипак гиламлардан фойдаланиб тикланган "девор" майдоннинг аёл ва эркаклар қисмини ўша давр урф-одатига кўра бир-биридан алоҳида ажратиб турган. Лекин икки томондагилар ҳам бир хил саҳна кўринишларини томоша қила олиши бу тўй муносабати билан янгилик эди. Аёллар ва эркакларнинг бирдек тўй маросимидағи томошалардан баҳраманд бўлишлари амирликда биринчи марта бўлаётган эди. Ахир, рус қизини никоҳга олишни ҳам шаҳзода Сайид Олимхон манғитлар суоласи тарихида биринчилардан бўлиб бошлиётган эди. Ўртадаги гилам "девор"нинг саҳнага яқин қисмидан кичик бир маҳсус эшик қолдирилган бўлиб, у орқали мулоғимлар икки тарафга ўтиб-қайтиб, меҳмонларга бирдек хизмат кўрсатишарди. Маросимхонанинг қуий қисмидаги маҳсус деворнинг икки тарафидаги кириш қисмидан ўнг томонга эркаклар, чап томонидан аёллар ичкарига таклиф қилинди. Самарқанддан келган меҳмон аёлларнинг аксарияти рус аёллари эди. Улар шарқона усулдаги тадбирларга аввал ташриф буюрган бўлсаларда, айни пайтдаги Европа усулларидан ҳам фойдаланиб, дид билан безатилган маросимхонани кўриб қойил қолдилар. Ичкари ҳовлининг аёллари: шаҳзоданинг волидаси, бир неча қизлари, шунингдек турмушга чиқсан қизлари ҳам баҳшидалари билан турли шаҳарлардан келиб бу маросимида иштирок этаётгандилар. Олимхоннинг никоҳидаги икки аёли ўз канизаклари билан айлана столлар атрофида виқор билан ўтирибдилар. Улардан кейин эса жориялар, қизлар, амалдор ва зодагонларнинг аёллари тантанали равишда кутиб олиниб, ўз жойларини эгаллашди. Бугинги тўй деярли барча аёллар учун кутилмаган тарзда ажабтовур эди. Чунки ёнма-ён турган столдаги аёллар кийинишлари, ўзларини тутишлари, тил ва сўзлашлари, ташқи кўринишлари билан бир-биirlаридан фарқ қилишарди. Аёллар ўзларини ҳар қанча сипо тутиб, бу тафовутни билдири маслика интилсаларда, барибир осонгина сезилиб қолди.

Кимнидир бирор тақинчоқ қизиқтирса, кимнидир санчқини ишлатиши ёки одатдагидек пиёла ўрнига билур қадаҳда шарбат ичиш кераклиги аёлларнинг бир-бирларини кузатиб туришларига сабаб бўлиши мумкин эди. Бирор хатолик қилишдан ҳайиқсан баъзи қизлар тортинчоқлик билан дастурхонга қўл узатмай, сиполик йўлини тутганиларича фақат ҳофизларнинг кўшиқларини тинглаш, раққосаларнинг хиромини кузатиш билан кифояланишарди.

Гиламлар “девор”ининг нариги тарафида айни вақтда Самарқанд губернатор, Олимхоннинг отаси, В.Л.Вяткин, унинг ёнида яна бир неча археологлар, шогирдпешалар, элчилар, сарой аъёнлари, Сайийд Олимхоннинг бошқяқинлари, яна икки оиласнинг қадрли меҳмонлари куюқ зиёфат билан бандлар. Уламолар, сарой аҳли ўз мавқеларига кўра айлана стол атрофида ўтиришибди.

Олимхоннинг отаси Амир Абдулаҳадҳон Музаффархон ўғли Бухоро услубидаги шохона зардўзи тўн ва амирлик рамзи бўлмиш тож кийиб тўрда ўтирганди. Унинг ўнг томонида валиаҳд ўғли, айни вақтда куёв бўлмиш Сайийд Олимхон оқ парча тўнда, ёқут тошлар билан безатилган салласи, кумуш узуги, белбоғидаги ханжари билан бошқалардан ажралиб турарди. Дастурхондаги тансиқ таомлар, кумуш идишларда мевалар, Русиядан келтиридган шиша идишлардаги шароб ва май ичимликлари ҳар қандай кишининг иштаҳасини карнай қилгудек эди. Аммо ортиқча тўкин-сочинликка ҳам йўл қўйилмаган бўлиб, меъёрга ҳам амал қилинган. Саҳнада ҳам маҳаллий, ҳам европалик санъаткорлар чиқишлирага тенг навбат берилиши амирнинг бағрикенглигини билдиради. Базмда бир раққосанинг қиличдан фойдаланиб кўрсатган арабча рақси барчани лол қолдирди.

Аёллар томондаги давранинг тўрида волидаи Мукаррама кўк рангли либосда, зумрад кўзли тақинчоқлар ила музайянланиб, энг жозибадор тиллақош тақсан ҳолда виқор билан ўтирибди. Ёнида қизлари, маликалар, келинлари бир айлана стол атрофида жам бўлган эдилар. Унинг ўнг томонида Надежда бошида келин шарфи билан маҳаллий русмларга амал қилмоқда: уни илк бора кўраётган хонимларга ўрнидан туриб “келин салом” одати бўйича, қўлини кўксига қўйганча таъзим

бажо қилиб турди. Мөхмөн хонимлар табриклариға ташаккур маъносида бош эгиб қўяди.

Волидаи Мукаррама ҳамма тўплангач, янги келиннинг исми бундан бўён Моҳларойим деб аталишини маълум қилди. Надежда ва унинг яқинлари бунга эътиroz билдиrmади. Келин барчадан гўзалроқ ва мафтункор: зебу зийнатли, оқ рангли кўйлагининг этаклари ерга теккудек узун қилиб тикилган бўлса-да, қоматига мос, айниқса Олимхон ҳадя қилган тиллақош шарф остидан тақилган бўлса ҳам жуда жозибали кўринарди. Тиллақошни қимматбаҳо асл тошлардан ясалган эканлигини заргарнинг аёли бўлганлиги учун фарқлай олган меҳмонлардан бири ёнидаги аёлга:

- Биласизми? Келинни тиллақоши нақ бебаҳо, ҳатто бир неча аср олдинги заргарлар томонидан ишланган, баҳшидам заргар бўлганлари учун фарқлай олман, - деб шипшишиб кўйди.

- Робияхоним, хабарингиз йўқми? Баҳшидам Содик карвонбоши айтдилар. Бу тиллақошни малика Бибихоним тақсан эканлар. Темурийлар авлодидан бўлган бир йигитдан Олимхон шаҳзодамизнинг дўсти Тўракул нақ уч ҳамён олтин тангага сотиб олибди экан, - деди пастроқ овозда, ёнидагиларни эътиборини ўзларига қаратмаслик учун.

Надежданинг ёнида келин дугона сифатида бир рус қизи, ундан кейин Олимхоннинг икки аёли ва бир неча жориялари ўз шаҳзодаларининг ёшига муносиб жой эгаллашган, яъни катта шаҳзоданинг онаси, ундан кейин кичикроқ шаҳзодаларнинг оналари, уларнинг кийимлари ва тиллақошлари ҳам даражаларига қараб танланган эди. Аммо улар бир-бирларига бўлган рашк изтироби туйғусини яширишга қанчалик уринишмасин, буни дастурхон атрофидагиларни англаши қийин эмас эди. Куёвнинг иккинчи никоҳидаги аёли бўлмиш Гулсарабегим янги келинни ҳеч хушламаётган эди. Олимхоннинг кичик синглиси Муаттарбону:

- Кўрдингми, шаҳзодага турмушга чиқишининг оқибатини? Бир умр рашк оловида ёнасан! Мен асло шаҳзодага турмушга чиқмайман! - дея ёнидаги дугонасининг қулоғига секин шивирлади. У ўн етти ёшда, гўзал ва бирмунча илмли, чевар қиз эди. Шафтоли гули рангидаги ўзига ярашган хушбичим кўйлагини акасининг тўй маросимиға атаб тиккан эди.

- Тақдирдан қочиб бўлмайди, деганлар. Сен маликасан, балки сенинг кўнглингга қараб турмушга беришар! - деди дугонаси. Бу канизак қиз, одатга кўра, бошқа канизаклар каби орқада, Муаттарбонунинг елкаси узра қўл қовуштирганича, тикка турган эди.

Бир неча қиз ўзларига ёққан мусиқага эркаклар томон кўринмайдиган саҳнада бир-бирлари билан рақсга тушишди. Базм охирлаб, дастурхонга дуойи фотиҳа ўқилди. Меҳмонлар бир-бир тарқала бошладилар. Келинни ўз хонасига олиб кетишли. Волидаи Мукаррама қизига “кетдик” ишорасини қилди.

- Волидам, акамга зардўзидан тўқиб, камар тикдим. Қаранг, шуни берсам деган эдим, майлими? - малика Муаттарбону рўмолда ўраб қўйган, акаси Олимхонга аталган совғасини очди. Камар жуда нафис тикилган эди.

- Майли, бериб келақол, акангни ёнида одам кам қолди, шекилли. У қизини кутиш учун яна ўрнига ўтириб олди. Малика ўртадаги дарчага бораётиб, шатранж олиб кетаётган жорияни тўхтатди.

- Менга берақолинг, ўзим киритаман.

Шундай деб, тиллақоши тагидан бошига ташланган ҳарир рўмол уни билан юзини тўсиб, бир четини тиллақошдаги илгакка илишни унутмади. Кичик дарча эшигини тақиллатди. “Киринг” дейилгач:

- Ассалому алайкум, ака, мумкинми? - рухсат сўради. Хонада фақат тўрт киши: Сайийд Олимхон, келиннинг укаси Евгений, Муҳиддин ва Тўракул қолган эканлар.

- Ваалайкум ассалом, албатта мумкин, синглим, келинг. - У қайинукасига, бу синглим Муаттарбону бўлади, деди. Синглисига эса уни кўрсатиб, бу киши янгангизнинг укаси - Евгений, деб таништирди. Муаттарбону тиззасини букиб, қўлини кўксига қўйиб, илтифот кўрсатди. Ёши йигирмаларда бўлган бу йигитнинг рус қизлардан танишлари, ҳатто яқин дўстлари бўлса-да, ҳаётида илк бора у ҳам тақдир тақозоси билан бир кўришдаги муҳаббатга дуч келаётган эди. Евгений бир кўрганда бу хурлиқога ошиқ бўлганини сезмай, ундан кўз узолмай қолди. Малика қўлидаги шатранжни хонтахта устига қўйди, белбоғни акасига узатиб:

- Сизга атаб зардўзи белбоғ тикдим, акажон. Ёқдими? - деди шойи рўмолга тугилган белбоғни очиб кўрсатар экан..

- Оҳ-ҳ-о, синглим ўз қўли билан тикиди-ю, менга ёқмайдими! Албатта ёқади. - У шундай деб Женяга юзланди. - Бу нақшларни, мана бу каштада ёзилган “акамга” сўзининг нафислигига қаранг, Евгений! Евгений эса ҳалиям маликадан нигоҳини ололмай, эсанкирагани билиниб қолди:

- Ҳа, сизларда маликалар ҳам хунарманд, чевар қизлар бўлишаркан. Мен фақат опамлар намунча тикиш-бичишга қизиқадилар деб ўйлардим. Жуда зўр-ку! Демак, Муаттарбонунинг ҳам севимли машғулотлари кўлларида игна-ип бўлиши эканда! -деди у ҳайратини яширмай.

- Кенжা синглим жуда меҳнатсевар. Карманада “Қизлар мактаби”ни очишига “йўқ” деб олмаганман. Ҳозир ҳам ўзининг устозлари ёрдамида илм хунар ўрганишни истаган қизларни ота-оналари билан келишув асосида араб алифбоси, каштачилик, патдўзи, зардўзи, расм чизиш бўйича сабоқ бериб келмоқда, - деб синглисидан хурсандлигини билдириди. Муаттарбону эса вазиятдан фойдаланиб дилидаги ниятларини акасига тўкиб солди:

- Айтганча, ака, мактабимизда яна ҳолвапазлик, ипак мато тўқиши ва тикувчилик бўйича қўшимча бўлимлар очишни режа қилганимиз. Ахир румлик савдогар меҳмонингиз бу маҳсулотлар ҳозир олис-яқин юртларда бозори чаққон, деб айтдилар-ку. Шаҳримизда буларга хом ашё етарли. Энди ёшлар фақат ота-онаси шуғулланиб келаётган касб билан эмас, ўзига ёқган касбни ўқиб-ўрганиб, ўз оиласи учун севимли касбидан даромад қиласа яхши эмасми?

- Маликай Муаттарбону, мабодо Самарқандда ҳам шундай мактаб очиш нияtingиз йўқми? Сизга қандай ёрдам керак бўлса, мана, мен тайёрман. Надежда опам мана Бухорога келиб, шогирдлари устозсиз қоладиган бўлишиди. Опами шогирдлари асосан европача услубдаги каштачиликни ўрганаётган эдилар. Сизлардаги бу олтин иплардан кашта тикилиши ҳам жуда беназир, олий санъат даражасида жозибали экан, - деди Евгений камар нақшларини қўли билан ушлаб кўриб.

Муаттарбону унга жавобан:

- Раҳмат, Оллоҳ ризолиги билан насиб этса, балки Надежда келинйим билан борармиз. Ҳақиқатдан, Бухоро зардўзи ва патдўзи каштачилиги билан Шарқу Ғарбда яхши мавқега эга! Ҳайитлар ва Наврӯз байрами арафасида қизлар ва жувонлар ўртасида энг яхши ва энг тез тикиш шартлари бўйича мусобақалар ҳам ташкил қилиб турамиз. Зўр чеварларни тақдирлашни йўлга қўйганмиз, деди ва акасига яна юзланди: - Айтганча, ака, волидамиз бояги маросим бошланиши олдидан, аёллар даврасида завжангизга Моҳларойим деб исм берганларини эълон қилдилар. Сизга ёқдими бу исм?

- Ҳа, албатта! Аммо бу исмни ўзим танлаганман. Фақат буни бошқа аёллар ундан мени рашк қиласликлари учун волидамиздан буни ўзлари уддалашларини илтимос қилгандим. Яна бу сирни ҳаммага ошкор қилманг! - деди.

- Унда нега бу исмни танлагансиз? Ахир Надежда сўзининг таржимаси "Умид"-ку?! Келинйимни ўз исмларида қолдириб, "Умид" деб аташ мумкин эди, менимча, - деб Муаттарбону ўз фикрини айтди.

- Рус тилини ҳам ўрганиб олган синглимни қаранг, Евгений! Вот она у меня какая умная! Муаттарбону, ҳаммасига муҳаббат сабаб! "Моҳ" сўзиниг маъноси "ой" бўлиб, мен Надеждага бошқа жорияларимнинг барчаси юлдузлар, сен эса менинг кўнглимни, умр йўлимни ёритгувчи ягона Ой бўласан, деганман. Шунинг учун унга шу исмни раво кўрдим, - деди Олимхон.

- Тушундим, энди тушундим, aka! Майли, сизларга хайрли кеч! Мехмон, мени Самарқандга таклиф қилганингиздан хурсандман! Раҳмат! - дея малика боягидек оҳисталик билан таъзим қилиб, уларни ёлғиз қолдирганича хайрлашди ва онаси ёнига ошиқди.

Шатранж донасини сурар экан, Олимхон Евгенийга кўз қири билан қаради. У ҳалиям ўзини қўлга ололмай, ранг-рўйи бир аҳволда эди.

- Ҳа, Евгений! Энди навбат сизникими дейман! - Жилмайиб маъноли бокди Олимхон қайнукасига. - Синглимга ошиқ бўлдингизми дейман? Рангингиз айтиб турибди-ку!

Евгений ўзига хос одоб юзасидан ўрнидан турди, Олимхон ҳам бунга жавобан ўрнидан қўзғалиб, уни сўзлашини кутди. Евгений жиддий оҳангда сўз бошлади:

- Мой дорогой брат, друг, теперь и близкий родственник! – У кейинги сўзларини ўзбек тилида давом этди. – Сиздан синглингиз кўлини сўрамоқчиман. У менинг ҳаётим ва никоҳимдаги ягона аёл бўлади. Дарвоҷе, сизни устоз дейишим ҳам керак. Чунки сиз ҳам отамни айтишларича, опамни биринчи кўрган кунингиз кўлини сўраган экансиз, – деди. Шу сўзлардан сўнг улар ҳатто кулишиб ҳам олдилар. Чунки Олимхонни эсига бундан роса олти ой олдинги, ўзининг шу йигит ҳолига тушгани келди. Аммо ёш йигит ҳам ўз сўзларни чин дилдан айтиб, самимий мурожаат қилаётган эди.

- Мени шошириб кўйдингиз, Евгений! Синглим рози бўлмаса керак, лекин сизни сўзларингизни волидамга етказаман. Қариб қолган амиримизга бу ҳақида айни вақтда гапириб бўлмайди. Ҳали рус қизини никоҳимга олганимга бироз кўнишилари учун вақт керак. Ахир қизларини рус йигитга турмушга бериш етти ухлаб тушларига кирмагани аниқ! – деди Олимхон. Улар қайта жойларига ўтиришди. Энди уларнинг кўнглига шатранж ўйинини давом эттириш сиғмасди.

Олимхон ўз никоҳ тўйи маросими куни қайнукасидан буни кутмаган эди. Ота-онаси ва ҳатто синглиси учун ҳам бу куёв маъқул бўлмаса керак, чунки манғитлар сулоласида шаҳзодаларга бошқа миллат-элатлардан қизлар келин қилинган. Албатта, мусулмон динини қабул қилганидан кейин! Аммо маликалар бошқа дин вакилларига ҳали турмушга берилмаган эди. У энди бу масалага қандай ечим топилишини ўйлаб қолди.

Евгений уйланиш масаласида ўз ота-онаси унинг кўнглига қарашларини билар эди. Лекин Муаттарбону, волидаси ва айниқса кексайиб қолган отаси Абдулаҳадхоннинг бу никоҳга муносабатлари номаълум ва жумбоқли масала эди. У, “бироз шошмадимми, малика хафа бўлмасин-да, волидаси, отаси-чи? Улар бу никоҳга розилик беришармикан?” деган ўйлардан хаёли паришон бўлиб қолди.

Маликани энди бир умрга йўқотиши мумкинлигини ўйлаб, уларнинг сұхбатларига гувоҳ бўлиб турган икки йигитдан бири Тўракулнинг ҳам капалаги учди. Чунки у ҳам кенжа малика – Муаттарбонуга пинҳона ошиқ эди. У туни билан мижона қоқмади, эрталаб тонгданоқ малика хузурига ошиқди.

## ТҮРАҚУЛНИНГ РАД ҚИЛИНГАН МУҲАББАТИ

Тўрақул саройнинг аслзода хонимлар яшайдиган бўлмаси остонасидан туриб, эшик оғасига, келганимни Муаттарбонуга етқазингиз, зарур гапи бор эмиш, деб ўзи анча нарига бориб, кутиб турди. Малика бу ваҳт бомдод номозини ўқиб тугатаётган эди. Канизак қиз маликани кутиб туриб, сизни сўраб келишибди, деди. Малика хонадан чиқаётib, юзига рўмолининг учини тортди ва Тўрақулни кўриб:

- Тонг саҳарлаб келганингизга қараганда, муҳим гапингиз борми дейман? –деб сўради.

- Ҳа, маликам! Кеча нега меҳмонни олдига чиқдингиз? У акангиздан сизни қўлингизни сўради, – деди у ва малика бунга нима деркин, дея кутиб турди.

- Нима? Хўш, акам нима дедилар?

- Волидангиз ва сизнинг фикрингизни билиб, бугун жавобини айтармишлар. Маликам, сиз "йўқ" деганингиз билан акангиз қайнукаси бўлгани учун розилик берса-чи? Мен отамга айтиб, сизни қўлингизни сўратсан, дегандим. Сиз нима дейсиз? – деди Тўрақул ниҳоятда хафалигини зўрга яшириб.

- Йўқ, қош қўяман деб, кўз чиқарманг, иккалангизга ҳам турмушга чиқиш ниятим йўқ. Менга бу масалада фақат волидам ёрдам бера оладилар. Албатта, Оллоҳ ризолиги билан, – деди Муаттар кескинроқ қилиб.

Сайид Олимхон кечки таом чоғида Евгенийга рад жавобини берди. Ота-онаси ва икки синглиси билан Самарқандга қайтган Евгений бу биринчи рад жавоби эканлиги, бу қалбидағи муҳаббат оловини сўндиrolmasligini ҳис қилас әди. Шунинг учун у қадар қаттиқ ҳафа бўлмади, умид энг охирида ўлади-ку, деб қўйди ичида. Шарқона одоб ва одат, бунинг устига севгилиси малика бўлгани, унинг муҳаббатини қозонишига сабр қилиши кераклигини тушунди.

Евгений Бухорога серқатнов бўлди. Опасини кўриш, Бухоронинг бой кутубхоналарини кўришни баҳона қилиб тез-тез келар, ишқий мактублар билан маликанинг кўнглини топишга ҳаракат қиласарди.

Бир неча ой аввал Сайид Олимхон ўз мулозимлари ва дўстлари билан етти пирни етти маротаба зиёрат қилиб,

Оллоҳдан Моҳларойимнинг унга турмушга чиқишига рози бўлишини, Оллоҳ уларга ўғил фарзандлар беришини тилаган эди. Ҳар жума намозини Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида адо этарди. Ана шундай навбатдаги ибодатдан келаётганларида мулизимларидан бири Тўракул:

– Хожам, баҳор келишига қараб бирор юртга қарши уруш бошламаймизми? – деб сўраган эди.

– Йўқ. Нега ундаи деяпсан? – деди Олимхон ҳайрон бўлиб.

– Чунки, одатда, шаҳзодалар ёки подшолар уруш бошлашдан олдин зиёратгоҳларни тавоф қиласидар. Биз ҳам роса олти ойдан бери зиёратдамиз, шунга дейманда... – деди.

– Мен Оллоҳдан Надеждага эришиш баҳтини сўраяпман, – деганди Олимхон ўшанда.

Унинг ошиқ бўлиб, кўнглида бир қизга шунча тилак қилганини билган шерикларнинг ҳафсаласи пир бўлади. Отини тизгинини тортиб, улардан сал олдинроқда кетаётган Муҳиддин:

– Бизнинг хожамиз бошқачалар-да. Ростданам, подшоҳлар уруш бошлашдан олдин зиёратгоҳларга боришган. Ошиқ бўлишса, қизни юртига юриш қилиб, асира қилиб олиб кетиш одатий ҳол бўлган. Биз олти ойдан бери, жангга кирамизми, десак, хожамиз атиги бир қизнинг кўнглини Оллоҳдан сўраб юрган эканлар. Буни ҳали янгамиз келганларидан кейин ўзларига айтиб берамиз! – деб енгил ҳазил қилди. Отликлар ҳатто шу баҳона отларининг тизгинини тортиб тўхтатиб, кулишиб ҳам олдилар. Сўнг отларини енгил қамчилаб, яхши кайфиятда йўлларида давом этган эдилар...

Қайнукасининг бир баҳона билан яна Бухорога келгани Олимхонга дўстлари билан бўлган ўша воқеани эслатди. Сўнг бу ҳақида кулганича Моҳларойимга ўзи гапириб берди.

## 1910 ЙИЛ (ХИЖРИЙ 1329 ЙИЛ МУҲАРРАМ ОЙИ, 10 - КУН).

Амир Абдулаҳадхон энди анчайин қариб ва бетобланиб қолганди. Амирни кўздан кечирган табибдан хожаси аҳволи натижаси ҳақида билган вазир, унинг барча яқинлари ва фарзандларининг видолашув онларига улгуришлари учун уларга чопар юборди. Валиаҳд Олимхон ва унинг волидаси

эрталабгача амирнинг ёнида мижка қоқмай чиқишиди. Амирнинг аҳволи тонгга яқин бир оз яхшиланди. Бир неча ёстиқлар ёрдамида қаддини тиклаган амир ўғлига ўз васиятини айта бошлади:

- Мендан рози бўлинглар, мен ҳам сизлардан розиман! Ўғлим Олимхон, Оллоҳга омонатимни топшираётиб, сенга амирлик аҳолисини, волиданг, сингилларингни, давлат бошқарувини, мамлакатнинг хазинасини топшираман. Ўғлим, мамлакатимизни олтин хазинаси 1748 йилдан бери, биз манғитлар сулоласининг биринчи амири шоҳ Раҳимхон ибн Ҳошимбой ибн Худоёрхон бобомиз амир бўлганлари давридан бошлаб жамланиб келмоқда. Сулоламизда ким амир бўлган бўлса, хазинани имкон қадар кўпайтирдики, ҳеч ким камайтиргани йўқ. Сенга бу масалада ҳам қаттиқ ишонаман! Хазинани бехудага совурмайсан ва сарфламайсан! Уни кўпайтириш ғамида бўл! Сен буни яхши эплайсан. Эсингда бўлсин, сенга ҳалқни, юртни, ёдгорлик обидаларини, тинчлик ва фаровонликни, хазинани омонат топширяпман. Сен ҳам келгуси авлодларимизга, ҳеч бўлмаса, худди шундай ҳолатда, бус-бутунлигича топширишинг керак бўлади. Давлат бошқарувини ҳар қандай вазиятда ҳам ўз манфаатингдан устун қўй, ўғлим. Ҳар бир давлат билан бўладиган ҳар бир муаммони чигаллаштиrmай, тинч йўл билан ҳал қил! Чунки урушлар ғолиб томон учун ҳам, мағлуб учун ҳам фақат ва фақат зиён келтиради. Йўқотадиган ҳеч нарсаси йўқ, энг оддий раиятнинг ҳам тинкасини қуритади. Очарчилик бошланиб, узоқ муддатли қашшоқлик хукм суради. Биласанми, умрининг сўнги дамларида раҳматли бобонг ҳам менга шу гапларни айтганлар. Мана, эл-улус олдидағи, амир бўладиган сулоламиз вакилига айтилиши керак бўлган гапларни айтиб, охирги бурчимни ҳам бажардим! Ишонаман, сен ҳам айтганларимнинг барчасини уddyлайсан! Одил шоҳ бўлиб, раиятнинг дуосини оласан! Мардуми Бухорони сенга, сени эса Оллоҳ паноҳига топширдим! - деб калимасини қайтара бошлади ва бир неча лаҳзалардан сўнг бир аҳли мўминга хос тарзда бандаликни бажо келтирди.

Ҳар бир инсон учун ўз қабрининг қаерда бўлиши жуда муҳим! Баъзилар ўлеми олдидан ўз яқинларига бу ҳақида васият қилишади, бошқа ҳолатларда фарзандлар маъқул жойни

маслаҳатлашиб танлашадилар. Отаси ўз васиятида бу ҳақида гапирмаган эди. Сайийд Олимхонга Бухородан етиб келган күшбеги деди:

- Амирим, отангиз ўз васиятларида қабр жойи ҳақида индамадилар. Сиз нима дейсиз? Гўрковлар топшириқ кутишяпти.

- Падари бузрукворим охириги марта Карманага боргандариди Қосим Шайх Азизхон хонақохини зиёрат қилганимизда, "Мен учун энг яхши жой шу ер" деган эдилар. Отам ўзларини вафот қилишларини сезиб, ўзларининг дафи қилинадиган жойлари маъносида балки бу гапни айтдиларми? - сўради Олимхон.

- Ҳа! Демак, амиримиз ўшанда сизга, ўз қабрлари қаерда бўлиши ҳақида ишора қилибдилар! - деди күшбеги.

- Унда, ўша жойдан лаҳад қазишларини буюринг!

- Бош устига, шаҳзодам! - деди күшбеги.

Бир оздан сўнг жаноза учун гайхул исломнинг жарангдор "Куръон" тиловати янгради. У узоқлардан ҳам, шаҳар бўйлаб эшитилиб турди. Бу овоздан таъсиrlаниб бир дўкондор йўловчидан:

- Биродар, ким вафот қилибди? - деб сўради.

- Жарчи хабар берганида эшиитмадингизми? Амиримиз вафот қилибдилар, - дея таъзияга кетаётгани учун шошиб йўлида давом этди.

Ҳайратланган дўкондор бошини чайқаб:

- Ё, Оллоҳим! Жойларини жаннатдан қилсин! - деб юзига фотиҳа тортиб ва дўкони эшигини очик қолдирганча апилтапил таъзияга шошилди. У ҳақиқатдан ҳам мудраб ўтирган бўлган шекилли, жарчининг сўзларини эшиитмаган эди. Дўкондор Абдулаҳадхон қароргоҳи олдидағи майдонга етиб келганида бу ерда аллақачон тумонат одам йиғилган эди. Улар асосан оддий авом, турли табакадаги шаҳар аҳолиси эди. Қароргоҳ ичкарисида ҳам, табиийки, одам кўп. Шунинг учун улар шу ердан туриб, олампаноҳни сўнгги марта иззат-икром кўрсатиб, тобут дарвозадан чиқгунича, амир билан видолашиб олиши учун сабр билан тик оёқда туриб кутмоқда эдилар.

Қароргоҳ майдонидаги вазиятни дарвоза тепасидаги маҳфий кузатув жойидан жуда кўп келган одамларни болаларча

қизиқувчанлик билан кузатиб турган саройдаги ўсмир, канизак қизча Фотима кейинчалик ўз күрганлари ҳақида Моҳларойимга сўзлаб берганди.

Тобут ташқарига чиқарилганда майдонда тўпланган эркаклар мозоргача тобут ортидан бориш учун ичкаридан чиқган одамларга эргашганлар. Бошларига қора рангли паранжи ташлаб олган аёллар ҳам таъзияга келишган бўлиб, улар дарвозанинг чап тарафига тўпланишганди. Улар тобутни олиб чиқишганда уввос солиб йиғлаб, ўз қайғуларини изҳор қилишди. Мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинди.

Ҳали тож кийдириш маросими бўлмаган бўлса ҳам, валиаҳд шаҳзода Сайид Олимхоннинг амир бўлиши аниқ эди. Сайид Олимхон ўз волидаси ва аҳли аёллари билан Карманадан Бухорога кўчиб кетиш тадоригига тушди. Аммо мархум амирнинг бошқа аёллари ва жориялари масаласи муаммо эди. Уларнинг аксарияти амирнинг вафотидан эмас, балки ўз кейинги тақдирларининг номаълумлигидан изтиробда эдилар. Айниқса, Абдулаҳадхоннинг ёш ҳомиладор аёли Хуснободбегим айюҳаннос солиб йиғлаётган эди. Унинг нидоси Олимхоннинг қулоғига ҳам чалинди. Дарҳақиқат, унинг ой-куни яқинлашган эди. Бева беканинг йигисига сандиқни кўтариб турган икки хизматкор йигит кутиб туришни ҳам, йўлларида давом этишни ҳам билмай, йўлак бошида беканинг тинчланишини кутиб туришарди.

- Тўхтанглар, кичик ойимнинг истагини бажо келтирамиз. Қаерда яшашни ихтиёр этсалар ўша жойда яшайдилар. Хоҳласангиз Бухорога кетамиз ва биз билан бирга бўласиз ва падари бузрукворим тириклик пайтидалигидагидек иззатикромда бўласиз. Келинг, бундан кейин кўзингизда ёш кўрмай, туғилажак фарзандингиз - менинг укам ҳамиша ҳифзу ҳимоямда бўлади, - деди Олимхон Хуснободбегимга яқинлашиб.

- Раҳмат, амирим! Илоҳим Оллоҳ сизни ёрлақасин! - деди Хуснободбегим кўз ёшларини артиб.

- Отам туғилажак укам учун исм танлаган эдиларми? - сўради Олимхон.

- Йўқ, - деди Хуснободбегим - Энди... отаси вафот қилгани сабабли Ёдгор ёки Ёдгора бўлса керак-да! - деди аёл. У энди анча хотиржам эди.

- Йўқ. Яххиси Азиз ёки Азиза бўлсин, нима дейсиз? Бу исм туғилажак фарзандингизнинг бизга азиз эканлигининг ифодаси бўлсин! – деди Олимхон жуда самимий оҳангда.

- Раҳмат! Амирим, сизни бундай марҳамат қиласиз, деб ўйламаган эдим. Оллоҳим сизни ёмон кўзлардан асрасин. Бир умр сизни дуойи жонингизни қиласман. Мени хурсанд қилдингиз, раҳмат! – деди. Бека энди кўзларидағи қувонч ёшларини артди.

Хуллас, амири волида сифатида волидаи Мухтарама, Олимхоннинг никоҳидаги уч аёл, Ҳуснободбегим ва бошқа жориялар, ўз мавқеиларига қараб аркда ўзларига ажратилган хоналарни эгалладилар. Моҳларойим баҳшидасининг чиқарган бу қароридан жуда хурсанд бўлди. Аммо саройдаги аёлларнинг баъзилари бир неча асрлик удумни бир неча лаҳзадаёқ ўзгартириш мумкинлигига ҳайрон бўлдилар. Бу ерда Мастира исмли яқинда аркка отасининг қарзи эвазига қози ҳукми билан мажбурий ишга келган бир чўри қиз ўз шогирдига деди:

- Ҳуснободбегим арқдан жой эгаллаб бекор қилди. Бир кун келиб, амир уни ўз хоб хонасига чақиртиrsa-чи? Унда нима бўлади? Иззати неча пуллик бўлади. Обрўйи борида этагини йиғиб кетаверса ёки Карманадаги қароргоҳда қолаверса тузук эди, аҳмоқ! Қароргоҳларнинг нимаси ёмон. Ўша ерда ҳам бир кунини кўрарди, оч-наҳор қолмас эди-ку. Менимча, бу ерга келганига ҳали кўп пушаймон бўлади.

- Ҳамма нарсани ўз қаричингиз билан ўлчаманг, Мастира опа! Мен эшитиб тургандим. Амирилизнинг сўзлари ниҳоятда самимий ва ёқимли эди. У киши ҳеч қачон бундай ёмон иш қилмайдилар! – деди ишонч билан Фотима исмли ўн икки ёшлардаги ўсмир чўри қиз. У ҳарам бош канизаги Роҳила хотиннинг қизи эди. Бир неча асрлик анъана бўйича сарой хизматига асосан қизлар ишга олинган, оилалик аёллар бундан мустасно эдилар. Унинг исмига "хотин" сўзининг қўшиб айтилиши, у саройга келганида, турмушга чиқган эканлигини билдиради. Хуллас, Роҳила хотин саройга келганида ҳомиладор эканлигини ҳали ўзи ҳам билмаган. Турмуш курганларига атиги икки ҳафта бўлганди. Роҳиланинг эри амирнинг чопари бўлиб, хизмат сафарида баҳтсиз тасодиф

туфайли тоғда от чоптириб кетаётиб жарга қулаб, вафот қилади. Ёш Роҳила Абдулаҳадхон хузурига кириб:

- Яқинларим мени турмушга беришмоқчи. Мен эса марҳум эримнинг хотираси билан яшамоқчиман. Менга иш ва бошпана беринг, - деб келади. Ҳомиладорлиги аниқ бўлгач эса, собиқ бош канизак амирга:

- Амирим, марҳум чопарнинг аёли ҳомиладор экан. Уни бирор қароргоҳга юборайликми? - деб сўрашга кирганида, Олимхон ҳам отаси ёнида эди. У эндиғина хориждаги ўқишини тугатиб келган пайтлар эди, ўшандা. Амир Абдулаҳадхоннинг:

- Йўқ, биз ўзимизга садоқат ила хизмат қилиб, вафот этганларнинг етти пуштини ҳам ночорлик гирдобида қолдира олмаймиз. Бунинг устига бу навжувон аёл ҳомиладор экан. Иккиқат аёлнинг дуоси ҳам, қарғиши ҳам икки хисса кўп бўлади, деб эшитганман. Чопарнинг бевасини алоҳида хонага кўчириб, бошқа жориялар ҳомиладор бўлганда қандай муносабатда бўлсангиз, шундай муносабатда бўлинг. Бундай муносабатингиздан у хотин хижолат бўлмаслиги учун енгилроқ иш буюриб туринг. Боласи соғлом туғилиши учун сарой табиҳонасига бориб турсин! - деган сўзларини эшик ортидан Роҳила хотин ҳам эшитади. Ой-куни етиб, у эгиз туғади. Аммо Ойша икки кунлигига даёқ вафот қилган. Фотиманинг болалиги эса саройда кечди. Канизаклар навбатма-навбат кўтариб, эркалаб, аргимчоқда учирив, меҳр билан парваришлаб катта қилишади. Болалигига унга ҳеч ким ортиқча иш буюрмайди. Тикувчиликни ўрганмоқчи бўлган қизлар, албатта, унга бирор кийим тикиб беришган. Канизаклар соч ўришни унинг соchlарини ўриб ўрганишганда қизалоқ ўзини маликалардек ҳис қилган. Энди бўйи чўзилиб қолгач, бошқа канизак қизлардек ишлаши кераклигига унинг кўникиши қийин бўлмоқда эди. Кичкиналигига маликалардек, энди эса чўри қиздек ҳаёт кечириши кераклиги унга ёқмаётганди. Онаси Роҳила хотин уни тушуниб, катта қизлардан бири - Мастура ихтиёрига шогирдликка берди. Қизчанинг қўл-оёғи чаққон Masturадан иш ўрганиб, мустақил ҳаётга тезроқ мослашишини истар эди. Ўсмир қиз эса кўпинча ушалмас орзу-хаёллар уммонида сузид юрарди.

- Ҳой, хаёлпарат, нималарни ўйлајapsан? Валиаҳд шаҳзодани севиб қолма тагин, барибир сенинг ёшинг етмайди, хос хонага сени киритмайдилар, тентак! “Валиаҳд шаҳзоданинг сўзлари шунақсанги ёқимли эдики” эмиш... Мен сенга тарбия сифатида гапирган эдим! Аслида катталарнинг ишини, айниқса бека-ю хожалар ишини муҳокама қилишимиз керак эмас! Тушундингми? Биласан, бош канизак - ойинг сени менга шогирд қилиб кўйдилар. Бирор ножӯя иш қилиб кўйсанг, мен ҳам жазо олишим тайин! Ёдингдан чиқарма, саройда ҳеч кимни, умуман ҳаётда ҳеч кимни севиб қолмаганинг маъкул. Эрга тегсанг, ўшанда эрингни қанча хоҳласанг - шунча севавер. Сенга ҳеч ким ҳеч нарса демайди. Аввал севиб қолиб, унга турмушга чиқишининг иложи бўлмаса, ундан ёмони йўқ! Ҳижрон дарди - алам дарди. Буни душманимга ҳам раво кўрмайман! - деди Мастура.

- Ҳа, билдим опа, ўзингиз ҳам севиб қолибсиз-ку! Ким экан у шаҳзода? - деди Фотима болаларча қизикувчанлик билан.

- Бўл, кетдик. Сенга фақат гап бўлса, ҳали ёшсиз хоним, бундай мавзуда гаплашиш сиз учун ҳали эрта. Қани, давра кўрпачаларни раҳтта йигиб бўлдик. Энди кирхонага борамиз, - деди Мастура.

### **“ТОЖ КИЙДИРИШ” МАРОСИМИ**

Абдулаҳадхонинг вафотидан кўп ўтмай - мелодий 1910 йил 11 январда Бухоро аркининг маросимхонасида Сайид Олимхонга амирлик лавозимини расман ифода этгувчи, қимматбаҳо тошлар билан безатилган тож катта тантана билан кийдирилади. Анъанага кўра уруғларнинг вакиллари уни оқ кигизга ўтқазиб, таҳт устига чиқаришди.

Шу воқеалардан кейин бир неча йил ўтгач, Хива хони Асфандиёрхон ўзининг севимли учинчи аёли - Бекажон ва икки боласи ҳамда Хиванинг бир неча казо-казолари билан бирга Бухорога ташриф буюрди. Бухорода хивалик олий мартабали меҳмонлар юксак даражада кутиб олинди. Саройда меҳмонлар шарафига байрам дастурхони, Арк майдонида кураш ўйинлари, шаҳар ташқарисидаги кенглиқда учқур отларда чавандозлар пойгаси уюштирилди. Амир Олимхон меҳмонларга шахсан ҳамроҳлик қилиб, уларни шаҳарнинг энг машҳур жойлари

бўйлаб сайр қилдири, зиёратгоҳларга олиб борди ва меҳмоннавозлик билан кўнглини олди. Ўз навбатида Моҳларойим ҳам Бекажонни зериктирмади. Аркдаги аёллар мактаби, чеварлик, заргарлик дўконлари, гилам тўкиш, айниқса зардўзлик санъати меҳмонни лол қолдири. Бекажон ҳам рус миллатига мансуб бўлгани учун Бухоронинг миллий анъаналари Хоразмницидан фарқларини англаш учун бухороликлар турмушига қизиқиб, кунларини мароқли ўтказди. Айрим янгиликларни ўз мулкида жорий этиш режаларини тузди. Меҳмонлар уйларига кетиш олдидан Асфандиёрхон қўлини кўксига кўйиб Амир Олимхонга:

– Энди ташриф навбати сизники, энди сиз ҳам менинг азиз меҳмоним бўлинг! Хивада сизларни кутаман. Юртимда анча янгилик, ўзгаришлар қилганман, борсангизлар кўрарсизлар, – дея уни Хивага чин дилдан таклиф этди.

– Ҳа, биродарим! Мақтанмоқчиман денг, сендан ўтиб кетганман демоқчисиз, шекилли. Ахир сиз мендан олдинроқ “хон” мақомига эга бўлгансиз, шунинг учун мақтанадиган ишлар қилганингиз табиий! Лекин, албатта бораман. Олдиндан чопар юбориб огоҳлантираман.

Ўзаро гурунглашиб турган бекалар, бир-бирига қараб, нарироққа боришли. Бекажон:

– Хожаларимиз яна ишдан гап бошладлар. Майли, уларга имкон берамиш! Ўзларини асло ўйламайдилар, хаёлларида доим дунё ташвиши, юрт юмушлари... Сизларда ҳам аҳвол шу бўлса керак, менимч? – деди.

– Ҳа, худди шундай. Мен ҳам баҳшидамдан роса хавотирдаман. Двллат ишлари, бошқа югр-югрлар ўз йўлига, аммо кейинги пайтларда баъзи туҳмат-бўхтонлар, исёнлар хавфи, айниқса давлатлар ўртасидаги урушлар тинчлигимизга раҳна солмасин, деб куйиб-пишяптилар! Соғликларини хатарга кўйяптилар, – деди Моҳларойим афсус оҳангига.

Бу вақтда икки хукмдор сухбати қизғин давом этарди. Амир Олимхон:

– Биродарим, ҳозир энг оғрикли масаламиз – мудофаа ишлари, дунёдаги катта давлатлар ўзаро урушмоқдалар. Уруш бизни четлаб ўтади, деб ўйласак хато қиласиз. Осиёнинг бир-бирига яқин, қўшни мусулмон давлатлари ўзаро битим

тузишимиз керак. Биримизга ёрдам керак бўлганида, ҳаммамиз биргаликда курашсак, шунда бизга ҳеч ким, ҳеч нима дахл қилолмасди. Афсуски, Русия ва Гирмония ўртасидаги муҳорабаларнинг совуқ эпкинлари Бухоро сарҳадларига ҳам етиб келди. Оқ пошто армияси эҳтиёжи учун ҳар йили 1500 бош от, катта миқдорда пул маблағи бериб туришга мажбурмиз. Николай иккинчи каминага генерал-лейтенант ва орадан қўп ўтмай генерал-адъютант унвонини бергандан кейин бошқа иложинг ҳам йўқ экан. Аммо бухоролик навкарларни, ҳатто қўнгилли аскарларни ҳам урушга юбормадик.

— Тўғри айтасиз, биз ҳам мажбуруликдан бу жаҳоний ихтилофларга беихтиёр қўшилиб қолдик. Биз ўзаро аҳил бўлмасак, бошимизга қандай кунлар келиши қоронғу. Очарчилик, вайронагарчиликлар кимга керак? Ҳамжиҳат бўлсак, кичик давлатлар бўлсак-да биздан ҳайиқиб қолишади, биз билан ҳисоблашишади. Майли, қадрдоним, сизни Хоразмда кутиб қоламан!

Улар қўл бериб хайрлашишди. Довул, ноғоралар чалинди. Уларнинг овози меҳмонлар шаҳар худудини тарқ этгунга қадар жаранглаб турди.

### **АРК. АМИР ОЛИМХОНИНГ ХОС ХОНАСИ. 1912 ЙИЛ**

Амир Олимхон ўзининг хос хонасида газета ўқиб ўтирибди. Моҳларойим эса, катта стол устига, бир матони ёзиб қўйган. Унга кашта тикиш учун сурат чизмоқчи, лекин қандай мавзу танлашни билмай хаёл суриб қолган. Шу вақт Амир Олимхон кутилмагандан:

— Вой-бўй, азизам! Буни қаранг, Бритониёнинг биринчи марта Америка сафарига чиқсан “Титаник” номли кемаси уммонда чўкиб кетибди. Одамларининг ярмидан кўпи ҳалок бўлибди-я! Аттанг-аттанг! Наҳотки уларни кутқаришнинг иложи бўлмаган? Ё, Роббим! Одамлар тирик қолишлари учун роса харакат қилишгандир-а! —деди.

Моҳларойимнинг хаёллари пардай тўзиб кетди. У ҳам келиб газетани кўлига олди.

— Қандай ачинарли! Қандай даҳшат? Мен янги ишимга мавзу қидираётган эдим. Вафот қилганларнинг руҳлари шод бўлиши

учун, бу ишимни уларни шарафига атамоқчиман. Сиз нима дейсиз? - -деди Мөҳларойим.

- Жуда яхши фикр! Албатта, моҳир қўлларингиз билан улар хотирасиға бағишлиб яратган ишингиз муваффақиятли чиқиб, вафот қилганлар руҳини шод қиласди. Аммо тирик қолганларга чи? Уларга бирор кўмак керакдир! Мен ҳам бир суриштириб кўрай-чи, хайрия сифатида бирор ёрдам беришимиз мумкинми? - деб Олимхон ташқарига чиқди.

Мөҳларойим газетадаги мақолани бафуржга ўқиб бўлгач, матога сурат чиза бошлади.

Суратда уммонда олд томони билан чўкаётган катта кемани, ундаги ҳар томонга югураётган, сувга тушиб сузаётган одамларни, бир оз нарироқда бир неча қайиқлар ва уларга чиқиб олишга улгурган одамларни маҳорат билан тасвирлади. Чўкаётган кема яқинроғидаги қайиқлардаги одамлар очиқ денгизга тушиб қолганларни кутқармоқчи бўлиб уларга қўлларини чўзаётганларни акс этганди (Кейин бу хомаки сурат бўйича канизак қизлар билан кашта тикиб, бир хона деворига илиб қўйишиди. Бу асосан элчилар қабул қилинадиган хона бўлган. Элчилар амир ёки қушбеги билан учрашувни кутаётганларида, сурат ёнига бориб, уни томоша қилишган. Қўллари билан бежирим тикилган каштани тутиб кўришган. Кемадаги ёзув, кеманинг уч қисми чўкаётгани тасвирлангани сабабли, "Титаник" сўзи пастдан сал юқорига қилиб ёзилгани боис уни ўқиш учун баъзилар ҳатто, бошини ўзи билмаган ҳолда, сал қия қилиб, бармоқларини ёзувга яқинлаштириб ўқишган. Суҳбат одатда шу фожия мавзусидан бошланиб, кейин асосий масалага ўтилган).

Мөҳларойим "Нуҳ" кемасини каштада тасвирлаш хаёлига берилди. Бу анчайин мураккаб вазифа эканлиги боис, арқдаги кенг хоналарнинг бирида шайхул ислом ва саройдаги кекса мусавирни чақиритириб, парда ортидан уларга мурожаат қилди;

- Хабарингиз бор, биз аёллар "Титаник" кемасини тасвирлаб, кашта билан тикиб, тугатдик. Унақа деворга иладиган даражада катта бўлмаса ҳам, кичикроқ шаклда "Нуҳ" кемасини тасвирлашни ҳам ният қилдик. Сизлар не дейсизлар?

Шайхул ислом сўз бошлади:

- Жуда яхши фикр маликам. Аммо уни каштачилик безагида эмас, зардўзчилик санъатида тикиш яхшироқ бўлар эди, деб ҳисоблайман. Чунки каштада Куръон суралари ҳам ифода этилиши лозим, улар зарҳал ипларда муқаддас суралар битикларига мос тикилса савоби бекиёсдир, маликам!

- Ташаккур, маслаҳатингизга амал қиласиз! Сиз нима дейсиз Монийи замон? Бу анча мураккаб вазифа бўлгани учун сизни ҳам чақиртирган эдим. Бизга ёрдам берасизми?

- Албатта, маликам! Мен бир неча хомаки нусхаларни сизга тез кунлар ичидан тақдим этаман. Танлаш ихтиёри сизда қолади, - деди у.

- Маъқул! Унда ишни бошлайверинг! - деди Моҳларойим. Сарой мусаввири бу буюртмани ваъда қилганидек тез кунда қойилмақом адо этди.

Моҳларойим сарой мусаввири чизиб берган чизги асосида бир нафис санъат асарини яратдики, у ҳануз дилларга завқ бериб келмоқда.

\* \* \*

Эртасига амир Олимхон Роҳила хотинни ўз ҳузурига чорлаб, шундай деди:

- Роҳила опа, ҳарамда сиз “бош вазирсиз!” Волидам мамлакатимда мендек мақомга эгалар, ҳарамнинг бош маликаси ҳисобланадилар. Сиз эса ҳарамда аёллар масаласида бош вазирдексиз. Демак, мен сизга ҳарамдагилар масаласида бош вазиримдек мурожаат қилсан ва ишонсан бўладими?

- Ҳа, албатта, сиз нима десангиз - шундай бўлади, - жавоб берди Роҳила хотин.

- Мамлакатимизда қандай тинчлик ва осойишталик барқарорлиги мен учун қанчалик мухим бўлса, ҳарамдагилар тинчлиги ҳам шунчалик мухим! Сизга топшириғим: ҳаммани соғлиги ва руҳиятидан боҳабар бўлиб туришингиз ва лозим бўлса, менга ахборот беришингиз керак бўлади. Масалан, Моҳларойимнинг менга, “Сиз ота бўласиз!” деб айтиши нега кечикяпти? Ўзидан бу ҳақида сўрашим жуда ноқулай. Доя хотиндан сўраб билинг-чи, бирор нарса керак бўлса, менга маълум қилинг! - деди амир Олимхон.

- Хўп бўлади, амирим. Аввал опа Муборакдан сўраб кўрай! Бу доя опа она бўлиш баҳти насиб этиши кечикаётган бир неча

аёлларни "Кунжак" ҳаммомида доривор ўсимликлар ёрдамида муолажа қилиб даволаганлар. Малика Моҳларойим ҳақида бугун у кишига айтиб кўраман ва сизга натижасини хабар бераман!

Роҳила хотин амирнинг топшириғига кўра ўз севимли машғулотлари билан ой-кунлар тез ўтганини сезмасдан, ҳомиладор бўлмаганига аҳамият ҳам бермасдан юрган Моҳларойимнинг олдига келди:

- Маликам, Бухоромизда дунёning ҳеч ерида топилмайдиган "Кунжак" ҳаммоми бор. Фарзанд кўриши кечикаётган келинлар шу ҳаммомга ният қилиб узоқ юртлардан ҳам келадилар. Сиз фарзандлик бўлишни истасангиз сизни ўша ерга олиб борай дегандим. Канизаклар ҳамроҳлигида, албатта, - деди.

- Майли, борамиз, нега аввалроқ айтмадингиз? - деди малика.

- Сизга саройнинг Ўрисиядан келтирилган ваннали ҳаммоми маъқул эди. Агар сиз болалик бўлиш баҳтига муссар бўлганингизда балки, ҳали ҳам бу гапларни айтмаган бўлармидим, - деди Роҳила хотин. Шу куни, йўл яқин бўлса-да, бир груҳ аёллар файтунларда дабдаба билан ҳаммомга бордилар. Канизак қизлар Моҳларойим билан "Кунжак" ҳаммомига тараддуд кўришаётганларида бир хизматчига Роҳила хотин:

- Маликалар боришига ҳаммом хизматчилари алоҳида тайёргарлик кўришсин, бориб айтинг! - деб топшириқ берганди.

Аравалар олдида жарчи "Маликамиз келмоқдалар!", дейиши билан одамлар йўл четига ўтишли, йўл четидаги эркаклар арава ўтиб кетгунича орқаларини ўгириб турдилар. Бу қатъий тартиб эди.

Ҳақиқатдан ҳам орадан 3-4 ой ўтиб, Роҳила хотин башорат қилганидек, малика Моҳларойим оғир оёқ бўлди.

Шу воқеадан бир неча ой ўтиб, Моҳларойимда кўнгил айниши бошланди. Уни кўргани келган табиб аёл Сайид Олимхонга:

- Хожам, завжангизга она бўлиш баҳти мұяссар бўлган экан, муборак бўлсин! - деди. Олимхон хурсанд бўлганидан, суюнчисига бир ҳамён олтин тангани унга совға қилиб юборди.

Олимхон ўша куни Моҳларойимни ёқут кўзли узук ва хитой вазасига солинган бир даста гулларни олиб унинг хонасига бориб табриклади. Буни жория қизлардан бири кўриб қолган эди. Кечгача бу ҳақида, ҳарамдаги барча аёллар билиб олдилар. Жориялар, канизаклар роса ҳайрон қолиши. Кимdir ҳавас қилса, кимdir фийбатни бошлаб юборди. Айниқса Гулсарабону бир жориядан буни эшитиб, ҳаммадан кўпроқ қовоғини уюб олди. Ўзининг бўйида бўлганида баҳшидаси нима совға қилганини эслади. Тўғри, амир унга ҳам ёқут кўзли сирға совға қилди, аммо гул бермаганди. Бунинг устига жория:

- Бекам, хожамиз ўша рус хотинга бир чөлак гул олиб борибдиларми? Нима уларда урф-одат шунаقا эканми? Бу дейман, биз ҳам бироз кўйлагимизни калта қилиб... - у кўйлагининг этагини бироз юқори кўтарганча мастона юриш билан намойиш қила бошлади, - мана бундай қилиб, соchlаримизни ҳам ҳинога бўяб оламиз. - У бошидан рўмолини ҳам ечиб олди. Сочлари патила-патила бўлиб ёйилди. - Бўлмаса, у танноз ойимчалари амиримизни ўзларига бутунлай ром қилиб оладилар. Тағин эрсиз қолиб юрманг? - деди. Гулсарабону жориянинг бу ғалати қилиқларидан ўзини тутолмай, беихтиёр қулиб юборди.

Ўзининг фарзандлик бўлаётганидан ота-онасини хабардор қилишни Моҳларойим истаётгани боис, уларни Бухорога таклиф қилиб, Олимхон Самарқандга чопар юборди. Самарқанддан келган меҳмонларни Сайид Олимхон хурмат ва эҳтиром билан кутиб олди. Олимхон кечки зиёфат маҳали Моҳларойимнинг ота-онасига, ниҳоят тўрт йилдан бери улар кутаёиган янгиликни, яъни биринчи набиралилк бўлишлари мумкинлигини айтиб, табриклади. Айниқса Елена хоним жуда хурсанд бўлди.

- Елена хоним, биринчи набирангизга қандай исм кўймоқчисиз? - деди Олимхон қайнонанинг хушхабардан хурсанд бўлганини кўриб.

- Бундай шарафни қудамиз амири волидага илинамиз. У кишига маъқул исм бизга ҳам маъқул, - деди Елена хоним қудасидан истихола қилиб.

- Волидам сизларга илиндилар. "Қудаларимнинг биринчи набиралари, менга сўраб билишинг лозим, олим қудам яхши исм топиб берадилар!" деган эдилар, - деди амир Олимхон.

- Ундей бўлса... - Елена хоним бир оз ўйланиб қолди, сўнг турмуш ўртоғига қараб олди-да, давом этди. - Агар ўғил туғилса, исми бизни бу ерларга келишимизга сабабчи бўлган Улуғбек ёки Темур бўла қолсин. Мабодо қиз туғилса, Бибихоним исми чиройли деб ўйлайман.

- Раҳмат сизга, Елена хоним, бу исмлар менга ҳам жуда ёқди. Аммо бир таклифим бор. Сизлар Бухорода қолсангизлар, Лаби Ҳовуз яқинида ҳовли тайёрлаб кўйдим. Ҳеч бўлмаса, бир муддатга. Надежда ҳам жуда хурсанд бўлар эди. Кутубхоналаримизда қадимий китоблар кўп. Бухорода зерикмайсизлар! Василий Лаврентьевич, Улуғбек ҳайкали бўйича ёзган аризангизга ҳалиям ижобий жавоб беришмадими? - сўради Олимхон.

- Афсуски, шундай! Шундай улуғ инсонларни менсимай, бу хайрли ишни атайн пайсалга солиб, ҳурматсизлик қилишаётганлари жуда ачинарли!.. Ҳақиқатдан ҳам, Елена Александровна, бир муддат Бухорода яшай қолайлик. Зора, кейинроқ Губернатор жаноби олийларига инсоф кириб, аризамга имзо чексалар! - деди.

Улар бир муддат Бухорода истиқомат қилишди. Бухоронинг қадимий китобларга бой кутубхоналари Вяткиннинг энг севимли жойига айланди. У Бухорога аввал ҳам - 1897 йилда археологик қазишка ишларида қадимий китоблардан фойдаланиш учун келган эди. Айниқса, Мир Араб мадрасаси талабалари фойдаланаётган кутубхонада барча соҳалар бўйича қимматли адабиётларни топиш мумкин бўлиб, у кўп вақтини шу ерда ўтказарди. Бу кутубхонада китобларнинг кўплигини сабабларидан бири, бирор шайх ёки машхур киши вафот қилса, марҳумнинг васиятига кўра ёки яқинларнинг ўзлари марҳумнинг савоби ортиши ва Оллоҳ унинг гуноҳларини мағфират қилишини истаб, у кишининг уйидаги китобларни мадраса кутубхонасига келтириб берар эканлар.

Бухоронинг бой кутубхоналари ҳақида В.Л.Вяткин ўша иили "Туркестанские ведомости" газетасига мақола ҳам ёзган эди. Бу газетада чоп этилган бир мақоласида "Мир Араб мадрасасида талабалар учун 20 мингга яқин кўлёзма китоблар мавжуд", деган жумлалар бор эди. Сайид Олимхон Моҳларойим ва унинг ота-онаси билан биргаликда шу ҳақида сұхбатлашиб, ўз китоб жовонидан шу газетани топиб, мutoала қилиб турганида Моҳларойимни тўлғоқ тутиб қолди. Сарой доясини чақиришиб, ҳаммалари боланинг эсон-омон дунёга келишини кутиб турдилар. Чақалоқ йиғиси янграганида эса доя ташқарига чиқиб:

- Хожам, суюнчи! Ўғил муборак бўлсин! Бобо-бувилаriga набира муборак бўлсин! - деди кувончи ичига сиғмай. У маликанинг эсон-омон кўзи ёританидан енгил тортди. 1913 йилнинг бугунги кунида Моҳларойим ва Амир Сайид Олимхоннинг биринчи ўғиллари туғилган эди. Сайид Олимхоннинг ёнида волидаси ва Моҳларойимнинг ота-онаси бор эди. Ҳаммалари бирдек хурсанд бўлишди. Болага Елена хоним олдиндан айтганидек Улуғбек деб исм кўйдилар. Чақалоқ шарафига ақиқа маросимини ўтказиш куни белгиланди.

Ақиқа маросимини ортиқча даб-дадабасиз Карманада нишонлаш фикрини волидаи Муҳтарама Елена хонимга маълум қилди:

- Кудажон, шу маросимни Карманада нишонласак, нима дейсиз? Ёмон кўзлардан четроқда, ихчамгина қилиб ўтказсакми, деган эдим, - деди. Елена хоним:

- Майли, сиз айтганча бўла қолсин!

Аммо чақалоқни Моҳларойимни қўлига бериб, уларни ёнига келган амир шундай деди:

- Менда эса бошқа бир таклиф бор!

- Қандай таклиф экан, ўғлим? - сўради онаси.

- Саройда ўтказсак, бир неча турмуш қурмоқчи бўлиб, саройда ишлётган йигит-қизлар бор, маҳаллаларда тўй қилишга қурби етмаётганлар, суннат тўй қила олмаётганлар ҳам топилади. Ҳаммаларини чорлаб, шу ақиқа маросими баҳонасида уларнинг тўйларини ҳам катта қилиб ўтказсак, демоқчи эдим. Сизларга маъқулми? - деди. Бу фикр ҳаммага маъқул бўлди.

Маросим куни яқинлашганда ҳамма аркда бўладиган каттагина тўй маросимига тайёргарликни бошлаб юбориши. Мулозимлар арк ҳовлисида аёлларга, маросимхона майдонида эркакларга алоҳида ўзига хос шарқона, аммо янгиликларга бой бўлиб ўтилиши кўзда тутилган режага кўра тантанали тадбир учун жой ҳозирлашга тушдилар. Қизлар, аёллар саройнинг бош тикувчиси Саидабонунинг ёнига бориб келишяпти. Унинг ёнида Моҳларойим чизган бир неча кўйлакларнинг чизгилари бор эди. Қизлар ўзларига ёққан сурат ва ўзларига мос мато танлашиб, Саидабонунинг маҳорати билан деярли тайёр ҳолга келиб қолган кўйлакларини яна бир бор кўздан кечиришмоқда. Баъзилари яна янги таклифлар киритишиб, кийимларига мос тақинчоқлар ҳақида маслаҳат қиляптилар.

Нихоят орзиқиб кутилган бу маросим, яъни ўнта оила кураётганларнинг баҳт тўйи, олтита суннат тўйи ва Улуғбекнинг ақиқа маросими куни келди. Моҳларойим қўлида чақалоғи билан волидаи Мұҳтараманинг чап тарафида, унинг ёнида Елена хоним ва сингиллари, сўнгра, урф-одатга кўра, бошқа аёллар, жориялар ихчам хонтахталар атрофида ўтирилар. Моҳларойим бошига пушти ранг ҳарир рўмол ташлаб олган, рўмоли устидан тиллақошини таққан эди. Унинг зардўзи халатини ўзи Муаттарбону ва унинг шогирд қизлари билан биргаликда тикишди. Ҳомиладор бўлишига қарамай, бу соҳадаги "Нуҳ" кемасидан кейин иккинчи биргаликдаги меҳнатлари бўлгани маҳсули учун Моҳларойимга бу халат қадрли эди.

Муаттарбону эса, аксинча, янгаси ва дугоналари билан рус каштачилигини ўрганиб олганди. У ҳам ўзи учун қадрли бўлган, биргаликда тикишган енги узун каштали кўйлагини кийиб олган. Кўйлагига мос қийиқчани энсизгина лентача қилиб, пешона тарафидан тортиб, кўнғироқ соchlари тагидан тақиб кўйди. Дугоналари ҳам кийинишларида ўзларига ёққан европача услубдан шундай дид билан фойдаланишган эдиларки, буни асло Моҳларойимнинг тўйига келган ёш рус хонимларга тақлид қилишган, деб бўлмас эди.

Миллий кийимлар тикишда замонага бир оз янгича ёндошиш, даврдан ортда қолмасликни, бунинг маҳоратни

мунтазам ошириб туриш кераклигини бу қызлар тушуниб етган эдилар.

\* \* \*

Амирнинг хос хонасида бош канизак Роҳила хотин ахборот беряпти:

- Амирим, ҳарамда ҳамма тўйга тайёргарлик кўрмокда. Маликалар, канизаклар, жориялар ўзаро баҳслашиб ўз дидларига мослаб, лиbosлар яратиш, янги бичимлар ўйлаб топиб, тақинчоқлар ва соч турмакларини уларга мослаб, ажойиб томоша кўрсатишмоқчи шекилли. Саидабону бошчилигига қизлар роса меҳнат қилишяпти, –деди.

- Опа, ундей бўлса, бир иш қиласиз. Мен газетадан муҳбир ва суратчини таклиф қиласман. Қизларга совғам бўлсин, ҳаммалари суратга тушсинлар. Маҳаллалардан келадиган келин бўлгувчи қизларга ҳам лиbosлар тикинглар. Улар ўзларини бегонадай тутмасинлар. Ҳа, айтмоқчи, суратчи ва муҳбир келишини ҳозирча сир тутинг, лекин даврага кириб келиш тартибини ўзингиз уларга машқ қилдиринг, ўша куни улар ҳаёжонланиб қолмасликлари учун. Битта-битта навбати билан даврага кириб суратга тушсинлар. Бу улар учун кутилмаган совға бўлади!

- Майли, Амирим! Бу ёғини менга қўйиб беринг! Фақат Саидабону Моҳларойимнинг чизмаларидан фойдаланиб, қўйлакларни тикиши учун матоларга хазинабон пулга қизғанмаса бўлди. Сарой заргарига ҳам бекалар чизмалар асосида буюртма бермоқчилар. Унга, буюртмалар сифатли ва ўз вақтида бўлишини амиримиз тайинладилар, десам бўладими?

- Ҳа, яххиси, заргар ва хазинабонни ёнимга чорланг! Шахсан ўзим топшириқ бераман, – деди амир.

- Хўп бўлади, амирим! Жуда ажойиб, ҳамма қойил қоладиган қилиб ўтказамиз бу тўйни! – деб Роҳила амир хузиридан мамнун бўлиб чиқиб кетди.

1913 йилда ўтказилган бу тўй маросими ҳаммани эсида қоладиган ваунутилмас воқеа бўлиб қолиши эрталабдан аниқ эди. Мулозимлар ишни тадбир бўладиган жойни, маросимхона ҳовлисини безатишдан бошлиши. Тадбир гиламлар билан

иккига ажратилган ҳовлида аввалгиларга ўхшамайдиган, бутунлай бошқача руҳда ўтаётган эди.

Айниқса Сайдабонунинг маликаларни тантанали эълон қилиш билан меҳмонлар олдига кириб келиши, янгича бичимдаги либос ва тақинчоқларининг уйғулиги тўплангандарни лол қолдирди.

Газета мухбири ва суратчилар чеварлар маҳоратига қойил қолишиди. Улар суратга тушаётган қизларни ҳаммага кўринадиган умумий йўлакда яна бир оз қолишларини суратга олиб улгуришлари учун, ҳатто қўллари билан ишора қилиб илтимос қилиб турдилар. Маҳаллий мухбир ва суратчидан ташқари, рус фотографи С.М. Прокудин-Горский ҳам шу ерда ҳозири нозир эди. У ўз фотоаппарати билан шаҳар маҳалла ва гузарларини, меъморий обидалар ва одамларни суратга олиб, обрў қозонишга улгурган эди. Унинг фотосуратларини кўрган қизлар ўзлари ҳам фотосуратга тушибни хоҳлаб қолар эдилар. Суратга тушаётганларнинг кўпчилиги ҳаётида биринчи марта фотокамера олдида туришлари сабабли қизариб кетишар, тортинишар ва ҳаяжонланишар эдилар.

Маликалардан кейин тўй маросими ўтказилаётган даврага ўнга яқин келинлар худди шундай тантана билан кириб келишиди. Уларнинг либослари ҳам шундай миллий услубда, тақинчоқлар, бошларидаги оқ, пушти, қаймоқ ёки шафтоли гули рангидаги ҳарир ёпинчик, тиллақош ёки дўппилари ярашичили бўлиб, кўғирчоқдек кўҳликкина қилиб оро беришган эдилар.

Бугунги тўйда маҳалладан келган фақат бир қиз суратга тушиб учун даврага кириб келишда паранжисиз киришни ҳеч хоҳламади. Ичкарида икки бегона эркак киши – суратчи ва мухбир борлигини эшитиб, кетиб қолмоқчи ҳам бўлди. Бош тикувчи Сайдабону дарров топқирлик билан бу муаммонинг ечимини топди:

– Майли, сен паранжида кира қоласан, бу ҳам миллий кийим, келин саломни шу кийимда бажарасан. Бу билан ажнабий меҳмонларимиз ва суратчиларни яна лол қолдирдимиз. Бу фикрим сенга маъқулми? – деди.

– Бунисига розиман! – деди тортинчоқ қиз. У тантана бўлаётган жойга келин либослари устидан паранжисини кийиб, Сайдабону билан ичкарига кирди. Келинсаломлар жуда

чиройли чиқди. Қизнинг тортинчоқлиги умуман сезилмади. Ажнабий меҳмонлар тадбир режасидаги либослар орасидан, бу либос ҳам ўрин олған, деб ҳисоблашди.

Янги келинлар орасида энг гўзали Ойсарабегим ва унинг синглиси Мехрангиз эдлар. Улар ҳам бор қобилияtlарини намойиш қилиб, маликаларнидан қолишмайдиган ҳаракатлари билан миллый келин либосларнинг меҳмонларга манзур бўлишини эплашди. Бу маросим уларнинг ҳаётида ўчмас из қолдириб, унутилмас воқеага айланди. Аркда бахшидалари билан яшашлари учун уларга алоҳида хона, кейинроқ уй ажратилиши амир Олимхон томонидан киритилган манғитлар сулоласи тарихидаги янгиликлардан бири бўлди.

Маросимдан қизлар ва аёллар жуда мамнун бўлишиди. Ўзларига бўлаётган эътибор, айникса амир томонидан берилган совғалар ва ўз фотосуратлари уларга янгилик бўлгани учун қувончлари чексиз эди. Паранжилик қизга дугонаси:

– Бу сен эдингми, бошқами – буни энди қандай биламиз? – деганида, у ҳеч бўлмаса суратга тушаётганида юзини очмаганига астойдил пушаймон бўлди.

Қизлар билан бир хонтахтада ўтирган Муаттарбону бугун сал бошқача эди. У ерга қараганича ҳаяжон ичида, кўнглига шодлигу тантана сифмай ўтирибди. Чунки кейинги вақтларда у Евгенийнинг муҳаббатига жавобан кўнгли бефарқ эмаслигини ҳис қила бошлаган эди. Унинг онаси ва сингиллари ёнида ўзини ғалати ҳис қилиб, бу ғалати ҳиссиёт сабаби муҳаббатлигига ишонгиси келмаётган эди.

Евгений айни пайтда, одатга кўра, эркаклар тарафда, Сайид Олимхон ёнида, отаси ва бир қанча амалдорлар билан бир даврада эди. Ақиқа маросимини ўтказиб, чақалоқ туғилганига хурсандчилик қилишаётган эдилар. Олимхон зардўзи чопон, тилларанг салла, сапфир кўзли узук тақиб, тўрда қайнотасининг ёнида ўтирган эди. У бугунги кунни ҳам ҳаётининг охирги кунларигача энг баҳтли кун сифатида эслаб қолгани шубҳасиз. Ахир Олимхон ўз севгилиси Моҳларойимга эришиш, фарзандлик бўлишиларини сабр билан Оллоҳдан тилаган эди. У шуларни ўйлаб, Оллоҳга шукроналик келтириб, мулоийим жилмайганича ўз хаёлларига ғарқ бўлган эди. Шунда Евгений куттилмаганда савол бериб қолди:

- Ҳа, қадрли оғам, нималарни бунча ўйлаб қолдингиз? Мұхаббат бобида сизни орзуларнинг Оллоҳга шукур ушалган! Энди орзулар гирдобига тушиш менинг чекимга тушган! Ахир севги борасида боши берк күчага кирган менман-ку! -деди унинг ошиқлик дарди устун келиб. У мавқеи ва ёши бўйича Олимхоннинг дўстлари ва уламолардан кичикроқ бўлсада, меҳмон сифатида поччасининг чап тарафида ўтирган эди.

- Агар билсангиз, Женя, ҳозир опангиз ва жияннингизга эришиш учун чеккан риёзатларим бесамар кетмаганига Оллоҳга ҳамду санолар айтяпман. Қарами кенг Оллоҳим холис ниятлар рўёбида сизга ҳам мададкор бўлгай, Ишооллоҳ! -деди. Унинг бу гапидан Евгений хурсанд бўлди ва юзига мулоийм табассум югорди. У Муаттарбонуга эришиш учун, Оллоҳга иймон келтириб, мусулмон динини қабул қилиб, сура ва оятлардан ёд олиб, қайнакаси билан жума намозларига бораётган ҳам эди...

\* \* \*

Ақиқа маросимининг эртаси волида Мұхтарама беканинг олдига бош канизак Роҳила хотин келди:

- Маликам, мумкинми? Ҳарамдаги қизларимиз кеча ақиқа байрамида роса ошириб юборишмадими? Шунга сизни фикрингизни билгани келдим! -деди.

- Нимани назарда тутяпсан? - дея сўради саволни тушунолмаган бека.

- Кийинишлиари, соч турмаклари безаги аввалгидек эмас, демоқчиидим. Ўрис келинингиз таъсирида ҳарамдаги-ларнинг ҳаммаси кундан-кун ўзгаряпти. Бунақада бир гап чиқса кейин мени уришиб юрманг. Буларнинг ҳали бозорга, дўконга шу ахволда чиқа бошлашади ҳам. Уларга бошқалар ҳам тақлид қилиши ҳеч гапмас. Сўнг бутун мамлакатда барча аёллар шундай юрадиган бўлишади. Хўп десангиз, ҳозир уларни тўпласам, тартибга чақирсам, сиз маъқулласангиз. Нима дейсиз шунга? - деди Роҳила хотин.

- Роҳила хотин, аввалги кийимларимиз ўзимизга ёққани учун ҳаммани шу русумга бўйсунишга мажбур қила олмаймиз. Эслаб кўр, аввал ҳам юртимизга европалик хонимлар тижорат масаласида, цирк томошаси баҳонасида келишган. Эсингдами, улар киядиган кўйлакларнинг этаклари роса кенг эди. Қўлида

елпифич, ҳадеб елпиб турганидан, "исиб кетган бўлсангиз, буни ичиб олинг", деб яхна чой келтирган эдинг. У "йўқ, бизда шунчаки одатимизга кўра елпиниб турамиз", деган эди. Ҳозир уларда ҳам урф-одат ўзгарган, ихчам, ишлашга кулагай кийимларга ўтишяпти. Майли, қизларни тўплаб ўз фикрингни айтиб кўр. Бизлар дунёдан ўтганимиздан кейин улар барибир ўз билганини қилишади. Яхши гап айтиб, ёмон бўлганинг қолади. Чunksи бизлардан кейин ҳеч ким биздай кийинмаса керак! – деди Муҳтарама бека. Уларнингкулгусига эшик олдида турган икки канизак ҳам беихтиёр қўшилдилар. Бу сухбатдан кечгача ҳамма, хатто Моҳларойим ҳам ҳабар топди.

Европага тижорат ишлари билан кетган Тўракул 3-4 йилдан кейин Бухорога қайтди. Унинг муҳаббати жавобсиз қолиб, Муаттарбону Евгенийга турмушга чиққанидан кейин, дунё кўзига тор кўриниб, бир муддат хорижга бош олиб кетишини маъқул кўрган эди. У аркка келиб, амир хузурига кирди:

– Хўп десангиз, бу сафар сизни ҳам олиб борай, мана бу фотосуратларга қаранг, дунёга машҳур Эйфель минораси бор экан. Дунёning кўп жойларидан севишганлар келиб, унинг пойида суратга тушар эканлар. Мана, ҳиндлар, ҳабашлар, руслар... Таниш-билишлар орттиридим. Ўзимча, менинг ҳам бир ошиқ биродарим бор, Олимхон исмли. Рус янгамизни олиб, саёҳат қилмоқчи бўлсалар, деб фотосуратлардан олиб келдим.

– Раҳмат биродар. Бошимда юрт ташвиши. Катта ишларни бошлаб қўйганман, саёҳатга қандай кетаман. Лекин сиз хафа бўлманг, биз бу минорага бора олмасак, шу минора Бухорога келади. Эртагаёқ муҳандислар мажлисида бу суратларни кўрсатиб, ишни бошлаб юборамиз. Дунёning барча афсонавий иншоотлари намунасини ўзимизда ҳам яратишнинг иложи бор. Имкон топиб шундай ғаройиб иншоотларни мамлакатимизда курамиз ҳам! Тож-Маҳал, Миср эҳромлари, Чин деворидек мўъжизаларни бизда ҳам яратиш мумкин. Аммо, биласизми, фақат, биргина жой, яъни Каъбаи Муаззама бундан мустасно! Оллоҳнинг иродаси билан Макка ва Мадина шаҳарлари дунёда мусулмонлар учун ягона тенгсиз зиёратгоҳ жойлардир! Илоҳим, Оллоҳим бизни ҳам ҳаж зиёратига боришни насиби рўз айласин! – деди.

Амир Олимхон ҳақиқатдан эртасига Арк дарвозасига яқинроқ жойдан суратдагидек минора қурилишини устамуҳандисларга кўрсатиб, муҳокамага қўйди. Улар чизмасини чизиб, митти намунасини тайёрлаб, қанча хом ашё ва маблағ кетишини ҳисоблаб беришди. Бир неча эскизларни кўрган Олимхон энг маъқулига муҳр қўйди. Аммо номаълум сабабларга кўра бу қурилиш ниҳоясига етмади.

Кунларнинг бирида Самарқанддан, Евгений номидан Муаттарбонуга совчилар келишди. Волидаси ва синглиси билан маслаҳатлашиб олган амир Олимхон бу никоҳга розилик билдириди. Аммо тўй маросими чекланган кишилар, саройдагилар ва Самарқанддан келадиган бир неча киши иштирокида бўлишига келишилди. Чунки Бухородаги барча бойлар, ёши улуглар, шариат уламолари бу никоҳни ҳушламасликлари ва ҳатто аллақандай шартлар кўйиб, аралашишлари мумкин эди. Хуллас, ими-жимида қилинган тўй яхшиликка бўлди. Никоҳ сарой ичидаги масжидда ўқилди. Чунки ўз севгилисига эришиш учун Евгений исломни қабул қилган эди. Қизнинг яқинлари ҳам: “куёв бўлмиш ўрис йигити исломни динини қабул қилган экан, бизнинг ҳам бу никоҳга ҳеч қандай эътирозимиз йўқ”, дейишди.

Никоҳ маросимида мулла куёв ва келинга уч марта “розимисиз?” саволини бериб, жавобни тасдиқлатиб олди. Одатга кўра, бундай пайтда савол икки бора такрорланганда индамай, учинчи мартасида “розиман” деб жавоб берилиши лозим. Йигит савол икки марта берилганида ҳам индамай турди. Паранжидаги Муаттарбону: “Евгений ҳали учинчисида ҳам индамай турса-я”, деган хаёлга ҳам борди. Евгений учинчи сўровда берган “розиман” деган жавобидан кейин Муаттарбонунинг енгил тин олганини елкасининг оҳиста қимирлагани ва унга томон бироз ўгирилганидан сезиб қолди. У бундан хурсанд бўлиб, жилмайиб кўйди. Кўркам ёш рус йигити Евгенийга мусулмонларнинг куёв либослари жуда ярашган эди. Ялтироқ салланинг олтинранг шуъласи юзига жило бериб, унинг айни вақтда нақадар баҳтиёрглигидан дарак бераётгандек эди. Яқиндагина мусулмонликни қабул қилган йигит ўз муҳаббати жавобсиз қолмаганидан, ниҳоят унга эришганидан

Оллохга иймон келтириб, ичида шукроналик дуосини тақрорлади.

Амири волида Мұхтарамахоним қизи Муаттарбонуга түй маросими тугаб, Самарқандга кетиш учун файтунга минишидан олдин бир жуфт тилла билагузук ва "Куръон" китобини совға қилди:

— Бахтли бўл, қизим, бу тилла билагузуклар менинг совғам бўлсин. Бу эса анча олдин улуғ ҳаттотлар кўчирган "Куръон" китоби. Буни марҳум отангдан совға деб бил ва авайлаб асра. Ўғил фарзандинга бериб, авлоддан авлодга мерос қолишини тайинла, жон қизим! Сени Оллоҳ паноҳига топширдим! Оллоҳ сенга ўғиллар берсин, — деб кўз ёшлари ила хайрлашади. Амир Олимхон сарой заргари совчилар келганидан бери ўзинингбуюртмасига биноан ясаган жуда қимматбаҳо зебигардон совға қилди. Моҳларойим жойнамоз ва қимматбаҳо тасбех, Зарифабону кумуш идишлар, Гулсарабегим биллур қадаҳлар, яна бир неча жориялар турли совға-саломлар бериб хайрлашадилар. Келин-куёв ва кудалар учта файтунга ўтириб Самарқандга кетдилар.

Арк дарвозаси ёнидан файтунда кетаётган келин либосидаги синглисини кузатиб қўяётган Сайийд Олимхон Самарқанддан Надежданинг ота-онаси, сингиллари билан Бухорога тўй муносабати билан илк марта келган вақтларини эслади...

Ўшанда олдинги файтунда амир бир неча мулозим ва хос соқчиси билан, кейингисида эса Надежда икки синглиси, ота-онаси билан, яна бир аравада келин сеплари билан йўлга тушишди. Ота-онаси, сингиллари билан суҳбатлашиб келаётган Надежда Бухорода уни қандай синовли ва баъзида бахтли кунлар кутаётгандан бехабар эди. Йўлда Нурота зиёрратгоҳига боришли, лолақизғалдоқ қийғос очилган адирда майса устга бўйра тўшаб, чодир тикиб тушлик қилдилар. Бу гўзал гуллар табиат шайдоси Надежданинг юзига табассум улашди. Унинг табассуми Сайийд Олимхонга Бибихоним масжиди олдида қизни илк бор кўрганидагидек беғубор, самимий табассумини эслатди. Ўша куни ҳам аравадан тушаётган Надежданинг қўнғироқ соchlари силкиниб, уни илк бор кўрган кунидагидек, яна вақт секин ўтиб, ажиб бир куй тараалганидек бўлган эди...

Сайийд Олимхон Нуротада тушлик қилаётгандаридан бир чопар билан бош канизак Роҳила хотинга ҳарамда отасидан изн сўраб бир хонани Надежда учун безатишларини сўратган эди. Бу энг катта хона Олимхоннинг бувиси вафот қилганидан бери бўш турарди. Амир Абдулаҳаддинг икки аёли, яъни волидаи Муҳтараманинг кундошлари ҳам шу хонага кўчиб ўтишга рухсат сўраб кўрган эдилар. Аммо нима учундир Абдулаҳалхон рухсат бермади. Энди эса Кармана волийси Олимхонга ҳали шаҳзода туғиб бермаган, бор-йўғи учинчи никоҳ бўйича рафиқа бўлаётган ёш рус қизига бу хона вақтинча бўлса-да берилаётганига волидаи Муҳтараманинг кундошлари ҳайрон, ҳатто хафа бўлишиди. Аммо Амир Абдулаҳадхон ўз қарорини ўзгартирмаслигини билганлари учун индамай қўя қолдилар. Хонани безатаётган икки канизак қизлардан бири:

- Бу хонани вақтинча, тўй ўтгунича янги келин бекамизга аталганига қараганда, бека жуда обрўли, задогонлар оиласига мансуб бўлса керак-а? Тўй маросимлари ўтгач яна Карманага кетишар эканларми? – деб қолди.

- Ҳа-да, Самарқанд маликасидек мақомга эга эканмиш, бекалар ўзаро суҳбат қилишаётгандаридан эшишиб олдим. Жуда чиройли ўрис қизи экан. Кармана волийси шаҳзодамиз Олимхон ҳам бир кўришда унга қаттиқ ошиқ бўлиб қолиб, олти ой деганда қиз тарафидан тўйга зўрға розилик олибдилар экан! Дарвоқе, тўйдан кейин яна Карманага кетар эканлар. Ахир қоидаси шунаقا-ку! – деди иккинчи канизак. Канизаклар хонани жуда чиройли қилиб, қизил баҳмалдан пардалар, хитой чинни гулдонларда гуллар киритиб безатишиди.

### **БУХОРО. АРК ҚЎРҒОНИ. 1915 ЙИЛ. ЭРТА БАҲОР**

Моҳларойим Амир Олимхоннинг давлат ишларига берилиб кетганидан хафа эмас эди. Уни аёлига жуда меҳрибон, хурмат қилиши ва севиши юз-кўзидан ҳар доимгидек билиниб турарди. Моҳларойим арқдаги ҳаётга тезда кўникиб кетди, кўпчилик билан дўстлашиб олди, бекор ўтирмади. Арк минглаб одамларнинг кўл меҳнати билан ўрта асрларда қурилган бўлиб, ҳозиргача сақланиб қолган қисмидан ташқари, ичкари ҳовли, яъни ҳарам ёнидан ўтган йўлак охирида бир эшик бўлиб, у доим ёпиқ турарди. Ўша вақтларда эшикни нариги тарафида яни бир

йўлак бўлиб, унинг ўнг томонида каттагина ошхона бўлган. Бош канизак Роҳила хотин Моҳларойимга бу жойни таништириб чиқмоқда:

- Бу - арк ошхонаси, мана бу киши бош ошпаз ака Али бўладилар, - деди ўрта ёшлардаги хушсурат, қотмадан келган кишини кўрсатиб. Улар танишувни давом эттирилар.

Бироз юрилгандан кейин ўртада айланма йўлак бўлиб, бу ер аркнинг шарқий қисми ва ўртадаги девор уни иккига ажратган, ўнг тарафи аёл хизматчилар, чап ёни эркаклар учун. Сал нарида пастга тушиладиган зина бўлиб, ундан катта омборхонага кириш мумкин бўлган. Бу ерда захира озиқ-овқат сақланарди. Омборхонада буғдой, ловия, мош, мева ва сабзавотлар, ҳатто қуритилган ва атрофига кигизга ўралган, муз қўйиб чиқилган ҳолда гўшт сақланган. Роҳила хотин амир топшириғига кўра бу ерни, ёнидаги калитлари билан очиб кўрсатиб бўлгач, юқорига чиқишиди. Гулзорнинг чап тарафидаги аёлларнинг ювениш хоналари, кирхона, хизматкор қизлар ётоқхонаси, айвони ва у ердаги қизлар билан таништириди. Шундан кейин Роҳила хотин:

- Маликам, келинг, энди мана бу ёпинчиқни ёпининг, деворнинг нариги тарафига ўтамиз, - деди. У ерда заргарлик дўкони, сартарошхона, этикдўз устахонаси, табиҳона, нонвойхона, ўтихонани кўрсатди. Усталар ва уларнинг шогирдлари малика билан танишганларида одоб-эҳтиром билан ўринларидан туриб, қўлларини кўкракларига қўйганча, таъзим билан турдилар. Моҳларойим уларнинг ҳурматига жавобан енгилгина бош эгиб, ёш хонимларга хос одоб юзасидан саломлашди, уларда ёқимли таассурот қолдирди. Шу қисқа танишув биланоқ хизматкорларнинг олижаноб маликага ҳурматлари ортди. Роҳила хотин маликага энг охирги ётоқхонани кўрсатиб:

- Энг орқада эркак хизматкорлар ётоқхонаси жойлашган. Энди кетамиз, қолган томонларнинг бизга дахли йўқ, - деди ва йўлни бошқа томонга бурди. Кўргон ҳаётига мослашаётган Моҳларойим саройдаги қиз болалардан гуруҳ тузиб, ўқиш-ёзиши, расм чизишни ўргатди. Рус тилини ўрганишниистаган қиз-жуонлардан гуруҳлар тузиб, ишдан бўш вақтларида, ҳар куни маълум вақтда бир соат машғулот ўтказиши туфайди улар тез орада бу тилда сўзлашадиган бўлдилар. Канизак қизлар

Муаттарбонунинг ташаббуси билан каштачилик, патдўзлик, зардўзлик сирларини анчагина ўрганиб олган эдилар. Энди бу анъанага айланиб, такомиллаша бошлади. Маҳорати ошган чевар аёллар гурухга янги келган ўрганувчи қизларга мураббий этиб қўйилди. Моҳларойим эса уларнинг ишларини кузатиб завқ олар, ҳунарли бўлишнинг фойдали томонларини тушунтириб турарди.

Моҳларойимнинг бошқа маликаларга хос бўлмаган меҳнатсеварлиги, софдиллиги, эпчиллиги амирнинг унга бўлган меҳрини оширгани сари катта хотинларининг ғайрлигини келтиради. Буни ич-ичидан сезган амир Олимхон маликани қўриқлашни кучайтириш мақсадида ишонган канизакларидан икки хос соқчи, эшик ташқарисида турувчи хос соқчилар қилиб, икки эркак киши, улардан бири қоракўллик полвон, содик хизматчиси ва ўзининг дўсти Муҳиддинни тайнинлайди.

Моҳларойим ўғли Улугбек анчагина катта бўлиб қолгани учун уни Фотима канизак қизга ишона олар эди. Улар баъзида арк бўйлаб югуриб юрар эдилар. Улар саройда яшаётганлар орасида энг бахтли болалар эдилар.

Орадан бир неча муддат ўтиб, яна оғир оёқ бўлган Моҳларойимни тўлғоқ дарди тутиб қолди. Канизак қизларнинг бири дояни чақиргани, яна бири амир Олимхонга хабар бергани югурдилар. Малика ўз хонасидан чиқиб, табибхонага бормоқчи бўлди-ю, оғриқнинг зўридан тўхтаб, остонаяга ўтириб олди.

Амир Олимхон сарой аъёнлари ва ноғорачилар, карнай-сурнайчилар билан Когонга вокзали ёнида қурилган янги иншоотнинг очилиш маросимига кетаётган эди. Бир канизак бўлаётган воқеани амир соқчисига келиб айтгач, у амирнинг ёнига шошилди.

– Амирим, канизакнинг сизда гапи бор экан, – деди у амирга.

Соқчига от тизгинини тутқазган амирнинг ўзи муҳим хабар борлигини ҳис қилиб, қизнинг ёнига борди.

– Амирим, мени сизга бир хабарни етказиш учун юборишли. Маликамиз Моҳларойим тез орада фарзанд кўрсалар керак, – деди канизак ердан нигоҳини узмай.

– Яхши, бориб айтинг, ҳозир келар эканлар, денг! Ҳа, опа Муборак ҳам тез борсин ёки bekangizni ёнидами? – амир Олимхон шошиб қолганди.

- Ҳа, бир канизакни дояга хабар бериш учун жүнатиши, - деди канизак қиз.

- Тұхтанг, беканғизнинг аҳволи қалай, яхшими?

- Яхши, амирим, асло хавотир олман! Аммо оғриқ кучли шекилли, останага ўтириб олганлар! - Амирни тинчлантиromoқчи бўлди канизак. Амир шерикларини ёнига бориб:

- Мен бир оз кейинроқ бораман, аммо ҳалқ кутиб турибди. Сизлар бориб, тантанани бир оз кейинроққа қолдиринглар! Ортингиздан тез етиб боришга ҳаракат қиласман. Жуда кеч қоладиган бўлсам, күшбеги ҳазратлари, маросимни ўзингиз рисоладагидек ўтказасиз! - деди-ю, сарой ичкарси сари ошиқди.

Амир ичкари ҳовлига кириб келганида уердаги ҳамма бир иш билан банд эди: кимдир тоғорага югураяпти, кимдир иссиқ сув олиб келгани кетди.

- Амирим, маликанинг кўзи ёрияпти, лекин на ичкарига кирадилар, на табиб хонасига борадилар, останага ўтириб олдилар! - деди ташвишланиб доя хотин опа Муборак амир Олимхонга. Чunksи, кучли оғриқ билан Моҳларойим танлаган жойда туғруқни ўтказиш осон эмаслигини билиб, доя хотин чиндан ҳам ваҳимага тушганди. Шундай бўлса-да, у вазият қалтислигини ҳисобга олиб, туғруқ асоратсиз кечиши учун барча чораларни кўрмокда эди.

- Майли, бўпти, нариги эшикни ёпинглар, шу ерда туғруқни қабул қилинг, биз ташқарида сизларни кутамиз, иншооллоҳ, Оллоҳ мадад бергай! - деганича амир Олимхон доя хотинни бу ерда қолдириб, ташқарига чиқди. Кўп ўтмай арк бўйлаб дунёга янги келган чақалоқнинг овози янгради.

- Амирим, суюнчи беринг! Ўғил муборак бўлсин, ўғил! - деди доя хотин дахлиз эшигини очиб, шодлигини яширолмай.

- Э, ташаккур опа Муборак! Мана бу суюнчини олинг буюрсин! Арк саройида мени иккинчи марта хурсанд қилдингиз! Сизни Оллоҳ ёрлақасин! - деб амир чўнтагидан тилла тангаларап солинган ҳамённи олиб доя хотинга узатди ва ўзи ичкарига кирди. У ҳар қачонгидан ҳам жуда хурсанд бўлган эди.

Ташқаридагилар тарқала бошлишди. Амирнинг икки хотини бир-бирига маъноли қараб қўйиши. Уларнинг иккаласида ҳам

ўз шаҳзодалари бор, лекин амир келажакда Моҳларойимнинг болаларидан бирини таҳт вориси қилиб тайинлаши мумкинлиги ҳақида аллақачон миш-мишлар тарқалган эди. Фарзандлар амирнинг суюкли маликасидан, бунинг устига аркда туғилаётган шаҳзодалар бўлгани боис бу боланинг ҳам келажакда амир бўлиши, таҳт вориси мақомини олиши мумкинлиги шундай миш-мишлар тарқалишига сабаб бўлган эди.

Амир ичкарига киргач, даҳлиз эшигини ёпиб, остоидан Моҳларойимни даст кўтариб олди ва уй тўридаги унинг шоҳона ётоқхона ўрин-кўрпласига ўтқизиб кўйди. Бир неча кундан бери бугунги қувончли дақиқалар учун яхши ният билан ёнида олиб юрган бир бўйин асл оқ маржон мунҷоқни олди-да, ўз кўли билан маликанинг бўйнига тақди. Доя ҳозиргина йўргаклаб берган чақалоқни эҳтиёткорлик билан кўлига олган Сайийд Олимхон маликанинг ҳорғин кўзларига меҳр билан термулиб:

- Азизам, ўғил бизга муборак бўлсин. Боламизнинг исмими Остона кўймоқчиман, сизга ҳам маъқул бўлгайми? - деди. Ҳозир бир ўлимдан қолган, азоблардан қутулган малика ич-ичидан баҳтиёр эди. У bemажолгина, синиқ овоз билан сўз бошлади:

- Эсингиздами, биринчи фарзандимизга исм кўйишда ойим Улуғбек ёки Темур кўйинглар деган эдилар! Улуғбек исми ҳаммамизга ёқди. Бу фарзандимизга Темур деб исм кўяйлик!?

- Йўқ, ундан бўлмасин, буни истисно қиласиз. Боламиз вақти келиб амир бўлса, унга Амир Темур деб мурожаат қиласилар. Бу тарихимиздаги энг машҳур жаҳонгиршоҳнинг исмидур. Шу улуғ ном ҳаққи-хурмати бундай қилолмаймиз. Ул зотнинг бутун умрлари жанг жадалларда кечган. Фарзандимизга келажакда уруш азоб-уқубатларни кўришига тўғри келишини истамайман! Менинг гўзал маликам, ахир ўзингиз-ку, қайсарлик билан боласини остонода туқсан она! Бола ўз исми билан дунёга келди. Келинг, мен танлаган исмга рози бўлақолинг ва баҳтли яшаши учун унга шу исм кифоя, ҳали яна туғасиз, яна ўйлаб, бошқа исмлар ҳам кўямиз, Ишооллоҳ! - деди амир сўзида қатъий туриб. Маликанинг рози бўлишдан бошқа иложи ҳам йўқ эди:

- Майли, ундан бўлса, сиз айтган исмни кўямиз, розиман.

Сайийд Олимхон боласига азон айтиб, кулоғига оқистагина: "сенинг исминг Остона бўлди", деди. Болани маликага тутар экан:

- Маликам, энди мен борай, вазир-уламолар, ноғорачилар Янги Бухорга - Когонга менсиз кетишган эди. Бунда яхши бир маросимни ўтказиши мўлжал қилганмиз, мени кутишяпти. Маросим тугаши билан қайтаман, -деб ташқарига ошиқди. Бу воқеа мелодий 1915 йилда содир бўлган эди...

### **БУХОРО ШАҲРИ. 1915 ЙИЛ. БАҲОР**

Эртаси куни эрталаб Бухоро шахрининг кўчалари ва бозорларида жарчилар овози жаранглади:

- Эй аҳли Бухоро, эшитмадим деманглар, зоти олийлари амиримиз яна бир ўғил фарзандлик бўлдилар! Пешин номозидан кейин барча масжидларда ош тарқатилад-и-и!

Жарчининг хабари уни эшитган катта-ю кичик барчани, айниқса болаларни хурсанд қилди.

Шаҳар атрофи қалин пахса девор билан ўраб олиниб, 12 та дарвозаси бўлган. Мудофаа жуда ёмон бўлмаса-да, кучлироқ душманга дош бериши қийин эди. Шаҳар ичидагодамлар асосан косиблиқ, мисгарлик, темирчилик, заргарлик, гилам тўқиши, сопол ва чинни идиш кулолчилиги билан машғул. Хунармандчиликнинг айрим турлари санъат даражасига кўтарилиган. Кулолчилик, бўз ва ипак матоларини тўқиши, тери ошлаш ва оёқ кийимларини тикиш каби хунармандлик ишлари аҳолига яхши даромад келтиради.

Шаҳар ташқарисидаги қишлоқлар аҳолиси асосан дехқончилик, боғдорчилик, полиз маҳсулотлари етишириш, чорвачилик билан шуғулланарди. Пилла ва ҳатто пахта кўп миқдорда чет эллар, асосан Россияга экспорт қилинган.

Аркнинг кун ботиш тарафидаги девор тепасида, амир учун маҳсус тайёрланган кўшк бўлиб, у истаган пайтида бу ерга келар ва шаҳарнинг шу томондан кўзга ташланадиган жойларини кузатарди. Арк олди шаҳар маркази ҳисобланиб, бу ерда амирнинг рухсати ёки алоҳида фармойиши билан ҳар хил сайллар, дорбозлик томошалари, полвонлар беллашувлари ташкил қилинар эди. Арк дарвозаси тепасида маҳсус жой

"Ноғорахона" деб номланиб, амирнинг бирор янги фармони эълон қилинадиган бўлса ёки томоша, сайлларга халқни чорлаш керак бўлганида ноғоралар чалинган. Дарвозанинг икки тарафида миноралар бўлиб, тепада, улар оралиғида жойлашган тош панжарали маҳсус, паstdагиларга кўринмайдиган жойдан маликалар сайлларни ва бошқа томошаларни кузатишларни мумкин бўлган.

Моҳларойим боласи тарбияси билан астойдил шуғуллансада, бола ўз энагаси Турсуной энаганинг ёнида бўлган вақтда хотиржам эди, унга ишонар ва бошқа ишларига ҳам вақт топар эди. Фотима канизак ҳам Турсуной энаганинг яхши ёрдамчиси эди.

Шундай кунларнинг бирида Моҳларойим амир Олимхондан қиз болалар учуналоҳида мадраса ва янги услугуда бирор билим даргоҳи ташкил қилиниб, алоҳида гуруҳларда ўқий олиш хукуқи бўлиши ҳақида фармон чиқаришини сўради:

- Азизим, саройда канизак ишчи қизлар учун барча шароит, ўқиши ва ҳунар ўрганиши шароитлар бор. Аммо бу машғулотлар арк ташқарисида ҳам ташкил этиш керакми, деб ўйлайман. Кеча шаҳардаги аёллар билан суҳбатлашганимда улар менга шу таклифни беришди. Сиз бунга қандай қарайсиз?

- Маликам, хабарингиз бор, ҳозир юрт тинч эмас. Тошкент, Самарқанд томонларда ҳам шу аҳвол. Тахминимча, ташки душманлар салтанатимизга қарши қўзғолон уюштиришмоқчи. Бунинг замирида русиялик айғоқчи қўзғолончилар таъсирини кўрляпман. Улар айнан сиз сўраётган фармонимдан фойдаланиб, мактабга бораётган қизларни ўғирлашиб, "Амирнинг одамлари олиб кетган", деган бўхтонларни бошимизга ёғдирмоқчи бўлишлари мумкин. Бироз шошмайлик, вақт тақозо этганда шундай фармонлар чиқарамиз, ҳозир эса биз учун юрт тинчлиги муҳимроқ!

Моҳларойим бу масалани бежизга кўтармаётган эди, малика кўкраги остида учинчи фарзандини кўтариб юриб, нимагадир қиз фарзанд дунёга келишини кутаётган эди. У туғилажак қизининг Бухоронинг барча забун аёллари қатори чордевор ўртасида омиларча, дунё бехабар умр кечиришини истамасди..

- Оллоҳга шукур, берганига шукур, баҳшидам. Агар фарзандимиз қиз туғилса, исмини Шукрия қўямиз, майлими? - деб сўради малика амирга савол назари билан қараб.

- Майли, маликам, сиз айтгандек бўлсин, қиз туғилса унинг исмини албатта Шукрия қўямиз! - деди Олимхон.

Ҳар куни эрталаб 300-400 киши арк дарвозасидан кираверишда, ўнг томондаги йўлакдан тепага чиқиб, саломхонада амир билан саломлашиш учун уни интиқ кутиб турардилар. Наврӯз, гули сурх байрамларида, ҳайитларда, баъзан жума кунлари амир Олимхон келувчиларга совғалар улашарди. Бу ерга келганлар асосан энг оддий аҳоли бўлгани сабабли улар баланд овозда миннатдорлик билдиришарди:

- Амирим, илоё, дунё турганича туриңг!

- Куллуқ, амирим, куллуқ! Оллоҳ паноҳида бўлинг!

- Ташаккури калон амирим, шону шавкатингизга, давлату салтанатингизга асло кўз тегмасин, Оллоҳим ҳар ишда мададкорингиз бўлсин, оми-и-н! Бало-қазолардан сизни Оллоҳ асрасин!

Арзга келганлар саломхонадан чиқиб, қозихонага мурожаат қилганлар ёки амир билан учрашмоқчи эканликларини айтганлар. Мирзалар келганларнинг шикоятлари билан танишиб, кимга учрашиш, навбатга қўйиш ишларини бажарганлар, мурожаатларни тезроқ етказиб, муаммоларнинг ҳал бўлишига кўмаклашганлар.

Амирга арзга келган аёлларни Моҳларойим аввал ўзи қабул қилиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга ҳаракат қиласди. Вақт ўтиши билан котиб иккита дафтар тута бошлади ва уларда амирга келганлар учун алоҳида, Моҳларойимга келганлар учун алоҳида рўйхат очди.

Аёллар ўз мурожаатларига жавобдан қониқсалар, амир хузурига киришга ҳожат қолмасди. Улар бунинг учун Моҳларойимга ташаккур айта бошладилар.

Кунларнинг бирида бир аёл келиб, Лаби Ҳовуздаги уйи атрофида бир хил касаллик кўпайганидан арз қиласди. Бу касаллик одам товонидан юқорида, тери остида пайдо бўладиган ришта касаллиги эди. Табиблар қанча уринишмасин, тадбир излашмасин, бу юқумли касаллик авж олаверди.. Шунда Моҳларойим амирга деди:

- Амирим, рус олимлари ичида касалликни биладиган, даволайдиганлар бордир? Уларни расмий хат ёзиб чақирирасизми, сиз нима дейсиз? Афтидан, бу юкумлига ўхшаяпти. Олди олинмаса оқибати нима бўлишини ҳеч ким айттолмайди. Касаллик авж олса шаҳарга карвонлар ҳам келмайди, бундан давлат зарар кўради-ку! Халқа ҳам, давлатга ҳам жабр бўлади, амирим!

- Оҳ, менинг жонкуяр маликам! Катта табибимиз қори Муҳаммад Амин ўғли анчадан бери бу касалликни ўрганипти. Бу "ришта" касаллиги экан. Анча иш қилибди экан. Ҳар куни келиб менга натижалари ҳақида ахборот беряпти. Майли шу бугуноқ бу таклифингиз бўйича ҳам топшириқ бераман, - деди.

Амирнинг таклифи билан Бухорога келган икки рус олими, маҷаллий табиб ва унинг ёрдамчилари билан биргаликда бу касаллик сабабини тез кунда ўрганиб чиқишиди. Ҳовуздан сув олишга келган бемор мешкобчилар ҳовуз зинапоясидан сувга яланг оёқда кирганида, унинг оёғидан микроблар сувга тушар экан. У сувни шу атрофдаги аҳоли хонадонларига сотиш учун тарқатганида, одамлар зааралланган сувдан истеъмол қилгандар учун оммавий тарзда шу дардга йўлиққанлар. Рус олимлари ва ёрдамчи табибларнинг таклифи билан касалликнинг манбани бартараф этишга киришилади ва касаликка бутунлай барҳам берилади.

Ўша даврда амир Олимхон фармони билан Жоме масжиди курилиб битказилди. Очилиш маросимини ўтказиш учун тайёргарлик кўриларди. Усталар бугун маросимхона ҳовлисида ўтказилаётган хайрия ошига таклиф қилинганлари сабабли, ҳамма байромона тузатилган дастурхон атрофида тушлик қиласётган эдилар. Бундан хабар топган шаҳзодалар болалик қилиб, катталар йўқлигидан фойдаланиб, масжид минорасига чиқиб, атрофни томоша қилмоқчи бўлишади. Улар хос соқчи, ҳатто энагаларини ғафлатда қолдириб, минора зиналаридан юқорига кўтарила бошладилар. Бу вақт Фотима билан шу атрофда ўйнаб юрган Улугбек беш ёшлар чамасида эди. У ҳам, ўсмир ёшидаги акаларига эргашиб, уларнинг ортидан, минора томон бориб, юқорига чиқа бошлади.

Буни кўрган Фотима Улугбекнни пастга туширишга қанча уринмасин, у бир силтаниб, юқорига зиналардан бирма-бир

чиқиб кета бошлади. Фотима бундан хавотирланиб, ўз хонасида боласига кўкрак тутиб ўтирган Моҳларойимнинг ёнига югуриб келиб, деди:

- Улуғбек масжид минорасига акалари билан чиқяпти, туш ийқилиб тушасан десам ҳам, гапимга кирмаяпти!

Моҳларойим буни эшитиши билан ўрнидан сапчиб турдида, ўғли Остонани энага Турсунойга тутқазиб, арк дарвозаси томон югурди. Шошилганидан ёпинчиғи ҳам эсига келмаган малика дарвозадан чиқа солиб:

- Улуғбек! - деб додлаб юборди. Унинг бу овози барча эшилганларни сескантириб юборди. Болаларнинг минорага катталар кузатувисиз ёлғиз ўзлари чиқишаётганидан хабар топган бошқалар ҳам Моҳларойимнинг ортидан югуришди. Шунда кимдир аллақачон амир Олимхонга:

- Кичик ойим ташқарига бош яланг югуриб кетяптилар, - деган шекилли, амир ҳам маҳсисига ковушини киймай, дастурхон атрофида ўтирган жойидан югуриб турганича, Моҳларойимнинг ортидан, янги курилган, ҳали хавфсизлиги кафолатланмаган минора томонга қаттиқ хавотирланиб югурди.

Ҳаммадан тезроқ етиб келган Мухиддин полвон чаққонлик билан минора зиналаридан кўтарила бошлади. Болаларга етиб олиб, икки кичик шаҳзодани кўтариб олди ва оҳисталик билан тушиб, болаларни оналарига топшириди. Гулсарабегим боласидан хавотир олиб, ичига қўрқув тушган бўлса ҳам, полвонга "раҳмат" деб қўйди. Моҳларойим эса боласини бағрига омон-эсон олган бўлса ҳам ҳамон йиғлар, кўзлари жиққа тўла ёш эди. У қўрқиб кетганидан:

- Шу ордона қолгур миноранинг ёнида болаларга нима гап бор? Зинадан йиқилса ёки тепага чиқганидан кейин, акалари итариб юборса нима бўлар эди? -деб ўзини ҳали ҳам қўлга ола билмаётган эди.

- Ҳой, жим бўлсангиз-чи, ҳамма бизга қарайпти ахир! - деди ниҳоят амир Олимхон. У Моҳларойимнинг гапларини эшитаётган одамлардан хижолат бўлаётган эди. Шундан кийингина Моҳларойимнинг кўзи бахшидасига тушди ва болани унинг қўлига тутқазди.

Орадан бир неча кун ўтса ҳамки, қаттиқ ҳаяжонланган ва қўрқиб кетган Моҳларойим ўзига кела олмади. Табиб тинчлантирувчи дамламалар ичиргач, бир ҳафта деганда, анча тинчланиб қолди. Лекин шундан кейин ҳам Улугбекни ўзининг хонасидан умуман чиқармади. Уни ўлдириб юборишади деган қўрқув билан, болани ҳеч кимга ишонмас эди. Энагаси билан ҳам, Фотима қизча билан ҳам ташқарига чиқа олмаган боласи гоҳида тиқилинч қилиб йиғлар, норозилигини билдирар эди. Эшик ёнига келиб, ичкаридан куфланган эшикни уриб:

- Буви! Бувижон! Падари мо! Мени зинданбанд қилишди. Мен гуноҳ иш қилмадим-ку, нега қамашади? Қутқаринглар! - дея эшикка тармашганча аюҳаннос солиб йиғларди.

Улуғбекнинг овозини эшик ёнидан ўтиб кетаётган бир канизак қиз эшитиб қолиб, унинг ҳолига ачинганидан воқеани амири волидага оқизмай-томизмай етказди. Амири волида бир оз ўйланиб қолди-ю, ўғли Олимхонни хонаси томон кетди. У хос хонасида ўтирган ўғлига деди:

- Моҳларойим завжангизнинг эси оғиб қолади бунақада, болани ҳатто ҳожатга ҳам ташқарига чиқармаяпти. Бола шўрлик эшикни уриб йиғлаляпти экан. Айтинг, бундай қилишмасин. Агар кундошларнинг ёмонлик қилишидан қўрқиб, болани ташқарига чиқармаётган бўлса, ўз ота-онасига ишонар! Болага синглингиз Муаттарбону вақтинча энагалик қилиб туради. Карами кенг Оллоҳ унга ҳам фарзанд бериб қолар. Синглингизгга хабар беринг, қудалар билан келсин. Улуғбекни бир муддатга қудаларга бериб юборамиз, Муаттарбонуни эса "Кунжак" ҳаммомида даволатаман, насиб бўлса, бўйида ҳам бўлиб қолар! Моҳларойим болани Самарқандга юборишга қўнсин, бобосидан илм ўрганиб, бобосидек олим бўлади. Ўзларингиз Хивага бориб, бу нохуш воқеани унутиб келинглар! Бу хотин сизни ҳам қийнаб қўйди. Ўша кундан бери, ўзингизнинг рангингиз ҳам афтодаҳол!

- Волидам, майли ҳаммаси сиз айтгандек бўлсин! Болани вақтинча Самарқандга юбораман. Хивага ҳам сиз айтгандек Моҳларойим билан бориб келаман. Жуда яхши маслаҳат бердингиз, ташаккур!

\* \* \*

Самарқандга етиб келган чопар зудлик билан амир Олимхоннинг мактубини Евгенийнинг қўлига берди. Мактубда шундай сўзлар битилганди:

“Ассалому алайкум!

Сизларни Бухорога таклиф қиласиз! Улуғбек бобосидан илм ўрганиши учун балки сизлар билан Самарқандга қайтгани маъқулдир! Моҳларойим айни вақтда уни еру кўкка ишонмаяпти. Фарзандимиз вақтинча сизлар билан яшаб турса, унинг ўринсиз ҳавотирланишига чек кўяр эдик.

Хурмат билан кўёвингиз, Бухоро амири Сайид Олимхон”

Бу мактубни ўқиб, Моҳларойимнинг ота-онаси, Евгений ва Муаттарбону Самарқанддан тезда Бухорога етиб келишиди. Муаттарбону турмуш қурганига 3-4 йил бўлган бўлсада, фарзанд кўриши кечикканлиги сабабли пинҳона кўз-ёши қилиб юрган эди. Энди янгасига қаттиқ ёпишиб олди:

– Болага мен ўзим энагалик қиласан. Булар ота-онангиз, ўз укангиз бўлса. Оиламиизда бегона ҳеч ким йўқ-ку! Тез-тез келиб турамиз. Бола баҳона мен ҳам сизларни кўриб кетаман.

Аввалига Моҳларойим боласи ўз бағридан узоққа кетишига рози бўлмади. Ташқарига чиқа олмай, зерикиб кетган Улуғбек эса улар билан “кетаман”га тушиб олди. Ўзи катта бўлган хонадонда боласи бехавотир бўлишига ишониб, Моҳларойим ниҳоят розилик берди. Меҳмонлар кетгач, амир Моҳларойимни, икки яшар ўғли Остонани олиб, бир неча навкарлари билан Хоразм сафарига йўл олди.

Бухоро амирининг меҳмон бўлиб келаётгани ҳақида олдиндан телеграф орқали хабар берилгани сабабли Хива хони Асфандиёрхон олий мартабали меҳмонни катта тантана билан кутиб олди. Биринчи кунги учрашув шаҳарда байрамдек нишонланди. Меҳмонларнинг келиши Рамазон ойида бўлгани сабабли, бу ойнинг чиройли урф-одатларини бўйича, ифторликлар уюштирилди. Самимий, қизғин ва дўустона суҳбатлар уларни янада яқинлаштириди. Хоразмда байрам бундай таҳsinga сазовор ўтаётгани Моҳларойимни тушкин ҳолатига ижобий таъсир қилди. У хоразмлик бекаларнинг пазандачилигига, маҳоратига тан берди. Қизларнинг ўз шевасида ширин сўзлаши Моҳларойимнинг эътиборини

тортгани каби, пиширган турли-туман таомлари ҳам еганинг сари иштаҳани очарди. Кўпгина таомлар, пишириқлар Бухоро ва Хоразмда бир ном билан аталса-да, кўриниши ва мазаси билан фарқ қиласади. Моҳларойим уларнинг айримларини тайёрлашни бу орада ўрганиб ҳам олди. У Иchan Қалъани, ундаги Паҳловон Маҳмуд мақбарасини, яқинда қуриб битказилган европача усулдаги қасрларни томоша қиласади экан малика Бекажондан сўраб қолди:

- Мана бу қаср ниҳоятда ҳашаматли, баҳшидангиз томонидан келгуси авлодларга ёдгорлик бўлиб қоладиган қилиб қурилган экан. Муҳандиси ва усталар қаерлик, ўз юртингизданми?

- Йўқ, хоним. Чизмаси италиялик бир меъморга тегишли эди. У юртига кетиб қолиб, ўзи ваъдалашган вақтда қайтиб келмади. Баҳшидам анча кутгандан сўнг германиялик устамуҳандисларни ёлладилар. Уларга маҳаллий усталар ҳам кўмаклашиб турди. Хуллас, бир амаллаб битказиб олдилар. Энди юринг, сизга ичкарини кўрсатаман. Ҳовуз бўйида, сизникона кўрганимиздек, товусларимиз ҳам бор. Бугун ифторликдан кейин сизга кеча баҳшидаларимиз томоша қилган янгиликларни кўрсатаман. Бу рассомлар чизган расмлар ёки фотосуратлар эмас. Тамоман бошқа нарсалар. Хоразмга хориждан олиб келинган ер юмшатувчи, шудгор қилувчи ғалати машиналар... трактор дейишади шекилли. Одамларнинг ҳаракатини қоронғуликда нурлар ёрдамида оқ деворда акс эттирадиган аппарат ҳам бор. Худойберган исмли фуқаромиз Санкт-Петербургдан олиб келган, дейишади. Номи ҳам жуда қизиқ – “кинематография”.

- Йўғ-э! Шундай ажойиб томоша усули ҳам бор экан-ми? Балки қутидек нарсадир, тирқишичасидан бир кўзингиз билан қараб турасиз-да, ўнг кўлингиз билан мурватини бураб турасиз. Фотосуратлар бир-бир ўтишини қуриб турасиз. Шунаقا томошадир? – деди Моҳларойим ҳайратланиб.

- Йўқ, умуман бундай нарса эмас, маликаи Бухоро! Ҳали ифторлик вақтигача анча бор. Ҳозир бориб мен айтган ўша кино томошани кўрамиз! Ўзингиз куриб қойил қоласиз. Чунки уни мен рисоладагидек, қойил қилиб таърифлаб бера олмайман. Ўз кўзингиз билан кўрганингиз яхши. Буни фақат куриб ишониш

мумкин, – деди малика Бекажон. Шундан кейин улар канизак қизлар билан биргаликда, мезбон бека бошлаган саройга борышди. Моҳларойим шу оқшом ўша даврнинг энг сўнги янгилиги – кинофильм томоша қилиб, бир олам таассурот олди.

Бу вақтда Асфандиёрхон янги қасрининг роса безатилган катта хонасида давлат ишлари бўйича кенгаш ўтказаётган эди. Ипакдан тўқилган қалин эрон гилами атрофида чўғдек қизил баҳмал давра кўрпачалар, ҳар бир мажлис аҳлиниң икки ёнида шундай методан болишлар кўйилганлиги меҳмонлар ниҳоятда иззат-икром билан кутиб олинаётганлигидан дарак берар эди. Бир-бирига қўшни мусулмон давлатларининг юртбошилари бугунги ифторлик вақтигача, юмшоқ ва нафис ўринларида чордона куришиб, давлатлараро муносабатлар мавзусида норасмий сұхбатлашиш режалари бор эди.

Кенгаш қизғин давом этди, сўнг ифторлик вақти бошланиб, бу хона эшигидан мулозимлар қимматбаҳо патнису ликопларда шоҳона тансиқ таомларни киритиб турдилар.

\* \* \*

Айни вақтда Бухорода амири волидага хизмат қилаётган канизак қиз Мастура қайд қилмоқчи бўлди-ю, ўнг қўлини лабларига теккизганича ташқарига югуриб кетди. Волида қизнинг хонага қайтиб келишини сабрсизлик билан кутиб турди. Қизнинг бу ҳаракатлари унинг ҳомиладорлигидан дарак бераётганлигини пайқаган аёл ҳайрон бўлган эди. Хонага қайтиб кирганди Мастура яна ҳеч нима бўлмагандай чойшабларни кирхонага олиб кетиш учун йиғиштиришда давом этди. Амири волида:

– Ҳа, Мастура, сенга нима бўлди? – деб сўради.

– Ҳеч нима бўлгани йўқ, – дея бошқа индамади қиз.

– Сен менга ёлғон гапирма. Ҳаммасини кўриб турибман. Сен ҳомиладор бўлгансан! Нега, “Амир хоналарига киритмай, мени ортимга қайтариб юбордилар”, дединг? – яна ҳайрон бўлиб сўради волида.

– Амиримиз мени қайтариб юборганлари рост, волидам. Саҳарликда ифторликкача оч қолмаслик учун кўп овқат еб қўйибман чоғи, ташналик менга таъсир қилган бўлса керак, – деди Мастура.

- Йўқ-йўқ, айёр қиз. Сен мендан ҳомиладорлигингни яшираман, деб ўйлама. Ҳомиладорликда рўза амали гуноҳ, буни яхши биласан. Бориб дояни олиб кел, сени кўриб қўйсин! – деди Волида.

Мастура доянинг ёнига эмас, Зарифабонунинг ёнига борди. Йўлакда кўзида ёш билан кетаётган Мастура бўлган воқеани эслаб бораради. У амирнинг хоб хонасига амири волида томонидан танланган куни аркда бу гап қизлар орасида шовшув бўлганди, унга роса ҳавас қилган эдилар. Ахир тўғри-да, бу аввал жория бўлган қиз малика мақомига эришиши мумкин эди.

Бунинг боиси шу эдик, Олимхон саройга келганидан бери бу ерда бошқа шунча қизлар борлиги гўёки унутилгандек эди. Ўша куни Мастура канизакка кўпчилик ҳавас қилди, аммо эртаси куни унинг жория мақомини олмагани ҳам аркдаги бекалар ва қизлар орасида шум хабардек дарров тарқалди.

Мастура, қоидага кўра, жория мақомини олмагани сабабли, ўша куни унга анчайин тантана билан тақилган тилла тақинчоқларни қайтариб топшириши керак эди. Мастура қўл ва қулоқларидаги тилла тақинчоқларни истамайгина бирма-бир ечди. Ахир у айни вақтда саройда энг чиройли қиз эди. Кечагина қизларнинг барчаси унга ҳавас қилаётган эдилар. Аммо бу узоққа чўзилмади. Унинг кўнглига чироқ ёқса ёнмайдигандек эди. Туни билан, “мен шунчалик хунукманми?” деб йиғлагани учун қовоқлари қизарип қолган Мастурага дугонаси Баҳрия канизак таскин бермоқчи бўлди:

- Хафа бўлма, Мастура. Ҳали сенга уйланадиган йигит булардан ўн чандон яхшиларини олиб беради. Бу тақинчоқларнинг қайси бири сенга ёқади? Сен танла, бизлар маошимиздан бир тангадан йиғиб, сенга ўшани совфа қиласиз! – деди. Унинг сўзидан Мастура хижолат чеккандай бўлди. Аммо Баҳрия бу сўзларни астойдил айтаётгани учун:

- Мана бу билакузук, – деди маъюс оҳангда.

- Уста, бу қанча туради? – сўради Баҳрия тақинчоқларни қайтариб олаётган мулозимдан.

- Уч олтин танга, – деди у.

Қизлар ўз ташвишлари билан бўлиб, мулозимнинг ҳаракатларига эътибор бермагандилар. Мулозим улар

келгандан бери Мастирадан кўзини узмасдан аллақандай шум режалар тузәётган эди.

Мастура чойшабларни кирхонага олиб бораётшиб, мулоғимнинг хонасига яна бош сукди. Ўрта ёшлардаги бу мулоғим айни шуни кутиб тургандай хона эшигини ичкаридан қулфлади...

Бу ноҳуш воқеани кўзларида ёш билан эслаб, волида Мухтараманинг ёнидан чиқиб кетаётган Мастира шунинг учун доянинг ёнига эмас, балки Зарифабонунинг хонаси томон йўлини бурганди. Уни эшигини тақиллатиб кириб:

- Опажон, сиз билан холи гаплашмоқчи эдим, - деди. Мастира уни таянадиган ягона инсоним, деб умид қилганди. Шунинг учун унинг ёрдамига муҳтож эканлигини айтиб, дилида яшириб юрган сирларини ошкор этишга мажбур бўлди.

- Майли, мен сенга ёрдам бераман. Аммо бунинг эвазига менга бир умр содиқ қолишга ваъда бер, - деди Зарифабону.

- Ваъда бераман, маликам! Бир умрга эл ичидан бадном бўлиб яшагунимча, сизга садоқат билан хизмат қиласман. Сўзим - сўз!

- Унда, имкон қадар вақтдан ютишимиз учун бу сирни ҳеч ким билмаслиги керак. Ҳозир дояни олиб борсанг, сирингни тўртинчи киши ҳам билиб қолиши аниқ. Ҳозир амири волиданинг ҳузурига бориб: "амир ўша куни Моҳларойим рашк қилмасинлар, деб "ҳеч кимга лом-мим демайсан", деганлар. Аммо волидамнинг совғаси экансан, у кишини ҳам хафа қилгим йўқ", деган эдилар деб айтасан, - деди.

- Бундай дейдиган бўлсам, амир сафардан келганларидан кейин нима дейман? - сўради Мастира боши қотиб.

- Унга довур боладан кутилиб оласан. Амирга: " Волида ўша кундан бери, аникроғи, сиз кетгандан бўён хафа эдилар. Роса сўрайверганларидан кейин, хурсанд бўлсинлар, деган эдим" дейсан! - деди йўл-йўриқ кўрсатаркан Зарифабону унга.

- Раҳмат сизга, маликам. Менга ёрдам беришингизни билар эдим, - деди Мастира. Улар ана шу режа бўйича иш тутишди. Волидаи амир ҳақиқатан ҳам хурсанд бўлиб, дояни чақирмади. Ўзининг тақинчоқларидан бериб:

- Вой, Олимхон тушмагур! Менга ҳадеб канизак юборманг, деган маънода ваъда ҳақида гапирибди-да, демак. Моҳларойим

эшитмасин деган. Хайрият-э, қизим, мени хурсанд қилдинг! Энди тезлик билан сенга жория мақомини беришим керак! – деди волидаи амир.

– Йўқ-йўқ, керакмас. Бекам, мен амиrimизга сир сақлашга ваъда берганман, – деди Мастура.

– Ҳа-я! Тўғри. Лекин қорнинг қаппайиб қолганидан кейин Олимхон нима қилмоқчи?

– Бирор қароргоҳга юборсалар керак-да!

– Йўқ, асло! Ўзим сенга ёрдам бераман. Майли, ҳозирча ҳаммаси сир бўлиб турсин. Аммо сен энди кирхонада эмас, менинг хонамда ишлайсан. Кўз олдимда бўлганинг яхши.

Эртаси куни Гулсарабегим амири волиданинг ёнига келиб, амир Олимхон сафардан қайтганидан кейин ўзининг ўғлини валиахд шаҳзода, деб эълон қилдиришини сўради. Бу гапларни Мастура Зарифабонуга дарҳол етказиб қўйди. Улар ўзларининг бошлиган қабиҳ режаларини давом эттириб, доя хотинни чакирдилар, ҳомиланинг ўсишини тўхтатувчи ўсимлик ва волиданинг касаллиги ҳақида саволлар бердилар...

Чиндан ҳам тоби қочиб турган амири волида орадан кўп ўтмай вафот қилди. Хоразм сафаридан қайтган амир Олимхонни бу шум хабар чуқур изтиробга солди. Моҳларойимнинг ҳамдардлик билан бераётган далдаси ҳам унинг кўнглига сиғмас эди. Кўнгли вайрон бўлган амир арк олдида файтундан тушиб, волидаси хонасига томон ошиқди. У онаси билан дийдорлашишга кеч қолган эди.

– Волидам, туринг, турақолинг! Кўзларингизни очинг, волид-а-м! – Онасининг совиган кўлларини кафтлари орасига олган амир бор овози билан қичқирди. Афсус, энди унинг фарёдини бутун дунё эшитса ҳам, волидаси эшита олмасди. Муҳтарама беканинг вужудини жон тарк этган, у мангу уйқуга кетган эди...

Таъзия маросимлари рисоладагидек ўтди. Орадан бир неча кун ўтса ҳамки амирнинг кўнгли хира эди. Волидасининг охирги кунларида унинг ёнида бўлмаганидан афсусланар, шундан ўзини кўярга жой топа олмас эди. Қаттиқ мотам тутиб, давлат ишларини ҳам күшбеги ҳамда вазирларга топшириб қўйди. Ундан хавотир олган Моҳларойим табиблардан баҳшидасига бирор даво қилишларини сўради.

Күшбеги Моҳларойимга:

- Маликам! Амиримизга ўзингиз айтинг! Қабулимизга арзга келган одамлардан, "фақат амиримизга мурожаат қилмоқчи-ман", дейдиганлари кўпаймоқда, - деди.

- Мен ҳам шундай дегандим. Аммо ул киши, "мен йўқлигимда умаролар ҳамма муаммо-ю масалаларни ўзлари ҳал қила олгандилар, ҳозир ҳам уддасидан чиқишиади", дедилар, - деди Моҳларойим жавобан күшбегига.

Күшбеги индамади, ҳеч нима демасдан изига қайтиб кетди. Моҳларойим ўзининг яқиндагина шундай тушкун кайфиятига саёҳат ёрдам бергани сабабли хос соқчиси ва амирнинг дўсти Муҳиддин полвонга маслаҳат солди:

- Амирингизни шикоргами, пирлар зиёратигами олиб борсангиз, тезроқ ўзларини ўнглаб олишлари керак!

Шундай бўлди. Амир бир неча навкарлар ҳамроҳлигида сайр ва зиёратга чиқди. Бир неча кунини Муҳиддин полвоннинг юрти бўлмиш Қоракўлдаги чакалакзорларда ва қўллар бўйида шикор билан ўтказди. Қабулга келган аёлларнинг мурожаатлари билан Моҳларойимнинг ўзи шуғулланиб турди.

\* \* \*

Моҳларойимнинг кўпгина яхши жиҳатлари: инсонпарварлиги, айниқса уларга жонкуярлик билан қўлидан келганича ёрдам бериши уни оддий мардуми Бухоро орасида хурматини ошириб бораарди. Аммо Моҳларойим-нинг ошиб бораётган обруси унинг кундошларига ёқмасди. Айниқса амир Улуғбек ёки кичкина Остонани таҳт вориси қилиб, эълон қилиб юбориши мумкинлиги уларни қаттиқ хавотирга solaётганди. Улар маликага ёмонлик қилиш йўлларини ўйлай бошладилар.

Амирнинг биринчи аёли Зарифабонунинг ёнига югуриб кедган канизак Маствура шундай гап бошлади:

- Маликам, ҳозиргина эшитиб келдим, одамлар Моҳларойимни роса мақташаётган экан. Уларнинг айтишича, ўрис маликамизнинг ўғилларидан бири таҳт вориси бўлиши мумкин эмиш. Лекин бундоқ олганда, сизни ўғилларингиз амирнинг бош фарзанди ҳисобланади. Маликам, Моҳларойим ўрус миллатига мансуб. Бир пайтлар, азалдан бошқа миллатга мансуб аёлдан туғилган фарзанд таҳтга даъвогар бўлолмайди, деб эшитганман. Ҳар эҳтимолга қарши олдиндан бирор

чораларни ўйланг. Агар Моҳларойимни ҳам амири волида сингари "юрак хуружи билан бу дунёни тарк этди" бўлсин, десангиз, бу юмушингизни ўзим уddyалайман, - дея Маствура канизак, хонада ҳеч ким бўлмаса-да, охирги сўзларини паст овозда якунлади.

- Деворнинг ҳам қулоғи бор. Маствура канизак, бу гапни иккинчи айта кўрма! Волида қари эди, ҳамма, ҳатто сарой табиби ҳам унинг бетоблиқдан вафот этганига ишонди. Моҳларойим ёш, унга бу усулни қила кўрмаки, балога қоламиз. Амирдан кўрадиганимизни кўрамиз. Амири волида ўзининг беажал ўлимига ўзи айбдор. "Гулсарабегимни она томондан қариндошим", деб амирга, никоҳинга оласан, деб туриб олмасин эди. Бу ҳам майли! Ахир ўзинг ўз қулоғим билан эшишиб келдим, дединг. Гулсара: "Ўғлингизга ҳозирданоқ айтиб, қулоғини пишигининг, менинг ўғлимни тахт вориси қилсин, сизнинг гапингизни икки қилмайдилар. Ҳар гал ёнингизга келгандарида такрор-такрор айтаверсангиз, волидам тинчлансинлар, деб эълон қилиб юборади. Кейин ҳам ўз сўзларида туриб, бу қарорларини ўзгартирмас эдилар", деган. Волидамиз ҳам: "Майли сафардан келсин, айтаман" дедилар, дединг. Менга чақимчилик қилма эди. Ўзинг мендан кўпроқ айбдорсан. Бирортага гуллаб қўйсанг, мендан олдин ўзингни калланг кетади. Унутма! - деди жаҳл билан Зарифабону. Маствуранинг бошидан хуши учиб кетди.

- Вой, астағфуруллоҳ! Сиздан бошқа сирдошим йўқ, Бекам! Менга энг оғир кунимда сиз ёрдам бергансиз! Ўша амири волида, "Олимхон ўғлим Моҳларойим билан Хоразм сафаридан келишсин. Биргаликда муаммони ҳал қиласиз", деб орқага чўзмоқчи эдилар. Кейин ҳомила катта бўлиб, никоҳсиз боланинг онаси бўлишим мумкин эди. Сизга раҳматки, дарров бунинг чорасини топдингиз. Оллоҳ обрўдан айирмади, шукур! Маликам, дунё тургунича туринг! Сизга қачон, қандай ёрдам керак бўлса - тайёрман! Волида бека ҳам, оти ўчгур мулозим ҳам менга раҳмлари келганида, балки ҳали ҳам яшаб юрган бўлар эдиларми? - деди Маствура. Малика Зарифабону:

- Шунча кишига, айниқса аёлларга ёрдам бериб юрган Моҳларойим сафардан келганидан кейин балки сенга ҳам ёрдам берармиди, - деди.

- Йўқ, маликам. Мен бир куни маликадан секингина: Айтинг-чи, масалан, бирор жория ҳарамда амирдан эмас, бошқа бир кишидан ҳомиладор бўлиб қолса, сиз қандай йўл тутган бўлар эдингиз? – дея сўрагандим.

- Хўш, у-чи, нима деди? – виқор билан ўтирган жойидан туриб кетган Зарифабону яна қизиқиб сўрай бошлади.

- "На здоровье! Туғаверсин. Нега энди арқдаги ҳамма боланинг отаси фақат амиrimиз бўлиши керак экан! Ким отаси бўлса, ўша ота бўладиган йигит мардлик қилиб никоҳига олсин! Алоҳида уй қилиб, бирга яшайверишсан!" – деб айтди малика. Мен унга:

- Йўқ, сиз бу ердаги одатларни билмайсиз маликам. Бундай қилган канизаклар жазоланганд, ҳеч бўлмаса бошқа бирор қароргоҳга юборилган! – дедим. У эса:

- "Қароргоҳга жўнатишади деб ҳеч ким ўйламасин. Ўша жория ким бўлса ҳам бориб, унга гапларимни етказ! Ана, Фотимани кўрдингми, арқда катта бўляпти-ку!" – деди. Ахир Фотиманинг саройда катта бўлиши бошқа масала. У Роҳила опанинг шаръий никоҳдаги эридан ҳомиладор бўлиб, саройга келганида ҳомиладорлигини ўзи ҳам билмаган. Бошқа эрга тегишини истамай, бошпана сўраб келганида, раҳмлари келганидан унга сарой хизматчиси бўлишни таклиф қилганлар. Бўйида борлиги аниқ бўлгандан кейин амир Абдулаҳадхон яна инсонпарварлик қилганлар. Аммо, яхшиямки, бекам, Моҳларойим ва амир сафардан келгунларича муаммони ўзимиз ҳал қилдик. Бўлмаса, мулоzимнинг тўртинчи завжаси бўлиб, эрта-индин менга Мастура канизак деб эмас, Мастура хотин деб мурожаат этармидилар, – деди мийигида кулганини билдирмаслик учун Мастура канизак лабларини бармоқлари билан беркитди.

- Сен балосан-а, балосан. Келганидан кейин нима қилиш мумкинлигини Моҳларойимнинг ўзидан олдиндан сўраб билибсан! Фирт шайтонга дарс берасан-а? Ё ўзинг шайтонмисан? – деди унга қойил қолган Зарифабону.

- Лекин ким бўлсам ҳам, аввало, сизнинг шогирдингизман! – деди Мастура. Улар қулиб юборишиди.

- В-о-ой, буни қаранг, сенингча, мен шайтоннинг устозини устозиманми? Ҳа-ҳа! Бунча топиб гапирмасанг! -деди Зарифабону.

Бир оз жимлиқдан кейин Мастира канизак ўта қизиқувчанлик билан яна сўради:

- Демак, сиз учун Моҳларойим ҳеч қандай хавфли эмас, шундайми, маликам?

- Ҳа-а, шайтон қиз. Аксинча, унинг менга фойдаси тегяптику! Моҳларойим биз учун Гулсарабегимнинг муаммоси бўлиб тургани маъқул. Кўрмаяпсанми, роса ич-этини еб ётибди. Рашк оловида ёниб, адойи тамом бўляпти, бечора! Ажаб бўлибди. Бундан ҳам баттар бўлсин! Аммо амиримизни тўртта катта шаҳзодаси бўлганида энг кичик шаҳзоданнг тахт вориси бўлишига йўл қўйиб бўлмайди. Бунга жим қараб туролмаймиз. Қушбеги билан ҳам гаплашиб кўраман ҳали, бу ҳақида. Энг катта шаҳзодалар менинг ўғилларим. Албатта, қоидага биноан, отасидан кейин менинг катта ўғлим давлатни бошқариши керак! Лекин сенга қойилман. Амири волида масаласида топқирилик ва чаққонлик қилдинг. Сени бу ишинг мукофотга арзигулил! - деди. У кичик сандиқчасидан бир шода қаҳрабо муночоқни олиб, канизакка совфа қилди.

- Ташаккур, маликам! Аммо бошқа иложи ҳам йўқ эди-да ахир. Гулсара бека ўз ўғлини тахт вориси қилдириши ҳеч гап эмасди. Биласиз, амир онасининг сўзини икки қилолмасди. Менку, бирор қароргоҳга кетар эдим, қаерда бўлса ҳам кунимни кўра оламан. Маликам, лекин нега ҳеч ким қароргоҳга боришни хоҳламайди. Ҳайронман, у ернинг нимаси ёмон? - деб сўради Мастира.

- Ёмонликка - ёмон эмас. Фақат тарки дунё қилган кишилардек яшаш керак бўлади, у жойларда. Болалигимда бир қароргоҳга Пошшоийим биби маликанинг қўлларидан тутиб борганман. Жуда яхши, меҳрибон биби малика эдилар. У кишининг кундошларидан бирини қайси бир ҳайитда йўқлаб борган эдик. Ўшанда малика бибилар аллақандай сабаблар учун бир-бирларидан кечирим сўрашган эдилар. "Қиёматга қолмасин сиздан кечирим сўрашим, тириклигимда кўнглингизни оғритган бўлсан, мени кечиринг деб келдим", деганлари ҳам эсимда. Ўша куни биби Пошшоийим малика мени ўғиллари

Абдулаҳадхонга: "Олимхон набирамга шу қизчани келин қиласизлар", деб васият ҳам қилиб улгурган эканлар. Эртасига биби Пошшоийим вафот қилган эдилар. Агар бека Мухтарама ҳам Гулсарабегимнинг ўғли валиахд шаҳзода бўлсин, деб васият қилса борми, келажакда ҳаётимнинг сўнгги кунлари ҳам қароргоҳда ўтиши тайин эди.

\* \* \*

Амири волидани ўлдириш пухта режа асосида амалга оширилганди.

Мастура канизак бир неча ҳафта олдин Зарифабону билан тиљ бириктириб унинг топшириғига кўра арқдаги бош табибдан минг усул билан амири волиданинг не хасталикка чалинганини, даволашда ишлатиш мумкин эмас бўлган гиёҳ турини билиб олганди. Бундан улар ўз қабих ниятларини амалга оширишда усталик билан фойдаланадилар. Таниши Қобил баққолдан "мумкин эмас" бўлган ўсимлик баргларидан топиб келишини сўрайди. Қариб қолган амири волиданинг хонасига турли баҳоналар билан ва ҳеч ким йўқлигига кириб, у доимий чой ичадиган хитой чинни пиёлани заҳарли ўсимлик барги билан вақти-вақти билан артиб туради. Бу ўсимлик билан пиёла артилганда бир оздан кейин ҳеч қандай ҳид, ранг, таъм ҳам қолмаслиги сабабли ҳеч ким улардан шубҳа қилмайди. Заҳарланишнинг бирор белгиси волиданинг сўнгги кунларида сезилмагани учун, сарой табиблари бундай фикрни хаёлларига келтирмадилар. Бош табиб амири волиданинг тўсатдан вафотини бир неча кундан кейин амирга шундай деб изоҳлаб беради:

– Раҳматли волидангизнинг навбатдаги юрак хуружларига қарши, афсуски, барча кўрган чораларимиз, кўрсатган ёрдамимиз самара бермади, – деб ўзи ва ёрдамчиларининг хулосасини далиллар келтириб тушуниради.

Ўша куни амир волидаси қабрини зиёрат қилишга боради. Волидасини Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи ёнидаги қабристоннинг "Пошшоийим даҳмаси" деб ёзилган даҳмага дағн қилган эдилар.

Амирнинг иккинчи аёли Гулсарабегимда ҳам икки ўғли бор. У ўғли таҳт вориси бўлиши учун, ҳозирдан Зарифабонудек

куйиб-пишмасада, эрини Моҳларойимдан қаттиқ рашк қилаётган эди. У келганидан бери озиб-тўзиб, бироз асабий ҳам бўлиб қолган Гулсарабегим аркка бирор янги қиз келганини эшитиб қолса, сарой бекаси Роҳила хотинга:

- Саройга янги келган қизни ўзингиз бир баҳона билан амирнинг олдига киритинг, - дейишдан чарчамаётган эди. Унинг юраги тубида амир бошқа қизга кўнгил қўйиб, балки Моҳларойимдан зора бир оз узоқлашар, деган илинж бор эди. У бундан ташқари ёмонликнинг турли йўлларини изларди. Лекин, аксига олиб, амир ва Моҳларойимнинг муносабатлари тобора яхшиланиб борарди. Гулсарабегим ҳарамга қиз олиб келувчи киши - Кулмат қора билан ҳам яқинлашиб олди. Ранги қора ва қора ишларни пул учун бажариб юрадиган бу одам исмига "қора" лақаб қўшиб айтилган, уни кўп одамлар азбаройи ёмон кўрганларидан ўз болаларига бу исмни қўйишдан ҳазар қилганлар. У қарздорларнинг қарзини тўлашга қурби етмаса уйидан бирор нарсасини олар, кўлга илинадиган ҳеч нарсаси бўлмаса: "Бўй етган қизингни сарой хизматига берасан. Қози чиқарган ҳукм бўйича қизингни қарз узилгунга қадар сарой юмушларини бажариши учун беришинг керак бўлади. Қизинг у ерда хизматкор бўлади, баҳти чопса, балки малика ҳам бўлар. Қизинг шартнома тузса, ғазнадан тўлов пули олиб, қарзларингни тўлаш имконинг бор. Иккинчи йўли - ўша муддатга ўзинг зинданда ўтириб, қарз тўловингни янада узайтирасан. Бунинг устига, қози белгилаган охирги тўлов муддатида ҳам қарзингни тўлаш имкониятинг бўлмайди. Зинданга тушганингдан кўра, фарзандинг сарой юмушларини бажариб, сени зиндан азобидан қутқарсин!" - деб қизнинг ўзи ва ота-онасига айтади. Ноилож қолган ота-она бу шартлардан бирига рози бўлишдан бошқа чоралари қолмайди. Лекин қиз рози бўлмаса, у саройга олиб кетилмаган. Фақат айрим қизлар баъзида ота-оналарини мушкул аҳволдан қутқариш, уй-жойдан маҳрум бўлмасликлари учун бу оғир қисматга рози бўлишган. Ҳарамга жуда кўп қизлар ана шу йўл билан келиб қолганлар. Арк ичida улар кўлларидан келган уй юмушларини бажаришган. Баъзи қизлар ўз хоҳишларига кўра Моҳларойимнинг дарсларида қатнашиб, хунар ўрганишган.

Гулсарабегим бундан баттар хуноб бўлиб, Қулмат қорани канизаги Фахрия орқали хилватроқ жойга чақиритириб:

- Қулмат навкар! Сиз кейинги пайтларда вазифангизни оқлаб бажара олмаяпсиз. Саройга бирорта ҳам чиройли қиз келтирганингиз йўқ. Шундай қиласверсангиз, ўрнингизга бошқа кишини тайинлашимизга тўғри келади, шекилли. Ҳаракат қилинг, изланг, қизларнинг отасини турли йўллар билан кўндиринг, - дея пўписа қилиб ҳам кўйди. Ҳарамга келиб қолган қизларнинг ичидан соддароқ, чиройлироқ-ларини танлаб, Фахрия орқали ҳузурига чақиритиради. Унга аркда атайлаб амир билан дуч келишни, нозу карашмалар билан унинг кўнглини ром қилишни, ўзига мафтун қилишни тайинлайди. Қизларга бу борада турли ҳийла ва найрангларни ўргатди. Агар бу ишни қойил қилиб уддалашса, қимматбаҳо тақинчоқлар ҳадя этишга ваъда берди.

Гулсарабегимга дуч келган қизлардан бири Фарангиз канизак эди. Унинг онаси вафот этган, отаси Сафарали қиморбоз эди. Аввалига унинг оиласи зодагонлардан ҳисобланган, савдосотиқ билан шуғуллангани боис Сафарали савдогар деб уни маҳалладошлари ҳурмат қилишган. Оилада икки қиз, уч ўғил фарзанд бўлиб, Фарангиз уларнинг тўнғичи эди. Аёли вафотидан кейин оила бошлиғи савдо ишларига кам вақт ажратиб, қиморга муккасидан кетиб қолди. Абдусаттор судхўрдан 30 минг тилла танга қарз бўлиб, вақтида бера олмагани учун, қарзи 35 минг тилла тангага кўпаяди. Судхўр унинг қарздорлиги бўйича Курбон қозига ариза ёзib беради. Қозининг ажримига кўра, Сафарали икки йил муддатга зинданга тушиши ёки бирор фарзанди ўз аризасига кўра отасининг қарзини меҳнати эвазига тўлагунига қадар саройда тўрт-беш йил ишлаб бериши керак эди. Отасининг зинданга тушишини истамаган Фарангиз ўз хоҳиши билан саройга келган эди. Уйларини сотишса, укалари кўчада бошпанасиз қолишлари мумкинлигини ўйлаб, шу шартга кўнган эди. Унинг гўзаллиги ва соchlарининг ранги билан бироз Моҳларойимга ўхшашини билган Гулсарабегим, балки амирни шу қиз ўзига мафтун қилар, Моҳларойимга бўлган муносабатини ўзгаририб юборар, деб ҳаракатга тушиб кетди.

Роҳила хотинни ўз хонасига чақирирган Гулсарабегим унга:

- Волида бека вафот қилганларидан бери амиримизнинг биринчи завжаси сифатида Зарифабону ул зотнинг хос хонасига канизак киритишни хаёлига ҳам келтирмаяпти. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Барча мушкулотлар менинг бошимга қолган. Ҳарамга янги келган қиз Фарангизни бугун амир учун тайёрланг. Амирга ҳам бориб: "Сиз учун ҳеч бўлмаса Гулсарабегим қайғуряптилар" деб айтинг, -деди.

Ўша куни ҳарамдаги барча қизлар Фарангизга ҳавас билан қарадилар. Чунки у баҳти ёрлақаб эртага - жория, кейин - шаҳзоданинг онаси, севимли малика, бир кун келиб балки амири волида ҳам бўлиши мумкин эди-да. Гулсарабегимнинг топшириғи билан унга роса оро бериб, ясантиришди. Ниҳоятда гўзал бўлган Фарангизнинг узуи сунбул соchlарини ёйиб, бошига пушти ранг ялтироқ ҳарир рўмол ташлаб, хос хона йўлагидан ичкарига киритиб юборишди.

Фарангиз йўлакдан оҳистагина юриб келиб, хобхона эшигини эҳтиёткорона тақиллатди. Ичкаридан тунги кийимлари устидан юмшоқ матоли халатини ташлаб олган амир Олимхон хобхона эшигини қия очиб қаради. Не кўз билан кўрсингни, эшикда эшик оғаси эмас, кўғирчоқдек ясатилган келинчак либосидаги бир қиз турарди. "Бу яна ўша Гулсарабегимнинг иши" - деб амирнинг хаёлидан кечди. У шошилганича, ичкарига бу қиз қадам қўймаслиги учун ўзи йўлакка - қизга пешвоз чиқди. Сўнг ташқаридан эшикни ёпиб кўйди. Қиз эса енгил таъзим билан:

- Ассалому алайкум, амирим, мени Гулсарабегим топшириқларига биноан Роҳила опа ҳузурингизга йўлладилар, - деди сал титраган овоз билан.

- Баалайкум салом! Исминг нима?

- Фарангиз....

- Унда... бугундан бошлаб сенинг исминг Ойсарабегим бўлади. Чунки ойдай гўзал қиз экансан. Сенга эртадан фақат жория мақомини эмас, балки малика мақомини беришади. Амирга сингил малика мақоми сен учун маъқулми? - сўради амир.

- Ҳа, албатта! - амирдан бундай муносабат ва илтифотни кутмаган Фарангиз сал довдираб қолди, аммо айни пайтда бу таклифдан кувониб кетди.

- Сенздан олдин бу ерга бир қизни юборишганларида, "Амир битта бўсани ҳам раво кўрмадилар, шунчалик хунукманми", деб бир қиз бечора эрталабгача йиғлаган экан. Бу ҳолат бошқа тақрорланмаслиги учун, аканг бўлганим тимсоли сифатида пешонангдан битта ўпишим керак, агар сенга маъқул бўлса, албатта? - деб сўради.

- Маъқул, амирим! - жавоб берди қиз. Сайийд Олимхон меҳр билан Фарнгизнинг пешонасидан туғишган акасидек беғараз ўпич олди. Улар энди хайрлашмоқчи эдилар, аммо шу пайт ичкаридан Моҳларойимнинг уйку аралаш овози эшитилди:

- Дорогой, ты где?..

- Шу ердаман, ҳозир бораман, - деб Олимхон хобхона эшигини бир оз қия очиб жавоб берди.

Фарангиз саройга яқинда келгани учун Моҳларойимни ҳали танимас эди. Унинг қизиқувчанлик ҳисси устун келиб, овоз эгасини кўрмоқчи бўлди. Эшик бироз қия очиқлигича қолган бўлса-да, ўша томонга кўз қири билан бирров назар ташлаган Фарангиз ичкарида ким борлигини кўролмади. Ўзининг беихтиёр ичкарига мўралаганини амир сезиб қолмадимикан, деган хаёл билан нигоҳларини зудлик билан яна амир Олимхонга қаратди. Шундай бўлса-да, шаҳло кўз бу содда қизнинг ҳаракатлари жуда чиройли эди. Буни сезган амир мийиғида кулиб кўйди ва қизга шундай деди:

- Сен сир сақлашни биласанми?

- Ҳа, биламан! - деди Фарангиз

- Ичкаридаги аёл менинг муҳаббатим! Кундоши уни роса мендан рашқ қиляпти. Сени ҳам ўз рашкининг курбони қилмоқчи. Сенек гўзал бокира қизнинг ўз орзулари бордир? Тўй қилиб, сепингни кам-кўстсиз қилиб турмушга берамиз. Ҳа, айтганча, Гулсарабегимга бу гапларни айта кўрма, ўзи шундоқ ҳам рашқдан адо бўляпти. Бугун Моҳларойимнинг навбати эмас эди. Ўз уйимда сарой ҳарами тинчлигини асраш учун яширинча муҳаббат учрашувига мажбурман! Гулсарабегим билиб қолса, жанжал қиласди. Энди хонангга борақол, тун хайрли ўтсин! - деди Амир.

- Ташаккур амирим! Сизни тунингиз ҳам осуда ўтсин! – дея қиз амир билан бироз караҳт ҳолатда хайрлашди.

Амир ичкарига кириб, Моҳларойимнинг кўрпасини меҳр билан елкасига тортиб, устини ёпиб қўйди. Беланчакдаги ширингина ухлаётган фарзанди Остонанинг уйкуси бузилмаслиги учун уни тебратиб қўйди. Сўнг устки халатини жойига илиб, ўрнига ўтирди. Моҳларойимни юзига тушган кокилини кўтариб қўйиб, сочини силади.

- Дорогой, что случилось. О чём спрашивали? – уйқу аралаш у ўз она тилида гапираётган эди.

- Ничего не случилось! Спи, дорогая. Про завтрак спрашивали, – деб кўя қолди амир ҳам. Кўрпа устидан уни кучганича уйкуга кетди.

У шу топда подшоҳ ёки амир эмас, балки эл қатори оддийгина баҳтли оила бошлиғи эди. Унга оиласвий баҳт, аркдаги тинчлик ва бутун мамлакатнинг тинчлиги ва осоийшталигидан бошқа ҳеч нарса керак эмас эди!

Фарангиз хизматкор қизлар ётоқхонасига бориб, ўз ўрнига кириб ҳозиргина рўй берган ғаройиб воқеани хаёлан таҳдил қилган кўйи уйқуга кетди. Уйғонганида дугоналари уни ўраб олиб, уйғонишини кутиб туришган экан. Улардан бири:

- Ҳой, гўзал хоним! Жория ёки малика мақоми билан табрикласак бўладими? Индамайгина, уйқудаги гўзал малика бўлиб олибсиз. Уйғонишиңгизни кутиб турдик! – деди Фарангизнинг кўнглига кўл солмоқчи бўлиб.

- Энди мени малика мақоми билан табрикласангизлар бўлади! Амиримиз мени синглим, деб Ойсарабегим исми билан малика мақомини бердилар. Турмушга ўз сингиллари сифатида чиқар эканман, сепимни ҳам уларнидан кам қилмас эканлар! Ҳа, шунаقا, қизларжон, биласизларми, яна нима дедилар? Айтайми? – деди хурсандлигини барчага улашмоқчи бўлган Фарангиз.

Унинг бу сўзларидан сўнг қизларнинг қизиқиши янада ортди.

- Ҳўш, айтиб берчи, яна нималар дедилар? – дея жўр бўлиб сўрашди қизлар.

- Куёв бўлмиш йигитга мени розилигим билангина турмушга берар эканлар! – деди фахрланиб.

Қизларни ҳайрон қолдирған ана шу гап бўлди. Чунки қизлар күёвни кўрмай туриб ҳам, ота-оналарининг розилиги ёки қистови билан турмушга узатиларди. Ойсарабегимнинг бу гаплари улар учун кутилмаган янгилик эди.

- Вой, бунча яхши! Демак, кўнглинг истамаган кишига турмушга чиқмаслик мумкин бўларкан-да! Бу – ажойиб-ку!

- Ҳа, ҳақиқатдан, жуда яхши бўлибди!

- Ҳавас қиласа арзигулик бўлибди!

- Вой, қизлар, бу сафар энди мени навбатим бўла қолсин. Гулсара бекамиз амиримиз учун қиз танлашга келганларида мени кўрсатиб: “Мана бу қиз орамизда ҳаммамиздан энг гўзалроқ”, дейсизлар, келишдикми?! - деди қизлардан бири шўхлик қилиб, ўша ҳолатни кўл ва гавда ҳаракатлари билан кўрсатаркан. Унинг бу қилифи қизларнинг ичакузди кулгиларига сабаб бўлди. Улар қаҳ-қаҳ отиб кулаётган бир вазиятда эшиқдан бош канизак Роҳила хотин кириб келди.

- Вой, бекорчилар-еј. Кун алламаҳал бўлган, бу қизларнинг сухбати эса авжида. Қани, ҳамма ўз юмушларини бажаришга борсин! Сени, Фарангиз, Гулсарабегим кутяптилар! - деди у кулишдан эндиган тўхтаган қизга.

- Роҳила опа, у энди амиримизга сингил экан. Ислами ҳам Ойсарабегим малика эмиш, - деди секингина ҳозир ҳаммани кулдириб ўтирган бояги қиз.

- Бўлса-бордир. Амиримизнинг ҳар бир сўзи бутун мамлакат бўйлаб, шу жумладан сарой ҳарамида ҳам қонун ҳисобланади. Агар менга, “Фарангизга шу мақомни бердим”, десалар бўлди, уни шундай исм билан атаймиз.

Фарангиз Гулсарабегимнинг хонаси эшиги олдига келди. Эшикни икки тарафида тик турган қизлардан бири унинг келганини бекага билдириш учун ичкарига кирди. Ойсарабегим, яъни Фарангиз кечаги янги келинчак лиbosларини, бунинг устига, кеча тақсан тақинчоқларини маликага қайтариб беришни лозим, деб ҳисоблаб, ўзи билан олиб келган эди.

У бир оздан кейин хонадан қайтиб чиқди. Малика буюмлардан ҳеч нарсани қайтариб олмаган, факат, “ичкарида ким бор эди?”, деган саволига, амирнинг “Гулсарабегим жанжал қиласи” деган гапии ёдига тушиб, “бilmадим” деб кўя қолди. Агар Ойсарабегим Моҳларойимни ҳали танимаса ҳам, “улар рус

тилида сўзлашишди" деб айтса борми, бека дарров ичкарида ким бўлганини билиб олиши мумкинлигини, ёш бўлишига қарамай, яхши тушунган эди. Шунинг учун у "билмадим" сўзини айтиб, вазиятни чигаллаштирмади.

Роҳила хотин кечга яқин яна хизматчи қизларнинг ётоқхонасига келиб:

- Канизак қизлар! Эшитинглар! Фарангиз ҳақиқатдан ҳам амирилизнинг синглиси сифатида малика мақемини расман олибди. Унга Ойсарабегим исми ҳам берилибди. Энди унга Фарангиз эмас, Ойсарабегим деб мурожаат қиласизлар! Турмушга чиқадиган бўлса, яхшигина сеп бисотини ҳам ваъда қилибдилар. Амирилизнинг айтганлари вожиб, ҳаммамиз уни шундай деб атаймиз, - у шу сўздарни айтиб Фарангизга юзланди. - Малика Ойсарабегим, мен билан юринг, сизга арк ҳарамининг жориялар яшайдиган қисмидан хона ажратдик. Ҳозироқ кўчиб ўтишингиз мумкин -деди.

- Роҳила опажон, менга шу ер кулай, келганимга оз фурсат бўлган бўлсада, бу ерда яхши дўстлар орттиридим. Дугоналарим билан яшаб, улар билан бирга хизмат вазифамни давом эттиromoқчиман. Ахир Оллоҳнинг ҳукми олдида ҳамма баробар, мен отамнинг қарзларини тўлашни амирилизнинг марҳамат ва илтифотларидан фойдаланиб, қиёматга қолдирмоқчи эмасман. Мободо турмушга чиқсан ҳам бу қарзимни тўлаб, кейин бу ерни тарқ этмоқчиман, иншооллоҳ! Илтимос, муҳтарам амирилизга узримни айтиб, менинг шу ерда қолишм сабабини ўзингиз етказсангиз! - деди қиз дугоналари сафидан олдинга чиқмасдан ўрнида турганича.

- Майли, агар сиз шуни маъкул кўрадиган бўлсангиз, малика Ойсарабегим, бош устига! Сизнинг бу сўзларингизни Амирилизга етказганим бўлсин. Мана, кўрдингизларми, қизларим, Ойсарабегимни камтарона бу қарорини ҳаммамиз учун ҳам ибрат деб билинглар! Бу қизни тарбиялаган отонасига раҳмат! Мабодо улар қизларини кўргани келишса менга хабар беринглар, ўзим уларга пешвуз чиқиб, шундай иймонли-эътиқодли мусулмон қиз тарбия қилганликлари учун уларгаминнатдорчилик билдирмоқчиман! - деди. Унинг сўзларида самимийлк уфуриб туради.

Эртаси куни Гулсарабегим Ойсарабегимни яна чақыртириди. Аммо бу сафар ўз хонасига эмас. Уни бошлаб бораётган қиз йўлини ўзгартириб, сал хилватроқ томонга юрди. Кўрқиб кетган Ойсарабегим:

- Йўқ, тўхтанг-чи, кеча Гулсарабегимни хоналарига бошқа йўлдан борғанман, бу йўл у ерга олиб бормайди-ку, - деди тўхтаган жойида шамдай қотиб.

- Тўғри, ҳозир хоналарига бормаяпмиз. Биз борадиган жой тўсиқ орқасида, у ерда сени саройга келтирган киши ҳам бўлади. Малика балки сендан шикоят қилмоқчиidlар! Менга сени факат у ерга олиб бориш топширилган. Кўрқма, ҳаммаси учун мен жавоб бераман. Малика ҳам сени еб қўймайдилар. Сени мен қаёқча бошлаб кетганимни хонангдагилар кўрди. Худо кўрсатмасин, у ердан қайтмасанг ёки бирор шикоятинг бўлса, мендан ёки маликадан амирга арз қилишинг мумкин. Ваҳоланки, сенда амиришимнинг синглиси, малика Ойсарабегим деган мақом бор. Шунча йил саройда хизмат қилиб, бирор кишининг бундай мақом олганини эшиитмаганман. Яна, келганингга кўп бўлмасдан бунга қандай қилиб эришдинг?

- Билмадим, - деди Ойсарабегим. Улар юришда давом этишди. Ойсарабегим бояги қиз катта бир хонага бека рухсат берганидан кейин ичкарига кирди. Курсида малика Гулсарабегим ўтирибди. Тўсиқ – парда орқасида бир эркак киши ҳам бор эди. Гулсарабегим дарҳол асосий мақсадга кўчди:

- Қани, Ойсарабегим, менга кеча айтган гапларингни яна бир марта такрор айт-чи?!

- Маликам, мен сизни топшириғингизга биноан ва бошқа канизаклар ёрдамида ўзимга пардоз бериб хуфтон намозидан кейин муҳтарам амиришимнинг хоб хоналари эшиги олдига бордим. Қизлар мени қўйиб, ўзлари қайтиб кетишли. Мен эшикни тақиллатдим. Амиришим чиқдилар. Мени бу ерга сиз юборганингизни айтдим. Амиришим кўзларимга қараб турдилар-да сўнг: “Эртадан бошлаб сенинг исминг Ойсарабегим бўлади, чунки ойдек гўзал экансан, сенга малика мақомини бераман, фақат менга сингил сифатида малика бўласан, тўй бўлганинг тақдирда сепингни ҳам ўз сингилларимнидан кам қилмай адо этаман”, дедилар. Ҳа, айтганча, аввалроқ ўша эшик олдига келган бир қиз: “хунукманми?” – деб роса йиғлаган экан.

Шунинг учун мени йиғламасин, дедилар чоғи, пешонамдан "ака сифатида битта ўпдим", дедилар, холос. Бор гап шу, -деди.

- Маликам, сўранг-чи, ичкарида кимдир бор эдими? - деди тўсиқ орқасидаги эркак киши. Унинг Ойсарабегим бу отасининг уйига боравериб, ўзини саройга келишга сабабчи бўлган киши - Кулмат қоранинг овози эканлигини англади. Малика Ойсарабегимга, жавоб бергин, дегандек ишора қилди. Ойсарабегим:

- Билмадим, мен ичкарига кирмадим.

- Балки бирор овоз ёки товушни эшитгандирсан? - сўради Кулмат қора.

- Йўқ, эшитмадим!

- Тавба, маликам, кўрдингизми, менда айб йўқ! Қизнинг ҳусни ҳам, рисоладагидек бўлса. Менинча, маликам, баҳшидангиз Оврупада ўқиган. У тарафларда эркаклар фақат қизлар билан эмас, ўз жинси вакиллари билан ҳам қизиқиши мумкин экан, деб эшитганман, - деди Кулмат қора.

- Йўғ-э! Асло бундай дея кўрманг! - деди Гулсарабегим. Бир оздан кейин ҳамма гапга тўлиқ тушунмаган бўлсада, булар амир ҳақида нотўғри фикрга боришганини ички бир туйғу билан ҳис қилган Ойсарабегим:

- Шундай, илтифотли амиримиз ҳақида бундай ёмон фикрга борманг! У кишидек покиза, иймонли инсонни мен ҳали учратмадим. Чунки у кишидек ҳалол инсоннинг ўзи бўлмаса ҳам керак! Мен энди у кишига сингилман. Ахир, сизларнинг бу ишларингизни амирга айтиб беришим ҳам мумкин. Аммо чақимчилик қилишни ўзимга эп билмайман... -У яна нималардир демоқчи эди, аммо Гулсарабегим унинг сўзини бўлди:

- Ҳой, жим бўл. Сен ҳалиям шу ердамисан? Бор хонангга, бор-э! Ким ҳали сенинг фикрингни сўради?

Бу сўзлардан кейин Ойсарабегим шоша-пиша чиқиб кетди. Гулсарабегим Кулмат қорага қаратагапира кетди:

- Топиб келган қизингиздан ўргилдим, бир қарич тили бор экан-ку, кўрдингизми?!

Ойсарабегим ҳозир бўлиб ўтган гап-сўзлар ҳақида амирга индамади. Аркда ҳеч нима бўлмагандек ўз хизматини давом эттираверди. Аркда уч мингга яқин одам яшаётгани боис

хизматчи қызлардан бошқа хизмат қилаётган йигитлар ҳам бор эди. Усталарнинг фарзандлари, шогирдлари баъзилари уйларидан қатнаб, баъзилари эркаклар учун ажратилган алоҳида четроқдаги ётоқхонада яшаб, ўз хизматларини бажарип юрган эдилар. Амир Олимхон даврида қарздорлик масаласида қози чиқарган ҳукм бўйича оиланинг фақат қиз фарзанди эмас, ишга яроқли бўлса, отанинг ўзи ёки ўғил фарзанди ҳам қўл меҳнати билан саройда ёки конда ишлаб, солик қарзи ёки қамоқхона жазо муддатини пул бадалига ўзгартириб ёки ишлаб бериши мумкин бўлган.

Амирликда олтин конлари бўлиб, уларнинг манзили ниҳоятда сир сақланган. Чунки бошқа давлатларнинг ана шу бойликларни кўлга киритиш илинжида мамлакатга уруш бошламаслиги, юрт тинчлигини асраш учун бу конларнинг қаердалигини айтарлик ҳеч ким билмаган. Мабодо арқдагилардан кимнидир конга бориши лозим бўлса, кўзлари ва кўллари боғлиқ ҳолда олиб бориб, олиб келинган.

Ойсарабегимнинг чақон ва саришта-саранжомлик билан хизмат қилиб юриши этикдўз устанинг шогирди Курбон исмли йигитнинг эътиборини тортиб, қалбида қизга нисбатан илиқ туйғу пайдо бўла бошлаганди. Чунки Аркнинг хизматкорлар истиқомат қиласидаган қисмида хизматчи қизлар ўз уйларида юргандек паранжисиз ҳам юришлари мумкин бўлган. Қизлар одамлар билан гавжум жойдан ўтаётганларида ёки аркдан ташқарига чиқишлиари керак бўлса, албатта, паранжида боришган.

Гулсарабегимнинг режаси бўйича, амирни ўзига ром қилиб, унинг муҳаббатига эришиши керак бўлган Ойсарабегим тақдир тақозаси билан амирни эмас, сарой этикдўзининг шогирди Курбоннинг муҳаббатига сазовор бўлди. Чақон қиз Моҳларойимнинг дарсларига ҳам қатнашиб зардўзлик хунарининг сирларини пухта ўрганиб олди. У ўзининг биринчи марта мустақил тиккан иши болалар ковушига мўлжалланганлиги учун Курбонга олиб бориб:

- Мана буни тагчармга қоплаб, ковушча қилиб тайёрлаб берасизми? Биринчи ишим эди, қай даражада уддалаганимни билмоқчи эдим? Саройда югуриб юрган қизалоқ Ҳанифани биласиз-ку, унга совға қилмоқчиман. Ўлчами унга лойиқ келсин!

- деди Ойсарабегим. У Курбонга бир жуфт пушти ранг бахмалга зардўзи тикилган бўлакчасини кўрсатди.

- Ҳа, биламан! Хўш, ковушчанинг ўлчами айнан Ҳанифага мос бўлиши керакми? - деб Курбон унинг қўлидан бахмал бўлакчаларни олди. Аммо ўзи ҳали мустақил ковуш тайёрлаб кўрмаган бўлса-да, бу қиз билан яқиндан танишишга сабаб бўлишини сезиб хурсанд бўлди.

-Ҳа! - деб Ойсарабегим ортига қайрилиб кетди.

Бу биринчи учрашув ҳақиқатдан ҳам уларнинг кейинги мулоқот ва учрашувлари дебочаси эди. Курбон ковушчани Ойсарабегим кутгандан ҳам зиёда қилиб ясад берди.

Ойсарабегим саройга келганидан бери кўплаб дўсту дугоналар орттириди. У айниқса Моҳларойимни устоз сифатида жуда қаттиқ ҳурмат қиласарди. Саройда истараси иссиқ, кўхликкина қизалоқ Ҳанифани ўзининг синглисисидек ёқтириб қолган эди. У Курбон ясад берган бир жуфт зардўзи ковушчани ана шу Ҳанифага совға қилди. Қизча хурсанд бўлганидан қўлидаги ковушчалар билан сарой бўйлаб чопқинлаб югуриб кетди. Аркдагиларнинг барчаси унга таниш бўлгани учун, бегубор қизалоқ ҳаммага:

- Кўриб кўйинглар! Қаранг, Ойсарабегим опам менга нима совға қилдилар! - деб қувончи ичига сиғмай қийқираарди...

Гулсарабегим Фарангиз, яъни Ойсарабегим ҳам берган топширигини бажара олмаганидан бери яна жигибийрон бўлиб, бошқа қиз излаб юрган эди. Унинг уринишлари барчаси бефойда бўлиб, ҳеч бир қиз амирнинг Моҳларойимга бўлган муҳаббати ва муносабатини ўзгартира олмади. Бир куни Гулсарабегим ўз хонасида бир янги канизакка яна шундай топшириқ бераётган вақтида эшикдан кутилмаганда кириб келган Роҳила хотин:

- Шаштингиздан ҳеч тушмадингизда, маликам. Охири баҳайр бўлсин-у, аммо, бу кунингиз у кунингиздан баттар бўлмасин дейман-да, - деди у маликага насиҳатомуз оҳангда. - Кейин, амирни бу қиздан, яъни ўз шогирдингиз-дан рашк қилсангиз-чи?, - деди-ю, нақ балога қолди. Маликанинг жаҳли чиқиб, Роҳила хотинни хонасидан чиқариб, қувиб солди, унинг ортидан эса, ундан "маҳсус топшириқ" олаётган содда қизни ҳам

ҳайдаб чиқарди. Жаҳли чиққанидан хонасида у ёқдан бу ёқса тез-тез юриб, жавраганича:

- Менга ёрдам бериш ўрнига бу хотин насиҳат қилади-я! Ё, роббим! Қандай кунларга қолдим. Мулозимлар бекасига ўргатадиган замон бўлди, - деди...

Аёллар ўз ҳовлиларидан ташқарига чиқишилари түғри келса, доим паранжи ёпиниб чиқишиарди. Айниқса маликалар арқдан ташқари чиққанларида ёнларида доим кўриқчилар бўлгани сабабли уларни бегона одамлар, нафақат эркаклар, ҳатто бегона аёллар ҳам уларнинг юзини кўролмаган ва танишмаган. Дўконга бирор малика канизаги ва хос соқчилари билан борса, бегоналар дўкондан ташқарига чиқиб туришган, ичкарида фақат дўкондорнинг ўзи қолган. Сарой хоними тақинчоқ тақиб кўриши учун юзини очишига түғри келса, дўкондор тескари ўгирилиб туриши керак бўлган. Амир аёлларига совға олмоқчи бўлса, айниқса ҳайитларда, уч аёлига бир хил асл совға, олтита жориясига бир хил совға, барча канизакларга ҳам бироз оддийроқ, аммо бир хил совға олинган. Бу иш амир топшириғига асосан хос мулозим томонидан бажарилган.

Хулоса шуки, одамларнинг арқдагиларни, айниқса аёлларни яхши танимаслиги кейинчалик Моҳларойим ва Ойсарабегимнинг хавф-хатарсиз яшашларига кўл келган.

### **БУХОРО. 1918 ЙИЛ.**

Моҳларойим учинчи фарзандига ҳомиладор эди. Ой-куни етгач, кўзи ёриди. Бу сафар малика тўлғоқ бошланмасдан арк табибхонасига келиб улгурган эди. У тўлғоқ оғриқлари бошланишидан олдин ўш қизларга кўйлакка мунҷоқ тикишни ўргатаётган эди. Роҳила хотин Моҳларойимнинг табибхонага кетаётганидан унинг аҳволини сезиб, амирга хабар юбортириди. Чакалоқ овози янграши билан амир барча тўпланганларга ва дояларга суюнчисига сахҳийлик билан тангалар улашди. Чакалоқнинг қулоғига аzon айтиб, исм қўйишдан олдин маликанинг бармоғига олтин узук тақар экан, “Остонага Темур исмини қўймадингиз, балки бу фарзандимизга қўясизми?”, деб сўраб қолмасин, дея ўзи сўз бошлади ваунга меҳр билан шундай деди:

- Азизам, сиз мени меҳр-муҳаббатга ўргатдингиз. Қалбимда сизга нисбатан, фарзандларимга нисбатан, халқимизга нисбатан шунчалик меҳр уйғотдингизки, мен энди ўз ҳаётимни, бу оламни сизларсиз тасаввур қила олмайман. Келинг, сизнинг розилигингиз билан, бир-бириңизга бўлган меҳримиз, муҳаббатимиз ўртадан асло кўтарилемаслиги учун ўғлимиизга Мехриддин деб исм қўяйлик. Бунинг боиси шуки, эртага фарзандимиз катта бўлганда "Менинг исмим муҳорабалар қироли Соҳибқирон Темур бобомиз шарафига қўйилган, мен шунга муносиб бўлишим керак", деб урушларга интилишини ҳоҳламайман. Ахир у шахзода. Ортидан халқни ҳам эргаштириб, жангларда ўзи ва одамлар билан ҳалок бўлишини асло истамайман. Улар тинч осойишта ва баҳтли яшашлари керак! Сизга ҳам бу гапим маъқул келади, албатта, сиз нима дейсиз?

Моҳларойим мулойим табассуми билан:

- Майли баҳшидам, сиз нима десангиз - шу, исми Мехриддин бўлсин, мени осон кўндиридингиз. Оллоҳ фарзандимизни умри билан берган бўлсин!

Чақалоқни қўлига олган амир аzon айтиб боланинг қулоғига:

- Болажоним, сенинг исминг Мехриддин бўлди, - деди ва ўғилчасининг пешонасидан лаблари тегар-тегмас ўпид қўйди.

Моҳларойим кейинги пайтларда фарзандлари тарбияси билан кўпроқ шуғуллана бошлади. Остона энди бироз катта бўлиб қолган, арк бўйлаб югуриб юрадиган ёшда. Баъзида уни энагаси ортидан югуриб юради, баъзида Остона хазинабоннинг қизи Ҳанифа билан қувлашмачоқ ўйнаб кунни ўтказади. Аркда устунли, атрофи баланд ўралган, икки тарафи айвон ва тўрда шоҳ таҳти бўлган маросимхонанинг ўнг тарафида хазинахона жойлашган. Хазинахона олдида кичик хонтахтада бир нималарни хисоблаб, ишлаб турган бош хазинабон Имомкулнинг ёнига қизча билан югуриб келган Остона:

- Амаки, бизга рухсат беринг! Ҳанифа билан ичкарига кириб, тиллаларни томоша қиласлий, - деб қолди. - Улардан олиб чиқмаймиз! Кўриб жойига қўямиз!

Хазинабон ўнг тарафдаги майдонга, маросимларда маликалар кузатиб туришлари мумкин бўлган ўймакори нақш тош панжарали деразага қаради. Одатда, бу хонадан туриб

Моҳларойим қўлида кичкина боласи билан шу атрофда ўйнаб юрган Остонани кузатар эди. Ҳозир ҳам малика дераза олдида ва уларни кўриб турарди. Ҳазинабон буни кўрди ва малика томонга қараб, "майлими" деган ишорасини қилди. Малика розилик аломати билан бошини бир эгиб олди. Бундай деразалар арқда бир неча жойда бўлиб, маликалар ичкаридан туриб, ташқарида нималар бўлаётганини bemalol кўра олардилар. Ташқаридаги аксарият кишилар буни пайқамасдилар.

Эркатой болалар хазинабон Йомомқул кузатувида хазинага киргланларида олтин, кумуш тангалар, тақинчоқлар, қимматбаҳо мунчоқ ва хатто соғ олтиндандан ишланган антиқа буюмлар солинган чарм халталарни, сандиқларни очиб кўрдилар. Остона кўзига яхши кўринган бирор танга ёки буюмни қўлига олиб томоша қилгач, қизчага узатарди. Ҳанифа эса раҳмат дерди-да, томоша қилиб бўлгач, яна олинган жойига кўярди.

Остона зеб-зийнатлар ичидан бир тиллақошни олиб, Ҳанифага узатди ва шундай деди:

– Катта бўлганингда шуни тақиб юрасан, хўп-ми! Амаки, мен катта бўлганимда, унга шуни ростакамига совға қилишга ҳаққим бўлади, шундай-ми?

– Ҳа, албатта, – жавоб берди хазинабон ва мийифида кулиб ҳам қўйди.

– Ана, кўрдингми? Ўшанда сенга шуни албатта совға қиласман! Чунки волидамда ҳам шунга ўхшаган тиллақошлари бор. Ойимга падарим совға қилган эканлар! – деди. Улар хазина тўридаги бир нечта қават-қават, узунчоқ ғишт шаклидаги минг донадан қилиб, териб кўйилган ёмби олтинлар томонга бориshmади. Чунки, уларга бир хил шаклдаги бу олтинларнинг қизифи йўқ эди. Кичикроқ эшикдан тушаётган ёруғлик ҳар томон узунлиги ўттиз-ўттиз беш қадам чиқадиган хазинанинг тўрини, яъни ёмби олтинлар сақланаётган қисмини камроқ ёритар эди. Бунинг устига, бир неча йилдан бери, бу олтинларга ҳеч ким кўл теккизмаганлиги сабабли уларни чанг қоплаган. Шу сабабли улар ўткир ялтирамасди ва болалар у томонга эътибор қаратмадилар. Бундан ташқари, хазинада қимматбаҳо қофозлар, Русиянинг икки кемасозлик ва қофоз ишлаб чиқарувчи фирмаларининг акциялари ҳам бор эди. Хазинахонага кирган

болалар бу нарсалар ҳақида тасаввурга эга әмаслиги учун, уларга қўл теккизишмади.

\* \* \*

Амир Саййид Олимхоннинг хос хонасига эшик оғаси келиб, бир мактуб берди:

- Амирим, Хоразмдан чопар мактуб келтириди, - деди ва мактубни ўралган ҳолича таъзим бажо келтириб, Олимхонга тутди.

Эшик оғаси чиқиб кетгач, амир сўргичланган мактубни очиб, ўқий бошлади:

"Ассалому алайкум, Бухоро амири жаноб олийлари Саййид Олимхон ҳазратлари!

Дўстингиз Асфандиёрхоннинг бошларига кулфат тушди. Ул зоти олийларининг жонларига қасд қилдилар. Падари бузрукворимдан айрилиб қолдим. Ушбу суиқасдни ўюштирганлар албатта худонинг қаҳрига учрайдилар. Сиз ҳам ҳаётингиз хавф остида эканлигини унутмай, эҳтиёт чораларини кўринг. Мамлакатимни ёёқ ости қилмаслик учун хонлик бошқарувини ўз кўлимга олмоқчиман! Давлатингиз билан тузилган ўзаро шартнома ва битимлар ўз кучида қоладими? Бирор ёрдам керак бўлганида сизга ишонсан бўладими?

Хоразм хони Абдуллахон".

Мактубни ўқиган амир дўсти учун қайғуриб, унинг ҳақига дуойи фотиха ўқиди. Эшикнинг бошқа томониди амирнинг топшириғини кутиб турган эшикоғага:

- Мирзани чақиринг! - деди.

Кўп ўтмай кўлида қофоз ва қалам кўтариб мирза ҳозир бўлди.

- Ёзинг! - деди амир ва бир лаҳза хаёл ичра сукут сақлаб давом этди: "Қадрли мархум дўстим Асфандиёр-хоннинг муҳтарам фарзанди аржуманди Саййид Абдуллахон! Отангизнинг суиқасд туфайли бемаҳал вафотларидан чуқур қайғудаман ва менинг ҳамдардлигимни, таъзиямни қабул қилгайсиз. Отангизнинг руҳи покларини Оллоҳ мағифират қилибсан! Хонлик бошқарувини ўз кўлингизга олиб тўғри қилибсиз! Мамлакатингизни асло ёвга талон-тарож қилдириб кўймангиз! Юрtingиз билан қилинган барча битимларимиз ўз

кучидаги қолади. Ҳар қандай ёрдамга қўшни давлат амири ва отангизнинг дўсти сифатида тайёрман! Бизни ҳалқимиз олдидағи масъулиятли ишимизда Оллоҳнинг ўзи ёрлақасин!

Бухоро Амири, имзо".

Мактубни олган чопар шу заҳотиёқ отини Хива томон елдириб кетди.

Амир Сайийд Олимхон мамлакат хавфсизлиги, чегаралар даҳлсизлигини, ҳалқнинг тинчлиги ва осойишталигини саклаш мақсадида Русияга 1868 йилдан бери қисман сиёсий тобелигини инобатга олиб, 1917 йилда Русиянинг вақтли ҳукумати билан расмий келишув имзолаган эди. Бу келишувларнинг большевиклар томонидан осонгина кўпол равишда бузилиши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган эди.

\* \* \*

Шаҳарнинг Самарқанд дарвозасидан чиқиб, шимол томонга бир неча чақирим юрилганидан кейин каттагина боғ бор. Ситораи Моҳи Хоса деб аталувчи бу қароргоҳ амирликни бошқараётган манғитлар сулоласининг, хусусан баҳор ва ёз ойларидағи энг севимли масканлари ҳисобланарди. Илк таъмал тоши Насруллоҳон томонидан қўйилган бу қароргоҳнинг охирги европача меъморий услубдаги қисми 1918 йилда битказилди. Олимхон бу қурилишда қатнашган усталарни тақдирлаш учун аркнинг маросимхонасига таклиф қилган эди. Сарой аъёнлари, хизматчилар, навкарлар ва бир неча хорижликлар, элчилар, газета мухбирлари ва сураткашлар ушбу маросимга тўпланган эдилар. Амир Олимхон тўпланганлар хузурида қурилиш иштирокчиларининг маҳорати, меҳнатларига муносиб баҳо берди, уларнинг шаънига самимий сўзлар айтди.

Ўша куни Амир Олимхон сарой файтун аравасида Мөҳларойимни ушбу қароргоҳга олиб келди. Файтун арава зинасидан тушаётган маликасининг қўлларидан ушлаб, уни янги бинога олиб кирди. Хоналарни томоша қилиб чиқишигач, Олимхон Мөҳларойимга шундай деди::

- Хўш, ёқдими?

- Ҳа, албатта ёқди! Сизга, кўз тегмасин азизим! Оллоҳим менга сизни етеазганига шукур! Биласизми, агар иенга яна она бўлиш насиб этиб, фарзандимиз қиз туғилса, исмини Шукрия қўянимиз, майлими? - деди Моҳларойим. У чиндан ҳам бугун жуда хурсанд, қалбида Оллоҳга шукур қилиши чексиз эди.

- Майли азизам, албатта Шукрия қўянимиз, - деди Олимхон.

Улар боққа чиқишиди. Боғда катта ҳовуз бўлиб, атрофидаги серсоя майсазорда товуслар у ёқда бу ёққа юришар, камалакранг патларига қўёш нури тушганда янада жозибали товланарди. Бу ерда баланд қилиб курилган айвонча олдига келганларида Олимхон Моҳларойимга уни кўрсатиб шундай деди:

- Азизам, қаранг, эсингиздами? Биринчи учрашган кунимиз сиз икки дугонангиз билан анҳор бўйида китоб ўқиб ўтирган эдингиз! Мен кўпrik устидан туриб сизни кузатардим. Худди ўша кунгидек сиз ҳовуз бўйида яна китоб мutoала қилсангиз-у, мен сизнинг бу ажойиб ҳолатингизга маҳлиё бўлиб қараб турсам, дейман. Бу айвончани ўша кўпrik баландлигида шуният билан курдирдим. Яна, фарзандларимиз билан шахмат ёки шатранж ўйнаб туриганимда ҳам ҳар замон сизга боқиб турмоқчиман.

Шу дамда Олимхоннинг ёдига ўша кунлар тушиб, бироз шўхлик қилгиси келганди.

- Ё, насиб, иншооллоҳ! - деди Моҳларойим унга қараб, меҳрини нафис лабларида ифода этиб, табассум қилиб қўйди. Улар муҳаббат оғушида эдилар. Бахшидасининг кулимсираб турган қора кўзлари, ёқимли чеҳраси Моҳларойимга бир умрга татигулик, азиз бўлиб қолган эди. Бу туйгулардан қалби илиб кетган Моҳларойим баҳшидасининг елкасига бошини оҳистагина қўйди. Амир эса уни елкасидан кучган ҳолда анча вақтгагача товусларни томоша қилиб турдилар.

\* \* \*

Арқда ҳаёт ўз маромида бораётган эди. Ойсарабегимнинг синглиси Меҳрангиз ҳам отасининг навбатдаги қиморда ютқазган қарзи эвазига отаси зиндонга тушмаслиги учун қозининг чиқарган қарорига мувофиқ 5 йил муддатга саройга келиб хизмат қилишини танлади. У опасининг Амирга сингил

малика мақомини олгани эшитган эди. Шунинг учун кўп ўйлаб ўтирамай, опаси ёнига келишини афзал билди.

Меҳрангиз бўй етган, эсли-хушли, хушрўйгина қиз эди. Орадан кўп ўтмай сарой ўтинхонасида ишлаётган Ражаб исмли йигит уни ёқтириб қолиб, фурсатни ўтказмай унга турмушга чиқишини таклиф қилди. Бундан хабар топган Ойсарабегим ўзи ва синглиси ҳақида, саройда ишлаётган косиб йигит Курбон ва синглисига ошиқ бўлган ўтинчи йигит Ражаб ҳақида Моҳларойимга гапириб беришни кўнглига тушиб қўйди. Моҳларойимни хонасида улар зардўзи жойнамоз тикишаётган эдилар. Моҳларойим ёш болалик учун севимли машғулотини ўз хонасида, баъзида ёрдамчи қизлар билан биргаликда ишлаётган эдилар. Бугун унинг ёнидаги Ойсарабегим сўз бошлади:

- Маликам, сизга бир сирни айтиб бермоқчиман, илтимос, фақат бошқа ҳеч кимга айтмасангиз, албатта! – деди.

- Хўп, майли, қани айт-чи, нима гап экан у? - деди.

- Мана бу кумуш узукни кўряпсизми! Буни менга косиб йигит Курбон совға қилиб, қўлимни сўради, – деди.

- Қани, бүёққа бер, кўрайин-чи, деди ва бармоклари орасида айлантириб бироз диққат билан томоша қилди. – Ҳа-а, диди чакки эмас экан йигитинг тушмагурнини! Табриклайман. Бахти бўлинглар! Хўш, яна нима янгиликлар? Сен рози бўлдингми? Ҳа-я, совғани олганингга қараганда, рози бўлгансан.

- Тўғри топдингиз, мен рози бўлдим, "хизмат муддати тугагунича фақат ҳеч ким билмаслиги керак", дедим унга. – Ойсарабегим бироз сукут сақлади. – Яна бир гап айтомқчи эдим... Синглим Меҳрангиз бор-ку! Кўрган эдингиз, "сенга ўҳшар экан", деган эдингиз, ёдингиздами?

- Ҳа, яхши танийман, – деди малика.

- Унинг саройга келганига бир ой бўлганди. Ўтинчи йигит Ражабни ҳам билсангиз керак. Ўша йигит синглимга муҳаббат изҳор қилиби денг... – деди Ойсарабегим.

- У ҳам узук совға қилибдими? – сўради Моҳларойим.

- Йўқ, Лекин синглим унга: "Роҳила хотинга айтиб бераман, сени бу гапинг учун роса савалашади. Бошқа менга бундай дея кўрма!" – дебди. Сиз шунга нима дейсиз?

Сұхбат орасида Моҳларойим Мехриддинга күкрагини тутиб, боласини ухлатиб күйди. Сүнг Ойсарабегимга юзланди:

– Менга қара, агар рози бўлсанг, мен бу ҳақда амиrimизга айтсам, дейман. Аввал у кишининг фикрини билайлик! Ахир эсингдами, сени – синглим, сепингни кам қилмайман, деган эдилар. Агар тўйга розилик берсалар, опа-сингил тўйини бир кунда қилиб, иккалангизга ҳам аркда яшаш учун алоҳида уй қилиб берадилар, сизлар эса хизматларингизни давом эттираверасизлар, нима дейсан? – Ахир саройда хизматкорларнинг болалик бўлиши мумкин эмас-ку, опа? – деди Ойсарабегим.

– Ким айтди сенга бу гапни? Бемалол мумкин. Хориж давлатларида уй хизматлари учун ёлланганлар битта оила бўлса, сарф-ҳаражат арzon бўлаётгани исботланаётган экан. Тунов куни амиrimиз газетадан менга ўқиб бераётган эдилар. Алоҳида хона, хизматчиларнинг бир-бирини тушунмовчилиги, бефарқлигидан кўра, улар битта оила бўлсалар ишлари унумли, оиласи ёнида бўлгани туфайли, ҳаражатлари ҳам шунга мос тарзда камаяркан. Болалик бўлишдан асло чўчима, мени қароргоҳга юборадилар, деб бехуда ўйлама! Болаларинг Фотимадек bemalol саройда катта бўлаверишади. Аркда доя керак бўлса, мана бор! Бир неча бола учун алоҳида энага ажратамиз. Болалар мактаб ёшига етганида шаҳзода ва маликалар билан биргаликда ўқийверадилар. Қайтанга, бир-бирлар билан баҳслашиб, қизиқиб ўқисалар яхши таълим оладилар-ку! – деди Моҳларойим.

– Маликам, ундей бўлса, мен аввал Курбон ва синглим ва ҳалиги... Ражабнинг бу ҳақда фикрларини сўраб биламан. Агар улар рози бўлишса, сизга натижасини айтаман. Кейин амир нима десалар – шу бўлади, бекам! – деди Ойсарабегим ва маликага ташаккур билдириб чиқиб кетди.

Бир неча кундан кейин Аркда катта тўй бўлиб ўтди. Амирнинг кўрсатмаси билан олти нафар хизматкорнинг никоҳ ва ўн нафар боланинг ақиқа тўйлари нишонланди.

Келинлик сепи масаласида фақат Ойсарабегимга ваъда қилинган эди. Аммо ўша куни саройга олтида сандиқ келтирилди. Уларнинг барчаси бир хил қилиб, сарпо ва керакли уй-рўзгор буюмлари билан тўлдирилди.

Бухородаги аҳвол нотинч эди. 200 га яқин киши Регистон майдонида намойиш учун тўпланган. Амир Сайид Олимхон, бир неча вазир ва уламоларнинг қаршилиги ва эҳтиёткорлигига қарамасдан, хос соқчилари куршовида, арқдан чиқиб, уларнинг ҳузурига борди. Шовқин-сурон тиниб, ҳамма бирданига жим бўлиб қолди. Чунки амирнинг ўзи уларга юзма-юз бўлишни ҳеч ким хаёлига келтирмаганди. Бу ерда тўпланганлар орасида нима мақсадда оломонга қўшилиб турганини билмайдиганлар ҳам бор эдики, бу ҳол кимлардир томонидан атайлаб уюштирилган фитнага ўхшаб кетарди. Амир намойишчилар сафида турган “Ёш бухороликлар” ташкилоти аъзоларини ҳам кўрди. Уларнинг баъзилари амир қабулига, арзимас баҳоналар билан келган, баъзилари эса, амирлик хавфсизлиги учун, танланган мулоғимлар томонидан, айрим маълумотлар амирга етказилган эди.

Амирнинг арқдан улар олдига бамайлихотир чиқиши, ўзини оғир-вазмин тутиши, бунинг устига унинг салобати оломоннинг тинчланишига сабаб бўлди. Амир тўпланганларга бир қур разм солиб чиққач, гап бошлади:

– Ассалому алайкум аҳли Бухоро вакиллари! Бу ерга мақсад-муддаосиз келмаганингизни билиб турибман. Шубҳасиз, сизларни бу жойга тўплаган йўлбошчиларингиз ҳам бор. Ҳолбуки, улар сизлар номингиздан келиб менга муддаоларингизни арз қилиб, етказиши мумкин эди. Кўрмоқдаманки, бундай бўлмади. Мен Бухоро амири сифатида ваколатимдан фойдаланиб, бир фармон билан ҳозир уларни зиндонга ташлашим, сизларни эса тепадан ўқса тутишим ҳам ҳеч гап эмас эди. Оллоҳ асрасин, лекин бундай қилмадим! Хўш, нега? Сизлар нима деб ўйлайсизлар?

- Билмасдик, олампаноҳ!
- Ахир бизнинг бу даражада гуноҳимиз йўқ!
- Сиз бундай қилмаслигингизни билар эдик!
- Биз сизга ўз фикримизни айтмоқчи эдик холос!

Оломон ичидан янграётган бу чақириқларни амир сабр билан охиригача тинглади. Ҳамма жим бўлгач, сўзида давом этди:

- Ҳа-а, балли! Мен ҳам шунинг учун: "Ҳаммангиз менинг раиятим, гуноҳингиз борми-йўқми, озми-кўпми, менга ишониб ўз фикрингизни айтгани келгансиз! Мен ҳам биргалашиб, бамаслаҳат ҳар қандай муаммонинг ечимини топиб биламиз деб, сизларнинг олдингизга чиқдим. Хўш, сизларни нималар ташвишлантиряпти, нимадан норозисизлар, қани, ўз фикрларингизни айтинглар-чи! - деди.

Шунда бир неча лаҳзадан кейин кимдир баланд овозда гапира кетди:

- Муҳтарам амир ҳазратлари! Талабларимиздан бири - хорижликлардан орқада қолмаслик. - Одамлар икки тарафга сурилиб унга амирга кўриниб, гапириши учун имкон беришди. - Биз кўп масалаларда, жумладан таълим ва маърифатда, майший турмушда замондан бир мунча орқада қоляпмиз. Бирор бир чорасини кўриб, аммо эскича ёндашиб эмас, балки бошқалар билан таққослаб айрим урф-одатларимизга янгилик киритишимиз керак. Иккинчи бир масала борки, оддий халқ орасидан вакиллар сиз ўтказадиган мажлису машваратларда қатнашишга ҳақли ва имконли бўлсин деймиз. Кейингиси - шаръий солиқлардан бошқа айрим солиқлар бекор қилинса, халққа бироз енгиллик бўларди. Яна шуни айтмоқчи эдимки, айрим амалдорлар қонунларни писанд қилмаяптилар, ўз билганларича, гўё сизни номингиздан иш кўраётган баҳонада, "салла олиш ўрнига калла олишяпти". Ҳа, сиз бундайларни билмайсиз, афсуски, улар бор! Уларни вазифасида қолдирмаслик керак, хатто жазо олишлари лозим, деб ҳисоблаймиз.

У Бухородаги таниқли жадидлардан бири эди. У ўз талабларини айтиб бошлаганида амирнинг ёнидаги соқчилардан бири Муҳиддин полвон бу инсоннинг кимлиги ҳақида бир нима деб шипшитиб кўйди.

- Хўш яна-чи? - деди амир унинг сўзларини дикқат билан тинглаб бўлгандан кейин.

- Ўзингизга яхши аёнки, халқимизнинг аксари нари борса икки тилни билади. Аммо замон кўп тилларни билишни тақозо этаётир. Шуни ҳисобга олиб мактабу мадрасаларимизда дунёга кўп тарқалган айрим тилларни ўқитмоқни йўлга қўймоқ зарур, токи ёшларимиз бир неча хориж тилида гаплаша олсинлар...

- Хўш, яна нима масалалар бор?

- Қизлар мактабини ҳам жорий этиш керак. Маълумингизким, фарзанд таълим-тарбияси билан отадан кўра она кўпроқ машғул бўлади. Ота рўзғор тебратиш учун кун бўйи меҳнат билан банд бўлганида уйда она кўпроқ бола билан қолади. Ўзи саводи бўлмаган она қандай қилиб мадраса ёшигача бўлган боласига сабоқларни ўргатиши мумкин? Бу масалада ҳам янгилик қилиш лозим..

- Хўш, яна қаандай муддаоларингиз бор?

Яна бир неча киши турли масалалар бўйича ўз фикрини айтди. Амир гапирган ҳар бир кишининг сўзини, айтаётган таклифини диққат блан тингларди ва у сўзини тугатгач, маъқул, ташаккур, деб кўярди. Намойиш қатнашчиларининг талааб ва таклифлари жуда кўп эди.

- Хўш, биродарларим, кимда яна не фикр, не таклиф бор?

Ҳамма анчагача жим бўлиб қолганди, бу талааб ва таклифлар айтиб бўлинганинг исботи эди. Амир энди улар орасида гапирадиган киши қолмаганига ишонч ҳосил қилди шекилли, бир дақиқадан кўпроқ сукут сақлаб, ўйланиб турди ва гапириш учун оғиз жуфтлади.

- Энди... гап бундок, биродарлар. Менга диққат билан қулоқ солингиз. Менга жуда муҳим талабларни баён этдингиз! Бу талааб-таклифлар шу халқ, шу мамлакат тақдирига масъул амиингиз сифатида обдон ўйлаб, кўпроқ кенгашиб ишлаб, сўнг бир қарорларга келишимиз керак! Аммо буларни бирданига, ҳеч бир тайёргарликсиз кишилар онгига сингдириш оғир масала. Биз бунга халқимиз тайёр ёки тайёр эмаслигини ҳали билмаймиз. Шундай экан, ҳар бир масалани кенгашиб, муҳокама ғалвиридан ўтказиб жорий этсан, охири хайрли бўлур. Шундагина мақсад йўлида бирор натижага эришиш мумкин бўлади! Ҳар қандай масалани бир кунда қарор ёки фармон чиқариб, ҳаммани бунга мажбур қилиш мумкин эмас. Аввал ёши улуғлар, уламолар, уруғларнинг раҳнамолари, мадрасадаги устозлар, қозиларнинг бу борадаги фикрларини тинглаш учун кенгаш чақирамиз. Кенгаш куни аниқ бўлгандан сизлардан ҳам вакиллар, маҳаллалар оқсоқоллари қатнашиб, энг тўғри деб ҳисобланган фикрларга таяниб, ҳаммани қониқтирувчи ечимга келамиз. Аввало, элиминизни, ҳар бир фуқаромизни маърифатли

қилишимиз керак. Элимиз маърифатли бўлса, ҳамма муаммога ечим топа оламиз, маърифатсизлик миллатни тўғри йўлдан чалғитади. Миллат маърифатсиз бўлса, сиз айтган ислоҳотларни қила олмаймиз, қонунлар ҳақиқий кучга эга бўлмайди! Демак, бизга вақт керак экан-ми? – деди амир ва саволига оммадан жавоб кутиб, сукут сақлаб турди.

Оломон орасида, "Ҳа, тўғри", "Амирим сиз ҳақсиз!", "Тўғри вақт керак" деган жавоблар бўлди. Шунда амир:

– Хўш, яна саволлар борми?—деб сўради.

– Йўқ, жаноби олийлари!

– Дарвоқе, – деди амир ва гапира бошлади. – Яна бир гапни айтмоқчиман! Сизлар хорижлик айғоқчилардан эҳтиёт бўлингиз! Улар ёлғон ваъдалар бериб, турли йўллар билан, сизлардан фойдаланиб, ичимизга ихтилоф солишлари мумкин. Билиб-бilmай, "ихтилофчи" номини олманг, кўр-кўrona ёвга ёрдам бериб юрманг, тағин! Кўзголон ёки жанглар талофатсиз бўлмайди. Ҳар қандай уруш одамлар ўлимига сабаб бўлади! Ўзингиз буни тушуниб етганингизда кеч бўлиб, кейин пушаймон қилишдан наф чиқмайди. Агар ҳамма гаплар айтиб эшитилган бўлса, марҳамат, уй-уйингизга борингиз ва бу гапларни обдон мушоҳада қилиб кўрингиз!

Одамлар тарқалишди. Майдон бир пасда сув қуйилгандек жим-жит бўлиб қолди. Аммо амир бу масалаларда ўзи айтган кишилар билан суҳбатлашганида, уларнинг аксарияти, жадидчилар фикрини қоралашибди. Кенгаш чақириш масаласи ҳозирча ёпиқ қолиб, орқага сурилди. Бу масалалар бўйича бирор аниқ қарор қабул қилиниши учун нафақат ҳалқ, балки сарой аҳли, уламолар, кўп сонли мударрислар ҳам ҳали тайёр эмас эдилар.

### 1917 ЙИЛ 7 АПРЕЛЬ.

Ниҳоят, амир Сайид Олимхон намойишда қатнашган кишиларга берган ваъдаси бўйича, бир қанча амалдорлар ҳамон қарши бўлишларига қарамасдан, 1917 йил 7 апрелда "Ёш бухороликлар"нинг ислоҳот ўтказиш талаблари асосида Манифест чиқарди. Бундан мақсад, аввало, норозиликлар, намойишлар олдини олиш, амирлик тузумига дахл қилмаган ҳолда мамлакатда бир қатор демократик ўзгаришларни амалга

ошириш эди. Шунингдек, унда солиқларни тартибга солиш, турли ижтимоий табақалар вакилларидан иборат Мажлис ташкил қилиш, маориф, тиббиёт, суд тизими фаолиятини яхшилаш, маъмурӣ бошқариш ишларини такомиллаштириш ва шу каби янгиликлар кўзда тутилган эди. Бу Манифест “Ёш бухороликлар” ҳаракатининг кўп вакиллари томонидан яхши кутиб олинди. Аммо мустабид кучлар озгина ислоҳотларга ҳам кескин қарши бўлдилар. “Ёш бухороликлар” 8 апрель куни хурсанд бўлиб, шукронга намойиши ўтказишга қарор қилишди.

“Яшасин ислоҳот!”, “Яшасин амир” деган яловлар кўтарган бир неча юз киши шаҳарнинг турли четларидан Регистон томонга юра бошладилар. Йўл бўйи қисқа митинглар ҳам қилиниб, одамлар, яъни намойишчилар сони кўпайиб борди. Намойишчилар жуда кўтаринки кайфиятда эдилар.

Аммо шу куни мутаассиб гуруҳлар Регистонда тўпланиб, ислоҳотга, янгиликларга қарши жангарилик ва муросасизлик кайфиятларини намойиш этдилар. Улар, аввалига, шиорлар кўтариб намойиш қилиб келаётган ислоҳот тарафдорларига очиқдан-очиқ душманлардек дағ-дағалар, пўписалар, ҳайқириқлар қилишди. Бу унсурларнинг жазаваси дақиқа сайин кучайиб борди. Бундай мураккаб вазиятда икки томоннинг тўқнашуви ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Жадидларнинг раҳбарлари кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун Регистонга бориш ниятидан қайтиб, намойишчиларни тарқалиб кетишга даъват қилдилар. Аммо вазиятни ўнглаш учун фурсат бой берилган эди. Кутимагандা ҳаммаёқ тўстўполон бўлиб, жанг бошланиб кетади. Бундан хабар топиб етиб келган мишиблар бир неча кишини кўлга олдилар. Кўлга олинган ёш бухороликлар ичida Садриддин Айний, Мирбобо, Мирзо Насрулло ҳам бўлиб, баъзилар, 75-150 даррадан калтакланди. Амир уларга бу жазони белгилаган бош қози Шарифжон Маҳдумни лавозимидан бўшатди. Ғазабланган мутаассиблар раис Абдусамадхўжани оломон қилиб ўлдирадилар. Бир неча бухоролик жадидчилар бошқа жойларга қочиб кетди. Хуллас, биринчи ислоҳий манифест ана шундай можаро билан якун топди. (Ф.Хўжаев. Танланган асарлар, 1-ж, Т. 1976 йил).

Бу воқеалар амир Саййид Олимхонга бундан 7 йил олдин бўлиб бир воқеани эслатади. Валиаҳд Олимхон Карманада, Моҳларойимга уйланиб, тинчгина яшаб юрган пайтлари эди. У падари бузруквори амир Абдулаҳадхон билан суҳбатлашиб турганда бир чопар отасига мактуб келтириб беради. Мактубни ўқиган отаси уни ўқиб кўриш учун Олимхонга ҳам узатади ва:

– Бўлажак амирсиз, ўғлим! Бундай можаролар амирликнинг емирилиши учун душманлар томонидан уюштирилади. Амир бўлиш осон иш эмас мени валиаҳд шаҳзодам! Юртни бошқаришни ўзига яраша қийинчиликлари, оғриқли томонлари бор! Энг тўғри йўлни танлаб, муҳим қарор чиқариш кераклигини турли хил вазиятлар ҳамиша талаб қиласверади. Хато қилишинг эса мумкин эмас. Аммо унутма, эл тинчлиги, ўзигникидан доим устун бўлиши керак! Жангларда шаҳид бўлган халқи учун қиёматда жавоб бермаслик учун тинчликни сақлаб туриш жуда муҳим! Мактубдаги ғалаённи тинчтишини имтиҳон сифатида сизга топшираман, қани қандай эплар экансиз? Бу ишни уддаласангиз, мен ҳам, сиздан хавотир олмай, оёғимни тинчгина узатиб, бугунги борган зиёрат жойимиз, Қосим Шайх Азизон хонақоҳи ёнида сўнгги манзили маконимни топар эдим-ми? – деганди...

Ўшанда шаҳзода Олимхон бир неча ёрдамчилари билан Бухорога келиб, аввалига вазиятни ўрганади.

Бу қонли фожиа бундай бошланган эди. Шу ўринда расмий тарихга мурожаат қилсанда ўринли бўлади деб ўйлаймиз. Хуллас, шаҳарнинг шиа мазҳабидаги аҳолиси 9 январь куни Ўғлон дарвозаси яқинидаги сарбозхонада ўзларининг мотам маросимлари – "шахсей-вахсей" ўтказаётганларида сунний мазҳабидаги муллаваччалар уларнинг бу ишлари устидан мазах қилиб кулган эканлар. Бундан ғазабланган шиалар муллаваччаларнинг бирини ўлдириб, учтасини қаматган эканлар. Бундан хабар топган суннийлар аркка бориб, күшбеги Остонақулдан гуноҳкор шиаларни жазолашни талаб қилишади. Ўзи шиа бўлган күшбеги уларни ҳайдаб солади. Суннийлар дарғазаб бўлдилар ва Регистон майдонида тўпланиб, гуноҳкорлар жазоланишини талаб қиласверадилар. Уларни тарқатиш учун сарбозларнинг юборилиши икки ўртада қонли тўқнашувга сабаб бўлади ва натижада 240 нафар сунний

ўлдирилади. Суннийлар ҳам шиаларга ҳужум қилиб, хунрезлик давом этади. Вазиятни қўлга ололмаган қушбеги Россиянинг сиёсий агентлигига мурожаат қилгач, Самарқанд ва Каттакўрғондан полковник Панов бошчилигига ўқчи рота, казаклар сотняси 4 та пулемёт билан келади. Фожиа ҳақидаги хабар Россия пойтахтигача етиб боради ва 1-Туркистон армияси корпуси штабининг бошлиғи генерал-майор Лилиенталь ҳам тўполонни бостиришга жалб этилган экан.

Бўлиб ўтган воқеалар тафсилоти билан танишган Сайид Олимхон тезкор чора-тадбирлар тузиб, сунний ва шиа мазҳаби вакилларни иштирокида мажлис чакириб, тўполон бошида турганларга нисбатан чоралар қўллайди. Ниҳоят 15 январда сунний ва шиа мазҳаблари вакиллари-нинг ярашув учрашувлари ўртасида уюштирилган ярашувдан сўнг рус кўшинлари шаҳардан чиқиб кетади (С. Айний. “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар”. М. 1926 йил).

Абдулаҳадхон даврида Бухорода қулдорлик тугатилган эди. У гарчи 1888 йилдан бошлаб, бутун умрини Бухорога келмасдан Карманада ва ярим йиллаб Россиянинг курорт шаҳарларидағи ўз қароргоҳларида ўтказган бўлсада, унинг раъи билан, касалхоналар, дорихоналар очилганди, матбаачилик йўлга кўйилиб, биринчи газеталар чиқа бошлаганди. Каттакўрғондан Бухорогача телеграф сими тортилди. Амирлик ҳудудида темир йўллар ва станциялари, Амударё устидан ўтадиган темир йўл кўприги курилди. Турли меъморий иншоотлар тикланди.

Шуларни хаёлдан ўтказган амир Сайид Олимхон ўз хосхонасида турли газетларни ўқишига тутинди. Ўша пайтларда Тошкент, Кавказ, Туркия ва Россиянинг турли шаҳарларида чоп этилиб, ҳар хил йўллар билан Бухорога келтирилган газеталар амир учун дунё ишларидан бехабар қолмасликнинг асосий манбалари эди. Бундан ташқари Русия императорлигининг сиёсий агенти, дунёнинг турли міллатларига бориб келаётган амирнинг савдогар дўстлари ҳам уни ажабтовур янгиликлардан, дунё сиёсий ва иқтисодий саҳнида кечётган воқеалардан хабардор қилиб туришарди. Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, давлат ишларини бошқаришда ўта фойдали эди.

## КОГОН. 1918 ЙИЛ. МАРТ ОЙИ.

1918 йил март ойида, большевиклар бошчилик қилаётган Туркистан АССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси Колесов раҳбарлигидаги қўшин Когонга келиб жойлашиди. Кўп ўтмай тарихда "Колесов воқеаси" номини олган жанглар бошланиб кетди. Большевиклар амирлик ва Россия ўртасидаги аввалги битимни тан олишмади. Бироқ уларнинг жанговар ҳаракатлари натижа бермади. Амир аскарлари ва маҳаллий аҳоли биргаликда курашиб, душман устидан ғалаба қозонди. Чунки Бухоро амири Олимхон шундай бўлишини аввалдан билиб, мудофаа борасида пухта тайёргарлик кўрганди. Колесов қўшини енгилган бўлса ҳам, бундай урушлар яна қайта бўлмаслигининг олдини олиш керак эди. Шунинг учун Олимхон ўз одамларини сиёсий келишув, дипломатик алоқаларни яхшилаш мақсадида, Россиянинг янги ҳукумат аъзолари билан битим тузишга юборади. Натижада икки давлат ўртасида амирликнинг мустақил давлат бўлиб қолиши, қайта уруш бўлмаслиги, барқарор тинчликни сақлаш учун, бож тўлаш шартларига тайёр эканликларини билдириб, ўша даврнинг катта шов-шувларига сабаб бўлган машҳур "Қизилтепа шартномаси" расман имзоланади.

Афсуски, бу шартномани ҳам, атиги икки йилдан кейин, Михаил Фрунзе Туркистан фронти қўшинига раҳбарлик қилиб, тўртта ёрдамчи қўмондони билан Бухоро амирлиги чегараларини кўпол равишда бузиб, аёвсиз қирғин-барот жанг бошлиши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлида келмаган эди. Тарих варакларидан, ўтмишнинг аянчли сатрларини ўчиришнинг иложи йўқ! Аммо келажак учун, ўтмиш сабоқлари барчага муҳимдир!

Колесов воқеаларидан бироз вақт ўтгач, Саййид Олимхон энг ишончли кишиларни чорлаб, ёпиқ мажлис ўтказади. Бу мажлисда қандай масала кўрилганлиги ҳақида, унда қатнашган беш кишидан бошқа ҳеч ким бир неча йилгacha ҳеч нарсани билмадилар. Бу мажлисда кўрилган масала битта эди. Бутун дунёда бўлаётган алғов-далғов урушлар, инқилоб, давлат тўнтиришларининг оловли йилларида Мангитлар сулоласининг хазинасидаги давлат мулки ҳисобланган, бойликларнинг талонтарож бўлишининг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилган

эди. Улар хазинани энди арқдаги хазинахонада сақлаш хавфли эканлигини тушуниб, бир неча марталик түя қатнови билан Ҳиндистон орқали хорижий банкларга бўлиб-бўлиб омонатга қўйилишини маслаҳатлашиб олган эдилар. Ниҳоят бир қарорга келишиб, у бир овоздан тасдиқланганди. Бу топшириқни бажариш амирнинг садоқатли яқинларидан бири Тўрахўжа (уни баъзида Тўракул даллол ҳам деб аташган) зиммасига юклатилди.

### 1920 ЙИЛ МАЙ ОЙИ.

Бу даврга келиб, Бухоро амирлигидаги бўйлаб, рус инқилоби шамоли янада кучайди. Баъзи жойларда жадидчилик намойишларида кимdir атайин ўлдирилиб, шов-шувга сабаб бўлар ва бу қотиллик "амир одамларининг иши" дея қуруқ тухматга айланар эди. Ички душманчиликнинг бундан мақсади халқ қалбида амирликка нисбатан нафрат уйғотишдан иборат эди.

1920 йил май ойи бошларида Москвага келган Турккомиссия аъзолари Ш.Элиава ва Я.Рудзутак РСФСР ташки ишлар нозири Г.В.Чичеринга, "Турккомиссия эртагаёқ Бухоро амирлигининг мустақиллигини бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаради", деган баёнотини топширди. 1920 йил 22 майда РКБ(б) МК бюроси Бухорога ҳужум қилиш тўғрисида Турккомиссия аъзоларининг ушбу фикрини маъқуллади.

Туркестон фронти қўшинларининг кўмондони М. Фрунзе Бухоро амирлигига қарши ҳарбий ҳаракатларни тезлаштиришни сўраб 1920 йил 31 июлда Б.И.Ленинга телеграмма жўнатган. РСФСР куролли кучлари бош кўмондони С.Каменев бу телеграммага: "Кулай фурсатда бошлашга руҳсат берилади", деб қисқа жавоб юборган. 1920 йил 12 августда Фрунзе амирликни тугатиш мақсадида Самарқанд-Бухоро гуруҳи (фронтини) тузиш ҳақида буйруқ беради. Шу тариқа амирлик чегараларида 7 минг пиёда, 2,5 минг отлиқ аскар, 5 оғир тўп, 35 енгил тўп, 206 замбарак, 5 бронеавтомобиль, 5 бронепоезд ва 11 аэроплан шай ҳолатга келтирилади.

Амир Олимхон ихтиёрида 15 минг сарбоз, 55 эски тўп, 12 пулемёт бор эди холос. 16-18 август кунлари Чоржўйда Бухоро коммунистларининг 4-съездибўлиб, у амирга қарши қўзғолон кўтариш тўғрисида қарор қабул қилган. Тарихда "ялпи

қўзғолон” деб аталганҳаракат 1920 йил, 23 августда Бешим Сардор бошчилигидаги ёлланма туркман отлиқларининг Чоржўй яқинидаги Сақор бозорни ишғол қилиш билан бошланди. Бешим Сардор ва Чоржўй коммунистлари Эски Чоржўйни ишғол қилиб, 100 дан ортиқ амалдорларни қамоқقا олишган.

Чоржўй беклиги хазинаси ҳам улар қўлига ўтади. Шу куни бу янги ҳукумат – Чоржўй ревкоми олдиндан қилинган сохта келишувга кўра “бутун Бухоро ҳалқи номидан” “ёрдам” сўраб, М.В.Фрунзега нома юборади. Ваҳоланки, Бухоро ҳалқи бу номадан ҳам, съезд қароридан ҳам, Бешим Сардор исёнидан ҳам бехабар бўлган!

Бу сохта “мурожаатнома” Фрунзега Бухоро амирлигини тугатиб, унинг ҳудудида шўролар ҳукуматини барпо этиш борасида ўйлаган уруш режасини амалга ошириш учун баҳона сифатида керак бўлган.. Шунингдек, С.С.Каменев ёзган телеграмма ҳам, асосий буйруқ каби унинг қўлида эди. У ўз ишончли одамлари билан мажлис қуриб, ҳужум режасини тузди. Стол устида Бухоро амирлигининг ўша даврдаги катта харитаси турар эди. У қўлидаги харитада ўз қўшинини тўртта гурухга бўлиб, бир вақтда ҳужум уюштириш режасини шерикларига тушунтириди:

– Ўртоқ қўмондонлар, сизларга ҳужум бўйича ўз таклифимни баён қилмоқчиман. Ғалабага эришишимиз учун Туркистон фронти қўшинимизни, 4 гурухга бўлишимиз керак бўлади: 1. Самарқанд гурухи – 29-30 августда Шахрисабз-Китоб йўналиши бўйлаб ҳаракат қилиб, Қарши ва Ғузорни эгаллаши; 2. Каттақўргон гурухи – Хатирчи, Зиёвуддин ва Карманани олиши; 3. Чоржўй гурухи эски Чоржўйни эгаллаб, Амударёning Афғонистон билан чегараларини мустаҳкамлаши, Фароб ва Қоракўлни эгаллагач, қўшимча буйруқни кутиб туриши; 4. Когон гуруҳининг асосий вазифаси – эски Бухоро ва Аркни эгаллаш, амир Олимхонни асир олиб, хазинани қўлга киритиши керак. Сизларга бу режа маъқулми? – деди Фрунзе сўзини қисқа қиласар экан.

Унинг таклифи маъқулланди ва бу режа ниҳоятда сир сақланишига келишилди.

Бу вақтда амирнинг катта аёли Зарифабону канизагига маҳфий топшириқ берәётганди. Аммо бу топшириқнинг мақсади тамоман бошқача эди:

— Мастура, агар билсанг, сендан бошқа ишонадиган одамим йўқ! Имкон борича менга тезроқ 5-6 ёшлар атрофида қизамиқ билан касалланган бола топиб келасан. Ҳозир бу дард авж олган. Амириз рус табибларини чақиришиб, касаллик тарқалишининг олдини олишлари аниқ. Бемор болани тезроқ олиб келсанг, уни онасидан яширинча Остона билан бир муддат ёлғиз қолдириб, унга ҳам юқтириш керак. Чунки келгусида Остона эмас, балки менинг ўғилларимдан бири таҳтни эгаллаши керак. Ҳозирдан иложини топмасам, кейин кеч бўлиши мумкин. Бу бола кўп ақлли чиқиб қолди, Моҳларойимнинг олим отасига ўҳшаб ҳозирдан гаплари бурро, акасидан ҳам зукко! Бир йўлини топ, мендан кўра ҳам топқирсан-ку! Болага барибир ҳеч нима қилмайди. Моҳларойим ўзи ўлса ўлади-ку, аммо боласини ҳар йўл билан ҳам даволатади, — деди.

Канизак Мастура ярим тунда аркнинг кун чиқар томонида, ўз ётоқхонасининг орқа тарафидаги бир хилват жойдан пастга майда тошча иргитади. Пастда куруқ мева сотувчи бўйдоқ киши Мастурага бир неча йилдан бери ошиқ бўлиб, ҳалиям ундан кўнглини узолмас, ўз қишлоғига кетмаётган бу одамнинг, шу ерда ҳовлиси ҳам бор эди. Тошча тушадиган жойга мева қуритиш учун тунука қўйилган бўлиб, туннинг осуда жимлигида тепадан тушган майда тошча тунукага текканида жаранглаб товуш чиқар эди. Қобил баққол ўз севгилиси билан севги мактублари алмасиб, унинг фироқида ёниб, тунларини бедор ўтказар, қизнинг хизмат даври тугагач, у билан баҳтли турмуш қуришга орзуманд йигит эди. Тунука жарангি, унинг учун сирли белги бўлиб, бу товуш уни ҳатто ширин уйқусидан ҳам уйғота оларди. Бу сафар ҳам Қобил баққол тошчанинг овозидан уйғониб кетиб, севгилим чақирияпти, деган хаёлда хонасидан чиқди. Унинг қўлида шам борлиги Мастура канизак учун ҳам бир белги бўлиб, ошиқ йигитни дарҳол таниди. У ғалтак ип учига ёзиб келган хатини боғлади, у ёқ- бу ёққа аланглаб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, ғалтакни секин айлантириб, мактубни пастга тушира бошлади.

Мактубда: "Эртага 5-6 ёшлар атрофида, қизамиқ билан янги касалланган бола топиб, онаси билан саройга келтириңг, сарой табибиға даволатиши учун онаси Зарифабонудан илтимос құлмоқчи, десандыз, дарвоза соқчиси мени чақыртиради, баҳонада сиз билан дийдор күришмоқ ҳам насиб этар", деб ёзилған эди.

Баққолнинг уйи ўша вақтларда Аркка ёндош қурилған кулбалардан бири бўлғани учун миршаблар шубҳасидан холироқ жой эди. Қобил Маствура билан болалиқдан бир қишлоқда катта бўлған, унга ошиқ бўлиб, кейин ота-оналарига билдириб, бирга турмуш қуришга келишиб ҳам олишган эдилар. Аммо Маствуранинг отаси катта миқдорда пул муаммосига учраб, уларнинг режалари пароканда бўлди. Йигит отасига дардини айтиб, боғларини сотмоқчи, пулинни қизнинг отасига бериб, Маствурани аркка кетиб қолишидан сақлаб, уйланмоқчи эди. Лекин отаси боғсиз ўзлари ҳам даромадсиз қолиб, қийналиб қолишлирини сабаб қилиб рози бўлмади. Бундан ранжиган ошиқ йигит шундан бери унинг ортидан Бухорога келиб, аввалига ижарага турди, сўнг ишлаб йиғиб қўйган пулига арк яқинидан бир кичикроқ ҳовли сотиб олди. У ҳали ҳам Маствурага уйланиш орзусидан воз кечмаган эди. Бу икки ошиқ дилнинг севги мактуби алмашувлари бора-бора Маствура ва бекасининг яширинча қинғир ишларини бажаришда ҳам қўл келмоқда эди. Севги ўз кўзларини кўр қилиб, Маствура ва бекаси ўз қора ниятлари учун ундан фойдаланаётганини сезса ҳам Қобил баққол қиздан ёрдамини аямасди.

Ипни ғалтакка қайта йиғиб келган Маствура канизак бекасига, "топшириқ бажарилди" ишорасини қилди. Эртасига Қобил баққол бир она-болани бошлаб келди. Арк дарвозаси олдиаги икки соқчи узун найзалари билан уларнинг йўлини тўсди. Шундан сўнг улар хатда ёзилған баҳона билан Маствура канизак она-болани Арк дарвозаси олдидан ичкарига киритиш учун баққолдан қабул қилиб олди.

Канизак аввалдан тузилған қабиҳ режа бўйича ошпаз Алига:

- Остонанинг бир ҳафталик овқатланиш рўйхатини энагаси билан келишиб тузар экансиз, энагани ёнингизга чақирайми? - деди. Энагани ҳам, "сизни ошпаз чақирияпти", деб Алининг ёнига олиб келишга муваффақ бўлди. Ҳанифа билан ўйнаб ўтирган

Остона уйлари ёнидаги айвонда ёлгиз қолишган эдилар. Мастира хаста болага иситма туширувчи дамлама дори ичирди ва кўлига ширинлик бериб:

- Сен ойинг келгунича шу болалар билан ўйнаб тур, - дедида уни ичкарига киритиб юборди. Остона хонага кириб келган нотаниш болани кўриб, дарров у билан тил топишиб олди:

- Хой бола, кел бирга ўйнаймиз! Мана бунинг нечта бурчаги бор? - деб қўлидаги куб ўйинчоқни кўрсатди. Бола шошдими, дарров жавоб берада қолди:

- Тўртта!

- Йў-ў-қ, мана, қара, бу тарафида ҳам тўртта бурчаги бор, кўрдингми? демак, жами саккизта бурчаги бор бўлади! - деди Остона бу боладан ёши кичик бўлса-да, зийраклик билан.

- Сен саройга сотувчи хола билан келгандингми? - энди Ҳанифа бемор болага савол берада бошлади.

- Йўқ, мени табибга даволатиш учун саройга олиб келишди, укам кеча ўлиб қолди. Ойим малика Зарифабонуни дуо қиляптилар, мени даволатишга чақиртирганлари учун, - деди. Ҳанифа ҳали бола эмасми:

- Кел, ундан бўлса, табиб ва бола ўйинини ўйнаймиз. Мен табиб бўламан. Қани, оғзингизни очинг-чи, тилни ҳам чиқаринг. Яхши. Энди кўзларингизни кўрамиз, муздеккина айрон ичибсиз. Мана оқибати! Энди хап дори ичишингизга тўғри келади, - деди ва кўздан пиёлага озроқ сув куйиб, болага ичирди. Аммо шу маҳалда боланинг яна иситмаси чиқа бошлади. Мастира канизак касаллик ўзига юқмаслиги учун, оғзига рўмол боғлади. Болага ичирган дамламасининг кучи кетиб, аҳволи ёмонлашгани учун эшиқдан пойлаб турган Мастира канизак болани чақиришга тушди:

- Турсунбой, ҳой Турсунбой! Қаердасан!..

\* \* \*

Амирнинг иккинчи аёли Гулсарабегим Кулмат қорани Одина канизак орқали топтириб келиб, хилват жойда учрашиб, навбатдаги топшириғини бермоқда. Кенг хонада уларни бир-бирларидан ширма парда ажратиб турарди:

- Кулмат навкар! Сени чақиртирганимдан мақсад, сенга

жиддий топшириқ бор. Аммо, бу сафар ишни күнгилдагидек бажаришинг керак? - деди.

- Бош устига маликам!

- Менга Бухородаги энг кучли дуохон хотинни топиб келасан, мана бу - хамир учидан, патир. - У бир ҳамён олтинни ширманинг олд томонидан, Қулмат қорага узатди. - Иш битгач, яна шунча оласан.

Эртасига бир дуохон хотин Гулсарабегимни хонасига кириб келди. Канизаклар хонадан чиқариб юборилиб, улар ёлғиз қолгач:

- Маликам нима истайдилар? - деб дуохон хотин Гулсарабегимдан сўради.

- Нима учунлигини сўраманг, аммо амирим билан Моҳларойимнинг орасини совитиб, амирни менга иситишни уddyalай оласизми? - деди рашидан адо бўлиб, оғир гуноҳларга ботишга ҳам тайёр Гулсарабегим аламзадалик билан.

- Маликам, бу иш оқибати хунук ва катта гуноҳ эканини биласизми? Ишим балки ўҳшамай, сизга ёки менга ёқмайдиган катта күнгилсизликка айланиб кетиши ҳам мумкин! Ҳар эҳтимолга қарши олдиндан айтишим шарт: қилаётган ишингизнинг қалтислигини яна бир ўйлаб кўринг, маликам! - деди дуохон хотин.

Аммо Гулсарабегим қайсарлик қилиб, ўз сўзида туриб олганди:

- Кўп ўйлаб кўрганман, қандай шартлар қўйсангиз майли, ҳаммасига розиман! Амиримни Моҳларойим билан кўрганимдан кўра, ўлимимга ҳам рози бўлиб турибман. Уни ниҳоятда севаман, ортиқ чидай олмайман. Мен амиримни қанчалик севсам, амирим Моҳларойимни ундан ортиқ севадилар! Марҳамат қилиб, ишингизни бошланг, мен барига тайёрман. Гуноҳи, савоби менинг бўйнимда, лекин сиз қандай бўлмасин, топшириғимни уddyalaшингиз шарт. Уларни, қандай бўлмасин, бир умрга бир-биридан ажратиб ташланг!

Малика дуохон хотиннинг олдига бир ҳамён олтин танга кўйди...

## БУХОРО 1920 ЙИЛ. АВГУСТ ОЙИННИНГ СҮНГГИ КУНЛАРИ

Арк олдидағи катта майдонда дорбозлик томошаси томоша авжида эди. Бир ёнда ноғора садолари остида Русиядан келган бир гурұқ артистлар ўз навбатини сабрсизлик билан кутишмоқда. Улар келганини эшишиб, бугун одамлар майдонга одатдагидан күпроқ келган эди. Артистлар бирма-бир ўз санъатларини қызықарлы томоша уюштириб, олқышларга сазовор бўлиб бошладилар. Айникса, болалар томошабинлар қаторининг энг олдинги сафини, чордона қуриб эгаллаб олиб, роса хурсанд бўлишди. Уларнинг ортидаги катталарни баъзилари ўтириб олишган, энг орқадагилар тик туриб томоша қилмоқда эдилар. Бир тарафда паранжи ёпиниб олганхотин-халажлар ҳам бор. Минорадаги яширин кузатув жойига бир малика тўрт канизаги билан келиб олди. Юқоридаги кўшида эса, амир Сайид Олимхон ҳам хотиржам бугунги томошани ва майдонга келган одамларни, ўз мулоzимлари қуршовида кузатиб турар эди.

Шу маҳал эшик оғаси амирга таъзим ила мурожаат қилиб қолди:

- Амирим, сиз билан бир инсон учрашмоқчи экан.

Амир айни вақтда санъаткорлардан нигоҳини узгиси келмаса ҳам меҳмонни куттириб қўймади. Ўрнидан туриб, эшик ёнига бориб, уни сўзларини тинглаб, айни пайтда пастга ҳам қараб турди. Меҳмон эшик ортида, пастдаги одамларга кўринмайдиган жойда турган эди. Амир бу рус меҳмон билан аввал ҳам учрашган, аникроғи, у билан Санк-Петербургда танишган эди. Амир рус тилини яхши билгани учун у билан таржимонсиз бемалол гаплаша бошлади. Аммо кутилмаганда пайдо бўлган бу инсоннинг ҳозир унга айтган сўзлари амирнинг хаёлини бўлиб юборди:

- Жаноби амир! Мен сизга ўта муҳим шум хабарни айтишим керак. Фақат илтимос, бу гапларни сизга мен айттаётганимни ҳеч ким ҳеч қачон билмаслиги керак. Шунинг учун мен сиз томонга чиқмайман, сиз пастга қараётгандек гапларимга қулоқ тутинг! Бизда революция қандай қонли, фожиали бўлганини сизга гапириб берганман, биласиз! Большевиклар бу ерда ҳам бугун-эртага худди шундай, давлат тўнтариши қилишмоқчи.

Юртингизга тўрт тарафдан, босқинчилар катта куч билан, ҳатто аэропланлар билан уруш бошлаш учун яқинлашган.

- Ахир мамлакатингиз бизнинг мустақил давлат эканлигимизни расман эътироф этганку, расмий муносабатлар ўрнатганимизку? – деди амир унинг сўзларига ишонгиси келмай.

- Бундай гапларни эсдан чиқарган маъқул! Улар яна қандайдир қоғозлар билан ўзларини кафолатлаб олишган.

- Жангларда балки менинг юртим ғалаба қилар? Ахир биз юрт ҳимоясидамиз, улар босқинчи-ку! – деди амир. Аммо ҳалиги инсон ўз сўзида туриб олди:

–Душманларингиз шундай никоб кийишганки, одамларингиз билиб-бilmай, охир-оқибат улар томон бўлишади. Сиз озчиликни ташкил қилиб, мағлуб бўлишингизга тўғри келади. Русиянинг янги ҳукумати ўз подшоҳларига, ҳатто унинг кичик фарзандларига ҳам раҳм қилишмади. Буни уруш дейдилар! Унутманг, ўзингиз, болаларингиз ва аёлларингиз ҳаёти ҳозир катта хавф остида. Бу ердан имкон қадар тезроқ ва узоқроққа кетишингиз керак. Большевиклар айнан шу ерни кўзлаб туришибди. Мен сизни яхши билганим ва ҳурмат қилганим учун, сизни бу гапдан хабардор қилиш учун атайлаб цирк гастроли баҳонасида юртингизга келдим. Уларнинг тинч аҳоли билан ишлари йўқ. Тарихий обидалар, маданий бойликларга тегилишмайди, аммо уруш йўлини танлассанг, улар буларни ҳам аяб ўтирумайдилар. Узр, мени кузатаётган бўлишлари мумкин, кетишим керак. Албатта, қандай қарор қабул қилишни ўзинг биласан, аммо вақтинг жуда оз, менимча, ғанимлар эртага эрталабданоқ шу ерда бўлишади!

Шу гапларни айтиб пастга тушиб кетган ҳалиги инсон амирнинг қандай қарорга келишини, қандай йўл тутишини билмай кетаётган бўлса ҳам, елкасидан тоғ ағдарилгандек хурсанд эди. Дини, ирқи, миллати, маслаги, ҳатто юрти фарқ қиласидиган бу икки инсонни биргина ришта узвий боғлаётганди. У ҳам бўлса одамийлик эди! .

Ҳозиргина бу гапларни тинглаган амир Олимхоннинг хаёли янада паришон бўлди. “Во-ажаб? Бу не кўргилик! Бало-қазодек бу фалокат қаердан пайдо бўлди? Қайси гуноҳим учун бу синовга дуч келдик? Оллоҳим, ўзинг менга сабр бер ва тўғри йўл кўрсат!” – деб амир овоз чиқарип Оллоҳга илтижо қиласарди. У

яна узоқ ўйга ботди: "Нега бу танишим бу хабарни менга бу усулда келиб етказди. Ҳа, у билан Санк-Петербургда танишганман. Ёки энди у ўша большевиклар билан дўст бўлиб, уларга ёрдам бериш ниятидами? Шаҳарни жангсиз олиш учун тузилган тузоқдир, бу балки? Йўқ, улар бундан ҳам пухтароқ ҳийла ишлатишлари ҳам мумкин эди-ку? Масалан, бир неча шериклари билан совға-саломлар олиб келиб, азиз меҳмоним бўлиб, сўнг ярим тунда душманлик қилсалар ҳам бўларди. Демак, унинг гапи рост ва самими! Ўз подшоларига, ҳатто Николай подшонинг йўргакдаги боласигача раҳм қилмай ўлдиришган бўлса, кейинчалик подшоликни тикилашнинг иложи бўлмайди, чунки тирик гувоҳлар ҳам, тирик дъавогарлар ҳам қолмайди, деб шундай қилишган. Ноинсофлар! Уруш қилсан-чи, аскарларим бор, замбараклар ҳам етарли. Лекин кучлар teng эмас. Бунинг устига, қадимий иморатлар вайрон бўлади. Бегуноҳ одамларнинг хуни бўйнимда қолади. Тушунишимча, душман камбағалпарварлик сиёсатини илгари сургани учун Русиянинг камбағаллари ҳам осонгина душман томонига ўтиб, исён қилавериши мумкин бўлган. Ё, Роббим! бундай бўлишини асло хоҳламайман, ўз халқимдан бирор киши менга қарши душман томонида туриб, бош кўтаришини кўриш ёки эшлиши мен учун ўлим кунидир! Мана бу олдинда ўтирган болаларда нима айб? Агар уруш йўлини танласам, улар ҳам жабр кўради, кимдир отасиз қолса, кимдир бошпанасиз, ҳатто болалар ҳам ўлиб кетиши бор ҳақиқат. Ота-боболаримдан қолган арк, масжид-мадрасалар, кутубхоналар бебаҳо китоблари билан нобуд бўлиб кетади. Мен иморатларимиздаги бир дона ғиштнинг ҳам жойидан кўчишини асло истамайман. Майли, битта менинг оиласам дарбадар бўлса - бўла қолсин. Бунинг эвазига, халқим, юртим омон қолади-ку! Аммо одамлар мени, ёв билан курашмай, бир кечада кетиб қолганимни қоралашлари мумкин. Майли, ҳозир бўлмаса ҳам, бир кун келиб, одамлар мени тушунишади, нега уруш йўлини танламай, оиласми, фарзандларим ва яқинларимни муқаррар ўлимдан асраб, юрт бошқарувини тинч йўл билан янги тузим бошқарувига сўзсиз, жангсиз топшириб кетишим, айни вақтда, энг тўғри йўл эканлигини, нафақат мен ва оиласам учун, балки юртим ва халқим учун ҳам! Ахир енгилсан, ўзим-ку, майли, фарзандларим ҳаётини

ва тақдири нима бўлади? Душман тинч аҳолига уруш очмайди, демак, ҳалқим урушдан азият чекмайди, ўлим-йитим бўлмайди. Ё, Роббим, ҳалқим ва Ватанимни ўз паноҳингга ол!"

Ана шундай оғир ўйлар гирдобида қолган амир пастида, майдондаги томошадан завқ олаётган ҳеч нарсадан бехабар одамлар бирор нохуш хаёл ёки шубҳага бормасинлар, олдиндан уруш ваҳимасида, талвасада бўлмасинлар, деган мақсадда томошани тўхтатишга бирор ишора бермади. Ахир аркни жангиз топширмоққа қарор қилмоқчи, демак ҳалқ урушдан жабр кўрмайди. Томошани тўхтатишга на ҳожат! Аммо ҳозироқ бир масаланинг ечимиға киришиши керак эди, яъни арқдагилар ваҳима ва шовқинсиз, пухта тайёргарлик билан Аркни тарк этишлари лозим эди. Шу қарорга келгач, у ёнига қушбегини имлаб чақириди:

- Гап бундай. Вазият шуни тақозо этмоқда-ки, бир соат ичида арқда ҳеч ким қолмаслиги керак. Хизматчиларга тегишли ҳақини бериб, жавоб бериб юборинг...

Кушбеги аввалига гап нимада эканлигини тушунмади.

- Амирим, кечиргайсиз, нега бундай шошилинч топшириқ беряпсиз? -ҳайрон бўлди у, - муҳим топшириқларни машваратдан кейин берардингизку?

Кушбеги амирнинг кўзларидан нимадандир ташвиш чекаётганини сезди ва юраги шув этиб кетди.

- Большовайлар Қарши дарвозаси томонга катта куч тўплаб келаётган экан, деб аниқ маълумот олдим. Тез ҳаракат қилмасак кеч қоламиз. Катта талофат ва ҳалокат муқаррар бўлиб турибди. Биласиз, кучларимиз teng эмас. Ўз подшосини бутун оиласи, қавми билан қириб ташлаган бу ёвдан, биз раҳм-шафқат кута олмаймиз. Ҳозир вақтни бой бермай, тезлик билан бехавотир жойга этиб олиш тайёргарлигини кўришимиз лозим. Амирлик хазинасининг асосий қисми яхшики, ишончли жойда, энди қолганини ҳам бир амаллаб душман қўлига тушмаслиги чораларини кўринг! Худо кўрсатмасин, шартномани писанд қилмаган ғанимлар, шошқалоқлик билан урушни бошлаб юборишмасин, ахир ҳалқнинг ҳоли нима кечади? Бу энг асосий масала. Шаҳар дарвозалари очиқ бўлиб, Аркда ҳеч ким йўқлигини кўриб, урушадиган одам қолмагани учун, душманнинг ўт очишига ҳожат қолмайди! Энди, режа асосида

ўйлаб, энг кам йўқотиш бўладиган йўлни танлаб, иш олиб боришимиз керак. Сиз нима дейсиз, хазинанинг қолган қисмини, душман қўлига ўтиб қолмаслиги учун, яна қандай йўл тутишимиз керак?

– Буюринг, амирим, шаҳарни жангсиз тарк этиш қарорингиз қатъий бўлса, сиз нимани лозим деб буюрсангиз, шуни қиласайлик, – деди қушбеги.

Амир дастлаб олтинларнинг бир қисмини давлат хизматчилари, саройда ишлаётганлар ва навкарларга маош, табибхона bemorlariга, ногиронлар, ночор бева-бечораларга ҳар ойлик хайр-эҳсон сифатида, сўнги бора вактидан бироз олдинроқ бўлса ҳам, тарқатишни унутмаслик лозимлигини тайинлади. Қолган олтинларни, танга қисмини сарф-ҳаражатлар учун, олиб кетиш, йирик қисми, яъни ём биларни аваал жўнатилган томонларга етказиш ва Швейцария банкига кўйиш лозимлигини тушунтириди.

– Бир куни бошимиздан бу қора булутлар тарқалса, кишвари Бухорони оёққа кўйиш учун бу бойликларимиз асқотади! – деди амир.

– Амирим, яна қандай топшириқ бор?

– Ҳарам оғага буюринг, болалар, аёллар энг зарур кийим-кечагини олсин, ошпаз уч-тўрт кунга етарли озиқ-овқатни аравага юкласин!

– Хўп бўлади! Амирим, ижозат берсангиз, сизга яна бир гап айтмоқчи эдим, – деди қушбеги.

– Майли, гапиринг!

– Мархум Мирзо Насрулло қушбегининг оиласи фожиасида ҳам ғанимлар бизни айблашмоқда эканлар! Бугунги қарорингиздан ҳам душманлар нотўғри фикрлар билан сизни қоралаш пайига тушадиларми, деб қўрқаман! Раият тарқамасдан уларга ўз фикрингиз ва ниятларингиз ҳақида балки айтиб кетишимиз керакдир! – деди қушбеги.

– Ҳа, гапингизда маъно бор! Аммо шуни билингки, одамларга ҳозир бу гапни айтсан эрталабгача ухламай, душман билан уруш ташвишига тушиб қоладилар. Кучлар teng эмаслиги эса аниқ. Кейин, биз томонга отилган тухмат тошларининг, бу дебочаси холос! Сезишимча, ҳали қанча тухмат ва надоматларга қолсак керак! Ахир ҳаммаси ягона Оллоҳга аён-ку! Уларни

Оллоҳ ҳукмига ҳавола қиласиз! Қачондир ҳақиқат қарор топишига ишонамиз! – деди амир ўйчанлик билан.

– Ҳа, амирим ҳар доимгидек сиз ҳақсиз! Сизни Оллоҳимни ўзи асрасин! – деб қүшбеги қўлини кўксига кўйиб, тезда орқага тисарилдии.

Айни вақтда, қүшбеги лавозимида у атиги икки йилдан бери ишлаётган бўлса ҳам, сарой аҳли ва эл олдида ўз лавозимига муносаб қүшбеги эканлигини исботлаб улгурган эди. У 1918 йил март ойида “Ёш буҳороликлар”га хайриҳоҳликда ва алоқадорликда қози калон ҳукмига кўра энг олий жазо, яъни ўлим жазосига маҳкум этилган Мирзо Насрулло қүшбенининг ўрнига тайинланганди (Хозирги вақтда, Мирзо Насрулло қүшбенининг авлодлари Францияда яшамоқда. Қоракўлга “Чибирдон ота” зиёратгоҳига бир набира ёки эвара қизи келганида, учрашиб суҳбатлашдик, биргаликдаги фотосуратимиз бор!).

Аллақачон етиб елган ва нима гап бўлаётганини анлаган бош лашкарбоши вазиятни тушуниб етганди.

– Амирим, менга нималарни буюрасиз, тайёрман?!

– Сиз ғазначидан бир ёрдамчи ва пул оласиз, бир ҳафталик устама маоши билан барча аскар, миршаб, соқчиларни рози қилингки, кейин биздан норози бўлишмасин. Аркни ташлаб кетишга мажбурмиз. Бизга манзилга етгунимизга қадар эллик-олтмиш нафар соқчи ҳамроҳлик қиласа етар. Йигирмата полвон соқчи ва ўзингиз амирлик хазинасида қолган ём биларни, заём, Русяя фирмаларининг акцияларини, ҳарамга ҳабар юбораман маликаларнинг ортиқча тақинчоқларини, сизга йиғиб беришади, ҳаммасини рўйхат қилиб, Швейцария ғазнасига мени номимдан топширасиз! Самарқанд дарвозасидан чиқингиз, шарқий дарвозалардан ёв келмоқда. Газнани яхши кўриқлаб борингиз, ғазнани сизга, сизни Оллоҳга топширдим. Одамларингиз душманнинг шаҳарга киришига тўсқинлик қилишмасин, фойдаси йўқ, иморатлар вайрон бўлгани, халқ жабр кўргани қолади. Сарбозу аскарлар мундирларини яширишсин, янги давлат сиёсатидан балога қолмасинлар. Отлари, қилич, куроллари истеъфога чиқаётгандарни муносабати билан ўзларида қолади. Бу вазифалар – сизга. Шу

ишлиарни бажарганингиздан сўнг, сизни чегарада кутаман! – деди ва орқароқда турган хазина бонга буюорди:

– Бу кишига одамларининг маошини бир ҳафталик устамаси билан берасиз! Хазинанинг қолган асосий қисми, барча ём билар, тақинчоқ, акция қоғоз, заём, турли олтин ва кумуш буюомларни хужжат қилиб, Швейцария ғазнаси учун тезда тайёрлаб беринг! Кейин барча қолган хазиналарни файтунларга юклатинг, ҳозироқ жўнаб кетамиз. Ҳа, айтганча, саройнинг барча хизматчилари га 3 тилладан тарқатиб, “сиз озодсиз, амиримиздан рози бўлингиз, барча қарзларингиздан Оллоҳ розилиги билан амиримиз ҳам кечдилар”, дейишни унутманг! – деди амир.

Амир халқ саросимага тушмаслиги учун, топшириқлари бажарилишини кутиб, кўшкидаги тахтидан кетмай турди. Бу томонда томоша боягидан ҳам қизиқарли давом этаётганди. Эртага нима бўлишидан бехабар одамлар артистларни олқишиб, завқ билан уларни кузатаётган эдилар. У қўлидаги рўмолчани пастга туширса, бу томоша тўхтатилишига ишора бўларди. Амир бундай қилмади. Арқдаги, тўғрироғи Бухоро шаҳридаги сўнги кунини, ватан билан видолашув онларини шундай ўтказишни истади.

Бу вақтда арк ичида ҳақиқий тўс-тўполон эди. Ҳамма қаёққадир югураётган, шошаётган, кимдир бекаси буюрган топшириқни бажараётган бўлса, кимдир бирор нарсаси қолиб кетмасин учун олишга улгuriшга ҳаракат қилмоқда. Ғазна олдида ҳам, бир пасда навбат пайдо бўлиб, хизматчилар ўз улушларини олаётган эдилар.

– Амиримизга, раҳмат!

– Куллуқ қиласиз амиримизга!

– Амиримизни Оллоҳ ёрлақасин!

Улар ўз миннатдорчиларини ана шундай билдираардилар. Арк ичидаги югураётган, шошилаётган одамларнинг бугунги, охирги кундаги ҳолатилари уммонда чўкаётган катта кемадаги саросима ҳолатига, афсуски, жуда ўхшаб кетар эди.

Моҳларойим қўлида боласи билан, тўс-тўполон сабабини билиш учун ўз хонасидан чиқар экан, ҳамма қаёққадир югураётгани кўриб, “Титаник” кемаси уммонда чўкканлиги

ҳақидағи газете хабарини Амир Саййид Олимхон билан бирга муҳокама қилғанлигини эслади...

Ойсарабегим ҳам ўғли Абдураҳмонни қўлидан ушлаган, бир қўлида қизаси Бегимойни кўтариб олган, болаларининг кийимлари солинган бўхчасини елкасига илган ҳолда баҳшидаси Курбонбойни ёнига югурди. Ҳозирда улар икки фарзандлик бўлишган. Улар эндиғина янги ҳужралик бўлиб, ўзларини бахтли ҳис қилаётган эдилар. Синглиси Мехрангиз билан Ражаб ҳам худди шундай –янги уйлик бўлишган, ўғилларига Ҳамро, қизларига Ҳосият деб исм қўйшган эдилар. Бу икки оила факат Мехрангизнинг хизмат муддати тугашини кутаётган эдилар. Ойсарабегимнинг хизмат муддати аллақачон тугаган, аммо саройдаги кўниклигандан шароит ва синглисини ташлаб кетгиси келмаган эди. Бунинг устига, эр хотин иккаласининг ҳам маошлари яхши, уй сотиб олиш ёки қуриш учун маблағ йиғаётган эдилар. Қосиб Курбонбой:

– Моҳларойим маликамизга айтсан, бизга Аркни тарк этганимиздан кейин ҳам уй масаласида ёрдам берадилар, – деган эди, лекин Фарангиз:

– Йўқ, уларнинг марҳаматини сунистеъмол қилишимиз яхши эмас. Оллоҳга хуш келмайди! Барибир, Оллоҳ олдида, улардан қарздор бўлиб қолгунча, ўзимиз меҳнат қилиб топганимиз яхши! Ахир бу ер одамлар ўйлаганидек, ёмон жой эмас-ку!. Мана, сизни учратдим, яхшигина ҳунар ўрганяпмиз, келажакда фарзандларимизни ҳеч кимдан кам қилмай ўстиришимиз учун бу яхши имконият-ку! Бунинг устига, қарзни узиш учун ишлаб бериш муддатим тугаб, иккимиз ҳам яхши маошга ишлайпмиз, яхшигина уй-жой, боғ сотиб олишимиз мумкин, – деган эди. Ҳозир эса жуда хурсанд ҳолда югуриб келиб, эрига шундай деди:

– Каранг, синглимга ҳам муддатдан олдин товон гўлаш хизматидан озод бўлиби. Амиримиз: "Барча хизматкорлар озод", дебдилар. Ҳаммага уч тилла тангадан беряптилар. Сиз ҳам хурсандмисиз? Рона бой бўлдик. Энди сизни Курбон қосиб эмас, Курбонбой деб атайдилар. Ҳай-ҳай, менга қаранг, нега ҳаёлингиз бунча паришон? – деб сўради Фарангиз эрининг нохуш кайфиятда кўриб. Эри эса:

- Хотин, афтидан, амиримизни бошқа күрмаймиз. Яна билмадим. Сен мен билан кетасанми ёки аввал ота уйингга бормоқчимисан? - давом этди у. Чунки ота уйи шу яқын атрофда. Эрининг уйи эса Қоракүл беклигига эди.

- Аввал мени уйимга борайлик, укаларимни соғинганман. Отам сизга турмушга чиқишимга қарши бўлмасалар ҳам, хурсанд эмас эдилар. Зора Абдураҳмонни қўлларига олиб, хурсанд бўлсалар... Ойсарабегим бир зум ўйга толиб қолди. 3-4 кун аввал укаси хабар қилганида бир зумга уйига бориб келган эди. Отаси яна қиморда ютқазиб қўйган, тушкун кайфиятда эди.

- Ота, бу сафар неча тангага тушдингиз? - сўради Ойсарабегим.

- Қирқ танга, - деди отаси қисқа қилиб.

- Демак, фоизи билан 50 тангага бораркан-да. Қози ҳам етти йил хизмат белгиласа керак. Бу сафар Ўлмас укам саройга бора қолсин. Ундан хавотир олмайсиз, ўзим ёнида бўламан. Энг моҳир усталар саройда, бирортаси шогирдликка олар, - деб келган эди. Аммо у ҳозир уйига борганида, таъзия устидан чиқиб қолишини билмасди. Отаси вос-восга учраб, ўзини осган эди...

Бир зум ўйга толган Ойсарапанинг хаёлини турмуш ўртоғи бўлди:

- Майли кетдик. Бу ёғи бир гап бўлар. Топшириққа кўра бу ердан тезроқ кетайлик-чи, - деб Ойсарабегимни шошилтириди. Улар бошқа хизматчилар каби, аркни тарқ этишди.

Ҳеч гапдан хабари йўқ Гулсарабегим ҳалиям дуохонлик билан машғул, канизаклари унга жўнаб кетиш кераклиги ҳақидаги хабарни айтольмай овора. Эшик олдиаги икки қиз ўз кийимларини хизматкорлар хонасидан олиб келиб бўйча қилишган. Бекаларига совук хабарни айтишга ҳайиқишияпти. Айтишса, "дуохонлик тугамагунча халақит берманглар" деган, айтишмаса - фурсат ўтиб бормоқда. Охири Роҳила хотинни ёрдамга чақиришди. Эшикни қаттиқ тақијлатган Роҳила хотин:

- Бекам фалокат! Ҳаммамиз қасрдан кетяпмиз, ёв бостириб келяпти, асирга тушиб қоласиз! Тезроқ эшикни очинг, аравага мининг! Бу гапдан кейин эшик дарров очилди. Гулсарабегим ҳам шошилиб, нарсаларини йиғишишга тушди. Эшик олдида турган икки канизак қизларга:

- Ундей бўлса, сизлар болаларимнинг энагасига ёрдам беринглар, - деб, уларни энагани ёнига узатди.

Зарифабону ҳам бу тўс-тўполонда қилган қинғир ишларининг миси чиқмаслиги тараддуудида. Остона ва Ҳанифанинг ёнида бўлган касал болага дамлама ичириб, ўша куниёқ уйига жўнатишган эди. Энди канизак Маствури чақириб, бир кийимлик атлас, З тилла танга бериб:

- Тилига маҳкам бўлсин, бу сирни ҳеч кимга айта кўрмасин. Баққол бола билан онасини топиб берсин, онаси бу дорини ҳам боласига ичирсин, "табиб берибди", деб айтсин, - деди ва бир идишчада дори берди. Кейин: "Қобил баққол бир шиша кучли заҳар топиб берсин, олиб кел" деб тайиндади. Канизаги Маствура эса:

- Заҳар нега керак маликам? Бу шошилинчда тезроқ керакли нарсаларни йигиштиришимиз керак-ку! - деди бекасидан хавотирланиб.

- Ҳеч кимнинг хаёлига келмаган нарсаларни доим мен ўйлашим керак! Душман осонгина бизнинг уйимизни эгалласинми? Заҳарни олиб келиб, ошхонадаги озиқ-овқатлар ва идишларни заҳарлайсан! Галабаларини байрам қилаётганларида заҳарланиб ўлишсин! Фақат ҳеч кимга сездирмайсан ва айтмайсан, бўл, ишинг кўп, ҳаммасига улгур! - шундай деб ўзи тақинчоқларини ўрашга тушди.

- Канизак Баҳринисо, болалар тайёрми? Уларга кўмаклаш! Кирхонадаги кийимларини ҳам ол, дарсхонадаги китобларини ҳам олиб, аравага юклашсин! - деди у яна, ўз дорилари солинган қутисини ҳам рўмолга ўраркан.

Бироз тоби қоча бошлаган Ҳанифанинг иссиғи чиқиб, аҳволи ёмонлашаётганди. Онаси ҳаб дори ичириб кўрди, пешонасига муздек сочиқ кўйиб турди, бўлмаяпти. Шундан кейин баҳшидасини ёнига бориб:

- Баҳшидам, келинг-чи, Ҳанифанинг аҳволи ҳеч ўзгармаяпти! - деди. Бу вақтда Имомкул энг охирги 20 пуд олтин тангаларни ким билан эгаларига етказишини билмаётган эди. Бу пуллар шифохонага ва ногиронларга ажратилган эди. Ёндан шоша-пиша ўтиб кетаётган бир мулозим йигитга топширмоқчи бўлган эди.

- Йўқ! Имомкул ака, ногиронлар пули экан. Эртага тўстўполонда, пулларни олдириб кўйиб, эгаларига бу омонатни топшира олмасам, гуноҳга ботаман. Кейин бўйнимдаги бу омонат қарзни узишим керак деб, бир умр ишласам ҳам, бунча пулни йиға олмасам керак! Ака, яххиси, бошқа бирорвга топшира қолинг, - дея у ҳам кетиб қолди. Қизининг касаллигини эшигтан Имомкул бир неча чарм қопдаги олтин тангларни яна хазинахона ичкарисига киритиб кўйди. Кейинроқ келиб бирорвга топширмоқчи эди. Шошганидан ва талмосираганидан хазинахона эшигини қулфлаб ҳам ўтиради.

Эндиғина ўз табибхонасидан керакли нарсаларини йиғишириб чиқиб кетаётган бош табиби Имомкул Ҳанифа қизининг ёнига олиб борди. Ёрдамчи табиб қилган муолажалар ҳам самара бермаётган эди. Чўнтақ соатга қараб олган табиб:

- Болани тезроқ аравага чиқаринглар, уйимга кетмайман. Йўл бўйи унга муолажа қилиб кетишимга тўғри келади, - деди ва кейин Ойсарабегим канизак совға қилган зардўзи ковушчани Ҳанифанинг оёғига кийдирди.

Ҳамма айтилган вақт тугагани учун дарвоза томонга шошаётган эдилар. Арк дарвозаси томонда қатор турган аравалар йўлга чиқишга шай турганди. Арава томон кетаётган Ҳанифанинг онаси, қизининг "ковушчам" деганини эшитмай, қўлидан тутганича кетаверишди. Қизчанинг оёғидан бир пой ковушча тушиб қолганди. Йўлакдаги бу ковушча анчагача, одамлар оёғи остида, у ёқдан бу ёққа силжиб турди...

Муҳиддин полвон бошчилигидағи соқчилар бир бўйрага солинган арк хоналаридағи барча ҳужжатларни новвойхона тандирига олиб бориб, ёқиб юборишиди, чунки бу муҳим ёзувлар душман қўлига асло тушмаслиги керак эди. Ҳатто табибхонадаги ҳужжатлар ҳам ёқиб юборилдики, бу билан у аркда яшаган барча кишилар ҳаётининг хавфсизлигини таъминламоқчи эди. Бу пайт бир тоғора хамир кўтариб новвой келиб қолди. У зувала қилиб, нонини ёпиб олмоқчи эди. Афсуски, қоғозлар ёниб тугагунча кутиб туришга мажбур бўлди. Тўхтовориз келаётган ҳужжатлар ҳали-вери тугамаслигини кўрган новвой кетиб қолганича, кейин кела олмади. Ювилган чойшабларни ёймоқчи бўлган канизак қизни ҳам чақириб қолишиди:

- Зулайхо, бўлди кетдик. Кўлга тушиб қолишинг мумкин! - деди бир дугонаси. Атиги битта чойшабни сим дорга ёйган Зулайхо тоғорани жойида қолдирганича, чопқилаб кетди.

Моҳларойим эрининг топшириғига кўра, энг зарур нарсаларини олди, Мехриддиннинг кийимлари солинган бўхча ичига энг қадрли нарсалари баҳшидаси совға қилган "Куръон" ва тиллақошини авайлаб бир рўмолга ўраб солди. Шу маҳал у бир нарсани эслаб қолди. бирдан арк ҳибсонасидағи маҳбуслар ёдига тушди. Ҳар эҳтимолга қарши амирга эслатиш учун баҳшидасининг ёнига борди. Амир кемаси чўкаётган дарфа каби ҳолатда эди. У ҳамма арқдан тирик чиқиб кетишини, оиласи, болаларини олиб, ўзи энг охирида аркни тарқ этишини сабр билан кутиб турганди. У аждодларидан ёдгор бўлиб қолган бу жойларнинг вайрон бўлмаслиги учун уни ўз қўли билан душманга қолдириб кетаётган эди. Цирк томошаси тугаб, одамлар тарқалганидан кейин, босиқлик билан ўз хонаси томон юрди. Кўлида Мехриддинни кўтарган Моҳларойим амирни йўлакда учратиб:

- Амирим, мабодо маҳбусларни унутмадингизми? Улар очлик ва сувсизликдан ўлиб қолишимасин, гуноҳларига қолмайлик тағин! - деди.

- Яхши эслатдингиз, ҳозир... - у ёнидаги соқчи томонга ўгирилди. - Соқчи, зиндан бош қўриқчинини чақиринг, - деди ва давом этди. - Азизам, сиз ҳафа бўлмадингизми? Сиз билан кенгашмай қарор қилганимдан-чи?

- Қарорингизни жуда тўғри деб ҳисоблайман, баҳшидам! Урушдан энг кўп халқ жабр кўради. Шаҳарнингвайрон бўлишига албатта йўл қўймаслик керак. Аркни тарқ этиш билан барча муаммолар ҳал бўладиган бўлса, шундай қилганимиз тузук! Аҳолининг жабр кўрмай, омон қолиши ҳозир энг муҳими, амири! - деди Моҳларойим.

Улар Амирнинг хонаси томон кетишаётганда зинданбон ҳаллослаб келди. У қўлини қўксига қўйиб, топшириқни кутди. Амир:

- Биз кетгач, бир соатдан кейин асиirlарни озод қила бошлайсиз, бирданига ҳамма хоналарни очиб асиirlарни озод қилсангиз, ўзингизнинг ҳаётингиз хатарда қолиши мумкин. Зиндан эшикларини бирма-бир очиб, асиirlарни икки-учтадан

қилиб дарвозадан ташқарига чиқаринг, ҳар бирига З тилладан пул бериб, "Амиримиз ҳақларига дуо қилингиз, сизни муддатингиздан олдин озод қилдилар!", деб қўйинг. Асирингиз сони йигирма етти нафар, уларнинг ҳақлари саксон бир олтин танга бўлади. Ҳозир бориб ғазначидан асиrlарингиз учун бу тангаларни олинг! Бизлар ҳозир Ситораи Моҳи Ҳосага, ундан кейин Гиждувонга ўтамиш. Бизга етиб олинглар. Оллоҳ насиб этса, Ватанимизни яна ёвдан қайтариб оламиш! Лекин ҳозир мудофаага ўтсак, катта йўқотишлар бўлиши мумкин! – деди.

Аравалар олдига келган амир ҳамма аравада эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун:

- Зарифабону, болалар билан иккинчи аравадамисизлар?
- Ҳа.
- Гулсарабегим, сиз-чи, болалар ёнингиздами? – сўради амир.

Гулсарабегим учинчи файтун аравадан юзидан паранжи пардасини қўтариб қараб:

- Ҳа, бегим. Биз шу ердамиш! – деди.
- Моҳларойим, сиз-чи?
- Мен ҳам болалар билан тўртинчи аравадамиш, – деди Моҳларойим.

Жориялар, канизаклар, болаларнинг барчаси араваларга чиқиб олган эдилар.

Кейинги бир неча аравада, уйларига кетишни хоҳламай, алқисса, амир билан кетишни ихтиёр этган бир неча хизматчи, ошпаз, уч-тўрт кунга етгулик озиқ-овқат олишган эди.

Амир ўзи учун белгиланган биринчи арава томон юрди. У одатда шикорга чиқса ёки бирор қишлоқдаги қароргоҳлардан бирига фарзандлари, аёллари билан бормоқчи бўлса, аравалар шу тартибда тураг эди.

– Ҳеч ким қолмадими? – ҳар эҳтимолга кўра яни бир бор сўради амир. Шунда Зарифабону шундай деди:

– Амирим, озгина кутайлик, Мастура канизагим ҳозир келади

У канизагига муҳим топшириқ берганди, яъни ҳамма араваларга минишини пойлаб туриб, ошхонага бориб, қолган озиқ-овқат ва идишларни заҳарлаб келиши керак эди.

Амир шу пайт беихтиёр охирги марта шу тартибда извошларда Карманадаги қароргоҳларига борганларини эслади. Бир ҳафта давлат ишларидан вақт ажратиб, уч аёли ва фарзандлари билан бориб, хотиржам, мароқли ҳордиқ чиқариб келишгап эди. Кичкина Остона кенг адирларда Ҳанифа билан завқланиб югуриб юрганини эслади. Қайтганларида муюлишдан арк күринганда:

- Ан-а-а, катта уйимиз күринди! - деб қичқирганди у. Амирнинг ишончли одамлари у таътилдан келгунicha давлат ишларини юритиб турган эдилар Ҳеч қандай муаммо чиқмаган эди, ўшанда. Ҳамма хурсанд ва баҳтиёр эди. Аммо бугун яқинларининг кайфияти ундаи эмас. Улар индамайгина араваларига чиқкан бўлсалар-да, тушкун кайфиятда эканликларини сезиш мумкин эди...

Юзларини рўмол билан ўраб олган Маствора канизак қўлларига қўлқоп кийиб, бекаси айтгандек қилиб, бир шиша заҳарни стол устидаги бир патнис меваларга, сабзвотларга, идиш ва ошхона анжомларига сепди. Катта шкафларда энг яхши хитой, европа чиннилари бўлиб, aka Али уларни қулфлаб кўяр эди. Саройда бирор байрам ёки меҳмон шарафига базм ташкил қилингандан aka Али уларни ишлатарди. Топшириқقا кўра, энг зарур нарсалар дейилгани учун, у бугун уларни олмаган, чиннилар шкаф ойнасидан кўриниб турар эди. Аммо калити йўқ учун Маствора канизак уларга бир қаради-ю, ортига қайтди, чунки заҳар сепишнинг иложи йўқ эди. Ойнани синдирса фойдаси йўқ, шубҳаланишади. Рўмол ва қўлқопни ҳам бир челякка ташлади-да, хона эшигини ёпиб, дарров бориб аравага чиқиб олди.

- Бегим, энди кетаверсак бўлади, - деди Зарифабону. Амир кўли билан "кетдик" ишорасини қилди. Арк дарвозаси очилиб, ҳамма аравалар йўлга тушди. Самарқанд дарвозасидан чиқилганда тун қоронғиси бўлиб, олдиндаги отлиқлар йўлни ёритиш учун узун ходада олов кўтариб олган эдилар.

Асиirlарни чиқараётган зинданбон 25 маҳбусни чиқаргач, охирги иккитасида муаммога дуч келади: кишанларнинг қулфи занглағани учун калит тушмасди. У болта билан чопиб, қулфни бузиб очди, Аммо бу икки маҳбус бир неча дақиқа ўтса ҳам ўзи юра олмади. Уларнинг увишиб қолган оёклари, тезда ўз

фаолиятини тикламаслиги аниқ эди. Яхшиям зинданбонга ёрдам бериш учун Мұхиддин полвон ҳам қолган эди. Улардан бирини полвон даст күтариб олди. Зинданбон күлидаги олов билан йўлни ёритиб борди. Энг яқин гузарга олиб бориб кўйдилар.

- Бизни нега озод қилишди. Ахир мени исён бошлашда айблашган эдилар-ку? - сўради маҳбус.

- Амиримиз гуноҳингиздан кечдилар, мана бу уч тиллани иш топгунингизча ишлатиб турар экансиз. Кетиб қолмасангиз, шеригингизни ҳам шу ерга келтираман, - деб Мұхиддин полвон иккинчи маҳбусни ҳам олиб келгани кетди. Аммо Мұхиддин полвон иккинчи маҳбусни келтирганида у жойида йўқ, маҳбуснинг оёқлари яхшиланиб, аллақачон кетиб қолган эди.

Мұхиддин иккинчи маҳбусни ҳам, ўша жойда қолдириб, уч тилла тангасини кўлига берди. Ўзи зинданбон билан бирга Ситораи Моҳи Хоса томон от чоптириб кетди.

### АРК. 1920 ЙИЛ 2 СЕНТЯБРЬ. ТОНГ.

Арк ошхонасига ҳар куни сут ташувчи аёл паранжи ёпинчиғини бошига ташлаб келаётган эди. Бир кўлида бир челак сут, бир қўли билан олти ёшли қизининг кўлидан ушлаб, арк дарвозасига яқинлашмоқда. Қизчасининг кўлидаги саватчада тўрт коса қаймоқ ҳам бор эди. Бу аёлнинг зотдор сиғири бўлиб, сут-қаймоғи сифатли учун амир ошпази ҳар куни тонгда ундан нонушта учун сут, қатиқ, қаймоқ сотиб олиб, ғазначидан пулини олиб берар эди. Аёл дарвоза олдида икки эшик оғаси ҳам йўқлигига ҳайрон бўлса-да, ошхона томон юриб бораверди. Йўлакда қизча бир пой зардўзи ковушчани кўриб, энгашиб олмоқчи бўлди. Онаси:

- Кўй, тегма. Бирорнинг нарсасига ерда ётган бўлса ҳам тегмайдилар, - деб у қизига тарбия берган бўлди. Тақдири азални қарангки, айнан шу дақиқаларда файтун аравада алаҳлаб бораётган икки хаста боладан бири Ҳанифанинг аҳволи ёмонлашиб, ҳушини йўқотганди. Унинг пешонасига ҳўл сочиқ кўйиб, ҳароратини туширишга уринаётган табибнинг тирсаги арава силтанганида қизчани оёғидаги ковушчасига тегиб кетади. Қизчанинг бир пой ковушчаси табибнинг оёғи остига тушиб, унинг эътиборини ўзига тортди. У ерга тушиб қолган

ковушчани олиб, қизчани оёғига яна кийдириб қўймоқчи бўлганида иккинчи оёғидаги ковушча йўқлигини сезиб қолди. Шундан кейин ковушчани кийдириб ўтирумасдан ўриндиқнинг бир четига қўйди.

Сут келтирган аёл ҳувиллаб қолган саройда ажал изғиб юрганини қаердан билсин? Зарифабонунинг алам билан қилган ишининг биринчи курбони бўлишини у хаёлига ҳам келтирмаган эди. Аёл шўрлик ошхона томон юрди. Унга ошпаз сутнинг тоза ва серқаймоқлигини эътиборга олиб, бироз қимматроқ ҳақ тўларди. Лекин ҳозир ошхона томонда ҳеч ким кўринмади. Ошхона эшиги ёпик. Бир оз кутди. Ҳеч кимдан дарак бўлмагач, эшикни тақиллатиб, ошпазни чақирди:

– Ака Али, ху-ув, aka Али!

Ҳеч қандай садо бўлмади. Кейин у, бомдод намозига кеттандир, деган хаёл билан яна бироз кутишга қарор қилди.

Ҳеч ким чиқавермагач, ўзи ошхонага кириб ҳар сафар сут солиб кетадиган ўзига таниш челакни олиб чиқди. Аёл баъзида ошпаз бўлмаганида, сутни шу челакка бўшатиб, челакни яна жойига қўйиб кетар эди. Челакни олиб чиқиб, ҳали сутни солишга улгурмай, негадир аҳволи бирдан ёмонлашди. Паранжисини бошидан олиб ташлаб, нафас олмоқчи бўлди, ҳансираф қолди. Қараса, қўли ачишиб нима учундир қизариб кетаётир. У бунинг сабабини дарров фаҳмлади. Бор кучини йигиб, боласи ҳам челакни ушламаслиги учун уни яна ошхонага иргитди ва ошхона эшигини ёпди. Деворга беҳол суюниб оҳиста ўтириб олди ва қизига:

– Болам; бу ерда ҳеч нарсага тегмайсан, эшитяпсанми, ҳеч нарсага, хўп-ми? Катталар келганда уйимизни кўрсатасан. Кўрқма... Менга менга ҳам тегмай тур, хўп-ми... – бу унинг сўнгги сўзлари эди. Бир лаҳзада кўзлари ола-кула бўлиб, бир нуқтага қараганича қотиб қолди...

## СИТОРАИ МОҲИ ХОСА ҚАРОРГОҲИ.

1920 ЙИЛ 2 СЕНТЯБРЬ. ТОНГ

Самарқанддарвозадан чиққан амир карвони айрим керакли нарсаларини олиш ва икки боланинг қаттиқ тоби қочиб қолгани учун Ситораи Моҳи Хоса қароргоҳида тўхташга мажбур бўлди. Ҳамма чарчаган, манзил яқин бўлса ҳам, карвон узоқ йўл юргандек эди.

Йўлда Ҳанифа ва Остона бетоб бўлганди. Табиб уларни битта аравага олиб даволаб келмоқда эди. Аммо Ҳанифа оғирлашиб ҳушини йўқотиб қўйган эди. Табиб энди унга дамлама ёки ҳаб дори ичира олмас, бирор бир жойда тўхтаб, уни фақат парваришлаб туриш керак эди. Остонанинг аҳволи Ҳанифаникидек оғир бўлмаса ҳам, табиб берган дорини ичар, аҳволи бироз яхшилангач, кўп ўтмай яна ҳарорати кўтарилиб, алаҳсирай бошлар эди.

Болаларнинг касал бўлгани сабабини ва касаллик юқумли эканини яхши билган Зарифабону ўз аравасидаги Остонадан катта болаларига:

— Укангизни кўраман, деб бирортангиз бормангиз, у оғир касал, юқиши мумкин, эсон-омон манзилимизга етиб олишимиз керак! – деди Маствура канизагига маъноли қараб.

Гулсарабегим қилган ишига пушаймон бўла бошлаганди. Бир неча бор хаёлида дуохон хотиннинг: “Гуноҳ бўлади, яна бир ўйлаб кўринг, маликам” деган сўзлари қулоқлари остида жаранглаб турарди. У кечагина бўлиб ўтган воқеаларни хаёлан таҳлил қилиб, оғир ўйловда қолганди. “Наҳотки бугун ҳаммамизнинг аркни атиги бир соат ичиди тарқ этишимиз дуохон хотиннинг “гуноҳ бўлади!”, деган сўзлари билан боғлиқ бўлса-я? Қаердан ҳам шу ишга қўл урдим. Астаффуруллоҳ, ахир Моҳларойим амирнинг унга муносабатидан фойдаланиб, уни бутунлай ўзиники қилиб олгани йўқ эди-ку! Биз бирор бир қароргоҳга кетмаган бўлсан. Амиримиз ҳам, унга нимадир совға қиладиган бўлса, бизни ҳам teng кўриб, совғани ҳаммамизга бир хил бераётган эдилар-ку! Мени ўлгудек рашқ қилиб, уларни ажратишга уринишинга бало бормиди? Ё, Оллоҳим, мени ўзи кечир!” – дерди пушаймонлик ўтида ёниб.

Карвон қароргоҳга етиб келиб, аравалардан одамлар туша бошлаётганды, орқадан Мұхиддин полвон билан зинданбон келиб уларга қүшилди.

- Амирим, топшириғингиз бажарилди. Барча маҳбусларни озод қилиб, уч тилладан бериб, омонат гапингизни уларга етказдик, - деди полвон.

Амир бошини бир эгиб олиб, "маъқул" ишорасини билдириди. Унинг барча ҳисоботини тинглаб бўлгач, Мұхиддин полвонга, вазиятга қараб, навбатдаги топшириқни берди:

- Бу ерда ҳаммамизнинг узоқ қолишимиз хавфли. Сен Фиждувонга карвондан олдинроқ боришинг ва бехавотир жой топиб, юздан ортиқ кишининг хавфсизлигини таъминлаб туришинг керак. Бемор болалар бор. Уларга тинч шароит керак. Биз сенинг изингдан етиб оламиз.

- Амирим, Фиждувонда энг хавфсиз жой - Абдулла амлокдорнининг шаҳар четида, кўзга ташланмайдиган хилват ҳовлиси. Биласиз, ширкорга борганимизда уникига кириб ўтган эдик, - деди Мұхиддин полвон.

- Ҳа, эсладим. Ширкорга борганимизда уникига қўнгандик.

- Амирим, ундей бўлса, асосий карвонни олдинроқ олиб бориб, сизларни кутиб турамиз. Ҳозир одамлар нонушта қилиб олсин, унгача отлар ҳам дам олади. Кейин тезда йўлга чиқамиз. Аммо сизнинг хавфсизлигингиз учун Давлатмандек йигирмата навкари билан қолсин. Амирим, бу ерда узоқ қолмасдан оптимиздан боринг, - деди полвон.

- Имкон қадар тезроқ боришга ҳаракат қиласиз. Ошпазни ҳам олиб кетинг, болаларни узоқ йўлда оч қўйиб бўлмайди. Бизнинг кичик гуруҳга бир канизак қиз қолса бас, - қўшимча топшириқ берди амир вазиятга қараб.

Мұхиддин полвон одамлар чой ичиб, тамадди қилиб олишгач, отлар йўлга тайёрлангунча кутиб турди. Аёллар бу ердаги ўз хоналаридан керакли нарсаларини олиб бўлгач, ҳамма ўз араваларига чиқа бошлади. Амирнинг bemor болалар туфайли бу ерда қолишини эшитган Зарифабону унинг ёнига аравадан тушиб келди:

- Амирим, мен ҳам сиз билан қоламан. Болалар, майли, бош қоровулбеги билан кетаверишсин, - деди.

- Йўқ, маликам. Бу – буйруқ. Сиз қоламан, десангиз болалар ҳам қоламиз, дейишадилар. Уларни бу ерда ушлаб ўтиришга ҳаққимиз йўқ. Бемор болаларнинг аҳволи енгиллашгани биланоқ ортингиздан дарров етиб оламиз! Қани, аравангизга чиқинг, сизни кўриб Гулсарабегим ҳам аравасидан тушиб олади, – деди амир.

Асосий карвон йўлга отланди. Амирнинг кичик гуруҳига ва навкарларга хизмат қилишга канизак Роҳила хотин қизи Фотима билан бирга қолди. Ситораи Моҳи Хосада бу кичик гуруҳ хавфсизлик чораларини кўриб, болаларнинг аҳволи яхшиланишини кутадиган бўлишиди.

Шаҳар томондан кун давомида отишмалар овози келиб турди. Амир Давлатмандбекка топшириқ берди:

– Ёнингизга икки навкарни олиб, шаҳарга боринг. Биз ҳамма навкарларга мундирларини яшириб, дарвозалар ёнидан кетишлини тайинлаган эдик-ку! Нега энди кўп отишма овозлари келяпти? Ўзбошимчалик қилишган шекилли, улар. Мана, оқибати! Кийимларингизни фуқароларникуга алмаштиринг, сизни ғанимлар сезиб қолишмасин! Оддий фуқародек бориб вазиятни билинг! Ўзингизни эҳтиёт қилиб, ортингизга яна тезда қайтинг!

Туни билан алаҳлаб чиқсан болалардан хавотирланиб ухламаган айрим катталар тонг олдида пинакка кетишиди. Моҳларойим ҳам ниҳоятда чарчаган эди. У туни билан, табибининг қаршилигига қарамай, бир Остонанинг ёнига оғизбурнини рўмол билан боғлаб борса, бир Мехриддинни эмизгани ўзининг ётоғига ўтиб келарди. Ниҳоят тонг олдидан у ҳам уйқуга кетган эди.

Давлатмандбек шериги билан шаҳардан соғ-саломат қайтиб келиб, амирга ўзи кўрган, гувоҳ бўлган воқеаларни айтиши учун унинг хонаси тақиллатиб кириб кетди.

– Хўш, нима гап? Тинчликми? Навкарлар бўлмаса яна нимага уруш бўлаётган экан? – сўради Амир.

– Амирим! Баъзилар сизнинг буйруғингизни бажармай, душманга шаҳар дарвозаларини очишмабди, уларга қаршилик кўрсатишибди. Кучлар тенг эмаслиги маълум бўлгач, чекинаётганларида душман ўқи ёмғири остида қолишган, шўрликлар. Аммо арк ёнидаги замбараклари-миздан ўқ

отилмаган. Чунки у ерда мудофаа қилувчи ҳеч ким йўқ эди. Лекин аркнинг кунчиқар қисми негадир, бутунлай портлатиб юборилган. Ўша тарафдаги одамлар-нинг уйлари ҳам вайрон бўлган, – деди Давлатмандек.

– Об-бо! Ўзбошимчаликнинг оқибати бу! Кучлар тенг эмаслиги кундай равшан эди-ку. Ахир, душман жуда катта қўшин билан келишини аниқ билганим учун, мен шундай йўл тутиб, навкарларга тарқалишни буюрдим. Лекин аркни нега портлатишибди? У ердан энг охирида ўзимиз чиқдик. Ҳеч ким қолмагани аниқ эди. Шаҳарни, аркни эгаллаб олишганидан кейин ҳам, яна нега портлаш овозлари келмоқда? – Амирга бу жавобсиз саволлар тинчлик бермаётган эди.

– Амирим, улар сизни қидиришяпти. Аникроғи, мамлакатимиз бойлиги, сулолангиз хазинасини излашяпти! Тезроқ бу ердан кетиб, хавфсизроқ жойларга боришимиз керак! Уларнинг нияти совуқ. Сиз ва бойликларни топиш учун, улар ҳеч балодан қайтмайдиганга ўхшаяпти! – деди Давлатмандек.

Болалар соғайишини кутиб амирнинг гуруҳи яна тўрт кун шу ерда қолишига тўғри келди. Портлашлар, отишмалар борган сари яқиндан эшитилаётгани сабабли, бу ерда яна туриб қолиш ўлим билан баробар эди.

Остонанинг аҳволидан қаттиқ қайғураётган Моҳларойим тўрт кундан бери роса чарчаган, йиғлайвериб кўзлари қизариб кетган эди. Унга Амир:

– Моҳларойим, сиз бориб бироз дам олинг, болага ўзим қараб тураман. Рангингиз бир аҳволда-ку! Бунақада ўзингиз ҳам касал бўласиз! Боладан хавотир олманг. Остона Ҳанифадан анча тузук-ку! – деди амирнинг унга раҳми келиб.

Амирнинг бу гапидан кўнгли хотиржам бўлган Моҳларойим ўзининг ётоғига бориб, Мехриддиннинг кийимларини алмаштирди, беланчагига қўйиб ухлатиб, ўзи ҳам пинакка кетди.

Тўрт кундан бери хушсиз ётган Ҳанифанинг аҳволи ўнгланмади. У вафот қилди. Ҳанифани дафи этишга ҳовли четидаги тепаликдан қабр қазилди. Остонанинг аҳволи касалликнинг авж олган даври сабабли, янада ёмонлашган эди. Амир канизак Роҳилага:

- Опа, йўлга тайёргарлик кўриш керак, бу ерда яна қоладиган бўлсак, тирик кетолмаймиз, – деди ва ўзи қўшни хонага боладан хабар олгани чиқди.

Боланинг хонасига кирган амирга табиб бошини чайқаб:

- Амирим, боланинг тузалишига умид йўқ, ахволи жуда оғир. Уни аравада узоққа олиб кетолмаймиз. Ундан айрилиб қолишимиз мумкин. Болаларга қизамиқ юққан, таналарига қизилча тошган, – деди.

- Аммо биз бу ерда ортиқ бир соат ҳам қололмаймиз, – деди Амир боласининг ахволига чукур қайғуриб.

- Шу яқин атрофда, икки чақирим нарида менинг уйим бор! Бола меникида қолсин! Соғайса, ўзим уни ортингиздан олиб бораман, – деди табиб.

Амир ташқарига чиқиб, Давлатмандбек билан бир оз суҳбатлашди. Бўй етиб қолган Фотима зимдан амирни кузатишни одат қилган эди. У деразадан мўралаб, суҳбатнинг бир оз сирли эканлигини сезди. Остонани кўтариб чиққан амир файтун ўриндиғига уни авайлаб жойлаштириди, сўнг чўнтағидан бир ҳамён чиқариб табибга берди ва нималарни дир уқтириди. Амир ўғлини табибниги узатиб юборишни унинг тирик қолиши учун ягона имконият, деб ҳисоблаган эди. Деразадан кузатиб турган Фотима гап нима ҳақида эканини – Остонанинг ҳали тирик эканини пайқаб қолган эди.

Ўша куни қароргоҳ ҳовлисининг қибла тарафидаги тепалиқдан кичикроқ бир қабр ковланди. Ҳанифани ўша жойга дағн этдилар. Унинг қабри ёнidan тупроқ тортиб, қабрдай дўппайтириб, устига Остонанинг тилларанг салласини кўйдилар. Бу Моҳларойимга: “Остонани вафот қилди” деб ишонтиришлари учун керак эди. Чунки Моҳларойим ҳали тирик боласини ўлса ҳам ташлаб кетмаслигини амир биларди. Боланинг тузалишини кутишнинг эса энди сира иложи йўқ, бу ҳамма учун ўта хатарли вазият эди. Узоқ йўлга олиб кетишса, арава силтаниши бу болани ҳам ҳалок қилишини, сарой бош табиби таъкидлагани учун амирнинг шундай қилишдан бошқа иложи қолмаган эди.

- Мана буни болам тирик қолиши учун бор имкониятингиз билан парвариш қилишингизга ишониб бермоқдаман. Агар боламни Оллоҳ кўп кўриб, паноҳига олса, жаноза маросимига

ишлатаасиз. Соғайса – яна шунча олтин оласиз! Мен учун болам қандай қадрли эканини сарой бош табиби сифатида яхши билсангиз керак. Айтганингизни қилиб, болани сизга ишониб омонат қолдирияпман. Уни даволаб соғайтириб берганингиздан кейин вазифангиз масъулиятидан озод бўласиз. Унгача мен сизни вазифангиздан четлатиб билмайман. Бола соғайгач, Муҳиддин полвон келиб ёнимизга олиб боради. Муҳиддинга болани тирик ва соғу саломат топширишга ваъда беринг, – деди амир. Табиб ваъда берди. Амир унга:

– Агар бор гапни онасига айтсак, у ҳам қолиши керак бўлади. Кейин уларни чегарадан ўтказиш қийинлашади. Ҳозирча онасига, боламизни вафот қилди, демоқчиман. Сиз эса зинҳор бу сирни ҳеч кимга ошкор қилмангиз! Энди сизларга оқ йўл! Бола менини эканлигини ҳам ҳеч ким билмасин! – деди.

– Амирим менга ишонинг, уни кўз қорачигимдек асрайман. Оллоҳим фарзандингизга шифо берсин! – деди табиб астайдил. Улар кетиши.

Амирнинг ўзи шу ерда қолган бир неча киши, яъни унинг отаси ва яна тўрт мулозимлари иштирокида Ҳанифанинг жанозасини ўқиди.

Ўқилаётган жаноза овози Моҳларойимни уйғотиб юборди. Жон ҳолатда югуриб келган Моҳларойимга амир жаноза дуосини якунлаб деди:

– Азизам, бандалик экан... Остонамиздан айрилиб қолдик. Боламизни Оллоҳ ўз паноҳига олди. Тақдирга тан бермоғингиз даркор. Мени маъзур тутинг, уйғонгунингизча болани асрай олмадим. Мен учун бу гапларни айтиш қанчалик оғирлигини билсангиз эди...

У ҳақиқатдан ҳам жуда афсусда эди. Начора, ҳали тирик боласини онасига “ўлди” деб айтиш, амирга ниҳоятда оғир эди. У Моҳларойимнинг жовдираган кўзларига, докадай оқариб қолган чехрасига қараб, катта хато қилганини англади. Лекин энди кеч эди.

Моҳларойим амирга ишонмай, боласини қидиришга тушди. Аввал болани ўзи кўтариб кирган хонани, сўнг бошқа хоналарни кўриб чиқди. Остона ҳеч қаерда йўқ эди. “Остона-а-а!” деб додлади-ю, кўзи жиққа ёшга тўлди. Амир Моҳларойимнинг кўлидан ушлаб, файтунга, Мехриддинни кўтариб ўтирган

энагасининг ёнига ўтқазиб қўйди. Ўзи унинг ёнига жойлашиб, аравакашга, "кетдик" деди оҳистагина. Аравакаш отларга қамчи урди, отлар йўртиб кетди... Жанг суронлари, портлашлар овози шундоққина яқиндан эшитилаётган эди.

Амир табибнинг ҳовлисини таниб, уй ёнидан ўтаётганларида бир зум ўйланиб қолди. У аравани шартта тўхтатиб, табибни уйига кириб, болани олиб чиқиши ҳам ўйлади. Аммо табибнинг, "Бола меникида қолсин. Агар соғайса, уни ўзим ортингиздан олиб бораман. Узок йўл касал бола учун жуда ҳавфли!", деганлари ёдига тушиб тинчланди.

### **БУХОРО. 1920 ЙИЛ 2 СЕНТЯБРЬ. СОАТ 9.00**

Амирнинг тарқалиш ҳақидаги буйргуини олишган бўлсалар ҳам Бухоронинг кунчиқар дарвозаларидан бир нечтаси ёнида кўнгилли сарбозлар тўпланганди. Амирнинг сарой аҳли билан кенгашмасдан жангсиз аркдан, шаҳардан бош олиб чиқиб кетиши маъқул кўриб қилган қарорини күшбеги тўғри қарор, деб ҳисоблаган эди. Аммо баъзи сарой аъёнлари топшириқча бўйсуниб, аркдан кетган бўлсалар-да, шаҳарнинг жангсиз таслим бўлишини асло истамасдилар. Бош лашкарбоши амир карвонидан олдин мингбошиларга амир топшириғига кўра аскарлар маошини топшириб, тарқалишларини тайинлади. Ўзи 20 та ишончли навкари билан хазинанинг олиб кетилмаган қисмини хорижий банкларнинг бирига узоқ муддатга топшириш учун Самарқанд дарвозаси орқали шаҳардан чиқиб кетди.

Аммо бир неча вазир, сарой аъёнлари, уламолар, аскар ва навкарлар ўз мулоҳазаларига кўра турли сабабларни рўкач қилиб, жанг қилиши маъқул кўришган. Бошқаларни ҳам урушга даъват этаётган эдилар. Маошларини олиб бўлиб, уйга кетиш ўрнига, шарқий дарвоза ёнида тўпланиб олиб:

– Шахарни ёвга бермаймиз, биз жанг қиламиз!

– Ёвни енгиб, амиримизни қайтириб олиб келамиз!

– Ўларимизда аҳли аёлларимиз, бола-чақаларимиз, отоналаримиз бор. Уларни душманга оёқости қилдирмаймиз! – дейишарди ҳимоячиларнинг бири олиб, бири кўйиб.

– Ёвга ўлим! Битта ҳам душманни шаҳаримизга киритмаймиз! – деб бақириб чақиришарди. Уларни бир неча

амалдору савдогарлар қўллаб-кувватлаб туришарди. Улардан бири олдинроққа чиқиб:

- Бу баҳодирлигингиз, албатта, таҳсинга сазовор! Ҳар бирингиз халқ қаҳрамонисиз, бизга фақат ғалаба керак, – деб жангга илҳомлантириб, даъват этаётган эди. Аммо кучли душман атиги бир соатда замбараклар билан шаҳар деворини, дарвозаларни нишонга олиб, вайрон қилиб, шаҳар ичига кириб олди. Бунинг устига ўн битта аэроплан ҳам, бу ерга бекорга келмаганини исботламоқчи бўлгандек, шаҳарни ҳаводан туриб, ўққа тутди. Амир қон тўкилишлар ва вайронагарчиликларни истамагани учун қилган қарорини ўзгартирмоқчи бўлганлар режаси, афсуски самарасиз кечди. Шаҳарни жангсиз ёвга топширишни хоҳламаганлар, “балки биз ғалаба қиласмиз” деб, таваккалига душман билан юзма-юз бўлиб, аксарияти нобуд бўлишди. Қадимий иморатлар, шаҳарнинг кўхна деворлари бутунлай вайрон бўлмасада, барибир қаттиқ зарар кўрди.

Фрунзе қўмондонлиги остидаги катта қўшин “Қизилтепа сулҳи шартномаси”ни қўпол равишда бузиб, шаҳарни эгаллашди. Улар баланд пахса деворнинг тепасига алвон байроқларини ўрнатиб ўз ғалабасини нишонладилар. Катта кўча бўйлаб, қуролли аскарлар қий-чув, шовқин-сурон билан арк томон илгарилаб борарди. Бало-қазодек келаётган ёвни тўсадтан кўриб қолган, қуролсиз тинч аҳоли вакиллари, иложсизликдан, жуфтакни ростглаб қолишли. Саросимадан гангид, жойида туриб қолганлар эса душман ўқига дуч келаётганди. Шундоқ ҳам эрталабдан бери қулоқларни қоматга келтираётган портлашлар овози, шаҳар аҳолисини таҳликага солиб кўйганди. Сотувчилар дўконларини ёпиб қочиб қолишли. Кўчадаги одамлар уйларига кириб олишиб, кўчалар ҳувиллаб қолаётган эди.

Қизил аскарларнинг бошлиғи шерикларига арк ёнидаги майдонга аҳолини йигиб, маъруза ўқимоқчи эканлигини айтди. Ўзи бир неча одамлари билан арк ичкарисига кириш учун дарвоза томон йўналди. Дарвоза олдида ҳам, ичкарида ҳам ҳеч ким йўқ эди. Душман шаҳар дарвозалари олдидан кўра бу ерда жанг кучли бўлишини, мудофаа ўта қаттиқ бўлишини кутган эди. Аммо бундай бўлмади. Кечагина цирк томошаси бўлган арк майдони ҳам, аркнинг хоналари ҳам гўёки, кутб шамоли

эсгандек ёки вабо касаллиги тарқалганидек атиги бир кечада хувиллаб қолган эди.

Ана, кимдир Арк дарвозасининг тепасига бамайлихотир қип-қизил байроқни ўрнатаётир. Байроқ шамолда ҳилпираб, амирликнинг таназзулини, мамлакат мустақиллигининг барҳам топганини, истилочилар кўшиннинг қўли осонгина баланд келганини, кечагина бу уруш бўлишидан бехабар, маҳаллий аҳолининг мағлубиятини, шўро ҳукуматининг ғалабасини гўёки таарромум этаётган эди.

Арк ҳовлисига кирган саккиз кишидан иборат разведкачилар бирма-бир ҳамма жойни эҳтиётлик билан текшириб чиқди. Аркни ташлаб кетган одамлар энг керакли буюмларни олишга улгурганликлари учун ҳали кўп нарсалар шундайгина ўз жойида турган эди. Баъзи буюмлар шундай турган эдики, гўё эгаси бир муддатдан кейин келиб, ўз ишини давом этадигандек таассурот уйғотарди.

Арк ошхонаси ёнида сутчи мархума аёл жасади ёнида унинг қизчаси жовдираб турарди. У анчадан бери онасининг "одамлар келса уйимизни кўрсатасан", деганига амал қилиб, деворга суюнганича жимгина одамлар келишини кутаётган бўлса ҳам аркдаги ҳар кун кўрган кишиларни эмас, бутунлай бошқа, бир хил кийимли бегона кишиларни кўриб, кўрқиб кетди. У кўрқаписа ўрнидан турди. Келганлар орасидаги қизил дуррача боғлаб олган аёл қизчанинг ёнига келиб:

- Кўрқма, сен шуерда яшайсанми, бу ойингми? – деб сўради.

- Ойим. Уйимиз нариги кўчада. Ойим одамлар келганда уйимизни кўрсатасан, деган эдилар. Ойим ўлиб қолдиларми? – қизча йиғлаб юборди.

- Ҳа, афсуски шундай бўлган. Қани, айт-чи, нима бўлди унга ўзи?

- Биз ҳар куни сут келтирап эдик. Ойим эшикни тақиллатиб чақирдилар, ҳеч ким чиқмагач, ўзлари чelакни олиб чиқиб, сутни солиб қўйиб кетмоқчи эдик. Ойим бирдан бақириб, "ҳеч нарсага тегма", дедилар, –деди қизча.

Шунда аёл бирдан ҳушёр тортди ва бошлиғига:

- Демак, улар нималарнидир заҳарлаб кетишган. Текшириб чиқилмагунча ҳеч ким ҳеч нарсага тегмасин! – деди. Лекин у бироз кечиккан эди. Улар аркка кираётганларида бошлиқлари

Сергей Степанович деган киши саройнинг ҳар бир бурчагини битта разведкачига текширилиши лозим бўлган жойларни тақсимлаб кўрсатиб, ўзи бу аёл билан шу ерга келган эди. Шунинг учун улар қизча билан суҳбатлашаётганларида, бир шериклари аллақачон ошхонада эканлигидан бехабар эдилар.

Масжиднинг ёни билан ҳарам томонга айланиб ўтган икки кишидан бири ҳалиям ўша томонда, бошқаси ошхонани текшириб чиқаётган эди. Ошхонага кирган киши айланиб юриб, патнисда турган бир бош тоифи узумдан бир донасини татиб кўрмоқчи бўлди. У ёқутдай товланаётган бир дона узумни олиб оғзига солди. Унинг аҳволи бирдан ёмонлашиб, ўлим талвасасида жони ҳалқумига келди. Бир қўли билан томоғини ушлаганича, иккинчи қўлини жон ҳолатда, сув ичиш учун катта меш томонга чўзди. Меш қопқоғи устида бир чўмич ҳам бор эди. Шу пайт аркнинг шарқий қисмини текшириб келаётган шериги ошхона эшиги ёнидан ўтаётиб, шеригининг овозини эшишиб қолди ва югуриб ичкарига кирди. Ёрдам бериш учун чўмичда сув солинган мешдан сув олиб бермоқчи эди. У хавфли вазиятга дуч келишса, бошлиқларига билдириш қоидасига амал қилиб: "Сергей Степанович, сюда!", деб бақирди ва шошиб шеригига сув ичиришга ҳаракат қилди. Аммо шеригига энди сув керак эмас эди. У кучли заҳар таъсирида ҳаёт билан аллақачон видолашган, кўзлари ҳаракатсиз қотиб қолган ва сув учун оғзини очишига ҳам улгурмаганди. Дўсти ўнг қўли билан заҳарланган чўмични тутгани учун ҳаял ўтмай унинг ҳам аҳволи ёмонлашди. У қўли куйишиб, оғриб кетганидан чўмични отиб юборди. Бир неча сонияда унинг ҳам қўллари қизариб қолганди.

Уларнинг жон ҳолатда бақирғига етиб келган шериклари биринчи кишини сув ичишга улгурмай жон таслим қилганини кўришди. Иккинчиси Сергей Степановичга, "ошхонага кира кўрманглар," демоқчи бўлди-ю, ҳеч нарса дея олмади, кучли заҳар уни ҳам адо қилаётганди. Хуллас, у "ошхонага йўламанглар, ҳаммаси заҳарланган, аммо мен текширган шарқий қисм заҳарланмаган, мен қўлимдаги чўмични шу ерда ушлаб, бу дардга шу ерда йўлиқдим" деб айтмоқчи, бўлди-ю, кучли заҳар таъсирида овози чиқмай, чап қўли билан имоишора билдириб, оламдан ўтди. Шериклари икки

мархұмни ошхонадан олиб чиқиб, қызчанинг онаси жасади ёнига ётқизиб қўйдилар.

Сергей Степанович қўлини пахса қилиб, ҳозиргина икки шериклари олиб чиқилган ошхона томон олиб борадиган эшикни кўрсатиб:

- Шу эшикдан нариги тарафни, Аркнинг кунчиқар бўллагини, ошхона ва йўлаклари билан портлатиб юборинглар! Бизга бошқа курсонлар керак эмас! -деб бақириб буйруқ берди. У разведкачиларнинг махсус ўқитиш услубига кўра иккинчи шеригининг имо-ишорасидан нима демоқчи бўлганини жуда яхши тушунган эди. Аммо гап бошқа ёқда эди. У бугун хазинахонада бўлиши керак бўлган, бироқ эгалари билан тунда, изсиз йўқолган хазинанинг аламини портлатишлар орқали олмоқчи эди. Бунинг устига, амир ва олтинлар ҳақида суриштирув ишларини бошлашга аркда ҳеч ким йўқ эди. Хуллас биргина заҳарланган ошхона туфайли аркнинг каттагина қисми, бекорга вайронага айлантирилди.

Сергей Степанович икки яхши ёрдамчисидан айрилиб қолганига ачиниш билан бирга, кимсасиз қолган арқдан ҳеч кимни асир олиб билмаганидан, хазинахонада атиги 20 пуд олтин қолганидан жаҳли чиқаётган эди. Сергей Степанович кўргонга кира сола шерикларини бошқа тарафларга юбориб, ўзи тўғри хазинахона томонга келган эди. Эшиги ярим очиқ турган хазинахонани кўриб, юраги шувлаб кетди. У зудлик билан ичкарига кирди. Бемор бева-бечора ва ногиронларга берилиши керак бўлган, йигирма пуд олтиндан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. У чўнтагидан бир варақ қофоз олди. Бу рўйхат эди. У жанг қилиб, аркни эгаллаб, асир олган одамлардан ташқари, бу рўйхатда ёзилган янги ҳукуматга топшириши керак бўлган хазина бойликлари-нинг номи, вазни ва қиймати аниқ кўрсатилган эди. Сергей Степанович қофозни аламидан фижимлади, чўнтагига қайта солиб, қўлини беихтиёр мушт қилиб туғиб олди. У топшириқни тўлиқ адo қила олмагани учун, бош қўмондон Фрунзенинг ишончини йўқотиши, ҳарбий трибуналга берилиши мумкинлишини ва ҳоказо оқибатларни ўйлади. Энди у ёқдан, бу ёққа юриб, нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлай бошлади.

Унинг бошқалар билан кенгашмасдан берган шошилинч буйруги билан аркнинг бутун шарқий қисми, амирликнинг захира омборхонаси, ошхонадаги дунёниг турли томонларидан келтирилган шоҳона ва ноёб чинни идишлар вайрон қилинди. Аркнинг бу қисми заҳарланиш туфайли вайронага айланмаганида у ҳали кўп асрлар мустаҳкам турган, ўз меъморий ечимининг мукаммаллиги, ўша давр маданиятининг бетакор намунаси сифатида олам аҳлини ҳайратга солиши мумкин эди.

Жасадларни пастга олиб тушганларидан сўнг, бошлиқ Арк майдонига тўпланган халойиқ олдида нутқ сўзлади:

- Азиз бухороликлар! Эшитмадим деманглар! Эскириб қолган амирлик тузуми емирилди! - деди у гап нимада эканлигини тўлиқ англамаган, саросимага тушиб қолган халойиқни тинчлантириш учун. Мана, собиқ тузумнинг разил жаллодларининг ишини кўриб кўйинглар! - У чойшаб билан устлари ёпилган жасадлар томонга ишора қилди. - Амирингиз шармандаларча қочиб қолди! Аммо қочаётган пайтида ҳам кўлларини қонга ботириб қочди! У жаллод эди. Бундай бегуноҳ одамлар, - у яна жасадларни кўрсатди, - ҳар куни унинг курбонига айланардилар!

У амир Олимхон катта жиноятчи, унинг тузуми қонхўр эканини оддий халқقا қаратса қайта ва қайта такрорлар экан, энди бундай золимликлар бўлмаслигини, Бухорода адолатли шўро ҳокимияти ўрнатилганини таъкидлади.

- Мана бу бегуноҳ қизчага қаранглар, - деди у қизчани ҳамма кўриши учун кўтариб олиб ва сўзида давом этди. - Қизил аскарлар унинг онасини кутқармоқчи бўлганларида амир жаллодлари уни ўлдиридилар. Жаллодларнинг ишини кўрдингизми! Мана бу одамлар эса бу аёлни кутқармоқчи эдилар, жаллодлар уларни ҳам омон кўймадилар! Сўзларимни исботи сифатида мана бу тирик гувоҳ қизчадан сўраб кўрамиз! - У қизчага юзланиб савол берди:

- Ойинг билан Аркка келганларингизда, ойинг тирик эдими? У ўз оёқлари билан бу ерга юриб киргандими?

Шундоқ ҳам эрталабдан бери туз totmай марҳума онаси ёнидан жилмасдан бегона кишилардан кўрқиб турган қизча, бу

саволни эшитиб йиғлаб юборди. У йиғи аралаш, аранг жавоб берди:

- Ҳа! Ойим шу ерда ўлиб қолдилар! - деб у жажжи кўлчасининг кўрсаткич бармогини бигиз қилиб, арк томонини кўрсатди.

- Мана кўрдингизми гапларим ростлигини! Энди келинглар қизчани онасини уйига олиб борамиз! Мархумларнинг таомилга кўра дафн маросимини ўтказишимиз лозим! - деди.

Одамлар маъruzачининг даъватига кўра, ярадор аскарлар учун мўлжалланган маҳсус замбиллардаги жасадларни галмагалдан кўтаргандарича, мархумларнинг уйлари томон йўл олишиди.

Бошлиқнинг бу сўзлари аввалдан пухта ўйлаб топилган, оддий одамларда амирлик тузумига нисбатан нафрат ва газаб уйғотадиган, қасос туйғусини уйғотадиган даражада эди.

Аёлнинг жасадини маҳаллий урф-одатга кўра дафн қилиш учун таъзия маросими бошланди. Шунчалик кўп одам йиғилиб олиб келинган тобутни кўриб, эсанкираб қолган хонадон соҳиблари ҳам уввос солиб йиғлаб юборишиди. Таъзия маросимида, янги ҳукуматга даъвогар одамларнинг кўпчилиги иштирок этаётган эдилар. Икки разведкачи қизил аскарнинг жасадини шаҳар дарвозалари олдидағи қабристонларнинг бирига шўроларга хос янгича расм-русумлар билан дафи қилдилар.

\* \* \*

Амирнинг кичик гурӯҳи Фиждувонга етиб, Абдулланинг уйида катта гурӯҳ билан учрашди. Вақт зиқ эди. Амир ва унинг одамлари, аҳли аёли Афғонистонга кетиш учун тонгда араваларга ўтира бошладилар. Уларни кетиб қолаётганидан хабар топган мингга яқин аҳоли тўпланиб, амирнинг Абдулланикidan чиқишини кутиб туришган эдилар. Амир уйдан чиқиши билан улар фарёд кўтаришиди. Улар амирнинг Бухордан кетишига норози эдилар.

- Амирим, энди бизнинг ҳолимиз нима кечади?

- Амирим, бизларни ҳам ўзингиз билан олиб кетинг!

- Бизларни ғанимларга ташлаб кетманг, амирим! Биз сизни бир томчи қонимиз қолгунича ҳимоя қиласиз!

- Сизни асло душманга бериб кўймаймиз, бизга ишонинг! Бизга қурол беринг! Биз Бухорони ҳимоя қиласиз. Охирги томчи қонимиз қолгунича курашамиз!

- Ўртимизни, душмандан кўриқлаш бизнинг бурчимиз!

Бу манзарани кўрган, бу ҳайқириқларни эшигтан Сайид Олимхоннинг кўнгли бир аҳвол бўлди. У оддий мардумнинг ўзига нисбатан меҳри бу қадар баландилигини аникроғи билмаган эди. Бугун у ўзининг бошига тушган кулфат, улар учун ҳам оғир бўлганлигини, ўзининг қайғусига улар ҳам шерик эканлигини англади. Айни дамда улар бири олиб, бири кўйиб, ўз ҳасратлари ҳақида дардлашаётган эдилар. Ҳозир унга ўз ҳурмати ва садоқатини кўз ёшлари билан намойиш этаётган, уни ҳимоя қилиш учун ўлимга ҳам тайёр эканлигини билдираётган ўз халқи вакиллари билан нега бу қарорга келгани сабабларини баҳам кўришни лозим топди.

Амир файтуни томон бормасдан, бир зум фикрини жамлаб олди. Сўнг оломон томон бир неча қадам ташлади. Қуий солинган бошини бироз баланд кўтариб, жимгина қотиб қолган ҳалойиққа қаратса ушбу сўзларни айтди:

- Менинг жафокаш, фидойи, қадрли халқим! Сизнинг бу оташин сўзларингиздан, мен учун, юртимиз учун чекаётган ташвишингиздан миннатдорман. Бундан бошим осмонга етди, ташаккур, борингизга шукур! Аммо салтанат бошида тураман, деб сизларнинг ҳаётингизни хавф остига кўймаслигим керак. Уруш бўлмаслиги, навкарларим ва оддий ҳалқимнинг бемаъни урушда ҳалок бўлмаслиги учун кетяпман. Бизда Русиянинг янги ҳукумати билан ҳам шартномамиз бор эди. Унга кўра, улар бизнинг чегараларимизни бузиб кириб, уруш очишига ҳақлари йўқ эди. Улар бизнинг мустақиллигимизни тан олишган эди. Улар эълон қилмасдан жуда катта куч билан келиб, ҳужум қилишган экан, мен ҳам уруш йўлини танлаб бегуноҳ ҳалқимиз, яъни сизларни уруш қурбонига айлантира олмайман. Дунёда фақат улар якка ҳукмрон эмаслар. Хориж давлатлардан ёрдам сўрамоқчиман. Улар кўпчилик бўлиб аралашиб, балки урушсиз Ватанимизни ғанимлардан яна тез кунларда қайтариб олишнинг иложи бордир! Аммо уруш билан ҳимояда туриб курашамиз десак, айни вақтда кучлар кучлар тенг эмаслиги, катта талофтот кўриб, мағлуб бўлишимиз аниқ эди. Айниқса оддий

раиятга жабр бўларди. Мен ёлланма аскар ва курол-яроғ масалалари ҳақида ҳам ўзимизга дўст давлатлар билан кенгашиб кўрмоқчиман! Шунинг учун сиз ғам чекманг. Ҳаммасини бафуржга ўйлаб, яхши ниятлар қиласкерамиз!

Тинч аҳолимиз билан уруш йўлини танламаганимиз учун улар уруш қила олмайди. Худо хоҳласа, ҳали ҳаммаси ўз изига тушади. Уруш ҳеч қачон қурбонларсиз бўлмаган! Буни эсингиздан чиқарманг! Мен бирортангизни ҳам бу жангларда ҳалок бўлишингизни истамадим, истамайман ҳам, шунинг учун кетяпман! Ватанимиз яна ўзимизники бўлади, албатта! Аммо қачон? Ҳозирча, афуски, буни сизларга аниқ айтотмайман. Эртами-кечми, лекин урушларсиз, қурбонларсиз яна ўзимизники бўлади! Биз маълум муддат кутишимиз, сабр қилишимиз керак! Энди биродарларим тарқалингиз! Уйингизга хотиржам бориб, тирикчилигингизни қиласкеринг! Соғ-омон бўлинг! Мен қаерда бўлсан ҳам сизни дуоингизни қиласман! Юртимизни албатта озод бўлишини, сизни ёнингизга қайтишни истайман!

Амирнинг бу дилни ўртагувчи сўзларидан сўнг одамлар вазиятни тўғри тушуниб, аста-секин тарқала бошладилар. Улови бор одамлар барибир амир карвони ортидан, уларни кузатгани, балки амир фикрини ўзгартириб, яна ҳаммаси аввалгидек бўлишига умид қилиб, анча жойгача эргашиб бордилар.

### АМУДАРЁНИНГ ЧУБЕК КЕЧУВИ.

1920 ЙИЛ 10 СЕНТЯБРЬ.

Амир Олимхон дастлаб ўз мулкининг шарқий қисмларида бир муддат қўним топди. Лекин кучларнинг teng эмаслиги, хиёнатлар, унга ёрдам беришга ваъда берган давлатларнинг иккюзлама сиёсати Амударёning сўл соҳили томон кетишга мажбур қилди. Аслида бу тупроқ ҳам унга бегона эмас эди. Чунки Амир Темур замонидан бери бу тупроқнинг ҳар бир заррасида туркийларнинг изи бор эди. Маҳмуд Газнавийнинг, Берунийнинг, Алишер Навоийнинг, Ҳусайн Бойқаронинг жисми жони абадий қўним топган заминни бегона замин деб бўладими? Ҳатто бобокалони Амир Насруллоҳ ҳукмдорлигининг сўнгги йилларигача - 1860 йилларгача бу ерлар Бухоро

давлати сарҳадига киради. Афсус, ўз қадим юртингни ўз юртим дея олмайсан, унга муҳожирлик мақомида қадам кўясан.

Амир карвони Шарқий Бухородаги сўнгги манзилни ҳам ташлаб чиқди. Файтунлар чўлда карвон ўтиб-қайтишидан пайдо бўлган йўлдан узоқ юрди. Улар ниҳоят баланд қамишлар ўсиб турган Амударё соҳилига етиб келдилар. Карвондан анчагина олдинроқ келган Муҳиддин полвон бошчилигидаги тўрт отлик соқчилар маҳаллий қайиқчиларни топиб, қайиқларни дарёдан кечиб ўтишга шай қилиб кўйишган эди. Файтунлар карвонига яна бир неча усти очиқ оддий аравалар ҳам қўшилиб, аравалар сони кўпайган эди. Бу карвон йўли бўйлаб, маҳаллий аҳоли томонидан Бухоро амирини таниб, унинг юртдан чиқиб кетишини истамаётган кишилар эдилар. Амир ҳар бир файтундагилар алоҳида бир қайиқقا жойлашишини буюриб, бу топшириқ ўз оиласи ва ўзи билан кетадиган мулозимлари, энг ишончли кишилари учун эканлигини билдириди. Карвонга қўшилиб келаётган одамлар ҳам соҳил бўйига тўпланиб олиб, ўз норозиликларини изҳор эта бошладилар. Бир нечтаси овози борича бақириб, уввос солиб гапириб бошладилар:

- Амирим, бизни ташлаб кетманг! Амирим, сиз бизга кераксиз!

- Вой-дод бизларни ёлғизлатиб, кимларга ташлаб кетяпсиз?

- Амирим, мени ҳам олиб кетинг, ўлгунимча қулингиз бўлай!

- Олампаноҳ, кетманг жонимиз борича курашамиз, шаҳид бўлсак бўламизу, аммо юртимизни ҳеч кимга бермайми-и-з!

- Биздан марҳаматингизни дариф тутманг!

Амир ўртача катталиқдаги бир халтани очиб, ичидан олтин тангаларни ҳовучлаб олди-да, оломон турган соҳил томонга соғди. У тангаларни бирин-кетин ҳовучлаб сочар экан, одамлар бу ялтироқ тангаларни териб олишга берилиб кетди. Бу вақтда файтундагилар қайиқларга ўрнашиб олгандилар...

## 1978 ЙИЛ. ҚОРАҚҮЛ. ЧЕКИРЧИ ҚИШЛОГИ. ЯНВАРЬ

Остона бобомнинг уйлари. Катта кўрпа ёпилган сандали атрофида иссиққина ўринда ётиб, бобомга: "бизларга эртак айтиб беринг", деганимиз учун, бобом биз анча илгари эшигтан

эртакни такроран ёқимли овозда, тушунарлы қилиб айтиб бермокдалар. Болалигимизда уйимиз Қоракүлнинг Шоҳимардан кўчасида бўлиб, ойимизнинг дадалари Ҳамро бобомиз билан бирга яшар эдик. Лекин дадамизнинг отоналариникига ҳам тез-тез бориб турар эдик. 15-сон мактабимиз ҳам Остона бобомнинг уйларига яқин эди. Ёзда борсак, бобомнинг катта боғлари, полизлари бўлиб, ҳоҳлаганимизча қовун, мева териб олишимиз мумкин эди. Қиши кунларида сандали атрофида бобомдан эртак тинглашни ёқтириар эдик. Бобом беш вақт номозни канда қилмасдилар. Мен ҳам дарров бувимга: "Менга ҳам жойнамоз беринг", деб бобомга тақлид қилиб, орқаларида туриб, саждага бош эгиб, номоз амалининг илк сабоқларини бобомдан ўрганиб олгандим.

Бобомнинг ўз болаликлари ҳақидаги ҳикояларини мен аввалига эртак деб ўйлабман, ёки ёш бола бўлганим учунми, ҳали англамаган эдим. Ахир "подшоҳ", "малика" сўзлари фақат эртак китобларида бўлар эди-да. Кейинчалик бир гал опам:

– Биласанми, бобом бизга баъзида эртаклари орасида, ўз ҳаётлари, бошларидан кечирганларини ҳам атайин эртак деб, ҳикоя қиласар эдилар, – деб айтганлари ҳам эсимда. Бобомнинг "Амир Сайид Олимхон" ҳақидаги эртаклари аслида аждодларимиз ҳақидаги бекиёс ҳикоя эканлигини мен бироз кейинроқ билган эдим...

Ўша йили қиши кунларининг бирида Остона бобом бизга ўз ҳикояларини бошлидилар. Амударё кечуви соҳилида оталари амир Олимхон одамларга олтин тангалар улашиш воқеасини сўзлаб бераётиб, бир пиёла чой ичдилар. Фурсатдан фойдаланиб савол бериб қолдим:

– Бобо, амир бобо нега тилла тангаларни сочиб юборганлар? Ҳайит кунларида сиз бизга улашгандек одамларнинг қўлига битта-битта бериб чиқсалар бўлмасми? – дедим уйқусираган кўзларимни каттароқ очишга интилиб. Чунки, бобомнинг бу эртаклари биз учун энг қизиқарлиси эди.

– Во-о-й, ўзимнинг ақллигим! Одамлар кўпчилик учун бунга кўпроқ вақт керак бўларди. Уларга бир-бир улашгуналарича, орқаларидан ёв етиб келса-чи? Оломон ердан пул териш билан овора бўлганда дарёдан кечиб ўтадиганлар учун қайиқларга бехатар жойлашиб олиш имкони бўлган. Чунки одамлар ўшанда

амир бобонгизнинг кетишини хоҳламаганлар. Агар амир кетгудек бўлса, улар: "Кейинги подшоҳ ким бўлар экан, ҳаётимиз, тақдиримиз, давлатимиз нима бўлади?" - деб хавотирга тушганлар. Агар одамлар ҳам: "амирим, биз ҳам сиз билан кетамиз," деб қайиққа чиқмоқчи бўлсалар, қайиқ ҳаммага етмас экан. Қайиқларга керагидан ортиқча одам чиқадиган бўлса, қайиқ чўкиши мумкин. Кўпчиллик ҳовлиқиб, мабодо қайиқнинг фақат бир тарафидан чиқмоқчи бўлишса, қайиқ шу тарафга ағанаб, фалокат бўлиш эҳтимоли бор, болам. Шунинг учун амир отам қайиқлар ағдарилиб, одамлар ҳалок бўлмасин, деганлар. Амир бобонгиз дунё кўрган, кўп билимлар эгаси бўлган, кўп нарсани олдиндан билганлар. Айниқса, одамларни яхши тушунган, кимга қачон ва қандай ёрдам беришни ҳам билганлар. Катта бувингиз, яъни менинг онам, сизларнинг Ширин бувингиз айтишларича, у киши ота-оналаридан йироқда, Олмонияда, Ўрисияда ўқиб келган эканлар. Адолатпарвар, сахий ва раҳмдил киши бўлганлар.

- Бобо, сизга нега тилло танга бермаганлар, ахир у кишининг ўғиллари бўлгансиз-ку? Сизда ҳам бўлганида, уларни кўриб, тилла танга қанақа бўлишини билардик? - дедилар опам.

- Айтишларича, мен ўша пайтларда қаттиқ бетоб бўлиб қолган эканман. Менга "қизамиқ"ни атайин бувингизни кундошлари юқтиришибди. Амир бобонгиз мени, табибни сўзига кўра, "узоқ йўл сафарида оғирлашиб вафот қилиши аниқ, ягона чорамиз - уни шу ерда қолдириш" деб ҳисоблаб, табибницида қолдирғанлар. Ўшанда отам катта бувингизни "Остона ҳам Ҳанифа қизча ҳам ўлиб қолди", деб менинг вафот этганимга ишонтирғанлар ва улар бирга кетишган. Мабодо мен тузалсам, отам мени келиб олиб кетмоқчи эканлар. Аммо катта бувингиз менинг тириклигимни Фотима исмли қиздан билиб қолиб, ўша заҳотиёқ қайтиб келганлар. Мени олиб, отамни ёнига боришга урнаб кўрганлар. Бироқ чегарадан ўтишнинг иложи бўлмаган. Ҳа, сен боя тилла тангалар ҳақида савол берган эдинг. Бу тангалар онамда озроқ бўлган, лекин кейинроқ оддий пул сифатида ишлатиб юборилган.

Ўша пайтлар пул ўрнида ишлатилгани учун ҳамма оилада ҳам танга бўлган. Тилла тангалар-ку, майли, ўз йўлига. Катта

бувингизда қимматбаҳо тиллақоши бор эди. Отамнинг биринчи совғаси учун, онамга бу тақинчоқ жуда қадрли эди. Уруш йилларида онам амаки боболарингиз, яъни, акам ва укамни урушдан сақлаб қолиш учун кимларгадир бериб юборгандар. Лекин барibir улар фронтта кетишган. Аввалига акам бедарак бўлган. Сўнг укам ҳам, акамни излаш учун ўзи ариза ёзib кетган. Афсуски, уларнинг иккаласи ҳам, ҳалигача "бедарак кетгандар рўйхати"да. Улар урушдан қайтмадилар. Ширин бувингиз уларни умрининг охиригача кутди. Манави девордаги сурат, аскар укамнинг расми, охирги ёзган хатининг ичига қўйиб жўнатган сурат эди. Катталаштириб, портрет қилдик. Дадангиз улардан "қора хат" келмагани учун ҳалигача кўп жойга хат ёзив излаяпти. Раҳматлик онам ўшанда, улар учун куйиб, қаттиқ касал бўлганлар. Яхшиям, Муҳиддин полвон амаким чегарадан отамни бир амаллаб, сув остидан олиб ўтиб, уйга келгандарида ойим яхши бўлгандилар. "Уруш тугашини кўролмай вафот қиласиларми?" деб қўрқсан эдим. Аммо отамни етиб келгандари раҳматлик онам учун катта мадад, далда бўлган...

- Бобо, Муҳиддин амакини нега полвон дейишган? Кураш бўйича чемпион бўлгандарми? - сўради Ҳожигул аммамнинг кичик ўғиллари, жияним Икром. Уни Остона бобом ва Райхон бувим икки ёшидан бери ўз тарбияларига олган эдилар.

- Нима десам, экан сизларга. Ҳа, чемпион десак ҳам бўлади. Чунки кураш бўйича ғолиб ҳам бўлганлар. Аммо ўша пайтлар бу сўз ишлатилмаган. У киши бизлар учун хос соқчи бўлганлар. Одамлар иморат қилсалар, зилзилага бардош берадими-йўқми, деб синаб кўришга у кишини илтимос қилиб олиб кетардилар. Агар девор йиқилмаса, оғмаса - бардошли, йиқилса, демак, дош беролмайди. Бундай ҳолларда девор бошқатдан курилган. Муҳиддин полвон амакимиз келбатли, алпқомат киши эди. Одамлар у кишини ҳурмат қилиб, "полвон", деб аташар эдилар. У киши умрининг охиригача бизни қўриқлаб, хос соқчи вазифасини бегараз адо этганлар, ўз лафзларига бир умр содик қолганлар. Ҳатто уйланмагандар. У киши отамни яқин дўсти, бош соқчиси бўлганлар. Лафз ним биласизларми? Йўқ, ҳали билмайсизлар. Лафз - имони бутунликнинг, мардликнинг, ҳалолликнинг тимсолидир, барча яхши инсоний сифатларнинг

қаймогидир. Ҳа, болаларим, ана шунаңа гаплар! Мен танийдиган одамлар орасида ана шундай мард, танти паҳлавонлар, лафзи бутун инсонлар бор эди. Инсон тирик экан яхши кунга ҳам, ёмон кунга ҳам шукур қилиб яшashi керак. Майли, болажонларим, Оллоҳга шукур, сизларни менга Оллоҳ берганига шукур, бор экансизларки, ҳозир сизларга эртак айтиб ўтирибман. Ҳа-я, эртак дегандек, эртакнинг давомини айтишим керак-ку? Хуллас, Моҳларойим бувингиз, яъни Ширин бувингиз қайиқлар дарё ўртасига сузиб борганида менинг "ҳали тирик эканлигимни" эшишиб, ўша жойдан эшкакчига:

– Қайиқни ортга қайтаринг, – деб буйруқ бериб, икки яшар укамни кўтариб олганларича, ўринларидан туриб олганлар ...

Мен ўша куни эртакнинг давомини эшита олмай ухлаб қолганман. Эртасига мактаб кутубхонасининг "Эртаклар" растасидан роса китобларни битта-битта кўраётган эдим. Пастки қаторлардан топа олмаганим учун, нарвончага чиқиб тепадаги қаторлардан ҳам қидира бошладим. Излаётган нарсамни топа олмаётганимни сезган кутубхоначи опа ёнимга келди:

– Хўш, қизим қайси китобни излаяпсан?

– "Амир Олимхон" деган эртак китобини излаётган эдим, ҳеч топа олмадим, – дедим.

– Йўқ, бундай эртак китоб йўқ-ку! Сенга ким айтди, бундай эртак китоб бор деб?

– Остона бобом айтдилар. Кеча бизга бу эртакни ўзлари бизга айтиб бергандилар. Фақат мен охиригача эшита олмай, энг қизиқ жойига келганда, ухлаб қолибман. Энди ўзим ўқиб кўрмоқчи эдим, устоз. Балки катта кутубхонада бордир-а? – дедим. "Кутубхоначи бундай китобни кўрмаган бўлса, демак бу ерда йўқ, балки бошқа кутубхоналарда бордир?" деб ўйладим..

– Йўқ, бундай эртак китоб у ерда ҳам йўқ! – деди у ва шеригига маъноли бир қараб қўйди. – У киши тарихий шахс бўлганлар. Тарихий шахслар ҳақида эртак китоб бўлмайди. Сен бобонгдан ҳамма билған нарсаларини яна сўраб бил! Катта бўлганингда, эртак эмас, балки тарихий китобни сени ўзинг ёзишинг керакдир! Бир ўйлаб кўр, бобонгни гаплари шунчалик қизиқарли эканки, сен кечгача сабр қилмай китобини излаб келибсан, тўғрими?

- Ҳа, жуда қизиқиб эшитаётган эдик, - дедим. Опанинг сўзларида жон бор эди.

- Хўш, унда сен билан келишиб оламизми? Сен ҳозиргина роса излаган китобингни катта бўлганингда ўзинг ёзасанми?, - деб мендан сўради кутубхоначи. Ўша куни мен атиги ўн яшар бола бўлсан ҳам, у ниҳоятда жиддий ва самимий гапириб, мендан ўз саволига жавоб кутаётган эди.

- Яхши, бобомдан яна сўраб олиб, ўзим ёзаман бу китобни, келишдик! - деб беихтиёр курсанд бўлиб, ваъда бериб юбордим.

- Ундей бўлса, сенга яна ўқишинг учун мана бу китобларни танлаб бераман. Ҳар доимгидек тезда ўқиб келасан! Китоб мавзуси бўйича савол ҳам бераман. Одатдагидек жавоб ҳам бериб билишинг керак, "Фаол китобхонлар" рўйхатидан "Бир ой давомида кутубхонага энг кўп келган китобхонлар" рўйхатига ўтасан, сўнг мана бу деворий газетада суратингни ҳам кўйишимиз мумкин бўлади, - деди. У шундай деб, болаларни китобхонликка қизиқтирадиган кутубхонанинг деворий газеталари илинган бурчакни кўрсатди.

У ерда учта деворий газета бор эди. Бу деворий газеталар болаларни кутубхонадан китоб олиб, ўқишига қараб рағбатлантириш мақсадида кутубхоначилар томонидан ташкил қилинганди.

Тез орада биз кутубхоначи опа билан иноқ бўлдик. Мен кутубхонага тез-тез келадиган, ўқиган китобларим ҳақида сухбатлашадиган фаол китобхонлардан бири бўлдим. Кутубхоначининг ёрдамида мени тарихий ва бадиий адабиётга қизиқишим ортди. Шу билан бирга Остона бобомдан ҳам кўп нарсаларни билиб олдим. Аммо Остона бобом мен ва опам иккимизга:

- Бу оиласиёй эртак, катта бўлгунингизча, уни ҳаммага айтиб юрманглар, - деб уқтириб қўйдилар. Кейин билсан, бобом бу ҳикояларини деярли ҳеч кимга ошкор қилмас эканлар. Ширин бувимизнинг васиятларига кўра, фақат ота-онам ва опам иккимизга айтган эканлар, холос.

1920 ЙИЛ. 10 СЕНТЯБРЬ.

Оломон ердан олтин ва кумуш тангаларни териш билан овора бўлганида, ҳар бир файтун арава бир қайиқ ёнига тўхтаб, ичидагилар ўз қайиқларга чиқиб оладилар. Аёллар паранжида, ўсмири ёшидаги шахзодалар тилларанг салла ва оқ зар парча матоли, кашталар билан безатилган тўнларида эдилар. Улар жуда тушкун кайфиятда бўлиб, ватанини тарк этиш тараддуди уларни ҳам ўйлантираётган, оғир қайғуга солган эди. Амир қайиқларга ўтираётган яқинлари, сарой аҳлини ғамгин бир ҳолатда кузатиб турди. Сукут сақлаб турган амир ниҳоят тангаларни териб бўлган одамларга:

- Энди, азиз биродарларим, сизлар билан хайрлашадиган вақтимиз бўлди. Фариблик ва мусофириликни танлаш менга ҳам осон бўлганий ўқ. Нетайки, бу менинг қисматимда бор экан, мен ва фарзандларимга яна қачон юрга қайтиш насиб этади, буни ёлғиз Оллоҳ билади! Сизлар уй-уйингизга боринглар. Хеч нимадан хавотир олмангиз. Янги ташкил бўлаётган ҳукумат ҳақида кўп ўқиганман, эшитганман. Биз қаршилик кўрсатмаганимиз учун ҳеч бириңгиз жабр кўрмайсиз.

Юрт тинчлиги, аҳоли саломатлиги муҳимлиги учун, мен оиласам билан маълум муддат мусофирилик йўлини танлашимга тўғри келди. Амиримизни ҳимоя қиласмиз деб, ҳалок бўлишингизни, фарзандларингиз етим қолишини хоҳламадим холос. Бундай қимматга тушадиган мудофаани кимга кераги бор?

- Тўғри айтдингиз, амирим, раҳмат!

- Сизга ташаккур! Сизга қуллуқ қиласмиз!

- Сизни бир умр унутмаймиз!

- Аммо ўрислар бизни қул қилса-чи?, - деб кимдир оломон орасидан амир эшитиши учун баланд овозда савол берди. Унинг саволи анчагина қалтис ва ўринли бўлгани сабабли овоз эгасини ўзлари ва амир кўриши учун бу қирқ ёшлар атрофидаги кишининг олдиғилар бироз четга чиқиши.

- Йўқ, унчаликка боришади, деб ўйламайман. Уларни ўз янги давлатида ҳам ҳокимиятни оддий фуқаролар бошқаради. Шундай бўлгач, хзавотирга ўрин йўқ. Сиз деярли ҳеч нима йўқотмайсиз. Баъзи задогонлар каби мени ҳам оиласам,

фарзандларим билан ватангадолик юкини күтариш тақдиримда бор экан. Майли, пешонамиизда ёзилганини күрармиз. Омон бўлсак, буёғи бир гап бўлар. Янги тузумда балки сизга ёқмайдиган ўзгаришлар бўлар, лекин ўзингиз омон бўлсангиз бас. Аммо бир ҳақиқатга аминманки, вақти келиб юртимиз, халқимиз тинчлик йўли билан албатта яна озод бўлади, иншооллоҳ! Ўша кунларга Оллоҳ ҳаммамизни бирга етказсин! Биз кўролмасак, фарзандларимиз кўрсинг ўша дориламон кунларни. Энди ҳамманигиз яхши кайфиятда уйингизга борингиз. Мендан рози бўлингиз. Яна кўришамизми-йўқми, сизларни Ватанимга, Ватанимни Оллоҳимга топширдим! Хайр, омон бўлингиз! – деди ҳорғинлик билан. Кутилмагандан юртдан, элдан, яқин одамларидан жудо бўлиб, мусофирилик йўлини танлаш, унинг дарду дунёсини зимиштон қилганди. Амир одамлар билан ана шундай оғир қайғу ичра хайрлашди.

Шу пайт орқароқдан бир ёши улугроқ, қотмадан келган, одмигина чопон кийган киши гапириб қолди:

– Амирим!..

Олдиндагилар икки томонга сурилиб, унинг амирга кўриниши учун имкон бердилар. У сўзини давом этди:

– Мухтарам амирим, эсон-омон кўзлаган манзилингизга етиб олинг! Доим ўзингиз ҳам, фарзандларингиз ҳам Оллоҳ паноҳида бўлингиз! Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаллам эндиғина мусулмончиликни татбиқ этаётганларида ҳам, тинчлик истаб, бир қанча мусумонлар ўз юртлари бўлмиш Маккадан вақтинча чиқиб кетишларига тўғри келган. Урушнинг олдини олиб, бизга тинчлик истаб кетаётган экансиз, сиздан кўпдан-кўп миннатдормиз! Илоҳо, омин! Йўлингиз бехатар бўлсин! Оиласиз бошида доим омон бўлинг! Ўз Ватанингизга яна қайтмоқликни, эртами-кечми, албатта Оллоҳ сизга насиби рўз айласин!

У дуога қўл очган пайтда:

– Омин! – деб, барча одамлар унга жўр бўлишди.

Одамлар тинчланганидан бироз кўнгли таскин топган, ўзи танимайдиган раиятнинг дуосидан кўнгли тоғдай кўтарилиган, аммо Ватани билан балки бир умрга сўзсиз видолашаётган амир бир муддат араваларда узоқлашиб бораётган одамларга маҳзун тикилиб турди. У айни пайтда Бухоро қишлоқларидан бирида,

бош табиб хонадонида қолиб кетган бетоб Остонанинг тақдиридан ҳам хавотирда эди.

- Амирим, келинг энди! – Мухиддин полвоннинг овозидан хушёр тортган амир келиб қайиқقا ўтирди. Ҳамма қайиқларга чиқиб, эшкаклар эшилиб, дарё ўртасига борилганда Гулсарабегим Моҳларойимнинг қайифига гўё адашиб чиқиб олгандек, миниб олган Фотима канизакка: "Энди мавриди келди, гапингни бошла!" – дегандек имо-ишора қилди. Канизак Ситораи Моҳи Хосада уйнинг деразасидан кўриб гувоҳ бўлган воқеани, бекаси Гулсарабегимга сўзлаб берган эди. Фотима бу гапни Моҳларойимга айтиш ёки айтмаслик ҳақида унинг фикрини билмоқчи эди. Гулсарабегим унга шундай маслахат берди:

- Моҳларойимга бу гапингни ҳозир айта кўрма! Унга мен қачон ишора қилганимда айтасан! Бўлмаса, амир карвонни тўхтатиб, кутиб туришга мажбур бўлади. У боласини олиб келгунича кутадиган бўлсак, душман ҳаммамизни қириб ташлаши мумкин! – деб уни қўрқитиб, қулай фурсат келишини кутиш зарурлигини уқтирди.

Ёш Фотиманинг қалбида амирга нисбатан ғаройиб муҳаббат билан бирга, ўз қалби соҳибини, унинг севимли рафиқаси Моҳларойимдан рашк қилиш туйғуси ниш ура бошлаганди. Бу туйғу канизак Фотими сарой бекалари Моҳларойимдан узоқлаштириб, Гулсарабегимга яқинлаштираётган эди.

Қайиқда кетаётиб, Фотима канизак паранжиси ёпинчиғини очиб, секингина Моҳларойимга сўз бошлади:

- Маликам, мендан ҳафа бўлманг-у, сизга бир гапни айтишим керак. Ҳозир айтмасам, кейин кеч бўлади. Лекин бир шартим бор: буни мен сизга айтганимни амиримиз билмасликлари керак, – деди у ва бироз кутиб турди.

- Хўп, яхши. Айтавер пайсалга солмай, амиримиз сен ҳақингда билмайдилар, хавотир олма! – деди Моҳларойим.

- Ростини айтсан, болангиз ҳали тирик эди. Тўғри, Ҳадичанинг устига оқ чойшаб ёпилган эди, уни тепалик тарафга олиб кетишиди. Лекин Остонанинг бошидан саллачасини олиб, Ҳадичанинг чойшабини устига қўйишиди, Ҳадичанинг бир пой ковушчасини ҳам ёнига қўйиб олиб кетишиди. Аммо болангиз

устида оқ чойшаб йўқ эди. Амиримиз Остонани кўтариб олиб чиқдилар, аравага юклаб, бош табибни кига узатиб юбордилар. Шунинг учун ҳам сиз хоналарга кириб қидирганингизда, уни топа олмаган эдингиз.

Фотиманинг бу сўзларидан малика ҳаяжонланиб кетди.

- Нега бу гапингни шу пайтгача айтмадинг? - деди малика ўрнидан тураркан.

- Амиримиздан ҳайиқдим, - деди Фотима канизак. Ўрнидан туриб кетган малика эшкак эшаётган кишига буйруқ берди:

- Қайиқчи тўхтанг! Зудлик билан қайиқни орқага қайтарингиз! Мен ҳеч қаёққа кетмайман, қайиқни қайтаринг! - Унинг овозида буйруқ ва жаҳл оҳанги уйғунлашиб кетганди.

- Амирим топшириқ бермасалар, қайта олмаймиз! - деб эшкак эшувчи эшкакларини қўйиб, ўрнидан тураркан. Сўнг улардан бироз олислаб кетган Амирнинг қайифи томон ўгирилиб деди: - Амирим, мен нима қиласай? Маликам "орқага қайтаман!" деяптилар.

Амир ўз қайифи эшкакчисига қайиқни малика томон буришни сўради. Қайиқлар ёнма-ён бўлганда амир нима гаплигини сўради.

- Ҳа, азизам, тинчликми, нима гап?

- Мени нега алдадингиз? Боламиз тирик эканлигини нега мендан яширдингиз? - деди Моҳларойим йиғлагудек бўлиб. Унинг оволи амирдан ниҳоятда ҳафалигини билдираётган эди.

- Азизам, боламизниң тирик қолишидан ягона умидим, уни ўша ерда қолдириш эди. Бошқа чора тополмадим. Табибни ҳам шу сабабдин ўша ерда қолдирдим. Агар Оллоҳ дардига шифо берса, Мухиддин полвон албатта, уни ортга қайтиб, бизга олиб келиб беради. Сиздан тириклигини яширмасам, "ёнида қоламан", деб туриб олардингиз. Худо хайрингизни берсин, ишонинг, бола тузалса, албатта ортимиздан олиб боришади. Жуда бўлмаса, йўлини қилиб ўзим келиб кетаман. Ҳозир инжилик қилманг! - деди Амир.

- Йўқ, мен ҳеч қаёққа кетмайман! Амирим, бехудага мени кўндираман, деб уринманг! Мен қўлимда бола билан сувга тушиб, қирғоққача сузиб бораман демасимдан олдин қайиқни ортга қайтаринг! - деди қатъий оҳангда Моҳларойим.

Унинг бу сўзларидан сўнг амирнинг бошқа чораси қолмади ва икки қайиқчига “орқага сузингизлар”, деди. Кейин ҳамма қайиқчиларга ортга қайтишни буюрди. Анча олдинлаб сузиб кетган қайиқдагилар орқага қайтиш сабабини билмай, ҳайрон бўлаётган эдилар. Зарифабону узоқдан амир ёнида Моҳларойимни кўриб, ҳамма гапни тушунди. Гулсарабегим иш шу даражага бориб етиши, яъни ҳамманинг орқага қайтиши мумкинлигини асло кутмаган эди. У амир Моҳларойимни фақат навкарлари билан бемор боласи ёнига узатса керак, деб ўйлаган эди. Ҳамманинг қайтишига тўғри келаётганини кўриб, Фотимага ҳали эрта ишора қилганидан пушаймон бўлди.

- Афсус, манзилга етиб борилганидан кейин айтилса ҳам бўларкан, – деб кўйди пичирлаб.

Моҳларойим ва амир қайиқларидаги жойларига ўтириб олишиб, бироз тинчланган бўлишса-да, маликанинг кўзларидан ҳамон дув-дув ёш оқаётган эди. Нима бўлганда ҳам Остона тирик экан-ку. “Шукур-шукур, Оллоҳим, ўзингга шукур. Болам тирик... Ё, Роббим, ўзингга шукур. Боламнинг дардига ўзинг шифо бер!” – дерди у тинимсиз шивирлаганча. Бу орада қайиқлар қирғоқча ҳам етиб келганди. Улар иккаласи қайиқдан тушишди. Моҳларойим қўлида Мехриддин билан қайиқдан тушаётганида, Фотима канизак унга боланинг кийимлари солинган бўхчасини узатди. Аркни тарк этаётганиларида Моҳларойим ўзи учун қадрли бўлган, баҳшидасининг совғалари – “Куръон” китоби ва Самарқандда берган биринчи совғаси – тиллақошни бир матога ўраб солиб қўйган эди. У баҳшидасининг “энг керакли нарсаларингизни олинглар,” деган буйруғидани сўнг уларни энг қадрли буюмлар деб олганди.

Амир Мухиддин полвонга ишора қилган эди, у ҳам қайиқдан тушиб, ёрдамга ошиқди. Файтун аравалардан баъзилари ҳали қирғоқдан узоқча кетишга улгурмаган экан, полвон улардан бирини қайтариш учун, қаттиқ хуштак чалиб, қўли билан “қайтинглар” ишорасини қилди. Олдиндаги аравалар узоқлашгани сабабли аравакаш буни кўрмади, аммо сал орқада қолган бир аравакаш хуштак овозини илғаб ортига бурилиб қаради ва орқага қайтиш лозимлигини англади. У отининг бошини ортга бурганини кўриб қолган бошқа

аравакашлар ҳам шундай қилдилар. Улар ҳаял ўтмай соҳилга етиб келдилар...

水 水 \*

Улар Ҳисор вилоятига етиб келгандариди, Амир карvonни яна иккига бўлди. Бу ердаги қароргоҳ бехавотир жой бўлгани учун хотин-халаж, болалар бир неча қўриқчилар билан шу ерда қоладиган бўлди. Амир Моҳларойим ва Мехриддинни олиб, асосий навкарлар ҳамроҳлигида Остонани олиб қайтиш учун табибининг уйи томон йўлга тушдилар. Кўргонтепада ўн кунча кулай фурсатни кутишга тўғри келди. Аммо шўролар Фиждувонни эгаллашган, Фиждувонга яқин Кизилтепага бронепоезд келтириб кўйишган, табибининг уйи томон боришининг асло иложи йўқ эди. Чунки, шўро хукумати аскарлари ўз эгаллаган худудини, бош қўмондан режасига кўра ҳамон кенгайтиришда давом этаётгандилар. Шиддатли жанглар чегараси, айни вақтда шу худудда бўлиб, ўқлар ёмғири қулоқни қоматга келтирас эди. Болани олиб келиш учун бухавфли жойлардан кўнгилли бўлиб ўтмоқчи бўлган бир неча киши кўлга тушиб қолди.

Үн кун давомида, самараcиз кутишдан тоқати тоқ бўлган Моҳларойим ўз мулозимлари билан амир Олимхон навбатдаги уриниш режасини қилаётганида, паранжисини кийиб, кўлида Мехриддин билан ўқ ёмғирлари остида нариги тарафга ўтиб кета бошлади. Бўни хос сокчи пайқаб қолганди:

- Амирим, қаранг, бекам! Оқ байроқни күтариб туринглар! Мен бекамни қутқараман! - деб у ҳам ўқ ёмғири томон Моҳларойимнинг ортидан югурди. Бу воқеа кўз очиб юмгунча юз бердики, баъзилар нима бўлаётганига ҳам тушунмадилар. Байроқдор тезда оқ байроқни баланд күтариб турди. Шўро аскарлари оқ байроқни кўриб, ўқ отишни тўхтатиб туришди. Улар жуда яқин жойда эдилар. Ҳатто бир рус командирининг сўзлари кулоқقا аниқ эшитилди:

— Что случилось? — деб суряди у.

- Командир! Қаранг, бир ақлдан озган аёл боласини күтариб, күркмасдан биз томонга келмоқда! - деди рус тилида унга аскарлардан бири. Босмачилар оқ байроқларини ҳам

күттардилар, ана, аёл ортидан эркак киши ҳам келяпти, эри шекилли...

Ўрис командир ўша томонга қараб бола күттарган аёл келаётганини кўрди-ю, унга қараб ўқ узмасликка ишора қилди. У аёлнинг ўлимдан кўркмай жадал келаётганидан ҳайратга тушди. Аскарлар бошлиққа итоат қилиб, милтиқларини туширдилар.

- Қаранглар-а, қанақа жасоратли аёл экан! Бу жинни аёл, боласини ҳам ўйламай, нега бу тарафга келяпти? - деб қўйди қизиллар командири.

Ўз навбатида Моҳларойимнинг ўз ҳаётини ҳавф остига кўйиб, жанг бўлаётган майдон томон елиб-югуриб кетишини кутмаган амирнинг капалаги учди. Оқ байроқни күттарган навкар амирнинг буйруғини кутмай, фавқулодда бўладиган бундай вазиятда шундай қилиши лозимлиги учун, Моҳларойимни кўрган маҳали оқ байроқни кўтариб улгурган эди. Бошида паранжи, бир қўлида боласи, бир қўлида бўхчасини кўттарган Моҳларойим ўқдек отилиб, ўнгу сўлига қарамадан душман томонга югуриб бораверди. Орқасидан унга жон ҳолатда етиб олган Мухиддин бекасидан олдинга ўтиб олди. Унинг икки қўлини баланд кўтартганича, имо-ишоралар билан қилаётган ҳаракатлари, икки томон жангчиларини ҳам ўт очмаслигини ва Моҳларойимни қайтаришга уринаётганини билдирарди. Аммо қайсар Моҳларойимни орқага қайтаришнинг иложи бўлмагач, бир қўлига унинг бўхчасини олиб, уларни ҳимоя қилганича, иккинчи қўлини баланд кўтариб, Моҳларойим билан душман томонга кетаверди.

Амир Моҳларойимни кузатиб турар экан:

- Вой тентак, болани ҳам, ўзини ҳам хатарга кўйиб нега бундай қиласпти? Ё, Оллоҳим, уларни ўзинг аспа! - кейин навкарларига юзланди. - Ҳеч ким ўқ узмай турсин!

Моҳларойим ва хос соқчи Мухиддин полвон қизил аскарлар ёнига етиб келганларидан кейин уларни аскарлар ўраб олишди.

- Вой аҳмоқлар, эсингизни еганимисизлар? - деди аскарлардан бири уларнинг қилган ишидан таажжубланиб.

- Бу томонда менинг касал ўғлим бор, унинг ёнига боришим керак! - деди Моҳларойим рус тилида унга.

- Анави ким, босмачи эмасми мабодо? Сени биз томонга ўтишинга қаршилик қилаётган эдими? - деб сўради бояги қизил аскарлардан бири.

Моҳларойим орқасига - хос соқчи Муҳиддин полвонга қаради. У Муҳиддин полвон ортга қайтиб кетган бўлса керак, деб ўйлаган эди. Аммо хос соқчи душман ёнига бекаси ва Меҳриддинни ёлғиз юбора олмас эди. Шунинг учун соқчи иложисиз улар билан бирга келиб, унинг бўхласини ушлаб турганди.“Оббо шу етмай турган эди. Ахир ҳозир ростини айтсан уни отиб ташлашади”, деб ўйлади Моҳларойим. Энди хос соқчини бир иложини қилиб кутқариши керак. Шунинг учун Моҳларойим иложисиз баҳоли қудрат уни ҳимоя қилмоқчи бўлиб, баҳоналар тўқиди:

- Бу одам менинг эрим бўлади! Мен рус тили ўқитувчисиман. Бизлар Самарқандда яшаймиз. Болам бувисиникига келган эди. Фалокатни қарангки, боламнинг тоби қочиб қолибди. Бу ҳам етмаганидек, бу ерда уруш бўлаётган экан. Касал боламни ҳоли нима кечди? Ахир, уни кўришим керак-ку? - деб у рус тилида тез-тез гапириб, аскарларни шошириб қўйди.

Аскарлар унинг сўзларига чиппа-чин ишониб, уларни жанг майдонидан Бухоро томонга ўтказиб юборишиди.

Улар табибининг уйи томонга ошиқиб борар эканлар, шу лаҳзаларда Муҳиддин полвоннинг қулоқлари остида амирнинг қўйидаги сўзлари жаранглагандай бўлди:

- Полвон, сен Моҳларойимни кўз қорачигингдек асрashing керак, уни фақат сенга ишона оламан! Малика ва болаларимни мени ёнимга қайтариб олиб келгунингча, қанча вақт кетса шунча вақт менинг эмас, уларнинг хос соқчисисан, бошидан бир тола сочи тушмаслиги керак, унга ҳеч ким қўлини теккизмаслиги керак! Ваъда берасанми?

- Ҳа, амирим, ваъда бераман. Онт ичаманки, бекамга ҳеч ким қўлини теккизолмайди, ҳ- отиржам бўлинг, мен борман! - деди бенхтиёр пичирлаб ўз-ўзига. Моҳларим кулогига полвоннинг бу сўзлари чалинган бўлса-да, у ҳеч нимани тушунмади.Faқат полвоннинг нега ўзи билан ўзи гаплашаётганига ҳайрон бўлди.

Улар бир оз йўл юрдилар, Муҳиддин полвон бекасининг қўлидан болани олди. Моҳларойим боласининг кийимлари

солинган бўхчани ушлаганича, кўзида ёш билан тезроқ Остонани кўриш учун шошилаётганди. Муҳиддин полвон узоқдан кўринган аравани ўзлари томонга бурилиши учун хуштак чалди. Хуштак овозини эшитган аравакаш отининг тизгинини тортиб, Муҳиддин полвоннинг ишорасига кўра, юк аравани улар томонга бурди. Арава етиб келгач, Муҳиддин полвон аввал болани пиллапоясиз аравага ўтқазди. Бекасига қўл теккизмаслик учун тиззасини Моҳларойимга пиллапоя қилиб турди. Малика полвоннинг фаросатига ташаккур айтиб, оёғини унинг тиззасига қўйди ва осонгина аравага чиқиб олди. Муҳиддин соқчи аравакаш ёнига чиқиб олди, ундан таомилга кўра, отларнинг тизгинини сўради:

– Менга бера қолинг, сизга раҳмат, овозимни эшитиб, биз томон келганингиз учун! – деб, бир маромда отларни бошқариб борди.

Дурбинда уларни кузатиб турган Амир Олимхон:

– Оллоҳга беҳисоб шукур! Улар эсон-омон ўтиб олишди! Ё роббим, уларни сенинг паноҳингга топширдим! – деди пиширлаб...

Юк аравасида кетаётган Муҳиддин полвон отларнинг бир маромда юришини кузатиб борар экан, бекаси ва Мехриддинни ўқ ёмғири остидан эсон-омон олиб ўтганидан енгил тин олди. Сўнг аравакашга:

– Ну, дейман, нега бу серқатнов йўлда бугун ҳеч ким кўринмайди? – У бунинг сабабини билса ҳам қарияни гапгасолиб, Моҳларойимни бироз диққанафасликдан чалғитмоқчи бўлди.

– Э-э, болам нимасини айтасиз! Оти ўчсин урушни айтмайсизми? Айроплон, замбараклар билан нақ 20 кундан бери уруш бўлмоқда! Амиримиз, "уруш бўлмасин", деб ўзлари Аркни балшавойларга бўшатиб берибдилар. Амир хазинаси бўм-бўлигини кўрган бу аламзадалар энди ҳамма жойга ўт кўймоқдалар! Одамлар тум-тарақай, қаерга қочишини билмай, жон сақлаш ҳаракатида. Қанча ҳовли, дўкон, гузарлар вайрон бўлди. Мачитларни айтмайсизми? Мендек қариялар-ку, ёшимизни яшадик. Бола отасини, ота боласини топа олмайдиган уруш бўляпти, шахримизда! Хўш, ўзларнингиз қаердан келяпсизлар бу қирғин чоғида? – сўради аравакаш...

Бу пайт Моҳларойим араванинг чайқалиши-ю ёнидаги-  
ларнинг суҳбати қулоғига кирмай, амир билан ғойибона  
суҳбатлашарди. Бирдан қулоғига тайритабий равиша,  
ёнидагиларни суҳбати кирмай, хаёлан бахшидасининг овози  
қулоқлари остида жаранглади:

- Азизам, нега бундай қилдингиз? Ўзингизнинг ҳам,  
Мехриддиннинг ҳам ҳаётини хавф остига қўйдингиз! Хос соқчи  
ҳам ўлиб кетиши мумкин эди. Озгина сабр қилсангиз бўлар  
эдик! Остонанинг тузалишига имкон берадиган эдик, уни  
барибир олиб кетар эдик, ахир! - дер эди амир.

- Кута-кута тоқатим тоқ бўлди, амири! Остонанинг тирик  
эканини ўзингиз нега мендан яширдингиз? Мен Мехриддин  
билан Остонанинг ёнида қолар эдим, бизни кейин келиб олиб  
кетар эдингиз! - деди Моҳларойим ҳам ўз ҳаёли огушида  
бахшидасига.

- Мени кечиринг, маликам, сизга айтсам, қолишингизни  
билар эдим. Шунинг учун айта олмас эдим! Биласиз, Остона мен  
учун ҳам қадрли. Унинг омон қолиши учун арқдан олиб  
чиққанман. Табиб, "йўл азобини кўтара олмайди!" дегани учун,  
соғайишини истаб уни табибникида маълум муддатга  
қолдирдим, холос! Оллоҳдан унга шифо тилаяпман, боламиз  
албатта тузалиб кетади! - дерди амир унга жавобан..

- Иншооллоҳ! Боламизга Оллоҳ шифо берсин! Сиз ҳам мени  
кечиринг, Менинг қолишимни истамаганингиз учун шу йўлни  
тўғри, деб ўйлагансиз, майли, ҳаммаси яхшиликка бўлсин!  
Роббим боламизни бизга кўп кўрмасин! Сиз билан эсон-омон  
учрашмоқлик мен ва болаларимизга Оллоҳ розилиги билан яна  
насиб этсин!

- Ҳа, илоҳим! Айтгандим-ку, Остонанинг бир хислати бор  
деб. Мен сизларни бу ерлардан олиб кетишга қанча ҳаракат  
қилмайин, Оллоҳим изн бермаяпти! Қаранг, нақ юрт  
остонасидан ҳаммамиз қайтиб келдик. Мен қандай қилиб  
сизларни ташлаб кетаман. Болаларни олиб қайтишингизни  
барибир кутиб тураман! Ўша кунгача ўзингиз ва болаларни  
эҳтиёт қилишингизга тўғри келади. Аввало, ўзларингизни ким  
эканингизни ҳеч кимга айтмайсиз. Болалар ҳам ҳеч қачон, ҳеч  
кимга "Амирнинг ўғлимани" дея кўрмасин. Бу жуда хавфли,  
болаларни ва сизни ўлдириб юборишлари мумкин. Унутманг,

улар болаларимизни подшоҳликни, амирликни даъво қилмасликлари учун ўлдириб юборишлари ҳеч гап эмас! Мехриддин-ку ҳали эсини танимайди, аммо Остона ҳамма нарсага ақли етади. Табибга тайинлаб келгандим, Муҳиддин полвон келгунча ҳеч қаерга кетмай, боладан хабардор бўлиб, даволаб, кўчага чиқармай турасан, деб. Азизам, ниҳоятда эҳтиёт бўлингиз, хўпми, ҳеч кимга ишонмангиз! Болаларни сизга, сизларни Оллоҳга топширдим! Энди хайр, эсон-омон кўришгунча! - деган овозлар Моҳларойимни кулоғи остида янгради-ю, сўнг жимиб қолди.

У Остона тириклигидан хурсанд бўлди, аммо баҳшидасини яна кўриш насиб этармикин ёки йўқми? Хавотирланиб, кўнгли бузилди. Кўзидан оққан ёш томчиси Мехриддиннинг юзига томганида энди ширингина уйқуга чўмган бола сесканиб қўйди, сўнг уйғониб кетди. Аслида, уни уйғотган онасининг кўз ёши томчиси эмас эди, муздеккина куз ёмғири томчилай бошлагани эди. Осмон ҳам Моҳларойимнинг қайғусига гўё шерик бўлгандек, қора булуғлар келиб, кўз ёши қилаётгандек эди. Бола йиғлаб юборди. Осуда кенгликдаги боланинг йиғлаган овози узоқдан бўлса ҳам қўлидаги биноколда уларни кузатаётган амирга элас-элас эшишилди. Моҳларойим болага кўкрак тутса ҳам, бола йиғидан тўхтамади. Муҳиддин полвон устки чопонини бекасига узатди. Моҳларойим чопонни бошига ташлаб, болани ёмғирдан пана қилгач, у тинчланди.

Оқ байроқ кўтарилигани боис икки тараф ўртасидаги бугунги жанг вақтинча тўхтатилгани ва ўқ овозлари тингани учун ўрнидан туриб, уларни кузатаётган амир Олимхон аёли ва Мехриддинни жанг майдонидан олиб чиқиб кетаётган хос соқчисидан миннатдор бўлиб, Оллоҳга шукrona айтаётган эди. Ўзи ҳам шартта улар ортидан бориб, энг азиз кишилари ёнида бўлишни, боласи соғайгач, бирга яна бехавотир жойга кетишни бир зум хаёл қилди. Аммо Амударёнинг Чубек кечуви ёнида қолган 100га яқин инсонлар, 2 аёли, фарзандлари, унга энг содик мулоғимлар, ўз Ватанини қолдириб кетаётган кишилар олдидаги бурчи, хозиргина оғир жангдан чиққан навкарлар олдидаги бурчи уни бундай қилишга йўл қўймас эди. У Оллоҳдан сабр тилаб, завжаси ва фарзандларини қайтишини кутишни лозим ҳисоблади...

Мехриддин тинчлангач, жанг майдони узра жаранглаётган бола овози ҳам амир Олимхон томонга эшитилмай қолди. Бугунги жангда оқ байроқ кўтарилиган бўлса-да, аммо бу уларнинг таслим бўлганлиги белгиси эмас эди. Эртага яна жангни давом эттириш мақсадида икки томон ҳам шунчаки бугунги жангни тўхтатишган эдилар. Амир ўз ўтовига кирди ва ўз ўрнига ўтирап экан, Муҳиддин полвон билан танишганини эслади...

Ўн беш йил аввал Абдулаҳадхоннинг Карманадаги қароргоҳи олдида катта полвонлик издиҳоми бўлган эди. Ўша куни тош кўтариш, кураш, найза отиш бўйича полвонлар мусобақаси қизғин давом этарди. Мусобақаларда биринчи марта қатнашаётган қоракўллик Муҳиддин полвон барча қатнашувчиларни додга қолдириб, ғолиб бўлди. Амир Абдулаҳадхон олдиндан эълон қилинган совғалар ҳаммага берилгандан кейин энг олий ўринни қўлга киритган полвон шаънига шундай деди:

– Халойиқ! Мана ҳамма полвонлар ўзингиз гувоҳлигинизда ҳалол курашиб, ўз совринларини, аввал ваъда қилганимизга кўра, олишди. Мусобоқанинг бир неча тури бўйича ғолиб бўлган полвонга, биласизлар, қадимий анъаналаримизга кўра яна бир имкон бериладики, бу унинг ихтиёридир. Мана шу урф одатимизга кўра, Муҳиддин полвоннинг ўзидан сўраймиз! Хўш, тилагингизни тиланг, полвон? – деди амир полвонга юзланиб.

– Амир жаноби олийлари! Мени тилагим марҳум отам Муҳаммад хос соқчи каби, сизнинг сулолангиз вакилларига хос соқчилик вазифасини адo этишдир! Отамнинг руҳлари шод бўлиши учун, менга энг яхши касб, шу бўлишини онам болалигимдан бот-бот айтар эдилар! – деди.

Ўшанда амир уни тилаги бўйича ўзига хос соқчи қилиб олаётганида мулозимлардан бири амирнинг ёнига келиб секингина:

– Амирим, бироз шошманг, у жосус бўлса-чи? – деган эди. Амир Абдулаҳадхон ўшанда:

– Қароримни бекор қilmайман. Лекин сиз шахсан текшириб кўрасиз. Бир тўхтамга келганингизда, менга маълум қиласиз! – дея секингина унинг ўзига топшириқ берганди. Бир неча кундан

кейин ўша мулозим келиб ўз хулосаларини амир Абдулаҳадхонга маълум қилган:

– Амирим, чуқур текшириб кўрдим. Янги хос соқчига ишонса бўлади. Қоракўлнинг бир қишлоғида ёлғиз онаси билан яшар экан. Опаси Чоржўйга турмушга чиқиб кетган. Болалигиде онаси икки боласи билан бева қолган экан. Беванинг марҳум эри Муҳаммад полвон падарингиз Музаффархоннинг ёш хос соқчилари бўлган экан. Шикорга чиққанларида извошнинг филдираги чиқиб кетиб, отангиз жарга....

– Ҳа, эсимда! – деди амир вазирнинг гапини бўлиб. – Шундай бўлган эди. Падари бузрукворим бизга гапириб берган эдилар. Ўшандан кейин “Ёшим анча ўтиб қолибди. Бир хос соқчимнинг қаҳрамонлиги билан ёnlарингизда турибман! Аттанг, ёш йигит эди, мени кутқараман, деб ўзи нобуд бўлганди. Марҳумни уйига олиб борган навкарларни аёли икки ёш боласи билан қарши олибди. Норасидалар уволига қолмаслик учун аёlinи чақиртириб, яхшигина нафақа белгилашни бош қушбегига буюриб келдим, деган эдилар. Бу ёш йигитни арвоҳи хурмати энди шикорга бошқа бормаганим бўлсин!” – деб, ўшандан кейин умуман шикорга бормадилар, – деди Абдулаҳадхон.

– Ҳа, амирим, айнан шундай бўлган экан. Болаларини “ўгай ота тарбиясида кўнгли ўксимасин”, деб аёлнинг ёлғиз ўзи катта қилибди. Маҳалласига бориб, ишончли кишилардан шахсан ўзим суриштирудим. Уни ота ўрнида ота бўлиб мард ва танти қилиб тарбиялаган. Муҳиддинга отасининг дўсти Қодирали полвон устозлик қилган экан. Хуллас, унга ишониш мумкинлигига мен кафолат бера оламан, – деди мулозим суриштирув натижасини баён қилиб бўлгач.

Бир куни Кармана волийси лавозимидағи Сайид Олимхон хос соқчиси Муҳиддин полвон ва яна бешта шериклари билан шикорга чиққан эди. Ўша куни ҳам, бир воқеа юз берган эди...

Муҳиддин полвон бегона бир одамнинг найза билан, узоқдан амирни нишонга олиб турганини кўриб қолади. У бир ҳамлада амирни ерга ётқизиб, муқаррар найза санчилишидан кутқариб қолади. Бошқа соқчилар жиноятчини тутиб, Кармана қасрига олиб келадилар. Қози уни сўроқ қилиши натижасида, жиноятчи кичик бир қароқчилар тўдасидан эканлиги маълум бўлиб, унинг кўрсатмалари билан қароқчилар қўлга

олинадилар. Улар файтун араваларда шикорга келган зодагонлардан бирини яралаб, қолгандарни ярадор билан чалғиб турганда, аравалардаги нарсаларни олиб кетмоқчи бўлишган. Бу воқеадан кейин жиноятчи тўдага қози томонидан жазо белгиланади. Муҳиддин полвон эса бу воқеадан кейин Олимхоннинг нафақат ишончли одами, балки унинг энг яқин дўстларидан бирига айланади. Ҳозир ҳам амир аввалига тузалгандан кейин Остонани олиб келишини унга ишонган эди. Энди эса, ўғли Мехридин ва завжаси Моҳларойимни ҳам унинг ҳимоя қилишига ишонишдан бошқа иложи йўқ эди.

Сайид Олимхон севимли аёли Моҳларойим ва ўғилларини тақдир ҳукмига шунчаки ташлаб кета олмас эди. Уларни қутқариш учун жангсиз, тинчгина кетиш режаси барбод бўлганини тушунди. Энди нима бўлганда ҳам қаттиқ мудофаа чораларини қўллаб курашишдан бошқа имкони йўқ эди. Чопар юбориб, тарқатилган навкарларни қайта жанг қилишга чақириди. Қўшни хонлик ва давлатларга ҳам ўз мамлакати озодлиги учун кураш бошлаганини билдириди.

1921 йил январь ойида Сайид Олимхоннинг навкарлари сони 25000 га етади. Хоразмдаги келишув бўйича унга ёрдамга Фарғонадан 4000 та навкар келиб қўшилади. Улар айрим ҳудудларни қизил аскарлардан озод қилишга ҳам эришадилар.

Айни пайтда навкарларни озиқ-овқат билан таъминлаш ҳам муаммолардан бири эди. Маҳаллий аҳоли азбаройи хурмат юзасидан амир Олимхонга турли озиқ-овқатлар ва отлар учун ем-хашакни арzon-гаровга берардилар. Шўро сиёсати қаттиқ эди. Улар бундан хабар топсалар, мол-мулкларини мусодара қилиб, ўзларини қаттиқ жазога тортардилар. Шунинг учун аҳоли, "озиқ-овқатни сотиб олишди" эмас, балки "тортиб олишди", деб кутулган. Босмачилар қайси томонга кетди? – деб сўрашса, тескари томонин кўрсатишган.

Амир Сайид Олимхон ўзига содиқ кўнгиллилар ва навкарлари билан олти ой давомида Ватан озодлиги учун, уч ўғли, севимли аёlinи ёлгиз ташлаб кетмаслик учун ёвга қарши қаттиқ курашади. Яхшиямки, ўша куни жанг майдонидан осон ўтиб кетишида Моҳларойимнинг ёнида энг ишончли хос соқчиси Муҳиддин полвоннинг бўлганлиги. Амирнинг кўнгли бундан таскин топган эди. Улардан хабар олиш учун юборган

кишилари қайтмади. Нариги тарафдан болалар билан Моҳларойимни қораси кўриниб қолармикин, деб Олимхон дурбиндан тез-тез душман томонни кузатиб турар эди. Инқилобчилар томонга юборилган элчилар амир фарзандларини кутаётганини айтишган чоғи, улар иккита болани, жангни тўхтатиб туриб, юбориши. Аммо юборилган болалар бошқа эди. Улар арк хизматидаги бир оиласинг болалари бўлиб, цирк томошасидан кейин бобосиникига меҳмонга боришган эди. Эртасига уруш бошланиб кетиб, отонаси томон ўтишнинг иложи йўқлиги учун, бобосиникида қолишларига тўғри келаётган болалар эдилар.

\* \* \*

Хаёл билан бўлиб, амир Амударёning Чубек кечувига етиб келишганларини сезмади. У бу ерга кузда келганларини эслади. Остонани тириклигини эшишиб, маликанинг қайсарлик қилганини, ҳамма ортга қайтишига тўғри келганини эслади. Сўнг унинг эсига охирги марта Моҳларойимни кўрган жойи – жанг майдонида тоқати тоқ бўлиб, ўзини боласи билан ўқ ёмғири остига ташлагани, ўзини "Аҳмок" деб хуноб бўлганини, жаноза ўқитгандарини эслаб кетганди. Бу хаёллардан фориғ бўлганида бошқалар аллақачон қирғоқда эдилар.

Кечувдан бугун 118 киши ўтадиган бўлди. Деярли ҳамма қайиқларга чиқиб олишган. Сайийд Олимхон ҳали ҳам маъюс, навкарлари билан хайрлашиб, уларнинг юрт озодлиги учун курашишда сарф-ҳаражатларини ўзлари таъминлаб туришини, ватан ҳимоясида душманга қарши курашишни, ўзларини ҳам ҳимоя қилиш чораларини кучайтириб, давом этишларини сўради. Амир ўз сўзининг ниҳоясида шуни таъкидлади:

– Агар ёвни енгиш иложи бўлавермаса, одамлар қирилиб кетишига йўл қўймангиз, ортга чекиниб, хориж юртларга кетинглар. Мунажжимлар, башоратчилар вакти келиб, Ватанимиз босқинчилардан озод бўлишини айтибдилар. Лекин унгача бир неча ўн йил бор эмиш. Агар шундай бўлса, менинг қайғумнинг чеки йўқ! Колган умримни ватангадоликда ўтказишимизга тўғри келади. Жасадимни Ватанимиз озод бўлганидан кейин ўз юртимга қайтаришга ваъда беринглар! – деди.

Амир Олимхонни тинглаб турган навкарлар, унинг бу сўзларидан қаттиқ таъсиrlандилар. Шунда бир нечтаси:

- Амирим, ваъда берамиз!

- Илоҳим, кўп яшанг! Ватанимиз озод бўлганда, тирик келмоқлик сизга насиб этсин!

- Амирим, қайғурманг, биз албатта ғалаба қилиб, ишончингизни оқлаймиз! Башоратчилар нотўғри айтишган. Мардум бизни қўллаб-кувватлаяпти. Адолат бир куни тикланади, амирим! - деб ҳайқиришди навкарлар.

Улар Олимхонни бу тушкунлик, ғамгин кайфият, маюслиқдан, оғир қайғудан чалғитиш, унинг руҳини ва кўнглини кўтариш учун бу сўзларни айтишди. Аслида эса вазият мураккаб эди, шўролар ҳамма жойни эгаллаб, қўллари устун келаётган ва бу ғалабага умид қолдирмаётганди. Аммо ҳеч ким Ватанини ташлаб кетишни истамасди.

Чубек кечувини ўша куни кечиб ўтганларида нариги соҳилда ҳам уларни аравалар кутиб турган эди.

Аравалар кам бўлса ҳам, бир амаллаб ҳамма жойлашиб олди ва кўзланган манзиллари томон йўлга тушдилар. Афғон подшоҳига амир олдинроқ юборган чопари келтирган мактубга кўра, амир ва мулозимлари уй-жой ва хавфсизлик чоралари билан таъминланиши кўзда тутилган эди. Амир карвонга йўлда давом этишини буюрди. Бир оз юрганларидан кейин яна бир чопар етиб келди. У Эрон шоҳига амирнинг мактубини етказиб, жавоб мактубини олиб келаётган экан. Бу мактуб ҳам ижобий бўлиб, уларни Эронда ҳам хайриҳоҳлик билан яхши кутиб олишлари билдирилган эди. Амир ўз давлати атрофидаги барча мамлакатларнинг подшоҳлари билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни юксак мукаммал даражада олиб боргани сабабли, уларнинг муносабатларига, бутун Ўрта Осиёни олов каби қамраб олган “большевистик ҳаракат” ҳам раҳна солиб билмаган эди. Ушбу жавоб хатлари ана шу ижобий муносабатларнинг самараси эди.

## ТАБИБНИНГ УЙИ. 1920 ЙИЛ СЕНТЯБРЬ

Моҳларойим Муҳиддин полвон билан табибниги келганларида қош қорайиб қолган эди. Малика аравадан тушиши биланоқ Остонани кўришга ошиқди. Хужрага кириб,

ўринда ётган боласини кўриб қувониб кетди. Табиб болага муолажа қилишни ҳамон давом эттириб, энди унга енгил дорилардан ичираётганди.

Остона анча яхши бўлиб қолган, лекин барибир ҳали кучсиз, буткул тузалиши учун яна бирон ҳафтача даволаниши керак эди.

Моҳларойим табиб ва унинг аёли билан кўришиб, боласининг ёнига ўтириди. Кўпни кўрган табибнинг аёли Мехриддинни, "болага юқмасин", деб бошқа хонага олиб кетди. Орадан кўп ўтмай Остона тузалиб бўлди. Шунда табиб:

- Бекам, бола энди соғайди, амиримизга берган ваъдам бўйича, уни ўз кўлим билан ва сизларнинг ёрдамингизда, ўзларига олиб бориб топширмоқчиман.

Шу маҳал вазиятни чамалаган полвон ўз истагини баён қилди:

- Бекам, яна икки кун сабр қилсангизлар дегандим. Рухсат берсангиз, уйимга бориб келмоқчи эдим, замон нотинч, онам соғ-саломатмилар, шундан хавотирдаман. Ҳам жуда соғинибман, - деди. Малика эътиroz билдирамади:

- Майли, сиз аввал онангизни кўриб келинг, сўнг Самарқанддан Улуғбекни олиб келамиз. Бахшидамнинг олдига уч фарзандимни ҳам олиб кетмоқчиман, - деди Моҳларойим. Ўша куни Муҳиддин полвон Қоракўлга – онасини кўриб келгани кетди.

Моҳларойим Остонанинг тузалганидан ўзида йўқ хурсанд эди. У табибнинг аёлига қулоғидан балдоғини очиб берди. Аёл унинг совғасини олишни хоҳламади. Аммо Моҳларойим кўярда-кўймай:

- Ундей бўлса, Муҳиддин полвонни кутиб ўтирмай уйингиздан кетиб қоламан, - деди ранжиган оҳанг билан. Унинг ўжарлиги, айтганини қилмаса кўймайдиган аёл эканлигини эшигтан табибнинг хотини Моҳларойимнинг совғасини қабул қилишдан бошқа чора тополмади.

- Лекин бир шартим бор! – деди аёл совғани эҳтиром билан оларкан. – Остонани уйлантираётганингизда мени ҳам тўйга таклиф қиласиз. Оллоҳ ўша вақтгача менга умр берсинки, бу балдоқларни ўз кўлим келинингизга тақиб қўяй. Фақат шу ният

билан қўлингизни қайтармаяпман. Энди бу менда омонат бўлиб туради!

Бола тузалгунича табиб ва Моҳларойим ўзлари ташқарига чиқишмаган бўлишса-да, ташқаридан тўс-тўполон товушлар, ўқ овозлари эшитилиб турарди.

Бу кичик қишлоқдан кимларнингdir кетиб қолганини ёки кимлардир кўчиб келганини ҳар куни эшитиш мумкин эди.

Хос соқчи Муҳиддин полвон Қоракўлдан онасини кўриб келганидан кейин Моҳларойим табиб ва унинг аёли билан хайрлашиб, икки ўғли ва полвоннинг ҳамроҳлигида Самарқандга кетиш учун Қизилтепа станциясидаги вокзалга борди. Вокзалда тумонат оломон экан. У ёқдан бу ёққа шошилаётган одамларнинг шовқин-сурони, баъзида паровознинг чинқириши Моҳларойимни чарчатиб қўйди. Яхшиямки, ёнида хос соқчи бор эди. У Остонани ва тугунларини кўтариб олган эди. Ниҳоят бир амаллаб, Самарқандга жўнайдиган вагонга чиқиб олдилар.

Самарқандга келганларида Моҳларойимнинг ҳафсаласи пир бўлди. Шаҳарда Бухородагидек катта ўзгаришлар бўлган. Онаси ва яқинларини осонгина учратадиган билди, буни бирордан сўрашнинг ҳам иложи йўқ эди. Сўрашса шубҳаланишади. Саволига жавоб бермоқчи бўлганлар эса ҳақиқатдан ҳам улар ҳақида ҳеч нарса билмасдилар. Улар тирикми, йўқми? Тирик бўлишса, қаерда, қайси юрга кетишган? Бу саволларига жавоб ололмай чарчаса ҳам суриштиришда давом этаверди. Муҳиддин полвон: “Ҳадеб суриштиравериш хавфли, болалар билан бизни қамаб қўйишлари ҳам ҳеч гап эмас, бу ердан тезроқ кетишимиз керак, бекам, бошқа сафар келармиз,” деди. Моҳларойим яқинлари ҳақида ҳеч нарса билмай, Улугбекни топа олмай ортига қайтишни истамади.

Отасининг ҳовлисида бошқа кишилар яшаётган эканлар. Уларни икки кун давомидаги сўроқлаб, излашлари самарасиз кечди. Ниҳоят ота-онаси билан қўшни яшаган бир татар аёли орқали ўғлининг ва ота-онасининг дарагини топди. Унинг айтишича, ўғли Рус-тузем мактабининг биринчи синфида ўқиётган, ота-онаси эса уч кўча наридаги бошқа бир ҳовлидан кўним топишган экан.

Аввалига мактабни топиб, Улугбекни олиб чиқиши, кейин Моҳларойимга ўз ота-онасини янги манзилини излаб топиш осон кечди. Улар атиги бир кун дийдорлашдилар. Тонгдаёқ Бухоро сари кетишга шошилдилар. Қизининг хорижга кетишини истамаган Елена Александровна учун бир кунлик дийдор ҳам қимматли эди.

- Майли қизим, эринг қаерда бўлса, сен ҳам ўша ерда бўлишинг керак! Кўришганимизга шукур! Кўришолмай кетиб қолганингда нима бўлар эди, қизим? Балки Улуғбек биз билан қолар-а, нима дейсан, Надюша? Уч бола билан қийналиб қолмайсанми? – деди Елена Александровна.

- Йўқ, ойижон. Боламни ташлаб кетолмайман, – деди Моҳларойим қатъий оҳангда.

- Вой худойим-ей, болам, ҳали эринг томонга ўтиш муаммоси ҳам бор-ку? Қандай қилиб уч бола билан у томонга ўтаркансан-а? Ишқилиб, ҳаммангиз соғ-саломат бўлинглар дейманда, қизим, – деди Елена Александровна йигланмоқдан бери бўлиб.

Улар ҳовлига чиқиши. Вяткиннинг ёнида турган Муҳиддин полвон:

- Берган нон-тузингизга рози бўлинг. Энди бизга оқ фотиҳа беринг, маликамизни болалари билан эсон-омон амиримиз ёnlарига олиб боришим керак. Хожам уларсиз кетмай, бизни кутмоқдалар, – деди.

Вяткин бува оқ фотиҳа бериб, аёли билан дарвозадан чиқиб, уларни кузатиб қўйди. Улар Бухорога кайтгунларича бир неча араваларни кира қилишларига тўғри келди. Болалар билан роса чарчаб, бир ҳафта деганда, Бухорога етиб келиши.

Уруш ҳали ҳам давом этайдан эди. Маҳаллий аҳолининг бир тарафдан бошқа тарафга, жанг майдони мудофаа чегарасидан ўтиб қайтиши амри маҳол эди. Maxsus постлардан фақат аскарларнинггина ўтишига рухсат берилган эди. Бир неча кундан бери у тарафга ўтишга ҳаракат қилган Муҳиддин полвон ва Моҳларойим охири кейинроқ келиш мақсадида Қоракўлга – Муҳиддин полвонниги кетишга қарор қилдилар. Моҳларойим совиб бораётган куз ҳавосида болаларининг яна касал бўлиб қолишидан кўрқиб, Муҳиддин полвоннигида қишини ўтказишга қарор қилди. Бахшидасининг анча муваффақиятларга

эришганини эшитган Моҳларойим унинг ғалабасига ҳам умид қилиб, фарзандларини ўз туғилган юртида катта қилиш имкони туғилаётганидан қувончи чексиз эди.

1921 йил. Баҳор яқинлашаётган эди. Моҳларойим хос соқчи Муҳиддин полвон билан болаларини олиб, баҳшидаси томонга ўтиш учун яна уруш бўлаётган чегарага келди. Олти ойдан бери давом этаётган уруш туфайли озиқ-овқат танқислигидан аҳолининг қийналаётгани, қишлоқлар вайрон бўлганини кўрган Моҳларойим баҳшидасининг аркдаги сўнгги қарори билан нима учун олти ой аввал уруш ва ҳеч қандай жангларсиз, Чубек кечувига келишганини сабабини тушуниб етди.

Улар уруш бўлаётган жойларга яқинлашгандা, аҳволни кўрган Моҳларойим баҳшидаси томонга уч бола билан ўтишнинг ниҳоятда қийинлигини англади. Ҳар ўн қадамда куролли соқчилар қўйилган бўлиб, тез-тез отишмалар бўлиб турар, ўтиб-қайтиш янада мушкуллашган эди. Муҳиддин полвон ва Моҳларойим бир қишлоқ кишисини учратиб, ундан вазиятни билишга ҳаракат қилишди:

– Ассаломуалайкум, акахон!

– Ваалайкум ассалом!

– Сиз шу ерликмисиз? – сўради Муҳиддин полвон.

– Ҳа, меҳмон. Шу ерликман, исмим Ҳамдам. Хўш, нима хизмат? – деб сўради у меҳмоннавозлик билан.

– Биз нариги тарафга ўтишимиз керак. Шу тоғли худудда бир илож қилиб ўтиш мумкин, деб ўйлагандик. Чунки яна учта бола ҳам бор, – деди Муҳиддин полвон.

– Э-э, буни сира иложи йўқ-ку? Бир неча ҳафта олдин ўтса бўларди. Янги ҳукумат одмлари билиб қолишиб, ўтиб-қайтиш яна қийинлашиб қолди, Унда, бизникига юринглар, мусофири экансизлар. Ҳозир тез-тез отишма бўляпти. Кейин бир йўлини топармиз, – деди ҳалиги киши.

У шу ерлик боғон бўлиб, айтишича, чегарадан рухсатномасиз ўтаётган кишини отиб ташлашлари ҳам мумкин экан. Бир неча кишини отиб ҳам ташлашибди. Рухсатнома олишнинг эса сира иложи йўқ эмиш.

Ҳеч иложи топилмагач, улар шу кишиникида бир неча кун қолиб, чегарадан ўтиб олиш фурсатини кутишиди.

Ниҳоят Моҳларойим бахшидасига мактуб ёзишга қарор қилди. Мактубда: "Амирим, биз уч бола билан чегарада, тоғ этагидаги қишлоқдамиз, Остона, Оллоҳга шукур, тузалиб қолди. Улуғбекни ҳам олиб келдим. Қишини Қоракўлда Мухиддин полвонницида ўтказдик. Хос соқчингиз сиз тарафга ўтишимиз учун кўп ҳаракат қиляптилар, аммо ҳозирча чораси топилмаяпти", деб ёзилган эди.

- Маликам, аммо буни қандай етказамиз? - деди Мухиддин полвон.

- Уруш чегарасидан нариги қишлоқда мезбонимизнинг бирор таниши, қариндоши ёки кўй боқиб юрган чўпон бўлиши мумкин. Чубек кечуви ёнидаги қароргоҳга олиб боришини, иккинчи хат орқали унга тушунтириб, камон ўқи билан мактубларни у тарафга етказишимиз мумкин! - деди Моҳларойим.

- Ҳа, бу жуда яхши фикр! - дея маъқуллади Мухиддин полвон ҳам.

- Менинг Абдухолиқ исмли бир қариндошим бор, холамнинг ўғли. Уйи нариги тарафдаги қишлоқнинг биз томонга кўриниб турадиган ерида. Фақат ўзимиз ҳарбийларга кўринмаслигимиз учун менинг боғимдаги бодомзордан унга имо-ишора қиласиз, кечликда унга хатларни етказишимиз мумкин, - деди мезбон.

Мезбоннинг таклиф қилган режаси бўйича қўл бола ўқ-ёй ясаш ва мезбоннинг қариндошига иккинчи хатни ёзишга киришдилар. Мезбоннинг ўзи хат ёзишни билмагани учун бу мактубни ҳам Моҳларойим ёзди. Мактубда: "Абдухолиқ, менинг меҳмоним мактубини Чубек кечуви ёнидаги амир қароргоҳига олиб борсанг ва жавоб мактубини олиб қайтсанг, амиримиз сенга олтин тангалар инъом қиласиз эканлар", деб ёзилган эди.

Мактубни тунда камон пайконига боғлаб, Абдухолиқнинг уйи деворини нишонга олишди...

Аммо Абдухолиқ уч кун давомида ҳовлисида кўринмади. У Чубек кечуви ёнидаги амир Олимхон қароргоҳини излаб кетган экан. Афсуски, Сайид Олимхон у келганида қароргоҳда эмас, Моҳларойим кетганидан бери бу ерга камдан кам холларда келар, асосан навкарларидан навбатдаги жанглар тафсилотини билиб олар, уларни янги жангларга руҳлантиради. Шунинг учун ўша кунлари у навкарлари ёнида бўлган.

Мактуб Зарифабонунинг қўлига келиб тушди. У эса канизакларга айтиб қўйган эди:

– Амиримизга келган ҳар бир хатни, айниқса Бухородан келса, аввал менга кўрсатингиз. Мен амиримизнинг бош соқчига: “Энди ҳушёр бўлишимиз керак, оддий хат билан ҳам бизнинг қаердалигимизни янги хукумат одамлари билиб қолишса, келиб ўлдириб кетишлари ҳам мумкин, чунки келажакда амирликни қайта эгаллаш учун даъвогарларни катта урушлар олдини олиш мақсадида йўқотиб ташлаш керак, деб бегуноҳ болаларимизни ҳам ўлдириб кетишмасин, ниҳоятда эътиборли бўлишимиз даркор”, деган гапларини эшишиб қолгандим. Мен ҳам болаларимни, сизларни қароргоҳда амиримиз йўқлигига ўз билганимча ҳимоя қилишим керак! – деди. Унга содик Маствора канизак:

– Бу муҳим мактуб бўлиши керак, бекам, ҳозиргина Бойсун тоги этагидан Абдухолиқ деган чўпон келтирди, – деб бекасига мактубларни топширди ва мактубни келтирган кишига: “эртага шу маҳалда жавобига келинг,” деб узатиб юборганини айтди. Бекамиз унга: “Агар жавобини ҳам келтирсанг, амиримиз олтин тангалар инъом этадилар”, деган эканмиш мактубнинг эгаси, – деди.

– Undай бўлса, хат Моҳларойимдан бўлса керак, ютур, Фотимани... йўқ-йўқ, у Гулсарага айтиб қўйиши мумкин. Кейинги вақтларда унинг ёнидан узоқлашмаяпти. Яхшиси, Баҳрияни айтиб кел. Сенинг дугонанг шекилли-ку, унга ишонсак бўладими ўзи?

– Ха, бекам. У пишиқ, сир сақлашни билади, – деди Маствора чаққонлик билан ва ҳаял ўтмай Баҳрияни топиб келди. Зарифабону бу саводли канизак Баҳрияга мактубни ўқитиб бўлгач, шундай деди:

– Энди жавоб мактубини тайёрлангиз!

Канизак қоғозни олгач, жавоб мактубни айтиб турди: “Азизам Моҳларойим! Ортингизга қайтингиз, болаларни Қоракўлда катта қиласверингиз. Бу ер жуда хавфли, бу шаҳзодаларнинг ҳаёти ҳам хавф остида. Мактуб ёзмай туринг, чунки мактуб орқали қаердалигимизни душманлар билиб олиши осон бўлади. Оллоҳ насиб этса, тинч замонлар келса, ўзим сизларни излаб топаман. Хайр, омон бўлингиз!”

Хат ёзиб бўлингач Зарифабону уни буклади-да:

- Буни эртага ўша мактубни келтирган кишига берасан, - деб хатни Маствурага берди. Сўнг Баҳрияга:

- Яна қоғоз ол! - деди ва канизак ёзишга тайёр бўлиши билан гапира бошлади: "Амирим, соғ-саломатмисиз! Биз боргунимизга қадар ўғлингиз Остона вафот этган экан".

Ҳайрон бўлган канизак қизлар бир-бирига қараб олишди, аммо маликанинг жаҳли чиқмаслиги учун индамадилар. Зарифабону сўзида давом этди: "Маликам ва Мехриддинга ҳам касаллик юқсан шекилли ёки ўша кунги ёмғирда шамоллаб қолишимни, аввал бола, сўнг Маликам бандаликни бажо келтиришди, бизни кечиринг, уларга мен ҳам, табиб ҳам ёрдам бера олмадик. Таъзиямни қабул қилинг. Сизга эҳтиром билан: содик дўстингиз Мухиддин полвон".

Зарифабону хат мазмунидан кўнгли тўлгач, муддаога ўтди:

- Бу ҳақда иккалангиз ҳам ҳеч кимга чурқ этмайсиз. Ҳаммамизтирик қолишимиз учун, бу ягона имконият. Амиримиз Моҳларойим ёзган мактубни олсалар, дарров йўлга тушадилар. Бу жуда хатарли. Агар бориб, қайтолмасалар ҳолимиз нима кечади? Шундоқ ҳам олти ойдан бери тинчлигимиз йўқ. Эсингиждами ўшани деб Чубек кечувининг ярмидан ортимизга қайтганимиздан бери ёруғлик кўрмадик. Амиримизнинг рангида ранг қолмаган. Ҳали ҳам уни кутяптилар. Шундай қилсак, унга бир-икки куядилар-у, сўнг унугадилар. Уруш тезроқ тугаб, борадиган жойимизга кетсак, болалардан хавотир олиб, юрак ҳовучлаб ўтирмас эдик. Ахир душман бирдан келиб ўқса тутиб, ёки айроплонлари билан ҳаводан бомба ташлаб ҳаммамизни қириб ташлаши мумкин. Ё, Оллоҳ, бизни Оллоҳнинг ўзи асрояпти, шукур! Моҳларойимга келсак, унга жин ҳам урмайди. Тегирмонга тушса бутун чиқади, бу хотин! Қаранг, қаҳрамонлигини, Остонани қизамиқдан даволатган, Улуғбекни ҳам олиб қайтишини уddaлаган! Худо ҳаққи, ҳеч биримиз буни уddaрай олмас эдик, - деди Зарифабону.

- Ҳа, шундай, бекам. Айтишларича, ўқ ёмғири остида, кўлида бола билан душман жанг қилаётган майдондан ўтиб кетибди, деб эшитган эдик. Шу ростми, бекам? - сўради Маствура.

- Ҳа, рост! Амиримизнинг ўзларидан эшитдим. Ўша куни Моҳларойим маликамиздан ажраб қолишимга бир баҳя қолди-я,

деб айтдилар бахшидам! – деди Зарифабону ва мактубни унга узатди. – Буни сен эртага ўзинг эмас, соқчи билан амиримизга киритасан. Мабодо жавоб хати чиқарсалар, албатта, яна менга олиб келасан!.

Амир Зарифабону ёздирган хатни ўқиб, З кун таъзия маросимини ўтказди, ўзининг ҳам тоби қочиб, ётиб қолди. Учинчи куни аҳволи бироз яхшиланган амир жавоб мактубини ёзиб чиқартирди. Бекасининг топшириғига биноан, айни вақтда Роҳила хотиндеқ бош канизак мақомига эга бўлган Маствура канизак бу хатни амирнинг хонасидан чопарга бериш учун олиб чиқсан канизак қизнинг қўлидан олиб, Зарифабону бекасига олиб борди. Бекаси хатни ўқиттирмай йиртиб ташлади. Чунки у жавоб мактубни аллақачон ўзи ёздириб, мактубни келтирган киши билан Моҳларойимга жўнатиб юборган эди. У Баҳрия канизакни чақиртириб хатни ўқиттиришни, мазмунидан яна уч кишининг хабардор бўлишини асло хоҳламаган эди.

Ўз қишлоғига келган Абдухолик Зарифабону ёздирган хатни Муҳиддин полвонга етказиш учун роса уринди. Камон отишни билмас экан. Тошга боғлаб отса чегарачилар диққатини тортиши мумкин, тошни узоққа отишни ҳам уddeлай олмаслигига кўзи етган Абдухолик хатни эгаларига қандай етказишини ўйлаб анчагина бош қотирди. Ниҳоят муаммонинг ечими топилгандек бўлди. У тоғ томондаги ҳовлиси яқинидан ўтадиган анҳордан сув олаётган эди, бу сув қариндошининг боғи томонга кетишини ўйлаб қолди. Абдухолик Муҳиддин полвон ва Ҳамдам боғбонга ўз фикрини имо-ишора билан тушунтириди. Топқирлик билан ўйлаган фикри уларга маъқул бўлди. У хатни каттароқ носқовоқ ичига, оғзини яхши маҳкамлаб, Ҳамдам боғбоннинг боғи томон кетадиган жилғадан оқизиб юборди. Муҳиддин полвон мактублар жавоби солинган носқоқоқни осонгина сувдан тутиб олди.

Моҳларойим ўзига келган жавоб мактубни ўқиб, Муҳиддин полвонга савол назари билан қаради:

– Сиз бунга нима дейсиз?

– Бу амиримизнинг буйруқлари, бекам. Демак итоат қиласиз! – жавоб берди Муҳиддин полвон қисқагина..

Улар яна Қоракўлга, Муҳиддин полвоннинг уйига қайтиб кетишиди...

Сайид Олимхон олган мактуби бўйича қаттиқ куйиниб, “вафот этди” деб ёзилганлиги сабабли Моҳларойим ва икки фарзанди учун ўша куни жаноза ўқитди, таъзия маросимини ўтказди. Эртасига, яъни 1921 йил 4 март куни Чубек кечувидан Афғонистон томонга 118 киши бўлиб ўтиб кетди. Сайид Олимхон жўнаб кетишдан олдин қўрбошиларни хузурига чақириб, уларни етарли маблағ билан таъминлаб туришни, мамлакат озодлиги учун имкон қадар жадалроқ ҳаракат қилишларини сўради. Амир ўғли Улуғбек бобо-бувиси ёнида эканлигидан кўнгли таскин топгандай бўлди. Аммо юрт аросатда экан, ҳали дийдор ҳақида ўйлаш бефойда эди. У фарзанди Улуғбек хавф-хатардан холи бўлиши учун археолог Вяткин унинг қайнотаси эканлигини ҳаммадан сир сақлаш кераклигини бош қўмондон ва бошқа жангчиларга қаттиқ тайинлади.

Мамлакатнинг барча ҳудудларида, жумладан Қоракўлда ҳам катталарга “паспорт”, болаларга туғилганлиги тўғрисида “гувоҳнома” сифатида оддий қофозларга ёзилган ҳужжатлар қишлоқ шўролари фаоллари томонидан уйма-уй юриб берилаётган эди. Шу билан бирга, барча аҳоли рўйхатга олиниб, ҳовлилардаги бор одамлар қайта кўриб чиқилиб, амир болаларининг исм-шарифлари ёзилган қофозлар ҳам тарқатилаётган эдики, бу Моҳларойим ва болалари учун катта хатар туғдирарди. Уларни топиш учун учун буйруқ штаб бошлиғига ёзма равишда берилаётган эди. Сайид Олимхоннинг бу ерда учта фарзанди қолиб кетаётганидан хавотир олиб, Чубек кечувини кечиктираётгани, натижада икки томоннинг жанговор ҳаракатлари ҳали ҳам барҳам топмагани қизил қўшинлар қўмондонлигига кўлга тушган одамлардан маълум бўлган эди. Қўмондонлик амирнинг болалари яна ўзига қайтарилса, уруш тугаши эҳтимоли бўлиб, икки томон учун ҳам манфаатли бўлиши, талофтлар олди олиниши, фарзандларини олиб кетилган хазина эвазига қайтариши мумкинлигини тушунар ва шунинг учун болаларни астойдил излаётган эди.

Амир Олимхон навкарлари оз сонли бўлса ҳам, маҳаллий аҳоли уларни инқилобчилар қанчалик ёмонламасин, доим пинҳона қўллаб қувватлар эди. Одамлар мамлакатнинг сўнгги амири Сайид Олимхон ҳақида, ҳар қандай иғво қилишмасин, ўз фикрларига эга эдилар.

Моҳларойим Муҳиддин полвон билан Улуғбекни топиб, Қоракўлга олиб келганларидан сўнг унга:

- Энди сенинг исмнг - Раҳмонқул! Асло Улуғбек демайсизлар. Остона, сен ҳам эшигдингми! Акангни энди Раҳмонқул деб чақирасан. Хўш, ўзингни ким деб атасак экан? - деди Моҳларойим.

- Йўқ, менга бошқа исм керак эмас. Отам келиб қолганларида мен бошқа исмда бўлсан қандай топа оладилар. Қишлоққа келиб, "Бу ерда Остона исмли бола яшайдими?" деб сўрасалар, улар "Йўқ" деб юборишлари мумкин! Шунинг учун мен шу исмда қоламан. Бошқа исм қўймоқчи бўлсангиз, ана, Мехридинга қўя қолинглар! Дадам келганларида мен уларга ўзим айтаман. "Дада бу укам Мехридин", дейман, - деди Остона. Онасининг кўкрагини эмиб турган Мехридин акасидан ўз исмини эшитиб, кўкрак эмишни тўхтатиб, бир нарсани тушунгандай, бурилиб акасига қараб қўйди. У икки ярим ёш бўлиб, кейинги кунларда эркаласалар ёхуд акаси у билан ўйнамоқчи бўлганида, шундай унга қараб, сўнг ширингина жилмайиб қўяр эди.

- Майли, сенинг исмингни ўзгартирмаймиз! Аммо Мехридиннинг исмини Исомиддин деб қўямиз, - деб Моҳларойим болаларининг хавфсизлиги учун уларга янги исмлар кераклигини тушуниб, уларни шунга тайёрлади. Шунда ҳам ўжар Остона ўз фикрида қолган эди. У ўз исмининг ўзгартирилишига асло кўнмаган эди.

Бир куни уларнинг ҳовлисига ҳам бошига қизил дуррача боғлаб олган бир рус аёл бошчилигига беш киши келиб, исмшарифларни суришириб, ҳужжат бериб, ўзларидаги қалин дафтарга қайд қилмоқчи бўлишди. Кумуш буви, Муҳиддин полвонга ҳужжат беришгач, бир аёл Моҳларойимдан, исмингизни айтинг, деб сўради. Шунда у эрини ўз хаёлида унга айтмоқчи бўлган сўзларини эслади: "Ҳеч кимга ҳеч қачон

кимлигингизни айтмангиз!”. Унинг ўйланиб қолганидан гап нимадалигини сезган Кумуш буви:

- Келинимнинг исми Ширин Мұҳаммад қызы, айланайлар. Фарҳоддек алп қомат ўғлимга, албатта Ширин исмли келин оламан-да, – деди.

- Яхши, майли, ёзинг, Ширин Мұҳаммад қызы, демак, Ширин Мұҳаммедовна Мухиддинова. Болаларнинг исмлари-чи? – деди ҳалиги рус аёл.

Шунда Моҳларойим деди:

- Каттасининг исми Раҳмонқул.

- Меники эса, Остона! – деб юборди ҳали сўрамасларидан ҳозиржавоб Остона.

- Ҳа, шундай, унинг исми Остона, кенжамизники Исомиддин, – деди Моҳларойим. Остона ўз исмининг ўзгартиришларини хоҳламагани учун, шошилиб, ўзи айтиб юборган эди. Бу исм одатда шаҳзодаларга қўйилмагани учун унинг ўз номи билан аталиши унчалик ҳам хавфли эмас эди.

Аммо аёл яна савол бериб қолди:

- Кимнинг ўғли?

Моҳларойим яна индамай қолганди, шунда Кумуш буви жонига ора кирди:

- Мұхиддин ўғли дейсиз-да, айланай!.

- Мұхиддинни отасининг исми ҳам керак! Уларнинг фамилияси қандай? – сўради рус хотин.

- Эримни отасининг исми Мұҳаммад бўлган, – жавоб берди Моҳларойим.

- Демак, болаларга ёзинг: Мұхиддинов... Мұҳаммадиевич. Ҳамма розими? – сўради қизил дуррачали аёл. Ҳеч ким эътиroz билдиримагач, хужжатларга шу исм-шарифларни ёзib беришди. Қишлоқ шўросининг дафтарига шу ёзувлар киритилди.

- Сиз рус қызи экансиз-да? – сўради хотин.

- Ҳа, шундай деса ҳам бўлади, отам самарқандлик маҳаллий аҳоли вакили, онам эса рус, – деди Моҳларойим.

- Сиз бу ерларга қачон келгансиз? Яқинда, десам болаларингиз анча каттароқ, – деб бераётган саволига ўз фикрини ҳам қўшиб қўйди у.

- Турмуш ўртоғим билан Самарқандда яшаганмиз, биз ўша ерда танишганмиз, – деди. У иложи борича гапини тушунаётган

болаларининг олдида ёлғон гапиргиси келмаётган эди. Аммо тўғрисини гапиришнинг иложи йўқ. Болаларининг ҳавфсизлиги учун ҳақиқатни яшириши керак эди. Отаси таниқли археолог В.Л.Вяткин эканлигини айтиб юборса ҳам, болалари учун ҳавфли эканлиги аниқ эди. Унинг бир қизи амир Сайийд Олимхоннинг аёли эканлиги кўпчиликка маълумлиги учун Моҳларойим бу ҳақида ҳам индамади.

- Мен рус-тузем мактабида ўқитувчи эдим. Улар вокзалда юк ташир эдилар. Самарқандга келганимда вокзалда менга юкларимни ташишга, ёрдам берганларида танишган эдик. Кейин тўйимиз бўлди, - деб қўя қолди қисқа қилиб Моҳларойим.

- Жуда яхши. Даврон, марҳамат ёзинг, қишлоқда қачон мактаб очилса, рус тили ўқитувчиси тайёр. - Кейин маликага қаради: - Демак, сиз турмушга бир кўришдаги муҳаббат билан чиқибсиз-да? - деди аёл.

- Ҳа, шунаقا бўлди, тақдир экан... -деди Моҳларойим маъюс тортиб.

- Бўпти унда. Яхши қолинглар! - рус хотин улар билан ҳайрлашиб кетмоқчи эди, аммо Моҳларойим унга савол бериб қолди:

- Кечирасиз, мумкинми сиздан бир нарсани сўрасам.

- Хўш, сўрайверинг? -деди аёл.

- Уруш ҳақида сўрамоқчи эдим. Тугадими ёки ҳалиям давом этяптими?

- Ҳа, урушми? Йўқ, афсуски ҳали тугамади. Айтишларича, амир Олимхон фарзандларини олиб кетмагунича тинчимас экан. Файзулла Хўжакв унга икки болани бериб юборган, аммо улар уники эмас, шекилли, жанглар ҳали ҳам давом этяпти. Яна алла қаерга хазиналарини ҳам яширган, дейдилар. Ким билсин... Нега буни сўраяпсиз?

- Уруш тугаса, эrim билан Самарқандга жўнаб кетмоқчи эдик, шунинг учун...

- Ундай бўлса, ҳали шошмасангиз ҳам бўларкан. Аммо уруш тугай деб қолган. Уруш тугаса, албатта ҳаммаси яхши бўлар эди....

Уларнинг суҳбати шу билан тугади. Афтидан, келган шўро хукуматининг одамлари, ҳеч нимадан шубҳаланмадилар ва

қўшни хонадонга ўз вазифаларини адо қилиш учун чиқиб кетдилар.

\* \* \*

Моҳларойим бу оиласа келганидан бери ўз меҳнати билан рўзғор юмушлари, овқат пишириш, тозалиқ, кир ювишдан ташқари, бўш қолди дегунча кашта тикиб, оиласа ёрдам бериб турди. Кумуш буви унинг кашталарини Қора Ҳожи бозорида сотиб келиб, тушган пулни рўзғорнинг сарф-харажати ва камкўстига ишлатиб турди. Улар хотиржам кун кечираётган эдилар. Муҳиддин полвон бекасининг ишлашини хоҳламай, ўзи рўзғор тебратиш учун Қоракўл станцияси вокзалида юк ташувчи бўлиб ишлай бошлади. У оила даромадини ўша даврдаги кўпчилик оиласаларга нисбатан асло кам қилмаётган бўлса-да, Моҳларойим ўзининг севимли шуғулоти билан шуғуланиб, баҳшидаси билан айрилиқ азобларини енгмоқчи бўлар эди.

Шундай кунларнинг бирида, уларнинг қишлоқларида ҳам колхоз тузилиши бўйича ишлар бошланиб кетди. Кексалар ва болалардан ташқари ҳамма янги тузилаётган колхозда ишлашлари керак эди. Қишлоқда тез-тез йиғилишлар бўлиб, чақириқ шиорлар осиб кўйиб, ҳаммани, шунингдек, аёлларни ҳам колхозда ишлашга даъват қилишарди.

Бошига қизил дуррача боғлаб, инқилобчилар кийимини кийиб олган аёл шундай мажлисларнинг бирида сўзга чиқиб, маъруzasи якунида шундай деди:

- Ишламайдиганлар - тишламайди. Улар ишламасдан бирорвларнинг, яъни ишлаганларнинг орқасидан кун кўрса, билингки, улар халқ душмани ҳисобланадилар! Бундайларга бизнинг орамизда ўрин йўқ!

Унинг маърузасидан кейин раёсат тўрида ўтирган Бухордан келган яна бир фаол ташкилотчи, ўша кунги йиғилиш раиси сифатида мажлисли давом эттириди. У ўрнидан туриб, шундай деди:

- Қани, айтинглар-чи, ораларингда ишлашни хоҳламайдиганлар борми? Бўлса, марҳамат, кўлини кўтарсин! - Ҳеч ким кўлини кўтармади. - Яхши, унда ишлайман, деганлар кўл кўтарсин! - Ҳамма кўл кўтарди. - Яхши, қаршилар, бетарафлар борми? - сўради у. Яна ҳеч ким кўлини кўтармади. -

Жуда яхши. Демак, ҳамма бир овоздан ширкатга аъзо бўлиб ишламоқчи экан. Отингизни ёздириб, рўйхатга қўшилинг, ишлаган ишингизга яраша ҳақ олиб, даромадингизни ошириб боринг, оилангизни, фарзанд-ларингизни ҳалол меҳнатингиз билан боқинг! Яхши ишлаганлар рағбатлантирилиб, исми ҳурмат доскасида ёзиб борилади, нишон ҳам олиши мумкин!

- Ёмон ишлаганларчи? - луқма ташлади ўтирганлардан бири.

- Ёмон ишлаганлар номи қора тахтага - шармандалик тахтасига ёзилади, - деди мажлис раиси.

Кўпчилик ўша куни йиғилишдан кейин, янги тузилаётган рўйхатга ўзларининг исм, фамилияларини ёздириб, ширкатга аъзо бўлишди. Муҳиддин полвон рўйхат тузилаётган стол ёнига бориб, фақат ўзини ёздирган эди, орқасидан Моҳларойим бориб:

- Мени ҳам ёздиринг, - деди.

Полвон унга секингина:

- Ҳали ҳамма аёллар ёзилгани йўқ, бекам, шошилманг. Болаларингиз ҳали ёш, - деди.

- Йўқ, ёздираверинг, ишлай оламан, фарзандларим ҳавфсизлиги учун, уларнинг отаси-онаси кимлигидан одамлар шубҳа қиласликлари учун ҳам кўпчилик қатори ширкатга аъзо бўлишим керак! - деб Моҳларойим унга секингина жавоб берди.

- Майли ихтиёрингиз, нима дердим, балки тўғритир гапингиз.

Ўша куни Муҳиддин полвон ва Моҳларойим иккаласи ҳам, аксарият жиғачиликлар қатори рўйхатга ўз исм-шарифларини ёздириган эдилар. Бир ҳафта ичиде бой-камбағалнинг мулки умумлаштирилиб, ўртоқлик ширкати тузилди. Қишлоқ аминининг уйи мактаб ва идорага айлантирилди. Ҳамма тенг ҳукуқли колхоз аъзоси бўлиб, ишлай бошлади. Муҳиддин полвонга ҳам иш учун вокзалга қатнашига ҳожат қолмади. Кумуш буви нафақа ёшида эканлиги боис уйда Остона ва Мехриддин билан қоладиган, Раҳмонқул мактабга борадиган бўлди. Ширин келин, яъни Моҳларойим, колхоз даласида кечгача ишлаб келиб, уй юмушларини ҳам қиласида.

**ҚОРАКҮЛ МАРКАЗИ. ЗАРАФШОН ДАРЁСИ БҮЙИ.  
1921 ЙИЛ. ФЕВРАЛЬ**

Мұхиддин полвон билан Моҳларойим болаларни олиб, Сурхондарё томонга, Бойсун тоғи этагидан, амир Сайид Олимхон томонга ўтиб олишни режа қилиб йўлга чиқдилар. Моҳларойим Кумуш буви билан хайрлашиш олдидан дуоларини олиб, узоқ йўлга тайёргарлик кўрган эди. Қишлоқдан Қоракўл марказига етиб келишди.

Зарафшон дарёсининг Қоракўл марказидан оқиб ўтувчи бир ирмоғи ўша пайтлар серсув бўлган. Аммо унинг энг серқатнов жойида ҳам кўприк ҳали қурилмаган эди. Ирмоқнинг Охунбобо авлиё зиёратгоҳига яқин жойи, дарёни кечиб ўтишга энг қулай бўлиб, одамлар шу ердан, атиги иккита қайиқчи ёрдамида дарёдан ўта олар эдилар. Бу ерга кўчиб келган икки ёш оиласининг бири косибчилик қилиб, оиласини боқаётган эди. Иккинчиси, дурадгорлик илмини яхши эгаллаган бу Ражаб исмли йигит, терак ғўлаларидан сол ясаган, одамларга қулай бўлиши учун, сол атрофини чиройли чамбаракли қилган эди. Уодамларнинг юкларини дарёдан ўтказиш ҳисобига рўзғор тебратаетган эди. Хизмати учун кимдир пул, кимдир мева ёки сабзавот бериб рози қиласарди. Ўша куни Моҳларойим болалари ва Мұхиддин полвон билан уни солидан фойдаланиб дарёдан ўтадиган бўлишди. Сол эгаси Мұхиддин полвон билан таниш чиқиб қолди.

- Ие, ака, сизмисиз, Мұхиддин полвон ака? - деди.

- Буни қаранглар-а, Ражаб ўтинчи-ку! Бекам, бу йигит, ўзимизда ишлаб, аркда тўй бўлган укаларимиздан, - деди Мұхиддин полвон.

- Ҳа, танидим. Ойсаранинг күёви, Мехрангизни баҳшидаси. Улар яхши юришибдими? Болаларингиз тузукми? Иккаласининг ҳам бир ўғил, бир қизи бор эди, адашмасам. Соғ-саломатмисизлар? - сўрашиб кетди Моҳларойим ҳам.

- Раҳмат, бекам, Худога шукр. Ҳаммамиз соғ-саломатмиз. Ўзингиз саломатмисиз? Қани, солга марҳамат, кейин уйимизга қадам ранжида қиласизлар. Завжам ва опалари сизни кўриб жуда хурсанд бўладилар! - деди кувончини яширолмай солчи Ражаб.

Ражаб улар билан сұхбатлашған ҳолда кечувдан ўтказиб қўйди. Моҳларойим бүгчаси ичидан ўзи тиккан бир жойнамозни олиб:

– Бу солни ясаганингиз таҳсинга лойик. Мен шунинг учун бу жойнамозни совға қилмоқчиман! Касбингиздан барака топинг, ука! Аммо, бу сол ясаш ғоясини қаердан билдингиз? Бундан асосан русияликлар фойдаланган.

Жойнамоз табаррук буюм бўлгани учун Ражаб маликанинг қўлини қайтариб ўтирмади ва ташаккурлар айтиб қабул қиласаркан:

– Ну, жуда қимматбаҳо-ку! Бекам, бунинг қайтимига... – дея хижолат бўлган эди аммо маликанинг унга буни чин дилдан тақдим этаётгани учун бошқа гапирмади, лекин дилида борини яшира олмади. – Амиримдан, бекам бу ғояни амиримдан ўрганган эдим. Мен сизлардан аслида қарздорман! Бизни бошимизни қовуштириб, уйлаб қўйган олижаноб амиримиздан бир умр розиман, – деди Ражаб ва уларни хонадонига таклиф қилди.

– Ҳамро ўғлим, югур, Ойсара холангни чақир! Курбонбой акани ҳам, – деди Ражаб меҳмонларни шундокқина қирғоқ ёнига қурилган янгилиги билиниб турган ҳовлисига бошлаб киаркан. – Азиз меҳмон келибдилар, деб айт! – деди.

Ҳамро холасиникига кетди.

– Онаси, меҳмон келди! – овоз берди Ражаб уйдаги аёлига ва уни кутмай меҳмонлар учун супадаги бўйра устига кўрпачалар ташлаб, ўтиришга таклиф қилди. Эрининг овозини эшитиб чиққан Мехрангиз уларни кўриб хурсанд бўлиб кетди:

– Вой опажоним, қандай яхши-я, сизни кўрадиган кун ҳам бор экан-ку! – деди ва супа чеккасида турган бир курсини олиб келиб: – Бекам, мана бунга ўтира қолинг. Оллоҳга шукур! Сизни яна кўрмоқликни насиб этган Оллоҳга беҳисоб шукур! У шундай деганича, дастурхон учун уйига шошиб кириб кетди. Бу орада ёнига Ойсарабегим ҳам келиб қолганди. Улар ҳам худди опасингиллардек кўришдилар.

Мухиддин полвон Ражабга деди:

– Одамлар ҳожатини чиқариш учун савоб касбни танлабсан, бу ишинг жуда яхши!

- Ҳа, түғри айтдингиз, полвон aka! Қараб турсам, сувдан кечиб ўтиш ҳамма учун муаммо экан. Күприк қуриш учун маблағ керак. Ҳозир замонни кўриб турибсиз, осон эмас. Аркда ўтинчи бўлиб юрганимда биз ишлётган жойга амиримиз келиб қолган эдилар. У киши ёғоч ғўлаларга нигоҳлари тушиб, "Русияда одамлар шундай ғўлаларни бир-бирига боғлаб сол ясар эканлар, атрофига одамлар қўл ушлашлари учун чамбара ясашган. Дарёларнинг асосий кечув жойидан одамларни юклари билан сузиб ўтказиб қўйишни касб қилган кишилар билан сұхбатлашган эдим" деган сўзлари ёдимда эди. Ўшанда у киши бунинг қандай ясалашини ҳам галириб бергандилар. Бир куни ўша воқеани эсладим ва сол ясашга қарор қилдим. Бу ишим ҳозир ҳаммага маъқул. Ҳожатмандларнинг дуоларини айтмайсизми... Божам билан шу ерда пахсадан уй-жой қилдик, кўй-эчкимиз ҳам бор. У арқдаги косибчилигин шу ерда давом эттиряпти. Мана олти ой бўляпти, кўчиб келганимизга. Тириклилигимиз, Худога шукур, ана шундай, кўп қатори ўтяпти...

Сұхбат қизиб, чойнакдаги чойни янгилаб, Ражабнинг аёли ош пиширишни бошлаб юборди. Ражаб солчи мавзууни аркда кечган кунларига бурди:

- Бекам, болаларим аркда туғилганини эсласангиз керак, бизнинг никоҳ тўйииз катта ўғлингизнинг ақиқаси билан бир кунда 1913 йилда бўлган эди. Бир йил ўтиб катта ўғлим Ҳамро, 1918 йилда қизим Ҳосият туғилди, - деди фахрланиб мезбон.

- Ҳа, албатта, ҳаммаси эсимда. Ҳосият Мехриддиндан икки ойдан сўнг туғилган эди. Ойсарабегим, сиз катта ўғлингизга Абдураҳмон деб исм қўйган эдингиз! Қизингиз Маликабонунинг исмини ва ўзингизни исмингизни ўзгартириш керак эди. Чунки ўша куни жаноби қушбеги ҳаммани шошилинч йиғиб, "Аркда яшаганингизни ҳаммадан сир тутинг, исмларингизни ҳам ўзгартиринг" деб тушунтирдилар чоғи, "бу ўзингизни хавфислизингиз учун керак" дедилар менимча. Нима деб исм бердингизлар?

- Ҳа, бекам, унинг исмини Бегимой қўйдик. Маҳалладан келганларга шундай деб ёздирдик. Чунки ўзимга баҳшидангиз қўйган Ойсарабегим исмим жуда ёқаётган эди. Аммо янги ҳукумат, билмадим, нима учундир аркда яшаганларни ушлаб

олиб қийнаётган әмиш. Хазинини суриштиармишми-ей! Ҳаммадан ўша ерда яшаганимизни сир сақлаяпмиз. Шунинг учун исмимни оддийгина Ойсара деб ёздиридим. Исмимнинг ярмини қизимга бердим. Шундан у Бегимой бўлди. Бу исмлар тутинган акам - сизнинг бахшидангиздан "эсадалик" бўлиб қолсин, дедим. Аркда ўтган кунларимиздан розимиз! Бахшидангиздан ҳам, сиздан ҳам асло ёмонлик кўрмадик! - деди Ойсарабегим.

- Раҳмат! Мен ҳам сизларни кўрганимдан хурсандман! Ҳа, аркда яшаганингизни ҳеч кимга айта кўрманг! Ҳатто болалар ҳам бегоналар ёнида гапириб кўймасин, уларга тушунтириб кўйинг! - деди Моҳларойим.

- Албатта, шундай қиляпмиз, опа, - деди Ойсара.

Суҳбат давомида Мехрангиз маликанинг ширин-шакар ўғиллари балан ҳам гаплашиб олди. Остонадан бошқа фарзандларининг исми нима учун ўзгарганини тушунди.

Суҳбат айланиб-айланиб охири амир Олимхонга бориб тақалди.

- Опа, акамдан хабар борми? - деб сўрашди улар.

- Йўқ, ҳозирча бирор хабар эшитмадик. Қишлоқ шўросидан келган рус аёлни гапга солиб кўрдим. Олти ойдан бери бизни кутиб, ҳеч қаерга кетмай жанг қилаётган эканлар, - деди Моҳларойим.

- Унда нега ўзингиз бормаяпсиз? Мана бу болаларни кутялти, десангиз, осонгина акамни ёнига узатиб кўйишар балки? - деди Ойсара.

- Йўқ! Бу уларга айни муддао бўлади-ку! Барча рўйхатдаги 33 хил бойликларни қайтарсанг, аёлинг ва болаларингни берамиз, деб шарт кўйишади! Аслида уйма-уй юриб рўйхатга олиш тагида ҳам, шу масала турибди. Бугун бизни кўрганингизни ҳам ҳеч кимга асло айта кўрманг! Вазият ниҳоятда қалтис! Ўзингиз учун ҳам, биз учун ҳам, асосийси болаларимиз учун бу сирларни қабрга боргунимизча ҳам сир сақлаганимиз маъқул бўлади чоги! Бизку, бахшидам билан хорижга кетишни ният қилиб чиқдик, улдаласак қайтмаймиз, аммо сизлар шу ерда қоляпсиз, ниҳоятда эҳтиёт бўлинг! - деди Моҳларойим.

- Хавотир олманг, опа! Биз ҳеч кимга сизни кўрганимизни айтмаймиз! Аркда яшаганимизни ҳам айтмаслигимиз керак. Болаларимизнинг ҳаёти ҳаммамиз учун ҳам муҳим! Амиримиз билан учрашганингизда, бизни ҳаммамиздан салом айтинг опа! Қани ошдан олинглар! - деди дастурхонга бир лаган ошни олиб келган Мехрангиз. У яқингинада жойлашган ўчоқда ош дамлаётгани учун суҳбат мавзусидан хабардор эди. Унинг сўзларини бошқалар ҳам маъқулладилар.

- Яхши саломингизни ва дурустгина яшаётганингизни етказаман, насиб бўлса учраша олсак.

- У киши Аркдаги ҳаммамиз учун ҳам, энг азиз ва қадрли киши бўлганликларини ҳам айтинг, мени номимдан маликам! Қани ошга марҳамат! - деди мезбон Ражаб.

Биргалиқда ошни баҳам кўришгач:

- Раҳмат! Биз энди бора қолайлик! Йўлимиз олис! Қани, Курбон ака, дуо қилинг, эсон-омон баҳшидам билан кўришмоқлик насиб этсин! - деди Моҳларойим дуога қўлини очиб.

Мезбон чиройли дуойи фотиҳа ўқиди. Дуоси сўнгидаги тилаклари шундай эди:

- Илоҳи омин! Ой бориб, омон келинг! Амиримиз билан учрашиш сизларга насиб этсин. Юртимизда доим тинчлик барқарор бўлсин! Амиримизга яна юртимизга қайтиш баҳти насиб этсин! Фарзандларимиз баҳтли-тахтли бўлишсин! Барчамиз Оллоҳ паноҳида бўлайлик!

Ҳаммалари юзларига фотиҳа тортиб, хайрлашдилар. Мехмонлар олис сафарга отландилар.

### БУХОРО. АРК. 1921 ЙИЛ. 8 МАРТ

Бухоро арки олдидаги майдонда одамлар тирбанд, негадир бугун фақат асосан аёллар тўпланиб олишган. Муҳиддин полвон:

- Маликам, у ёқقا бормайлик, бу жуда хавфлига ўҳшаяпти, - деди.

- Сал яқинроқ борайлик-чи, нега тўпланишган экан.

Улар бир неча қадам юришган эдилар ҳамки аркни таниб қолган Остона кутгилмаганда қичқириб юборди:

– Ойи, ойижон, қаранг, мана бу ерда катта уйимиз, ичкарида дадам борлар! Дада, мен келдим, дада... – у шундай деганча арк дарвозаси томон югуриб кета бошлади. Мұхиддин полвон түрт қадам чопиб бориб, уни ушлаб олди ва күтариб бағрига босди. Яқын-атрофдаги одамларнинг айримлари уларга ҳайрон бўлиб қарадилар. Буни сезган Мұхиддин полвон эса уларга қаратади:

– Боламиз бетоб, алаҳсираяпти, Мен отасиман... – ва Моҳларойимга шивирлаб деди, – қани, бўлинг, бу ердан тезроқ кетайлик

Улар холироқ жойга ўтишгач, Остонани елкасидан туширган полвон унга гапира кетди:

– Ахир отангнинг кимлигини айта кўрма, деб сенга неча марта айтиш керак? Бу ерда яшаганимизни ҳам ҳеч ким билмаслиги керак! Бундай дея кўрма, ҳаммамизни ўлдиришади, индамай турган укангни ҳам, тушундингми? Ҳозир фақат мени дада дегин, – деди ва Моҳларойимдан бу сўzlари учун узр сўради. – Бекам сиз мени кечиринг! Энг ҳавфсиз йўли амиримиз билан учрашиш насиб этгунига қадар болалар мени ота дейишлари керак бўлади чоғи! Тушундингизми, шаҳзодаларим, бугундан бошлаб, мен сизнинг отангизман?

– Ахир сен ақлли, эсли-хушлисан-ку энди. Кимнинг ўғли эканингни сир сақлашинг керак. Ахир ҳаммамизни ўлдириб юборишиади, ҳатто укангни ҳам! Қара, ака-у坎г индамай туришибди-ку! – деди Моҳларойим.

– Мени “дадам” дейишингиз керак бўлади! Оллоҳни ўзи кечирсин! Мен хос соқчингизман, тўғри, лекин отангизни қўлига “сизларни тирик топшираман” деб лафз қилғанман, тушуняпсиз-ми, шаҳзодам!

– Хўп, кечиринглар, бошқа бундай демайман, ҳаммасини тушундим. Лекин айтингларчи, дадам қачон келадилар, уларни қачон кўраман. Ахир дадамни соғиндим! – Остона шундай деб йиғлаб юборди.

– Болам, мен ҳам соғинганман отангизни, лекин отангизни кўришимиз учун, тирик бўлишимиз керак! Бундан кейин ўйлаб гап, хўпми ўғлим? – деди Моҳларойим. Остона, “тушундим” деган маънода бош ирғаб қўйди. У сўзида давом этди. – Аркда дадангизнинг йўқлиги аниқ. У аканг иккингизни олиб

боришимизни тоғли худудда олти ойдан бери күтапти. Шунинг учун тоғли жойларга бориб келяпмиз-ку!

- Ойи, ўша тоғли худудга отам нега акам иккимизни қолдириб кетгандар? Кетаётгандарда бизни ҳам олиб кетсалар бўлар эди-ку? - деб қалтис савол бериб қолди Остона қўққисдан. Моҳларойим ва Муҳиддин полвон бир-бирларига ҳайрон қараб олишиди. Атиги беш яшар бола катталардек мuloҳаза қилиб, уларга савол берадиган эди.

- Йўқ-йўқ, сенга "қизамиқ" касаллиги юқиб, қаттиқ касал бўлиб қолган эдинг ўшанда. Тузалиб кетишинг учун сени табибницида қолдиришга тўғри келди. Биз Муҳиддин амакинг билан акангни Самарқанддан ва сени табибницидан олиб, отангни ёнларига бормоқчи эдик, холос! Афсуски, уруш бўляпти, фалокатга йўлиқмайлик деб тугашини кутдик. Чегарада аскарларни кўрдинг-а, отишмаларни ҳам эшитдинг. Сенга ўқ тегиб қолса, отанга нима деб жавоб бераман! Бу ерлардан кетгунимизча ким сўраса, сизларни мана бу амакингизни болалари дейишимиз керак. Бўлмаса ҳалок бўламиз. Кани, энди кетамиз. - У шундай деб тўнғич ўғлига ўғирилди. - Раҳмонкул, сен ҳам тушундинг, ҳа?

- Ҳа, - деди Раҳмонкул қисқагина қилиб.

Аммо Остона катталарни шунча тушунтиришларига қарамай, қошларини бироз чимириб, хўмрайиб олган эди. Унга соқчи амакини "ота" деб ёлғон гапириши кераклиги барibir ёқмаётган эди.

\* \* \*

Муҳиддин полвон бека ва болаларини бир дўсти, собиқ миршабницига бошлаб борди. Ҳар эҳтимолга кўра, дўстига уларни "аёлим ва болаларим," деб таништириди. Моҳларойимни паранжида юргани, эркаклар бегона аёлларни, айниқса маликаларни умуман кўрмаганликлари сабабли унинг маликалигини билмас эдилар. Миршаб Бухоро аркида бўлмагани учун шаҳзодаларни ҳам танимас эди. Уларни таниб биладиган кишилар бармоқ билан санарли кишилар эдилар. Бу саноқли кишилар ўз амирига садоқати ва болалари билан малика тирик қолишини чиндан истаганлари учун янги ҳукумат вакилларига бир сўз айтишмаган, сотқинлик қилишмаган.

Эртасига бола тинчлангани сабабли улар яна арк томон боришиди. Кеча уерда хотин-қизлар байрами нишонланган, янги ҳукумат Бухоро аёлларига ҳам тенг ҳукуқлилик ваъда қилган экан.

Муҳиддин полвон ва Моҳларойим олдинма-кетин юриб, илгари ўзлари учун қадрли бўлган жойлар кўздан кечирдилар, уларнинг хаёлидан шу онларда нималар кечгалиги уларнинг ўзига ва қодир эгамгагина аён эди. Ҳа, уларнинг бу жой билан боғлиқ эслайдиган хотиралари жуда кўп эди. Моҳларойим Арк ичкарисига қадам қўяр, экан, бу ерга келган илк кунни эслади. Бахшидаси билан кечган бахтли кунларини, фарзанди туғилган, қизларга дарс берган, ҳунар ўргатган хоналарни кўрар экан, булар уни бефарқ, ҳаяжонсиз қолдирад эдими? Асло! Унинг кўзига баъзан ёш келса, баъзида кўзлари севинчдан чақнаради. Бу ерда ўтган қисқа ва бахтли онлари ҳаётининг энг сермазмун дамлари эди! Аммо энди ортга йўл йўқ. Уч фарзандининг келажаги учун яшашда давом этиши, фарзандларининг камолини кўриш учун яхши тарбиялаши зарур. Бунинг учун ҳар лаҳзада ҳаётларига таҳдид қилаётган хатарлардан омон-эсон ўтиб олишлари лозим. Бунга эса вақт, катта сабр-тоқат, матонат, жасорат керак, ақлу заковат керак. Балки бир кун келиб бахшидаси билан учрашиш насиб қилас! Унинг қалбини ана шундай ўйлар қамраб олганди. Шулар ҳақида хаёл сураркан, оҳиста энтикиб қўйди.

Улар аркнинг кунчиқар томонини ҳам томоша қилмоқчи эдилар. Айниқса Остона у ерда отасининг гулзор ёнида хорижлик устага қурдирган фавворачани кўрмоқчи эди. Ўшанда уста ишини тугатгунича, отаси кетгандан кейин ҳам мароқ билан кузатиб турганларини эслади. Ўша куни отасининг топшириғи билан усталар фаввора ёнига янги, устида соябони бор аргимчоқ - саринжоқ ўрнатган эдилар. Остонанинг ўша саринжоқни яна кўргиси келди. Аммо у томонга қизил лента тортилиб, тўсиб қўйилган эди. У тарафга бошқа йўл орқали ўтиш мумкин бўлган ягона икки табақали ўймакор ёғоч эшик ёпиқ экан. Муҳиддин полвон бир посбондан бунинг сабабини сўради:

- Нега бу ерни тўсиб қўйишибди. У тарафни ҳам кўрмоқчи эдик...

- Йўқ, оғайни. У томонга ўтиш мумкин эмас. У ерда уч киши заҳарланиб вафот этган. Яхшиямки, ўша куниёқ бу ерга келган бошлиқ “Бизга бошқа қурбонлар керак эмас” деб портлатиб юборибди. У тарафда томоша қиласидиган нарсани „ам қолмаган, – деди посбон.

- Вафот қиласидиган кишилар кимлар „ам, мабодо танирмидингиз? – сўради бепарволик „ам қизиқишини сездирмай Муҳиддин полвон.

- Мен-ку танимасдим, аммо биладиган кишиларнинг айтишига қараганда у аркка сут келтирувчи бир аёл экан, чунки ёнида қизчаси билан бир челак сут бўлган. Қолган иккитаси ўша куни бу ерга разведка учун кирган қизил аскарлар бўлиб, заҳарланиб вафот этгандар.

- Хўш, улар қандай, нимадан заҳарланишибди? – яна қизиқиб сўради Муҳиддин полвон. Посбон у ёқ, бу ёққа бир қараб олгач, паст овозда давом этди:

- Улардан бири узум еган экан, иккинчиси унга сув ичирмоқчи бўлибди. Энди, оғайни, бу гапни мендан эшитганингизни ҳеч кимга айта кўрманг, нақ ишимдан айриламан.

Остона уларнинг суҳбатини тинглаб турган эди. Полвон амаки ўйлаб туриб яна нимадир демоқчи эди. Посбон:

- Ҳа, нега сўраб қолдингиз, уларни танирмидингиз? – деб сўраб қолди.

- Йўқ, мен узоқ қишлоқдан бўлсам, қаердан танийман. Лекин бечораларга жабр бўлибди, – деди. Улар соқчидан узоқлашдилар

Моҳларойим негадир шу лаҳзаларда арқда кишиларнинг заҳарланиб ўлиши ҳақида ўйлаб кўрди. Уч кишининг вафоти ошхона билан боғлиқ. Хўш, бу ишни ким қиласидиган бўлиши мумкин? Энг охирида Мастира канизак аравага чиққан эди. Мастира Зарифабонунинг канизаги. Бунинг устига Остона ва Хадичанинг тўсатдан касал бўлиб қолгани-чи? Зарифабонунинг буйруғи билан Мастира канизак бир бемор болани ташқаридан олиб келгани ва буларга қўшиб қўйгани бекорга бўлмагани сабабини англағандай бўлди. У Остонадан сўради:

- Остона сен касал бўлишингдан аввал Хадича билан ўйнаб турганингда бир бола сизларнинг ёнингизга келган эдими?

- Ҳа, ойи келган эди. Турсунбой исмли бола келган эди. Унинг синглиси бир кун аввал ўлган экан. Сарой табибига бир баққол даволатгани келтирган экан.

Ўша кунларда Маствуранинг таниши Қобил баққол тўс-тўполонда аллақандай шиша идиш олиб келганини тўсатдан кўриб қолгани Моҳларойимнинг кўз олдига келди. Шуларни ўйлар экан, болаларнинг касалланиши тасодифий эмас, балки атайлаб қилинганини тахмин қилди. Бу фикрларга Муҳиддин соқчи ҳам кўшилди.

- Бекам, хўп десангиз, ҳозир миршабникига борайлик. Эрта ҳалиги баққолни суриштираман. Ҳа, айтгандай, ўша кунлари Гулсарабегимникига дуохон хотин ҳам серқатнов бўлган эди. Бир эслаб кўринг!

- Эсладим. Канизагим менга: "мазаси йўқ экан, кинначи чақиртирибди", деган эди ўшанда, - деди Моҳларойим.

Муҳиддин полвон уларни яна ошнасиникига бошлаб борди. Эртасига Қобил баққолни суриштирди. Аркнинг шарқий қисми портлатилганда тепадан ғишт, болорлар тушиб, унинг уйи ҳам вайрон бўлган эди. У нариги маҳалладан бир уйни, аввалига ижарада туриб, сўнг ўша уйни сотиб олган экан. Муҳиддин полвон уни бозордан топиб, одамлар олдида индамади. Савдосини тугатишини пойлаб туриб, ортидан борди ва бир холироқ жойда ёқасидан бўғиб олиб, шонасини деворга бир уриб, бўйнига пичоқтираганда, унинг ранг-кути ўчиб қолди.

- Маствара канизак ҳақида, нималарни биласан, ҳаммасини айт. У билан алоқанг борлигини яхши билардим. Аркнинг портлатилишига ўша сен унга топиб берган заҳар сабаб бўлган. Унга хуфиёна бир шиша идиш берганингни ўз кўзим билан кўрганман.

- Ака, деворнинг ҳам қулоғи бор, - деди хириллаб паст овозда баққол. - Уйим шу яқин жойда, юринг, ҳаммасини бир бошидан гапириб бераман.

Улар боққолнинг уйига келдилар. Боққол уни кичикроқ хонага бошлаб кирди. Полвон сандалнинг ёнига чўккалади. Уй эгаси патнисда чой, ширинлик олиб кирди. Баққол ҳикоясини бошлади:

- Маствара билан бир қишлоқда катта бўлганмиз, Гаждумакда. Уни севар эдим. Отамнинг катта боғи бўларди.

Пишиқчилик палласи у ҳам қишлоқнинг бошқа қизлари қаторида боғдаги юмушларга қарабиб, хизматига яраша пул оларди. Отаси каноп савдоси билан шуғулланарди. Қандайдир фирибгарлар кунларнинг бирида бор канопларини насияга олиб, қайтиб кўринмайдилар. Каноп етиштирувчилар ҳам маҳсулотни насияга берганлари сабабли Мастиуранинг отаси улар олдида мулзам бўлиб қолган. Аммо канопчилар пулларини ундан ололмасликларига кўзлари етгач қозига арз қилишган.

Боққол Муҳиддинга бўлган воқеаларни бирма-бир айтиб берди.

– Унга нега уйланмадингиз? Ҳамма озод қилиганда уни нега хорижга кетиш фикридан қайтармадингиз? – сўради Муҳиддин полвон.

– Ростини айтсам, ўзи хоҳламади. “Мен сизга энди муносиб эмасман. Бошқа қизга уйланинг, қачондир менга таъна қилишингизни хоҳламайман”, деб кўнмади. У, “мени амирнинг хос хонасига киритишган эдилар. Аммо амиримиз менга қўл теккизган эмаслар. Ўшанда эрталабгача йиғлаганман, “шунчалик хунукманми?” деб. Агар ўша мулоғимнинг тӯшагида эмас, балки амирнинг хос хонасида тунаган бўлсан, сизга турмушга чиқсан бўлар эдим. Чунки унда сиз таъна қилсангиз ҳам менга оғир ботмас эди. Лекин ҳозирги вазиятда мен айборман. Мен аввал ўзимни ўзим кечиришим керак”, деб мен билан қолмади. У мағрур қиз эди. Ўз фикрига эга, айтганидан қайтариш қийин эди. Аммо мен шу ёмон қизни севар эдим! Амир карвони изидан бир қанча жойларга бордим. Мени кўрди, аммо ёнимга келмади. Кейин эшитсан, отаси Афғонистонда экан. Демак, отасини уйига олиб келмоқчи ҳам бўлган. Қанча керак бўлса, шунча кутаман уни, ҳатто бир умр кутаман! Энди сиз менинг саволимга жавоб беринг-чи! Сиз ҳам бирорни шундай сева олар эдингизми? – сўради Қобил боққол.

Бу қўқисдан берилган саволни кутмаган сухбатдоши:

– Билмадим! Менимча... йўқ! – деди бироз ўнғайсиз ҳолатда.

Қани, дастурхонга қаранг, ака, мусалласдан олинг! Олаверинг, бу мусаллас ўзингизнинг Қоракўлдаги генерал Анненковнинг вино завудида тайёрланган. Завудда ишловчи Жохадзе деган гуржи танишим келтриб берган. Дардимни озгина бўлса ҳам унтиш учун шу бир пиёла мусаллас менга етарли! Бу сабил

қолтурга асло ружу қўйиб бўлмайди. Одамнинг хаёлини пароканда, дилини маҳзун, жисмини абгор қилади! Ози – даво, кўпи – бало деб бекорга айтмаганлар, – деб мезбон ўзига ва меҳмонга бир пиёладан мусаллас қўиди.

– Ҳа! Шароб кўза ичида жим туради, одамнинг ичига кирса, уни ҳар кўйга солади. Дарвоқе, кўза дегандек...

Муҳиддин полвон Маствура канизак, заҳар воқеаси, унинг қандай аркка олиб кирилгани, бемор бола ва унинг онаси ҳақида сўраганида, боққол барчасини ипидан игнасигача гапириб берди.

– Ўша бемор бемор болани Маствура, сарой табибиға даволатиб бергани учун онаси ҳалигача менга раҳмат айтади, – деб сўзини тугатди Қобил баққол

Муҳиддин полвон унга ўзи билган ҳақиқатларни, у севган қиз бу илтимослари билан, яна нималар қилганини айтмоқчи эди-ю, ўзи шундоқ ҳам хафа бу ошиқ йигитни яна хафа қилишдан андиша қилиб, тилини тийди. У билан хайрлашиб, собиқ миршаб дўстиникига йўл олди. Моҳларойим уларникоида уч боласи билан аёл мезбоннинг ҳикоясини тинглаб ўтирган эди.

– Амирнинг катта бир амалдорига қўшни эдик. Бахшидам миршаб, мен эса амалдорникоида хизматчи эдим. Олти нафар фарзандимиз бор. Амиримиз кетгандаридан кейин у амалдор ҳам оиласи билан Фарангистон тарафларга кетиб қолдилар. Уйлари ҳозир мактабга айлантирилган. Иш сўраб, ўша мактабга борган эдим, фаррошликка ишга олишди.

– Билмайсизми, ҳозир сиз айтган амалдор Фарангистоннинг қайси шаҳрида экан? – сўради Моҳларойим.

– Париж деган жойда эмишлар. Бу гапларни сизни ўзимга яқин билиб айтияман. Сир бўлсин, илтимос, сиз ҳам ҳеч кимга айта кўрманг. Оиласини ва бойликларини олиб, вақтида кўчиб кетгандилиги тўғри бўлган. Мен сизга айтсан, амиримиз жуда ақлли, мулоҳазали киши бўлганлар! – деди.

– Нега бундай фикрга келгансиз? – сўради Моҳларойим.

– У киши ҳозирги бўлаётган воқеаларни олдиндан сезиб билганлар! Урушнинг олдини олмоқчи ҳам бўлганлар! Аммо қизиллар хазина илинжида, аскарларимиз уларни қувиш илинжида, хуллас барибир уруш бўляпти...

Уларнинг сухбати Муҳиддин полвон кириб келиши билан бўлиниб қолди. У Моҳларойимга:

- Энди уйга кетсак ҳам бўлади, - деди. Моҳларойим болаларини кийинтириб, йўлга ҳозирланди.

Улар Қоракўлдаги Охунбобо қабристони ёнига келиб, аравадан тушдилар. Дарёни ўша кунги Ражаб ўтинчининг кўлбона солида кечиб ўтмоқчи бўлишди. Ражаб ўтинчи кўринмасди. Кичик бир қайиқ эгаси қирғоқда мижоз кутаётган эди.

- Бу ерда Ражаб ўтинчи бўларди. Нега кўринмаяпти? - сўради Муҳиддин полвон.

- Ҳа, бўларди Ражаб исмли бир йигит. Кўшнисининг айтишича, нимадир фалокат юз бериб, аёли билан иккаласи сувга чўкиб кетибди. Оллоҳ раҳматига олсин уларни!

- Болалари-чи? Уларнинг икки фарзанди бор эди-я? - афсус билан деди Моҳларойим.

- Билмадим. Кўшниси Қурбон косибдан сўраб кўринг-чи, балки улар билишар! - деди қайиқ эгаси. Унга мижоз келиб, қайиғи томон кетди.

Моҳларойимни болаларнинг тақдиди ўйлатиб кўйди. Уларнинг ҳовлисига боришди. Ҳеч ким йўқ эди. Тандирхона тарафга ўтиб қаради. Шунда у ногаҳон ўша куни ўзи Ражабга берган жойнамозни сол чамбарасига боғлаб қўйганидаги панжаранинг бежирим ўймакори нақшлари ёдида қолган эди. Ўтинлар ёнида бўлакланган сол ёғочлари орасида нақшли бўлакларни кўриб дарров таниди.

- Улар сувда оқиб кетишмаган. Мана, солнинг болта билан чопилган бўлаклари! Нима бўлганини Ойсарадан сўраймиз! - деди Моҳларойим Муҳиддин полвонга.

- Юринг, бўлмаса, - деди Муҳиддин полвон.

Улар қўшни ҳовлисига бориша, Қурбон косиб ковуш тикиб ўтирган эди. Ҳовлида тўртта бола ўйнаб юрар, иккитаси Ойсаранини, иккитаси Мехрангизники эди.

- Ие! Марҳамат, келинглар меҳмонлар. Бекам ва Муҳиддин полвон-ку!, - деди уларнинг ҳовлига киргандарини кўриб қолган косиб. - Бегимой, чой олиб келинг онаси. Меҳмон келди. У аёлини, одатга кўра, қизининг исми билан чақирган эди. Ўзи меҳмонларга кўрпача ёзди, ўтиришга таклиф қилди.

Ойсарабегим дастурхон, чойнак-пиёла олиб чиқди.

- Қани, илоҳи омин! Қадам етди, бало келмасин! Хуш кўрдик. Эсон-омон сафардан қайтдингизми? Амиримизни-чи? Кўришиб билдингизми? – сўради Курбон косиб.

- Худога шукур, раҳмат! Ўзларингиз саломатмисизлар? Амиримизнинг, афсуски, даракларини тополмадик. Болалар яхшими?

Улар ўзаро ҳол-аҳвол сўрашгач, полвон асосий гапга ўтди.

Ражаб ўтинчи ҳақида қайиқчининг гаплари ва унинг уйида кўрганларини Муҳиддин полвондан эшигтан Курбон косиб ва Ойсарабегим бир-бирларига маъноли қараб кўйишиди. Орага жимлик чўкди. Ниҳоят Ойсарабегим эрига:

- Ростини бекамга айтмасак, кимга айтамиз, бахшидам, – деди. Унинг кўзларига ёш келди. Курбон косиб уч кундан бери ҳеч кимга айта олмаётган ҳақиқатни бекасига айта бошлади:

- Ҳа-а, бекам! Асти сўраманг, фалокат юз берди! Бу воқеага уч кун бўлди. Ражаб божам ўша куни солда бир одамни дарёдан ўtkазиб кўйибди. У бошига оврупоча олифта кийинглан, кўй-эчки етаклаган бир киши экан. У ўсмоқчилаб, сол ҳақида суриштириби, қандай ясалганини сўрабди. Божам оқкўнгил эмасми, амиримиз исмларини тилга олиб, ғояни у кишини фикри бўлганлигини фахрланиб айтиб, аркда яшаганини билдириб кўйибди.

Ўша кеча тунда, уни олиб кетишга қора кийимли одамлар келишган. Мехрангиз шошилиб, болаларини бизникига олиб чиқди. “Эrimга мендан бошқа ким ҳам ёрдам берар эди. Уни кутқараман” деб ўзи ҳам улар билан кетди. Бормагин, дейишимизга кўнмади. У: “Эрталабгача қайтмасак, болаларимизга ва сўраган одамларга, “сувга чўкиб кетишди”, деб айтинглар, токи бошқалар фарзандларимизни “халқ душмаларининг болалари” деб камситмасинлар”, деб илтимос қилди. Уч кундан бери улардан дарак йўқ. Тирикми-ўликми улар, билмаймиз, – деди Курбон косиб.

- Опа! Осмон баланд, ер қаттиқ! Дардимникимга айтай! Ҳеч бўлмаса, синглим кетмасайди! Хўл-куруқ баравар ёнаётганини ўз кўзи билан кўриб турибди-ку. Бизнинг чекка Қоракўлда ҳам амирнинг хазинасини топиш учун кекса-ю ёшни аёвсиз сўроқ қилишялти. Амирга дахли одам борки, сўроққа тортилган,

айримларини отиб ҳам ташлашибди. Фарзандларига “халқ душмани болалари” деган айнома қўйиб, сазойи қилишмоқда. Онажон, синглум билан күёвимнинг нима айби бор эди? Бу гўдакларни қандай асраб, қандай катта қиласман? – деб Ойсарабегим йиғлаб юборди.

– Кўйинг, йиғламанг Ойсарабегим! Чиқмаган жондан умид бор деганлар. Улар балки ҳали тирикдир. Синглингиз баҳшидасини кутқара оламан деб ўйлаган. Илоё тирик бўлсин, болалари бағрига омон қайтсан! – деди Моҳларойим.

– Опа, бу сирни ҳеч ким эшитмасин, айниқса болалари билмаслиги керак, бу ҳақиқатни. Бу синглимнинг охирги сўзлари эди. Ким билади, балки бу унинг сўнгги сўзлари, яъни васиятидир!

– Ҳа, албатта бу сир сирлигича қолади. Ҳеч кимга ишониб бўлмайди. “Болаларимизни асренимиз учун аркда яшаганимизни ҳам сир саклашимиз керак” деган эдим-ку, сизларга атиги бир нечка кун олдин! – деди Моҳларойим.

Улар бир муддат жим бўлиб қолишли. Мехрангизнинг қизи Хосият онасини соғингани учунми, Моҳларойимнинг ёнига келди. Моҳларойим уни тиззасига олиб, қўлига шириллик тутқазди.

– Курбонбой дўстим, Ражабнинг болалари билан қийналиб қолмайсизми? Балки болалардан бирортасини биз олганимиз маъқулдир? – истиҳола билан сўради Муҳиддин полвон Моҳларойимнинг ёнига келган қизалоққа қараб.

– Йўқ, Ака-сингилни бир-биридан айирмайлик! Ўзи отоналаридан бир кунда айрилиб қолишли. Балки улар тирикдир! Бир куни эшиқдан кириб келишса, болаларини ўзларига соғсаломат топширганим тузук. Нима бўлганда ҳам уларни ўз уйлари ёнида, ўз болаларимиздек катта қиласверганимиз маъқул. Шундаймасми, Ойсаракон, сиз нима дейсиз? – деди Курбон косиб меҳмонларга чой узатаётган аёлига.

– Тўғри, гапингизда жон бор! Бу кўргиликлар ҳам бизга Оллоҳнинг бир синовидир! Нима бўлганда ҳам, болаларни ўзимиз тарбия қиласханимиз тузук бўлади, деди аёли ҳам.

Улар анчагача суҳбатлашиб, кечки овқат вақти ҳам бўлди. Овқатдан сўнг суҳбат билан тунни ярим қилдилар.

Эртасига Моҳларойим болалари ва Муҳиддин полвон билан бир қайиқчига кира ҳақи тўлаб, сувдан кечиб ўтиб, Муҳиддин полвоннинг онаси Кумуш бувининг уйига қетишиди.

### **1925 ЙИЛ ҚОРАҚҮЛ МУҲИДДИН ПОЛВОННИНГ УЙИ**

Янги мактабга бораётган Остонанинг боши ёрилиб, қон оқиб, чап кўзи шишиб, кўкариб келди. Моҳларойим боласини кўриб, додлаб юборди. Хўл латта билан бошидан оқаётган қонни тўхтатиб, бошини боғлади. Муҳиддин полвон Остонадан ким буни қилганини сўраб билгани учун, ўша болани қидириб аввал мактабга, тополмаса уйига бормоқчи эди, Кумуш буви:

- Ҳай-ҳай, ўғлим, шошма, ўзингни қўлга ол. “Бола уришганда, катта аралашмайди”, деган гап бор. Бориб бирор балони кўзғама, тагин. Боланинг отаси сенинг бу важоҳатингни кўриб, боласини ўсал қилиб қўйиши мумкин. Ўтири-чи, аввал ўзидан жанжал сабабини сўраб билайлик, нима бўлган экан? – дея ўғлини ҳовуридан тушириди.

Кумуш буви Остонадан ҳамма нарсни батафсил билиб олмоқчи бўлди.

- Синфдошимиз Замонали мақтаниб, синфда ҳеч кимни менсимай қўйган. Унга, “мақтанма, отам амир бўлган, мақтанчоқлик – ёмон иллат”, деганлар дедим. У масҳаралаб, “отам амир бўлган” дединг-ми? Полвон отанг амир эмас, унинг “гумашта”си бўлган-ку? Ёки сенинг отанг иккита бўлган-ми?” деди. Жаҳлим чиқиб, уни итариб юбордим. Сўнг у ўтириғини кўтариб бошимга урди. Ёқалашиб кетдик. Ўқитувчимиз келиб ажратиб қўйди. Алам қилгани, раиснинг ўғли бўлгани учун ўқитувчимиз унинг ёнини олди. Адолатсизлик бўлди! Амир отам шу ерда бўлганларида, бундай бўлмас эди! – деди-ю Остона йиғлаб юборди.

Катталар унга тасалли бериб овутишди. Эртасига Остона мактабга бормади. Катталар ҳам “соғайганингдан кейин борарсан”, деб мактабга боришга мажбур қилмадилар.

Қишлоқдаги аввалги катта ер эгаси Холиқбойнинг экинзорлари, мол-мулки мусодара қилиниб, оиласи билан бадарға қилинган эди. Ҳовлиси эса мактабга айлантирил-ганди. Холиқбойнинг ёнида унга лаганбардорлик қилиб, оғир ишлардан қочиб юрган Зафарали айни вақтда ширкатга шўргага

раис бўлиб олган эди. У амалга миниши билан кечагина ўзига овоз берган одамларни менсимай, фақат иш талаб қила бошлади. Одамлар ундан норози бўла бошлаган эдилар. Улардан бири унинг ўғли Замоналини йўлда учратиб, шундай деди:

– Ҳа-а, Холиқбойнинг гумаштаси – Зафаралининг ўғли, мактабга кетяпсанми? – деб, отасининг аламини ўглидан олади. “Гумашта” сўзининг маъносини тушунмаган Замонали синфдошлари ёнида ўқитувчидан сўраб қолди. Ўқитувчидан бу сўзининг маъносини билган болалар Замоналини калака қиласадилар.

Остона синфда билимли ва болалар ўртасида обрўли ўқувчи эди. Ўқитувчиси ва синфдошлари Замоналини эмас, Остонани синфбоши қилиб сайлаган эдилар. Шундан бери Замоналининг алами ичидаги эди. Кеча ўз дўстлари унга бу сўзни айтиб, калака қилишганида у бир баҳона билан, энди у бу сўзни Остонага нисбатан айтиб юборган эди...

Ўша жанжалнинг эртасига, тушликдан кейин Остонанинг ўқитувчиси Кумуш бувининг уйига келди. Ёнида қора кийимли, сипо кийинган, жиддий қиёфали, давлат идораларида ишлайдиган иккита шаҳарлик ҳам бор эди.

– Кумуш буви, бу кишилар юқоридан келишибди, Остонани сўроқ қилишар эмиш! – деди муаллим.

– Нима? – деди Кумуш буви. Ўқитувчининг гапидан Кумуш бувининг жаҳли чиққан эди. – Қачондан бери бола сўроқ қиласадиган замон келибди. Аввал сенлар мени сўроқларимга жавоб беринглар-чи? Хўш, сенларни бошлиқларинг нима деб узатди? Сенларга болалар ўртасидаги арзимас жанжал хабарини ким берди?

Кумуш бувининг бу гапидан сўнг ўқитувчи жим бўлиб қолди. Шунда нотаниш одамлардан бири гап очиб қолди:

– Буви, биз давлат иши билан юрган одамлармиз, мана, қўлимизда қофозлармиз бор. Кишлогингиздан Зафарали Сўфиевдан арзнома тушган. Кулоқ солинг, ўқиб бераман. Эшитинг: “Бизнинг қишлоғимизда шахси аниқланмаган бир бола бор, отаси Муҳиддин полвонми ёки амир Олимхонми, билмадик. Илтимос, шунга аниқлик киритиб берсангизлар, балки унинг онаси амирнинг чегарадан ўтолмай қолиб кетган жорияларидан биридир. Агар шундай бўлса, уларни оиласи

билан бадарға қилиш керак. Бизнинг қишлоғимизга халқ душмани ёки шахси аниқланмаган шубҳали шахслар керак эмас!" деб ёзилган. Мана, ўзларингиз ҳам ўқиб кўришингиз мумкин. Бу "юмалоқ"хат эмас. Арзномани ёзган киши арзномасида ўз исм-шариfinи аниқ кўрсатибди. Нотаниш киши унинг исмини тилга олди.

- Нима? Нима дедингиз? Ана холос. "Ичингдан чиқсан балога қайга борай даъвога" бўлибди-ку. Бу, Зафарали деган илонни кўйнимизда асраб юрган эканмиз, билмабмиз-да-а? - деди Кумуш буви. - Унда эшитинглар. Ҳаммасини бошидан бошлаб, айтиб бераман, ўзингиз хулоса чиқарип оласизлар, - деди Кумуш буви Зафаралининг асли кимлигини гапириб бера бошлади:

- Зафарали ўн йилча аввал қишлоғимизга келганида ҳеч нимаси йўқ эди. Қишлоқ одамлари, обрўли онахонимиз, сенга ёрдам берадилар, деб менга рўпара қилишганди ўшанда. У менга, шу қишлоқда оила қуриб яшамоқчиман, деб ёлворганди. Раҳмим келиб, Холиқбойнинг олдига олиб бориб:

- Яхши одамга ўхшайди, иш бериб кўринг-чи, бирор нуқсонини сезсангиз, келган жойига яна қайтариб юборарсиз! - деган эдим. Болалигида Холиқбойнинг энагаси бўлганим учун у менинг бирор илтимосимни ерда қолдирмас эди. Зафарали тез орада бойнинг кўнглини топиб, унинг энг яқин ёрдамчисига айланиб олди. Ҳашар йўли билан пахсадан Зафаралига уй қилиб бердик, қишлоқнинг яхши бир қизига уйлаб ҳам қўйдик. Ҳатто раисликка номзодини кўйса, унга ишониб, мажлисда уни ёқлаганмиз. Энди бу кун унинг ўғли набирамнинг уриб бошини ёргани етмагандек, муштдай бола устидан арз ҳам қилибдими? Уни худо олсин! У раисликка нолойик! Мажлис чақириб, номзодини қайта қўриб чиқиши қишлоқ аҳлига айтаман. Бу найрангбоз, одамларни ишончини суистеъмол қилиб, маишатбозликка бериляпти, унинг ўзи айбга ботиб ётибди. Сиз ҳам ёзинг, мен кафолот бериб кўл қўяман. Бир текшириш келсин-да, ҳақиқат қарор топсин!" - деди буви.

- Энди, буви бу масалада келмаган бўлсак-да, албатта ҳақиқатни аниқлаш учун раиснинг ишларини тафтиш қилдирамиз. Лекин биз ҳозир боланинг ва сизларнинг ҳужжатларингизни кўришимиз керак!

- Майли, болам, - деди ва келинига хужжатларни олиб чиқиши буюрди. -Бизнинг хужжатларимиз ҳаммаси жойида, - деди келини олиб чиқсан қоғозларни улардан бирига узатаркан Кумуш буви.

Вазият жиддий тус олаётганидан хавотирланган Моҳларойим кўпни кўрган Кумуш буви ҳаммасини рисоладагидай уddyалай олганидан мамнун бўлди. Текширувчилар қоғозларни синчиклаб кўриб чиқдилар. Сўнг улардан бири:

- Ҳаммаси жойида. Лекин ўғлингиз билан келинингизнинг эр хотин эканлиги ҳақида хужжат йўқ-ку? Болаларнинг хужжатлари 1921 йилдаги хужжатлар, ўзларингизники ҳам. Ундан аввалгиси, эскилари йўқ-ми? Масалан, тугилган вақтдагилари, агар бўлса, мен уларни ҳам ҳозир ёзиладиган далолатномамизга киритар эдим, - деб қолди.

- Сен бола, янги хукумат берган қоғоз қониқтирмайди. Эски амирлик вақтидаги хужжатлар ишончли, демоқчимисан? Янги хужжат берилганда, ўз-ўзидан эскисининг аҳамияти йўқолади-ку! Сен ўз хукуматингга ўзинг қарши чиқмоқчимисан? Тегишли жойга бу ҳақда айтсам, ҳолинг вой бўлади, тушундингми? Ҳозир ҳеч кимда бундай хужжат йўқ. Энди эр хотинлик ҳақидаги хужжат масаласига келсак, тўғри, янги тузилаётган оиласларга шундай хужжат берилаётганидан ҳабаримиз бор. Аммо эскидан оиласлар фақат никоҳ ўқитилиб тузилган.

- Буви, агар шунаقا бўлса, эртага кишлоқ шўроси идорасига бориб, ўғлингиз ва келинингиз ариза бериб, никоҳ хужжати олишсин, муаммолар бўлмаслиги учун уларга бундай хужжат кейин ҳам керак бўлади, - деди тиеширувчилардан бири. Улар шундай деб чиқиб кетишиди.

Кумуш буви бундай хужжат олишга ўғлини ҳам, Моҳларойимни ҳам кўндириб бўлмаслигини биларди. Моҳларойим уйига фарзандлари билан келмасдан аввал ҳам ўғлини уйланишга кўндиromoқчи бўлган, аммо у рози бўлмаган эди. Муҳиддин полвон ўз ҳаётининг асосий мақсади - ўз хожаси бўлмиш амирга берган лафзи боис болалар ва Моҳларойимга хос соқчилик қилиб, уларни эсон-омон эгасига топшириш эди. Кумуш буви ўғлини Моҳларойимга ёки бошқага уйланишга мажбур қила олмаслигини тушунганди. У ёлғиз ўғлига бу

ҳақида гапирганида, Мұхиддин полвон Моҳларойимни болалари билан олиб кетиб қолиши, бошқа жойда яшаши мүмкінлегини айтган әди. Кумуш буви шуларни күп ўйлади. Эртасига ўғли ва Моҳларойим бу ёлғон ҳужжатни олишмаса, яна шундай муаммолар чиқиши мүмкін, ҳужжатни олинглар, деса, Моҳларойим ва болаларидан ташқари ўз ўғлидан ҳам ажраб қолиши мүмкін. Кечки овқат маҳали у ўғли ва маликани яхши билгани сабабли шундай деди:

– Болаларим, бу қишлоқдан кетишимизга түғри келади, – деди.

– Нима учун, она? – сұради Мұхиддин.

– Нега бўларди? Бояги келганлар айтган ҳужжатни барибир сизлар олиш учун идорага бормайсиз. Зафарали ҳали күп текширишларни ташкил қилиши мүмкін. Яхиси, ўзимиз кетамиз бу ерлардан! Болалар амирники эканлиги ҳақида арқда ҳужжатлар топилиб қолмайдими, ишқилиб? Ҳалиги қора кийимлиларнинг важоҳатига қараганда, улар арқдан ҳам ҳужжатларни излашса керак-ов, – деди Кумуш буви.

– Йўқ, ойбувижон. Арқдан кетадиган кунимиз ҳамма хавфсизлик чораларини кўрган әдик. Барча ҳужжатлар арк новойхонаси тандирида куйдирилди. Фазнадаги, амирнинг хонаси, қушбегилар, миразалар, рассомхона, устахона, ҳатто табиҳонадаги ҳужжатлар ҳам бўйрага ўраб куйдири-лишида ўзим бош бўлган әдим, – деди ўғли.

– Амирим мактубларида: "фарзандларимизни Қоракўлда катта қиласверинг", деган әдилар, Қоракўлдан бошқа жойда яшасак, бизни амирим излашда қийналиб қоладилар, мен болалар билан узоқроққа кета олмайман, – деди Моҳларойим.

– Майли, албатта. Сен эртага марказга бориб, темир йўл станцияси атрофидан сотиладиган уй излаб кўргин! Топилмаса, ижарага берадигани бордир. Уч хонали, ҳеч бўлмаса икки хонали бўлсин. Мен болалар ва Моҳларойим вақтингча бир хонада яшшимизга түғри келса ҳам майли, ҳечқиси йўқ! Сенга ҳозиргидек алоҳида хона керак бўлади. Ишинг битгач, бир аравани кира қилиб, олиб кел. Кўчиб кетамиз. Мен унгача уйни яхшироқ нархда сотиб оладиган харидор излайман. Моҳларойим, сиз кўчиш учун, уй жиҳозлари ва буюмларни йигиб ҳозирлаб кўйинг! – деди.

Эртасига тонгдан Мұхиддин полвон уй излагани, Кумуш буви үйларига харидор излагани кетиши. Раҳмонқулни мактабга узатган Моҳларойим күчиш учун рўзғор буюмларини ийғиштира бошлади.

Қўшнилардан Кумуш бувининг ҳовлисини сотиб оладиган талабгор топилмади. Тўғрироғи, олмоқчи бўлганлари билан ҳовли сотиб олгудек пуллари йўқ эди. Ҳовлини энг баландроқ нарҳда фақат раис Зафарали олмоқчи эканлиги маълум бўлгач, Кумуш буви иложсизликдин унга ҳовлисини сотишга мажбур бўлди.

Тушлиқдан кейин, Мұхиддин полвон олиб келган аравага кўч-кўронни ортишиб, ўша аравада янги уйга равона бўлиши. Улар аравада кетиб борар эканлар, нафақат катталар, балки болалар ҳам маъюс бўлиб қолган эдилар.

Раҳмонқул укасига:

- Ҳаммаси сени деб бўлди! Синфдошинг билан уришмаганингда кўчиб кетмаган бўлар эдик. Энди яхши бўлдими, сен учадиган аргимчоқда энди ўша жўранг мазза қилиб учадиган бўлди, – деди болаларча соддалик билан.

- Ойи, унга қаранг! Замонали полвон амакимни амир отамнинг “гумаштаси” бўлган деса, индамай туришим керак эдими? Ахир ундей бўлмаган-ку! Улар отам билан юиродар бўлганлар! Сен Самарқандда эдинг, билмаслигинг мумкин, мен билардим. Сени янги қурилган минорадан ҳам билсанг, шу амаким ҳаммадан олдин чикиб кутқариб олганлар! – деди Остона.

- Болалар, тинчланинг, aka-ука асло тортишманглар! Янги ҳовлимиз ҳам унчалик ёмон эмас. Мен сизларга яна баланд учиралигани аргимчоқ ясад бераман! – деди Мұхиддин полвон. Моҳларойим анчагина улғайиб қолган болалари Мұхиддин полвон билан дўстларча суҳбатлашиб кетишаётгани учун уларни суҳбатига аралашмай кўя қолди. Ҳозир ўғли янги қурилган минора ҳақида гапирганида унинг эсига ўша кун келди. Ўзи бош яланг, баҳшидаси оёқ яланг минора томонга юргургандарини эслади. Мұхиддин полвон Улуғбекни унга, ўзи эса баҳшидасига берганини эслаб, жилмайиб қўйди. У яна ўйга толди. Ҳозир дарбадарликда баҳшидасининг аҳволи нима кечеётган экан? Мана ўз юртида болалари билан бир жойдан

иккинчи жойга кўчиб юришларига тўғри келяпти. Ўзга юртда, мусофирикда бахшидасига ҳам, барча яқинлари ва ватандошларига ҳам яшаш осон бўлмаётгандир. Моҳларойим ички туйғулари билан шуни ҳис қилиб, бахшидаси ҳақида қайғураётган эди. Шунингдек, соғинч, ҳғижрон дамларини қачон дийдор қувончлари эгаллаши, қачон яна Оллоҳ бахшидаси билан кўришмоқликни насиб этиши унинг бутун хаёлини асир этганди...

Катталар болаларни ҳимоя қилиш учун, яшаш жойларини ўзгартириш кераклигини тушунган эдилар. Кумуш буви учун шунча йиллик умри ўтган уйини, қишлоғини, ҳамқишлоқларини тарқ этиб кетиш осон эмас эди. Лекин, унинг ўзи шу қарорга келган эди. Моҳларойим ва болаларига у ҳам боғланиб қолган, уларни ўз келини ва набираларидек кўраётган эди. Энди уларнинг ташвиши бувининг ҳам ғам- ташвиши бўлиб қолган эди.

Муҳиддин полвон учун болалиги ўтган ҳовлиси қадрли бўлса ҳам Моҳларойимни ва унинг болаларини ҳимоя қилиш унинг асосий мақсади эди.

Моҳларойим бахшидасини шу кунларда кўп ўйлаётганича бор эди. Айни вақтда уларга ҳам қийин бўлган. Ҳар йили янгидан ҳужжат олишлари керак бўлиб, улар ҳам бир неча марта, яшаш жойларидан бошқа манзилга кўчишлирага тўғри келган. Шаҳарла хоҳлаган вақтларида, хоҳлаган жойларига боришлиари ҳам мумкин бўлмаган.

Ҳатто "ҳаж" зиёратига боришига ҳам Сайид Олимхон рухсат олиб билмаётганди эди.

## ҚОРАҚЎЛ. ВОКЗАЛ ЁНИДАГИ УЙ

Янги сотиб олган ҳовли ёнидаги кўшнилар уларни оддий бир оиласидек қабул қилди. Ортиқча саволлар, шубҳа гумонлар бўлмагани яхшилик аломати эди. Бу ерга иш излаб, янги кўчиб келаётган оиласидек ҳам кўп бўлиб, Муҳиддин полвоннинг "оила"сини кўчиб келишини одамлар, унинг ишга кириши билан боғлиқ, деб ҳисобладилар. Муҳиддин полвон ҳақиқатдан ҳам станцияга ишга кирди. Фақат Остонани яна янги мактабга боришини Остонанинг ўзи ҳам, катталар ҳам хоҳламадилар. Тўғри сўз ва анчагина қизиққон Остонанинг янги борадиган

мактабида, "мен амирнинг ўғлиман", демаслигига кафолат йўқ эди.

Улар кўчиб келганларига 3-4 кун бўлган бўлса ҳам, Остонанинг бошидаги оғриқ, иштаҳасизлик кучайгани, уйқучан бўлиб қолгани Моҳларойимни ҳавотирга солди. Моҳларойим Остонани даволатиш учун Муҳиддин полвон билан шифокорга олиб боришга қарор қилди. Доктор бир ҳафта давомида Остонани даволади. Муолажалар тугайдиган куни Моҳларойим докторга:

– Илтимос, боламни даволаганингиз ҳақида маълумотнома ёзиб берсангиз, –деди.

– Шартмас, ҳавотирга ўрин йўқ. У энди соғлом, –жавоб берди рус доктор аёл.

– Раҳмат сизга. У соғайди, қўлингиз асло дард кўрмасин. Мабодо унда кечки асоратлар бошланиб қолса-чи? Буни ҳозир билмаймиз-ку. Шунинг учун маълумотнома керак эди, – деди Моҳларойим.

Доктор қуидаги мазмунда маълумотнома ёзди:

"Маълумотнома № 417.

Бемор Муҳиддинов Астон, 1915 йил туғилган. Мактабда 1925 йил 19 май кунида қаттиқ ашё – мактаб ўриниди, стулни темир оёғи қирраси билан бошининг чап томонига қаттиқ урилиб, жароҳат олгани ҳисобига боши ёрилган, чап кўзи атрофи юмшоқ тўқималари жароҳат натижасида кўкарган. Керакли муолажалар қилинди. Кечки асорат белгилари бўлганда яна келиб, врачга учраши тавсия қилинди.

Доктор... 1925 йил 29 май."

Остона даволаниб, уйга қайтгач, Муҳиддин полвон:

– Маликам, маълумотнома нега керак эди? – деб сўради.

– Отасига кўрсатишим учун! – жавоб берди Моҳларойим.

Остона даволаниб, аҳволи яхшиланган бўлса ҳам, мактабга сира боргиси келмасди. Моҳларойим уни кўндиришга ҳаракат қилаётган эди. Кумуш буви унга шундай деб маслаҳат берди:

– Моҳларойим, ўзингиз унга араб алифбосида ўқиш-ёзишни ўргатсангиз, шу етарли. Болани бошқа мажбур қилмаганингиз маъқул. Остона жуда қизиққон, яна бир ишқални бошламасин. Мактабда болани яна кимдир уради, деб юрак ховучлаб ўтирамизми? Янги мактабга, мана, Раҳмонқул боряпти. Ҳадемай,

Исомиддин (Мехриддин) ҳам боради, янги ҳукуматнинг шу ордона қолгур мактабига! - деди Кумуш буви. Бу гап ҳаммага, ҳатто Остонага ҳам маъқул бўлди.

Бир куни икки ўқитувчи аёл уйларига келган эди. Болаларни мактабга жалб қилиш учун рўйхатга олиб юришган экан. Исомиддинни уларнинг рўйхатига ёздиришиди. Остонани ҳам улар ўз рўйхатларига ёзиш учун:

- Опа, қонун бўйича ҳамма бола ўрта мактаб таълимими олиши шарт. Боланинг ўқиши чала қолиши керак эмас. Ўзингиз тушунадиган аёл экансиз-ку? - деди.

- Мен қарши эмасман, аммо у олдинги мактабида жароҳат олган, бу ҳақида хужжат бор. Уни яна мактабга қўйиб, жароҳат олишини хоҳламаймиз! - деди Моҳларойим. Уйдан ўша хужжатни олиб чиқиб, ўқитувчиларга кўрсатди. Ўқитувчилардан бири рус аёл эди. Моҳларойим унга маълумотномани рус тилида тушунтирганидан ќейин у рўйхатга Остонанинг исм ва фамилиясини ёзиб, "отказ" деб белгилади. Аёл ўз дафтаридағи "отказ" сабаби сўралган жойига Моҳларойим кўрсатган маълумотномани берилган санаси ва рақами билан ёзиб қўйди.

### **ҚОРАКЎЛ. ВОКЗАЛ ЁНИДАГИ ЎЙ. 1937 ЙИЛ**

Моҳларойим Мухиддин полвонни ўз акасидек, Кумуш бувини ўз онасидек кўриб, бир ҳовлида ва алоҳида хоналарда яшаётган эдилар. Раҳмонқул (Улугбек) мактабни битириб, Бухоро педагогика институтининг рус тили факультетини битириш арафасида эди. Остона Мухиддин полвоннинг ишхонасида, яъни темир йўл идорасида бирга ишлаётган эди. Вазифалари асосан вагонлардан юк тушириш ва юклашдан иборат эди. Исомиддин мактабни битириб, шоферлик курсида ўқиди, у ҳам темир йўл идорасига тегишли бир корхонага ишга кирган, ҳайдовчилик қиласи.

Исомиддин мактабга борганида, у ҳам болалар билан уришиб, жароҳат олмасин, ёнида бўлайин, деб Моҳларойим ўша мактабга иш сўраб борган эди. У мактаб ошхонасида ошпазлик қилишга ҳам рози эди. Суҳбат давомида мактаб директори унинг рус ва ўзбек тилида bemolol гаплаша билишини инобатга олиб:

- Бизда ҳозир кадрлар етишмаяпти. Самарқандда ўқиб, ўрта маҳсус маълумот олган экансиз. Ўша ҳужжатингиз йўқолган бўлса ҳам (бу ҳужжат арқдан кетадиган кунлари бошқа ҳужжатлар қатори ёндириб юборилган эди) рус ва ўзбек тилини биладиган кадрлар жуда кераклигини инобатга олиб, Бухорода бўладиган ўқитувчилар имтиҳонида қатнашиб кўринг. Агар рус тили фанидан бўладиган имтиҳондан муваффақиятли ўтсангиз, рус тили фанидан дарс беришингиз мумкин. Кейин ишдан ажралмаган ҳолда сиртдан ўқиб олий маълумотли бўласиз. Самарқандда аввал ўқиган жойингиздан ҳужжатингиз нусхасини ёздириб олсангиз сизга янада осон бўлади, - деб маслаҳат берди директор.

Имтиҳондан юқори баҳо олиб келган Моҳларойимни мактабга ўқитувчи қилиб ишга олишди. Бундан хурсанд бўлган Моҳларойим сиртдан ўқишни ҳам кўнглига туғиб қўйди. Чунки унинг Самарқанд билим юртида олган ҳужжатида бошқа исм-фамилия – Надежда Васильевна Вяткина деган ёзувлар эди. Бу исм-фамилия билан унинг амир Сайид Олимхоннинг аёли бўлганлиги аён бўлиб қолиши мумкинлиги, ўзи ва болаларининг ҳаёти яна хатарда қолишини яхши билган Моҳларойим сиртдан ўқишига қарор қилди. Мактабда унга ўқитувчилар ва ўқувчилар тез орада Ширин Муҳаммадиевна, деб мурожаат қиласидаган бўлдилар. Чунки болалиқдан тиришқоқ, изланувчан, қобилиятли, педагогик маҳоратга эга Надежда Васильевна тез орада касбдошлари ва ўқувчиларнинг ҳурматини қозона олган эди.

Аввал Раҳмонқул, кейин Исомиддин мактабни тугатган бўлсалар ҳам, иши ўзига ёққани учун Ширин мактабда дарс беришда давом этаверди. Бугун ҳам у одатдагидек, соchlарини турмаклаб, оқ кофта, қора юбка кийиб, мактабга келди. Танаффус вақти бўлгани учун, уч-тўрт касбдоши билан ўқитувчилар хонасида гурунглашиб ўтиради. Ўқитувчилар хонасининг очиқ деразасидан машина сигналининг овози эшигилди. У аҳамият бермай синф журнали ва керакли ўқув қуролларини йиғиб жамлаётганди. Шу пайт эшикдан бир ўқувчи югуриб келиб хонага кирди:

- Суюнчи беринг, Ширин Муҳаммадиевна! Исомиддин ака мактабга янги юк машинасида келдилар! Юринг, тезроқ чиқинг,

ҳамма у кишининг машиналарини томоша қиляпти, – деди. Ширин Мұхаммадиевна қўлидагиларни стол устига қўйиб, аввал очиқ дераздан қаради. Мактаб ҳовлисидаги янги юк машинаси атрофини ўқувчи ва ўқитувчилар ўраб олган. Ширин бояги ўқувчи боланинг ортидан шошиб чиқиб, машина томон отилди. Унинг ортидан хонадаги ўқитувчилар ҳам чиқдилар. Ҳамма уларнинг хурсандчилигига шерик бўлди. У пайтлар машина дегани анқонинг уруғи бўлиб, Исимиддиннинг бугун янги, каттакон машинада мактабга келиши муҳим воқеа бўлди.

Исимиддинга юк машинаси ишониб топширилган кун оиласда катта байрамга айланди. Ҳатто эртасига бир неча қўшниларни уйларига таклиф қилиб, ош дамладилар. Болалари катта бўлиб, ҳаётлари ўз измига тушганидан Ширинбека (уни оиласдагилар, қўшнилар энди шундай исм билан атаётган эдилар) хурсанд эди. Бахшидаси ўз мактубидаги ваъдасига кўра, уларни излаб келиши кечикаётганлигидан баъзида сиқилса ҳам, ҳамон уни сабр билан кутарди.

Эртаси куни Ширин Мұхаммадиевна 5-синф ўқувчиларига дарс ўтаетган эди.

– Болалар, бугун дарсимиизда мустақил ижодий иш қиласиз. Масалан, шъер ёзишни машқ қиласиз. Қисқагина тўртликлардан бошлай қоламиз. Она тилимизда ёзилган шеърларни хоҳласангиз сўнг биргалашиб рус тилига таржима қиласиз, ким уддаласа, марҳамат рус тилида ҳам ёзишингиз мумкин, – деди у ўқувчилар диққатини ўзига жалб қилиб. Бу таклиф ўқувчилар учун кутилмаган янгилик эди.

– Мавзу-чи, устоз? Қандай мавзуда ёзайлик? – сўради бир қизча.

– Мавзу эркин бўла қолсин! Менимча, Ватан ҳақида бўлса ҳам масидан яхши. Аммо ўзингизга ёқсан бошқа мавзуни ҳам танлашингиз мумкин, – деди у. Болалар бир неча дақиқа ичида ижодга шўнғиб кетишли. Синф хонасини сув қўйгандек сукунат эгаллади. Сокинликни факат ручкаларнинг қитирлаши бузарди. Ниҳоят бир қизча қўлини кўтарди:

– Учительница, я готова! – деди. Муаллима ундан шеърини ўқиб беришни сўради. Қизча рус миллатидан бўлгани учун у шеърини ўз она тилида ёзган экан, жарангдор овози билан ўқий бошлади:

- Страна моя прекрасная,  
Ты у нас единая.  
Счастливи, мы с тобой,  
Ты вечно любимая!..

Қизалоқ шеърни ўқиб тугатиши билан муаллима ва ўкувчилар қарсак чалиб олқишиладилар. Шеър муаллифи-нинг эса қувончи ичига сиғмай қолди ва ҳаммага таъзим қилиб, "раҳмат", деб қўйди.

- Хўш, яна ким тайёр?..  
- Устоз, мен Натальянинг шеърини таржима қилдим, ўқиб берайми? – деди бир бола.

- Албатта. Қани, марҳамат!

Бола шаррос ўқиб берди:

-Юртим, жуда кўркамсан,

Бизнинг ягонамизсан.

Биз сен билан баҳтиёр,

Сен доим севимли диёр!

Дарс давомида деярли барча шеърлар тингланиб, ютуқ ва камчиликлари муҳокама қилинди. Улар орасида шеърига ўз исмини ҳам қўшиб ёзган бола ҳаммадан кўпроқ олқиши олди.

- Болалар! Баҳтиёрни табриклаймиз! Қандай яхши, мазмунли шеър ёзган-а! Ўз исмини шеърида қофия ўрнида ишлатиб, бошқаларникига ўхшамайдиган қилиб ёзибди. Ватан ҳақида бундай чиройли қилиб ёзиш осон эмас, – деди муаллима мунозарали дарсни якунлар экан. Шу пайт танаффусга қўнғироқ ҳам чалиниб қолди. Болалар бу сўнгги соат бўлгани учун уйларига қалблари тўла қувонч ва ҳаяжон билан қайтишиди.

Кечкурун Ширин Мұхаммадиевна ярим тунгача бугунги дарсда ўкувчиларининг ёзган иншо ва баёнларини текшириб, баҳоларини қўйиб чиқди. Бугунги ўкувчилари-нинг баъзиларини, мустақил иши учун ёзган шеърларини ўқий бошлиди, баъзи мисраларга тузатиш ҳам киритиб қўйди. Кейин бугун эркин мавзуда шеър ёзиш мавзусида ўтган дарсида болаларнинг адабиётга нақадар қизиқишилари, уларнинг ўз беғубор қалбларини шеърда чиройли ифода этишларини ўйлаб, ширингина энтикиб қўйди. Таълим ва тарбияда бадиий

адабиётнинг, шеъриятнинг аҳамияти катта, деган қарорга келди. Демак, бундай дарсларни тез-тез ўтказиб туриш керак экан. У ана шу хаёллар билан уйқуга кетди.

Ширинбека ўқувчиларнинг шеърларини ўқиётганида баҳшидасининг кулиб турган қора кўзлари билан унга мулоим боқишилари, муҳаббат ила табассум қилган меҳрли чехраси кўз олдига келди. Гўё бу шеърларни баҳшидаси унга атаб ёзгандек, айни вақтда унга ўқиб бераётгандек ўзини ҳис қилиб, қайта-қайта ўқир, кўзига ёш келар эди. У ўқувчисининг шеърини баҳшидаси унга ҳозиргина айтган мазмунда тузатиш киритди.

У яна баҳшидаси айтиётган мисралар ёдидан кўтарилимаслиги учун шоша-пиша қоғозга тушира бошлади:

Юрт ишқида хор бўлдим,  
Кенг жаҳонда тор қолдим!  
Ватансиз абгор ўлдим!  
Тупроғига зор ўлдим!

Ёр ишқида ёнган кўнглимни,  
Мен бандай ожиздан сўранг!  
Ватангадолик дарди недур?  
Эй ахли дунё, мендан сўранг!

У шеърни кровати ёнидаги девордаги кийик суратли баҳмал чойшабга илиб кўйди. Бу мисраларни Ширинбека ўзиники деб ҳисобламади, баҳшидасининг унга ғойибона юборган мактуби деб билди. У хуфтон намозини тутатганида, Оллоҳга шукр қилиб, шундай деди: "Ё, роббим! Оллоҳим, ўзингта беҳисоб шукур! Баҳшидам номасини менга "Усули ғайб" билан қабул қилиш баҳтига етказганингга беадад шукур!". Орадан бир неча кун ўтиб, у йўқлигида ўчирилмай қолган чироқни ўчиргани кирган Муҳиддин полвон ҳам бу шеърни ўқиб кўриб ҳайрон қолди. Хусниҳат Ширинбеканини, мазмуни хожаси -амирники эди.

Ширинбека шундай кечаларда баъзида расм чизар, баъзида кашта тикарди. Хуллас, ҳамма ишларида баҳшидасининг сиймоси унинг кўз олдидан кетмасди. Унинг меҳр тўла кулиб турган кўзлари ҳамиша унга боқиб тургандек эди! Ширинбеканинг хотирасига тез-тез баҳшидасини Самарқандда

кўпrik устида биринчи учрашган кунлари, тиллақошни стол устига кўйгани, Нурота адирларида файтун аравалардан тушиб, лолақизғал-доқларни томоша қилган онлари, Ситораи Моҳи Хосадаги мазмунли кунлари, Чубек кечувидан биринчи гал ўтишдан воз кечиб, ҳамманинг ортга қайтиши, буларнинг барчаси хаёлан унга кўриниш бериб турар эди. Ўзи ва уч ўғлини ёнига қайтишини истаб, бахшидасининг олти ой давомида уларни кутгани... У ўша кунларни ҳеч қачон унутолмасди.

### **ҚОБУЛ АФГОНИСТОН.**

Афгонистонга кўчиб ўтган амир Олимхоннинг аҳли оиласи соғ-саломат эди. Аммо Моҳларойимни “вафот этган”, деб ўйлаган Сайид Олимхон ҳамон маъюс. Бўш қолди дегунича, “мархума” аёли ва фарзандлари ҳақида ўйлаб, ўтиб кетган аждодларини ҳақига дуо қилганда уларнинг номларини ҳам тилга оларди. Баъзида ўшанда, “табибининг уйига бемор Остонани юбормай, ўзим билан олиб келаверганим тўғри бўлар эдими?” - деган саволлар уни баттар қийнар эди. “Ҳеч бўлмаганда Моҳларойим ва Мехридин тирик қолиши мумкин эди-ку” - деб пушаймон бўлар эди. Бу сўзларни ҳаммага эмас, ўзига энг яқин тутган инсонлари, Зарифабону ва тўнгич ўғилларига айтган вақтлари ҳам бўлди. Тўнгич ўғли ҳақиқатни билмай туриб, отасининг кўнглига далда берган бўлса, Зарифабону учун бахшидасига бундай дақиқаларда бирор сўз айтиб, таскин бериш жуда қийин бўларди. Зарифабону бу пайтларда бахшидасига ҳақиқатни айта ололмас эди. Ўшанда Зарифабону ҳеч бўлмаганда, “бахшидам, улар тирик”, демоқчи ҳам бўлган эди. Бир куни шу сўзларни айтишга чоғланганида, нимадир бунга йўл кўймади. Балки ғуурурдир, балки бахшидасининг ғазабига дучор бўлишдан қўрқишидир, балки аччиқ ҳақиқатнинг аёвсиз азобидир, балки бу хатосининг болаларига зарари тегиши мумкинлигидир, балки инсонни нима бўлганда ҳам ўз-ўзини ҳимоя қилиш сезгисининг мавжудлигидир... Хуллас Зарифабону бу дунёни тарқ этгунига қадар бу ҳақда айтишга журъят эта олмаган!

## ҚОРАКҮЛ. ВОКЗАЛ ЁНИДАГИ УЙ. 1939 ЙИЛ

Моҳларойимни қўшнилари, уни мактабда аташганлари-дек, Ширин Муҳаммадиевна эмас, балки Ширинбека дердилар. Бунга сабаб, Муҳиддин полвон беихтиёр уларнинг олдида ҳам, бир неча марта "бекам", деб мурожаат қилиб қолгани эди. Қўшнилар сабабини сўрашганларида, Муҳиддин полвон:

- Аёлимнинг исми аслида Ширинбека, мен қисқартириб Бекам, деяпман, сизлар Ширинбека деяверинглар! – деганди. Шу билан ўша кунлардан бошлаб Ширинбека деб аташаётган эдилар.

Ширинбека уч ўғлининг ҳам яхшигина касб-корли бўлганидан хурсанд эди. Раҳмонқул ҳадемай ўқишини тугатиб келса, Кумуш буви айтганлариdek, бошини иккита қилиб қўйишини орзу қилаётганди. Мактабга ўтган йили ўқишини битириб, тарих фани ўқитувчиси бўлиб келган бир қизни кўз остига олиб ҳам қўйганди. Афсуски, кўп ўтмай Кумуш буви қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Қишлоқдаги медпункт врачи Шодия опа келиб, Кумуш бувининг қон босимини ўлчаб кўргач:

- Бувимизнинг қон босимлари ошибди. Ўринларидан туриш мумкин эмас. Ўзим келиб укол қилиб тураман. Худо шифо берса, албатта тузалиб кетадилар, – деди. Аммо уч-тўрт кунлик муолажалар ҳам наф бермади. Шунда Муҳиддин полвон Чоржўйда яшайдиган опаси Муслимага онаси бетоблигини айтиб, тез етиб келинг, дея почтадан телеграмма жўнатди.

Муслима опа онасининг бетоб бўлиб қолганини эшитиб, бир кундан кейиноқ Қоракўлга етиб келди. Эридан бир неча кунга рухсат сўраб келган опа укаси ва Ширинбеканинг аҳил яшаётгандаридан хурсанд бўлди, болалар катта бўлиб, ҳаммалари ишлаётгандаридан мамнун бўлди. Фақат "келинин" деб ўйлаган Ширинбека аслида келини эмаслигини ҳам билиб қолди. Ўлим тўшагида ётган Кумуш буви бу сирни ёлғиз қизидан сир сақлагиси келмаган эди. Бувининг таъзиялари кам-кўстсиз ўtkазилди.

Ширинбека таъзия сабабидан уч кун ишга бормаганига тўғри келган бўлса ҳам, уйда қайнопаси борлиги учун ўша куни ишдан одатдагидан барвақтроқ келди. У Муслима опа учун тансикроқ овқат пиширмоқчи эди. Кумуш бувининг хонасига ошхона томондан кириладиган эшик бор эди. Бу эшик чала очиқ

турган экан. Очиқ эшик ёнига бориб, дастурхон олиб кирмоқчи бўлган Ширинбека тўсатдан, опа-уканинг сухбатини эшитиб қолди.

- Нима, умрингни бекорга, шундай ўтказмоқчимисан? Ўз болаларинг бўлишини наҳотки ўйламаган бўлсанг. Онам бечора ўзлари сиқилсалар ҳам, бир оғиз сенларга гапирмабдилар. Бу, келин, деб юрганим Ширинбека ҳам наҳотки сени бир ўйламаса? – дерди опаси. – Сенга турмушга чиқишини хоҳламас экан, баҳтингни боғлаб юраверадими? Ахир уни хотининг, деб ўйлаган бирорта қизсенга турмушга чиқармиди? Онам шўрлик сендан набира кутиб ўтиб кетдилар. Амир қачон хотини билан болаларини олиб кетади-ю, ўғлим қачон уйланаркин, деб ичэтларини еб яшабдилар. Буларнинг кўнглини оғритсам, қизимдек бўлиб қолган Ширин келинимдан, набирамдай бўлиб қолган болаларимдан, ўғлимдан ҳам ажраб қолишим мумкин, деб шу вақтгача чурқ этмабдилар. Илоҳим, охиратлари обод бўлсин онагинамнинг...

- Опа, бу билан онамни ўлимига мени айбдор қилмоқчимисиз? – деди Мухиддин полвон опасининг бу гапидан ранжиганнамо бўлиб.

- Йўқ, ука, онам оз яшамадилар. Шу ёшга кириш бизларга ҳам насиб этсин! Онамнинг вафотини сендан кўраётганим йўқ. Тирикликларида баҳтингни кўра олмаганларига куйинаман, сен ҳам тушунгинг ахир! Хўп, майли, ўша энг нотинч даврларда болалар ҳаётини сақлаб қолиш, сени қўш хотинлик деб айбламасликлари учун шундай қилишларингизга тўғри келган! Лекин энди тинч замон-ку. Ҳеч бўлмаса, у билан ажрашганман, деган баҳонада уларга яқинроқ жойдан уй-жой қилиб, уйланиб ол! Онамизнинг ҳам руҳлари шод бўларди! Шунда Ширинбекани ҳам болалари билан bemalol қўриклийверар-динг, бирор ёрдам керак бўлса ҳам ёнларида бўлардинг..

Ширинбека ўйланиб қолди: "Ҳа, Муслима опанинг гапларида жон бор! Бу ҳақда ўйлаганим билан, аёл бўлсам, нима ҳам дея олардим, ахир, онаси ёки ўзи бу ҳақда сўз очмаса. Мен қандай қилиб полвонга: "Амиримиз мени олиб кетишларини кутиб юрманг, бирор қизга ўйланинг", деб, айта олар эдим. Ойкунлар шунчалик тез ўтибди. Ҳали ҳам кеч эмас! Мухиддин полвонни биламан, барибир у бошқа уй қидириб юрмайди.

Эртадан ўзим уй қидириб, бу ҳовлидан болаларимни олиб кетаман. Ёлғиз оналар кунини күрятти-ку. Ҳеч ким ҳаётидан нолиётгани йўқ. Муҳиддин полвоннинг уйланиши учун чиндан ҳам мен имкон беришим керак".

Ширинбека оҳистагина ортига бурилиб, эшиқдан нари кетди. Уйда уларнинг сухбати давом этайдиган эди. Аммо энди сухбат бир оз бошқача тус олган эди.

Муҳиддин полвон опасига:

- Опа, илтимос! Бошқа бу масалада бир сўз дея кўрманг! Ҳаммаси қандай бўлса, шундайлигича қолсин. Мен амирга лафз берганман ва албатта ваъдамнинг устидан чиқишим керак. У нафақат амирим, биродаримлаф инсон ҳам эди. Хотини ва болалари менга омонат. Онам бизга, "энг ёмони омонатга хиёнат", деб тарбия берганлар. У жуда яхши аёл, қўлини ушламасам ҳам бутун умримни шу аёлга сарфласам камлик қилади! Онам мени тушунгандарни учун ҳам индамадилар, сизга ҳам: "у坎гни уйлантир!" – деб айтмаганлар. Шунчаки, бу сирни ёлғиз қизларидан яшириб, бу дунёни тарк этишни хоҳламагандарни учун айтганлар! Тўғрими? Опа, яхшилаб эслаб кўринг, "у坎гни уйлантир!", демадилар, тўғрими? –деб, у такрор сўраётган эди. У опасига савол назари билан қараб турди.

Опаси беихтиёр ўнг қўлини пешонасига қўйиб, онаси билан ўзининг орасида бўлган сухбатни обдон бирма-бир ўйлаб кўрди. Укаси ҳақ эди. Онаси унга ҳақиқатан ҳам, "у坎гни уйлантир", деб айтмаган эди. Демак, улар шундоқ ҳам, Ширинбека билан бир ҳовлида яшаётгандаридан баҳтли эдилар. Муслима опа ўйлаб, мулоҳаза қилиб туриб, шундай деди:

- Ҳа, укажон, онам билан бўлган сухбатимизни бошдан-охир эслаб кўрдим, онам бундай деб айтмадилар! Майли, сенга бу ҳақда энди бошқа сўз демайман. Шундоқ ҳам у билан ўтаётган умрингдан рози эканингга ишондим. Болалари ҳам сени ота дейишяпти-ку! Мен эртага уйимга хотиржам кетаман. Агар сен билан бу ҳақда гаплашмаганимда, у ерда бемаъни фикрлар гирдобига ғарқ бўлардим. Энди ҳаммаси равшан бўлди. Сен ҳақсан.

Уларнинг сухбатини охиригача тингламаган Ширинбека Муслима опани поездга чиқариб қўйганларидан кейин ўзи ва

ўғиллари учун бошқа ҳовли излашга тушди. Қоракўлнинг Чекирчи қишлоғидан арzonроқ бир ҳовли топиб, ўзи савдолашиб сотиб олди. Ўша куни одатдагидек идора машинасида ўғли Исомиддин ишдан Муҳиддин полвон ва Остона билан келди. Машина товушини эшитган Ширинбека уларга пешвоз чиқди. Кабинадан Исомиддин полвон билан, юкхонасидан эса сакраб Остона тушдилар. Улар Ширинбека билан сўрашиб, нималарнидир сўзлашиб ҳовлига кирдилар. Супадаги хонтахта атрофида ўтириб кечки овқатни еб олишди. Ширинбека дастурхонни йигиштириб олганидан кейин курсига чўкди-да Муҳиддинга қараб истиҳола билан гап бошлади. Аммо асосий масаддан бошлади:

– Муҳиддин ака, мен болалар билан кўчиб кетмоқчиман. Сиз катта ҳовлида ёлғиз яшаманг! Уйланинг, бола-чақа қилинг, орзу-ҳавас қилинг. Сиз ҳам кўп қатори элга тўй беринг. Бу хосиятли хонадондан оёғимиз ҳам, кўнглимиз ҳам узилмайди. Мен уй сотиб олдим, Чекирчидан. Фақат, “нега bemаслаҳат”, деб хафа бўлманг. Эгаси тез ва арzon сотмоқчи бўлиб турган экан, қўлдан кетмасин, деб шундай қилдим. Болалар кўлидан иш келадиган бўлганида уларга керак бўлмадимми, деган хаёлларга ҳам борманг. Асло ундей эмас. Мен сизни ўз акамдек кўрганим учун ҳам уйланишингизни, ўз фарзандларингиз бўлишини хоҳлаяпман, холос! Ҳа, яна бир гап. Кўни-кўшни бизни “эр-хотин” деб ўйлашаётган эдилар. Оллоҳни ўзи кечирсин бизни. Тўғри, ўша вақтлар отасининг кимлигини одамлар билмасликлари учун, болалар ва ўзимизни хавфсизлигимиз учун шундай дейишимиздан бошқа иложимиз йўқ эди. Энди, иложи бор! Улар мени сўрасалар, “ажрашиб кетди”, дейишингиз керак. Бўлмаса, сизга турмушга чиқадиган аёл топилиши қийин бўлади.

– Тўхтанг-чи, бундайроқ ўтиринг. Энди тушунтириброқ гапиринг, нима бўлди ўзи? Сизни бирор ҳафа қилдими? Дабдурустдан уй сотиб олдим, дейсиз-ми? Маликам, уй сотиб олишга етгулик пулни қаердан олдингиз? Нега менсиз, фақат болалар билан кетмоқчисиз? Мендан ранжиган жойингиз борми?

– Йўқ, ундей деманг, сиздан мингдан минг розиман! Мени асло ҳафа қилган эмассиз! – Ширинбекақўлидаги ошхонага олиб

кетмоқчи бўлган идишларинияна хонтахта устига қўйиб, ўтириб олди. Унинг кўчиш ҳақидаги саволларига бафуржা шундай деб жавоб берди:

- Ака, сизга раҳмат. Шунча йил бизга фақат яхшилик қилдингиз, аммо ўзингизни ўйламадингиз. Оила қуриб, фарзандлик бўлишингиз керак. Ҳовли олишимга сабаб шу. Пулни Кумуш бувим маслаҳатлари билан Раҳмонқул ва Остонанинг тўйларига деб йиғиб юрган эдим. Тўйга етадиган пул тўплаган бўлсам ҳам, шошилмаганимнинг сабаби - Раҳмонқул ўқишини тугатишини кутдим. Яна бир сабаби, баҳшидам келиб бизни олиб кетсалар, келинлар бирорвнинг боласи, хорижга кетишни ўzlари ёки кудалар хоҳлашмаса-чи, деб ҳам ўйладим.

Муҳиддин полвон нимадир демоқчи бўлди-ю, индамади. Бир зум сукут сақлаб ўйланниб қолди. Сўнг турди-да, дарвозадан чиқиб кетди. Бу ҳолатни кўриб турган Остона:

- Ойи, амаким ҳафа бўлдилар! -деди.

-Ҳа, сездим. Лекин илож йўқ, кўникадилар. Бизни деб уйланмай, бир умр бўйдоқ ўтишлари ҳам тўғри эмасдир, ўғлим. Нима бўлганда ҳам у кишига имкон беришимиз керак, менимча, - деди Ширинбека.

Ўша куни Ширинбека болалари билан Чекирчи қишлоғидаги янги сотиб олинган уйга кўчиб кетиши. Уларнинг кўчиб кетганларидан Раҳмонқул бехабар эди. У Бухородаги муаллимлар институтда рус тили ўқитувчиси бўлиш учун таҳсил олаётган эди. Дам олиш куни Қоракўлдаги қадрдан бўлиб қолган уйга келганида онаси ва укалари кўчиб кетиб, Муҳиддин полвоннинг ёлғиз ўзи қолган эди.

- Ота, қолганлар қани? - сўради Раҳмонқул онаси ва укаларининг хоналари бўм-бўшлигини кўриб. Ширинбека болаларига, сизларнинг хавфсизликларинг учун Муҳиддин амакини ота дейишларинг керак, деб кўп марта уқтирганди. Раҳмонқулнинг ҳозир полвонни ота дейиши сабаби ҳам шу эди.

- Ҳа, сен билмасанг керак. Бувинг оламдан ўтганлари етмаганидек, онанг ҳам негадир укаларингни олиб, Чекирчига кўчиб кетиб, мени ёлғиз қолдиришди! - деди Муҳиддин полвон ҳафа ҳолда.

- Нега? Нима сабабдан?

- Сабабини очиқ айтмади. Қачон, нега ҳафа қилган эканман, деб ўйлаб турибман ҳозир, лекин ўйлаб ўйловимга етмаяпман.

- Чекирчи...бу ҳалиги “Большивик” колхозидаги Рўдахшр қишлоғидан кейинги қишлоқ-ми? - аниқлаштирумокчи бўлди Раҳмонқул.

- Ҳа, ўша қишлоқ, - деди Муҳиддин полвон. У Ширинбека икки ўғлини олиб кетганидан бери маъюс бўлиб қолган эди. Ширинбекани қолишга кўндиришга урингани билан, у барибир кўчиб кетди. Ўзи уларнинг ортидан борай деса, ғурури йўл қўймади. Қолаверса, энди болалари катта бўлган Ширинбека учун бу тинч шароитда хос соқчи нима керак, деб ўйлаган эди. Бир оз ўйланиб турган Раҳмонқул:

- Ота, ойим сизга нисбатан адолатсизлик қилганлар, ҳаммамиз бирга кўчишимиз керак эди. Мен бориб, ойимдан сабабини билиб келаман. Ҳеч бўлмаса укаларимдан бири сизнинг ёнингизда қолиши керак эди. Агар уларни яна бирга яшашига кўндиришни эплай олмасам, мен тунагани шу ерга келаман, -деб Чекирчи қишлоғига қараб кетди.

Ширинбека Раҳмонқулга бўлган воқеани унинг укаларига қандай тушунтирган бўлса, худди шундай айтиб берди ва охирида қўшиб қўйди:

- Ўғлим, Муҳиддин амакингиз ёш эмас, уйланиши керак. Ҳозир имкон бермасак, қариб қолганида ким унга тегарди? Биз унинг қилган хизматларидан розимиз. У киши ҳам орзуҳавасини кўрсинг, деб шундай қилдим, болам.

- Ойи, ҳеч бўлмаса укаларимдан бири отам билан қолишлари керак эди. Ҳе-йўқ, бе-йўқ, у кишини ёлғиз ташлаб келаверибсизлар. Одамлар нима дейди. “Болалари катта бўлиб, ота керак бўлмай қолибди”, дейишмайдими? Ойи, мен у кишини ёлғизлатиб қўймайман. Отам барибир уйланмайди. У киши ёшлигини, керак бўлса бутун умрини бизни ҳимоя қилишга бағишилаб келмоқдалар. Балки дадамга берган ваъдалари учун шундай қилаётгандирлар. Биз отамни ёлғиз қолдириб келсак, Оллоҳга ҳам хуш келмас, она! Ўйлаб кўриб, бир қарорга келинг! У кишига мен, “тунагани келаман”, деб ваъда бериб келдим. Дастурхонга дуо қилинг, мен энди бора қолай! - деб Раҳмонқул онасининг одатдагидек дуо қилишини кутди. Ширинбека унинг сўзларига жавоб бермай ўйланиб қолди. Шу лаҳзаларда у ўғли

катта бўлганини, эсли-хушли бўлиб қолганини сезди. Ўғлини беш яшар вақтидаги бир воқеа унинг ёдига тушди. У эшикни уриб, "Бувижон, эшикни очинглар! Мени қамаб қўйиши, мени гуноҳим нима?" леб бақираради. Ҳа, ўғли энди катта бўлиб қолган, ўз мустақил фикри ва қарашларига эга. "Балки у ҳақдир" – деб ўйлади Ширинбека. У фотиҳага қўлини очиб, дастурхонга дуо ўқиди, сўнг меҳр билан ўғлининг соғлигини тилаб, уни дуо қилди. Раҳмонкул полвоннинг хузурига йўл олди.

Орадан бир ойча вақт ўтиб, Ширинбека Кумуш бувининг "қирқини" ўtkазишга тайёргарлик учун икки ўғлини ёнига олиб, ўзи илгари яшаган ҳовлига келди. Келса, ҳовли ивирсиган, ошхонада ювилмаган идишлар қалашиб қолган. Супада Муҳиддин полвон маҳалланинг майфуруши Шодиёр билан мусаллас ичиб, дардлашиб ўтирибдилар.

– Вой-бў, бу нима аҳвол! Уйда аёл бўлмаса, шунаقا бўларканда? Қани, Шодиёр aka, энди мусалласингизни олиб ўйингизга борсангиз. Кумуш буви дунёдан ўтсалар, ўғлини ўзимга мижоз қилиб оламан деганмидингиз? Тура қолинг, aka, шуниси ҳам етади. Сизга акамизни мижоз қилиб қўймаймиз. Ҳалиям маърака баҳона бир кун олдин келиб қолдим. Эртага келганимизда элга кулги бўлар эканмиз, – деди Ширинбека.

Шодиёр aka лом-мим демасдан чиқиб кетди. Ширинбека дарҳол супир-сидирга тушиб, идишларни ювиб артди, ҳамма жойни саранжомлагач, қўшни аёлларни маросимга хабар қилдирди. Маросимга Чоржўйдан Муслима опа ҳам етиб келди. Маърака рисоладагидек ўтиб, қўшнилар тарқалишиди. Ҳовли жимиб, ўzlари бироз нафасларини ростлаб олишгач, Ширинбека Муслима опага у йўқлигига бўлган воқеаларни бирма-бир сўзлаб берди. Муслима опа унинг сўзларини тинглаб бўлганидан сўнг гап бошлади:

– Очиғини айтадиган бўлсам, сингилжон, ўзим ҳам буни кўп тарозига солиб кўрдим, сизларнинг яна бирга яшаганингиз маъқул. Бу ҳовлини сотиб, янги жойга укамни ҳам олиб кетсаларингиз янаям тўгри бўларди. Уйланишни ўзи хоҳламас экан, мажбур қилолмаймиз. Муҳиддинга мен ҳам шу ҳақида сўз очиб, бошқа гапирмасликка қарор қилган эдим, – деди у жиддий оҳангда.

Гапга Муҳиддин полвоннинг ўзи аралашди:

– Бу ҳовлини сотишга, ҳозир мұхтож әмасмиз-ку? Ахир уcta үғлимиз бор. Раҳмонқул ўқиши битириб келгач, уйлантириб қўйишимиз ҳам керак. Мен, майли, Ширинбека ва болалари билан Чекирчидаги ҳовлига кетаман. Яна худди аввалгидек яшайверамиз! Насиб бўлса янги ҳовлига Остона билан Исомиддинни ҳам уйлантириб, бошларини иккита қилиб қўямиз! Иншооллоҳ!

Улар яна бир оиласадай, яна аввалгидек Чекирчидаги, янги сотиб олинган ҳовлида, бошқа хоналарда яшай бошладилар. Муҳиддин полвон вокзал ёнидаги уйни сотишни истамаган эди. Ҳовлини Раҳмонқул уйланса, оиласи билан яшашлари учун сотишмади. Чекирчидаги ҳовлиларининг каттагина томорқаси бўлиб, бироз узоқроқдан ўтувчи анҳордан бадоқ кавлаб келишларига тўғри келди. Томорқанинг бир қисмини полиз ва сабзавот экинлари учун ажратиб, бир қисмини боғ қилдилар. Пул тўпллб, эчки-улоқ, сигир-бузоқ ҳам сотиб олишди, рўзғорнинг хайру баракаси деб...

### 1941 ЙИЛ БАҲОРИ. ЧЕКИРЧИ МАҲАЛЛАСИ

Келаси йили томорқадан оладиган ҳосиллари кўпайиб, рўғордан ортадиганини бозорга чиқаришди. Нафақага чиққан Ширинбеканинг қўли теккан экин борки, авж билан ўсиб, ҳосили баракали бўларди. Уларни сотиш учун бир оёғи бозорда бўлди. Даромад устига даромад қўшилиб, Исомиддин ҳам бўш вақт топди дегунча онасига кўмаклашарди. У мева-сабзавот, резавор кўкатлар солинган тўрва ва тоғораларни машинасига ортиб, онасини туман марказидаги бозорга ташлаб ишига кетарди. Тушликка чиққунича бозордаги ишларини битиргани онасини яна ёнига ўтқазарли-да уйга олиб келарди.

Остона ҳали уйланмаган бўлса-да, кўз остига олиб қўйган қайлиғи бор эди. Маҳаллага кўчиб келган вақтларида 13 ёшли Райхон исмли қизни ота-онаси буни зидан сезиб ҳатто бир гал унинг онаси Ширинбекага:

– Бизнинг Райхонимиз сиздай моҳир, чевар, ҳамма ишни эплайдиган бўлишини хоҳладик, кўшнижон. Маъқул кўрсангиз, уни ёнингизга олиб ҳунар ўргатсангиз, дегандим, – деди аёл ва мушоҳада қилиб сўзида давом этди. – Бўй етиб қолганда,

албатта, сизга ёқиб қолса, келин қилиб олсангиз ҳам майли. Остонадан ортиқ кимга ҳам берардим қизимни, – деб қўйди.

Бир қишлоқда яшаб авваллари Райхонни бир неча марта кўрган Ширинбекага онасининг гапи маъқул келди. Қўл оёғи чаққон Райхон шу ҳовлига келган кунидан улар она-бала бўлиб қолдилар. Ёш қизча мактабда яхши ўқир, рўзгор ишларида ҳам Ширинбеканинг жонига ора кирди. Фаҳму фаросатли, ишдан қочмайдиган қиз экан, Ширинбеканинг меҳрини қозонди. У ҳам шогирди ва бўлажак келини сифатида Райхонга астойдил одоб ба ҳунар ўргатди, ўз фарзандидек Остонанинг бўлажак қаллифи сифатида, бу оиланинг аъзоси бўлиб қолди. Ширинбека қизни йигирма, Остона йигирма етти ёшга етгунга қадари, яъни етти йил давомида бағрига олиб яшади. Ширинбека Раҳмонқул ўқишни битириб, ишга кирганидан кейин уч ўғлини ҳам бирваракайга уйлантириш тараддудига тушди.

Ширинбек эрта тонгда хамир қориб, тандирхонада нон-патир ёпиш учун зувала қилаётган эди. Тандирга ўтин қалаб ёқиш учун Муҳиддин полвон тандирхонага келди.

– Бекам, кеча хамир қилмоқчи эканингизни айтмаган эдингиз? – сўради Муҳиддин полвон.

– Ха, бомдод намозидан кейин миямга бир фиер келди, ака! Ойсаранинг Мехрангиз синглисини биласиз-ку, унинг Хосият исмли қизи бўларди. У ҳам, катта бўлиб қолгандир. Эсингиздами, менинг кенжатойим қатори эди. Улар аркда туғилган болалар эдилар. Ўша қизни Исомиддин учун косибниуга меҳмонга бориб, кўриб келамиз. Юлдузлари бир-бирига мос тушса ўшани келин қилсак дегандим. Бу оила бизни эски қадрдонларимиз. Дастанхонга иссиқ нон-патир солиб олиб борай, деб хамир қилдим, – деди Ширинбека.

– Ие, бекам, ҳали катталарини уйлантирмасдан Исомиддинни уйлантирамиз, дейсизми? – деди Муҳиддин полвон.

– Уччаласини ҳам бир кунда тўй қилсак қандай бўларкин, деб ўйладим, ака, харажати уч бараварига камаяли. Остонанинг қаллифи бор. Рамонқул учун бир қизни орзу қилиб юргандим, насиб қилмаган экан, турмушга чиқиб кетди. Ўқишни энди битириб келди-ку, сўраб кўрамиз, балки ўзининг кўз остига олиб қўйгани бордир!

- Ҳа, учта тўйни битта қилиб ўтказиш фикрингиз жуда яхши. Тўғри айтасиз, бекам, камчиқим бўлгани тузук. Кўрпага қараб оёқ узатиш керак, ҳозирги замонда. Худди амиримиздай фикр қиладиган бўлибсиз, бекам! Эсингиздами, Улуғбекнинг ақиқа маросимида ўн нафар келин-куёвнинг никоҳ, олти боланинг суннат тўйларини бир кунда ўтказганлари? Амиримиз ҳамма тўйни бирга қилишни ўйлаб топган эдилар! Ўшанда қандай катта ва чиройли тўй бўлгани ҳозиргача ёдимда.

- Ака, ўшанда ўзингиз ҳам уйланиб олишнгиз керак экан-да. Нега шундай қилмагансиз?

- Биламан, аркда менга ёқадиган чиройли, ақлли қизлар кўп эди. Амиримиз, менга “бирортасини танланг, дўстим!” деб айтган ҳам эдилар. Аммо муҳаббатсиз уйланишни маъқул кўрмадим. Пешонамга шундай яшаш ёзилгандир-да, балки, бекам. Аммо Раҳмонқул билан Остонани олдинроқ уйлантириб қўявериш керак эди, билмадим, нега шу ишни орқага суриб юрдингиз? – сўради Муҳиддин полвон.

Ширинбека бир гапни етти ўлчаб, бир кесиб гапирадиган, мулоҳазакор ва оқила аёл эди. Полвоннинг саволига бироз уйланиб туриб жавоб қайтарди:

- Катталарини уйлантириб қўйишни кечиктирганим боиси, бир куни баҳшидам келиб бизларни олиб кетаман, десалар ва қудалар қизларининг кетишлирага қарши бўлишса, натижада уларнинг оиласари бузилиб кетишига сабаб бўлмасин, деб ўйладим. Сабр қилдим. Шунча пайтдан бери келмаган оталари, энди келмасалар керак, – деди у хамир зувалаларини ёйишда давом этаркан.

Ўша куни Ширинбека ва Муҳиддин полвон Исомиддинни ёнларига олиб, Курбон косибниги мәҳмонга бордилар. Курбон бобо ва аёли Ойсара буви уларни хурсанд бўлиб кутиб олишди. Ҳовлида тўртта қизалоқ ўйнаб юрган эди. Каттаси 12 ёшлар атрофидаги Султоной – Ойсара бувининг кенжা қизи, иккинчиси Маҳтоб – Ҳосиятнинг қизи, Хумор – Бегимойни катта қизи, тўртинчи қизалоқ Руқия – Бегимойнинг иккинчи қизи эди. Бегимойнинг учинчи қизи Олия яқиндагина туғилган эди. Ширинбека ҳовлига кириб келиши билан унга эндиғина оёқ чиқарган Руқия пешвоз чиқди. Ширинбека унинг юришларига қараб бир неча йил олдин келганида худди шундай қадамлар

билан Хосият унга пешвоз чиққанини эслади. Ширинбека уни кўтариб олиб, соchlарини силади, эркалади. Ойсара опа супадан жой ҳозирлаб, дастурхон ёзди. Кўп ўтмай дастурхонга ош ҳам келди. Қурбон бобо дамлаган ош одатдагидек мазали бўлган экан. Улар анча вақтдан буён кўришмаганликлари сабабли икки оиланинг кейинги йиллардаги ҳаётларидағи ўзгаришлардан бехабар эдилар. Ширинбека гапни узоқдан бошлади:

- Бу қизалоқларни кўриб, ўғил-қизларни уйли-жойли қилгансиз, деб ўйлаяпман, шундайми, Қурбон aka? Аммо тўйлари бўлганини биз эшитмаган эдик.

- Ҳа, узр бекам! Тўй маросимларини яқин атрофдаги қўни-қўшнилар, қариндошлар билан ихчамгина қилиб ўтказгандик, - деди Қурбон. Кейин яна давом этди. - Буёгини сўрасангиз, қизимиз Бегимойни Ражаб божамнинг ўзимиз катта қилган ўғли Ҳамрода узатдик. Синглиси Хосиятни ўғлимиз Абдураҳмонга келин қилдик.

У фарзандлари ҳақида сўзлаб туриб, бир зум жим қолди. Сўнг яна фахрланиб сўзида давом этди:

- Биз қизимиз Бегимойни, ўзимиз катта қилган, Ражаб божамни ўғли Ҳамрода, унинг синглиси Хосиятни ўғлимиз Абдураҳмонга олти йил аввалроқ турмушга берган эдик. Бегимой қизимиздан учта набирамиз: Ҳумор, Руқия (менинг онам. Муаллиф изоҳи), Олия исмли қизалоқлари бор, - деди Қурбонбой хурсанд бўлиб, - Аммо Хосият ва Абдураҳмоннинг бир қизлари бор эди. Исми Маҳтоб, мана у, ўғлимиздан ёдгор.

Хосият ҳақида сўзлаётганида Қурбонбой ва аёли маъюс бўлиб қолдилар. Бир зум жим қолиб, ерга қараб туришди. Сабабини била олмаган меҳмонлар бир-бирига қараб, елка қисиб қўйдилар, истиҳола қилиб индамадилар. Бу сукунатни бузишга ҳеч ким журъат қилмаган эди. Ниҳоят Ойсара кўзига келган ёш томчиларини рўмоли учида артиб:

- Бахшидам, давом эта қолинг, буёгини ҳам айтинг энди, - деди.

- Ҳа-а,- деб Қурбонбой чукур нафас олиб қўйди. У гапини тутатган эди, аммо Ойсаранинг сўзидан кейин давом этди. - Уларнинг бир қизлари туғилди, исмини Маҳтоб қўйдик. Ҳаммаси яхши эди. Ўғлимизнинг яқин дўстлари, деб биз ўйлаган кишилар, аслида унинг душманлари экан. Ораларидан

нимагап ўтган, биз билмадик. Хуллас, жанжал чиқиб, уни бўғиб, ўлдириб кўйибдилар. Ўша куни биз унга, фарзандлик бўлдинг, энди бирор ишнинг бошини тутиб, рўзғорингни тебратишинг, фарзандларингни боқишинг керак, деб насиҳат ҳам қилган эдик.

У ўғлининг фожиаси тафсилотига тўхташни истамади шекилли, қиз невараси ҳақида гапира кетди. - Маҳтобни тарбиямизга олдик, Хосиятни, ёш умри хазон бўлмасин, деб бошқага турмушга бериб юбордик. Яна тўртта фарзандлик бўлди. Ҳозир Муҳаррам, Адолат, Рисолат деган қизлари ва Мехмон исмли бир ўғли бор. Хосият уйимизда катта бўлгани учун фарзандларини ўз набираларимиздай кўрамиз. Бир-бирларимиздан доим хабардормиз. Ойсара билан аслида 12 фарзанд кўргандик. Фақат учтаси қолди, холос. Қолганлари гўдаклигида дардга чалиниб нобуд бўлган. Яхшиям Султоной қизимиз бор. Ҳозир ўн икки ёшда, beminnat дастёrimiz. Ойисига ёрдам беради, Бегимой опасининг болаларига ҳам қарайди...

Бу сухбатдан сўнг Ширинбека бугунги келишлари сабабини айтиб ўтиrmади. Улар ният қилиб келган Хосият ҳам аллақачон ували-жували бўлиб кетган экан. Улар шунчаки келгандек, меҳмон бўлишиди. Шу баҳона ўзаро дардиҳол қилиб, енгил тортдилар. Шу баҳона арқдаги ҳаётларини эслашди. Мехрангиз ва Ражаб ҳақида гаплашдилар. Улар ўша тунда қанчалик қийноқларга чидашларига тўғри келган бўлса керак. Амирнинг йўқолган хазинаси, арқда кимларни билишлари ҳақида саволлар бериб азоблаганлари шубҳасиз. Сўроқ пайтида бирини пешонасига тўппонча тираганларида, иккинчиси билган сирларини айтиб юборишади деган мақсадларини, аммо улар қаҳрамонлик қилиб, амирнинг уч ўғли билан севимли аёли Моҳларойимни яқингинада хос соқчи Муҳиддин полвон билан кўрганлари ҳақида лом-мим демай, кейин иккаласини ҳам отиб ташлашганини ҳеч ким билмайди. Мехрангиз ҳам, Ражаб ҳам бедарак кетишиди. Шунинг учун улар ўша тундаёқ ўлдириб юборилганини тахмин қилиш мумкин эди. Яхшиямки, улар Ойсара ва унинг баҳшидаси, бекалари Ширинбека (Моҳларойим) ва хос соқчи Муҳиддинни тилга олишмаган. Акс ҳолда, улар ҳам аллақачон НКВДнинг кўлида бўлишарди. Бу

улар томонидан ҳақиқий қаҳрамонлик эди. Фақат уларнинг қаҳрамонлик-лари ҳақида фарзандлари фаҳрлана олмасдилар. Чунки Ойсара синглиснинг сўнгги айтган сўзларига, балки васиятига содиқ қолиб, бу ҳақиқатни ҳеч кимга айта олмас эди. Жиянлари ота-онаси ҳақида сўраб қолғанларида, "дарёга чўкиб кетишган" деган битта сўзларида туравергандар.

Ўша куни Муҳиддин полвон ёқимли оҳангда "Куръон" тиловат қилди. Ражаб ва Меҳрангизнинг исмларини тилга олиб, узундан узоқ дуо ўқиди. Шундан сўнг Курбон бобо ҳам ўтганлар ҳақига дуойи фотиҳа қилди.

\* \* \*

Ширинбеканинг якшанба кунлари бозорда ёнма-ён ўтириб савдо қилувчи дугонаси Кимсаной Дўрман қишлоғидан эди. Унга Ширинбека:

- Дугонажон, ўғлим Раҳмонқул сизларнинг қишлоғингиздаги мактабга рус тили ўқитувчиси бўлиб ишга борди! - деди. Буни эшишиб Кимсаной, дугонасининг хурсандчилигига шерик бўлди:

- Ўғлингизни уйлантириб ҳам қўйганмисиз? - сўради Кимсаной бу гапдан кейин.

- Йўқ ҳали. Аммо кўнглига қўл солиб кўргандим. Кўз остига олиб кўйгани йўқ шекилли, яхши бир қиз бўлса дарров бошини иккита қилмоқчи эдим. Балки, сиз тарафларда бизга муносиброқ қизлар бордир-а, ўртоқжон? - деди Ширинбека.

- Ўзимда ҳам қиз бор, - деди дугонаси хурсанд бўлиб.- Исми Ойсулов. Хўп десангиз, эртага менга ёрдам берасан, деган баҳонада ўзим билан олиб келаман. Лекин фақат ўзига сездирмайгина гапга солиб кўринг. Ўзингизга ёқса, ўғлингизга айтарсиз.

Кимсаной Ойсуловни Раҳмонқулга беришга розилигини, Ширинбека дугонасига бир сухбат орасида айтган эди. Фарзандларини уйлантиришда ўзини анчагина кечиккан деб ҳисоблаган Ширинбека эртаси куни қиз билан сухбатлашиб, узоқ ўйлаб ўтирмай, Раҳмонқулга Ойсуловни келин қилишга қарор қилди. Бу сулув қиз Раҳмонқулга ҳам бир кўришдаёқ ёқиб қолди. Ўғилларининг розилиги билан Ширинбека икки тўнғич ўғилларини тўйларини бир кунда ўтказиб, уйлантириб қўйди. Дабдабасиз тўй маросимлари ўтгандан кейин Раҳмонқул ва

Ойсулув вокзал ёнидаги уйларига күчиб ўтишди. Остона ва Райхон Чекирчида Ширинбека, Мұхиддин полвон ва Исомиддинлар билан бирга яшайдын бўлишди. Ширинбека иккита келинлик бўлганидан хурсанд эди. Аммо унинг хурсандчилиги узокқа бормади. Орадан атиги уч ой ўтар-ўтмас мамлакатга немис фашистлари бостириб кирди ва қирғинбарот уруш бошланиб кетди.

\* \* \*

Машъум уруш эндиғина ўзидан тиниб, орзу ҳаваслар оғушида яшаётган Ширинбека сингари минглаб, миллионлаб кишиларнинг турмушини издан чиқарди. Бу халқ бошига тушган оғир кулфат бўлди. Энди оғзи ошга етаётган халқ, мамлакат яна қашшоқлик ботқоғига юз тутди. Ёппасига сафарбарлик эълон қилиниб, ёш-яланглар урушга жўнай бошладилар. Бу оғат Ширинбеканинг оиласини ҳам четлаб ўтмади. Унинг икки ўғлига биринчилар қаторида чақирув қоғози келди ва улар урушга кетадиган бўлдилар.

Чақирув қоғозлари келган куни йиғлаб юборган Ширинбека ўғилларининг ҳужжатлари ўраб кўйилган рўмолни очиб титкиларкан, улар орасидан Остонанинг маълумотномасини излаб топди ва апил-тапил кийиниб, шоша-пиша ҳарбий комиссариатга борди. Бу ерга одам жуда кўп келган экан. Аёлларнинг мотамларда бўладигандек йиғи-сиғиси ҳам авжида. У ана шу тўс-тўполон ичида иложини қилиб, Остонанинг соғлиги тўғрисидаги №417 рақамли тиббий хулоса маълумотномасини ҳарбий комиссарига шахсан топшириб келди. Остонанинг бошланғич синфни ҳам тугатмаганига сабаб бўлган болалигида олган ўша жароҳат асоратлари ҳали ҳам борлиги аниқланди. Ҳарбий комиссарлик тиббий комиссияси аъзолари уни “фронтга яроқсиз” деб топдилар. Аммо ҳарбий комиссия аъзолари Остонани фронт ортида хизмат қилиши кераклиги ҳақида буйруқ чиқарди.

Ширинбека ўша куни уйига келганда кетмон кўтариб, далага кетаётган Мұхиддин полвонни кўриб:

— Ака, бир дам шошмай туриңг, ҳозир чиқаман, гап бор,— деганича ўз хонасига кириб кетди.

У эридан эсдалик қолган тиллақошини хонасидан олиб чиқиб, бошидаги шойи рўмолига уни авайлаб ўрай бошлади. Рўмолни Муҳиддин полвонга узатар экан, деди:

- Ака, буни собиқ хазинабонга олиб бориб, гаровга қўясиз ва қарзга пул олиб келасиз. Унга, яқинда тўй қилганимиз учун ҳозирча пул йўқ эди, имконимиз бўлган кун дарҳол пулингизни келтириб, тиллақошни олиб кетамиз, десангиз яхши тушунади. Бошқалар буни баҳосини билишмайди, қимматлигини билиб қолиша, давлат одамларига шипшитиб, бошимиз балога қолиб юрмайдик дейман. Бегона ва нотанишларга буни кўрсатиш ҳали ҳам ҳавфли. Бахшидамдан эсдалик эканини унга айтинг, кузда даладаги экинларимизни йиғишириб олганимиздан кейин пулини дарҳол қайтиб берамиз.

- Бекам, ундан қанча пул сўрашим керак? - сўради Муҳиддин полвон.

- Қанча бериб турса ҳам майли! Тиллақошни бериб олган пулингизни, ҳарбий комиссариатдан бирор танишингизни топиб, кўлига қистиринг-да, ҳаялламай тезроқ ишни битиринг. У бир иложини топиб Раҳмонкулни, мабодо ҳеч иложи йўқ, бўлмайди, деса, Исимиддиннинг хужоатларини сал кейинроқса суриб қўйсин ёки қўлидан келса, яшириб қўйсин, - деди жон ҳолатда ва ялингандамо оҳангда Ширинбека.

- Бекам, сиз негадир шошиляпсиз. Ахир ҳарбий комиссариатда, аввало, танишимиз йўқ! Бўлганда ҳам, буни уруш дейдилар. Ўша танишнинг ҳам урушга кетиб қолмаслигига ҳеч ким ҳозир кафолат бера олмайди. Уруш сабил тугамагунича, ҳаммани ёппасига олиб кетаверадилар. Мен, яхшиси, бизни оиласа яна битта навбат келса, мени ёзасизлар, деб, илтимос қилиб келаман! - деди.

- Йўқ, ҳозир, шундай тўполонда ким ҳам оиласнинг навбатига қараб ўтирас эди. Сиз ҳозир ўзингиз таклиф қилган ишни хаёлингизга ҳам келтирманг, бу билан муаммолиз ҳал бўлмаслиги анив, - деди Ширинбека.

- У ерда кимгадир пулингизни бериб, ваъдасини олишимиз мумкин, аммо натижаси биз кутгандай бўлишига ҳеч ким кафолат беролмайди, маликам., - деди Муҳиддин полвон.

- Ака, нима бўлганда ҳам, болаларни бу уруш балосидан сақлабқолишимиз керак! Балки кенжа ўғлимнинг ҳали навбати

келмасдан, урушга чақи्रув қофози олмасидан оти ўчгур уруш тугаб қолар! Амиримдан айрилганим етар, энди болаларимдан ҳам айрилиб қолайми? Амиримга, боланинг исмини Темур күяйлик деганимда, урушни ёмон кўрганлари учун, “Бу исм, фотих бобомиз номлари, у киши тарихда ягона қолсинлар”, деб болаларимизга атайин Остона, Мехриддин исмларини кўйган эди-я! Бахшидам менинг ҳозирги аҳволимни олдиндан сезганлар, кўра билганлар! - Ширинбека шуларни айтиб, тибтиллақошни Муҳиддин полвонга берди ва уни жўнатиб юборди...

(1913 йилда туғилган Муҳиддинов Раҳмоннинг туғилган ва яшаш манзили, 1941 йил 19 сентябрда фронтга оддий аскар сифатида жўнатилгани ҳақида Коракўл туман ҳарбий комиссариатининг қалин журнал-дафтарид қайд этилган. Ҳарбий комиссариатда 1942 йил декабрь ойида у бедарак кетганлар рўйхатига киритилгани ҳақидаги маълумот ҳам бу ерда мавжуд бўлиб, хотира китобида ҳозиргача сақланмоқда.)

Онаси акасининг тақдиридан куйинаётгани учун Исомиддин урушга кетиб, ўша томонларда уни излашга қарор қилди. У бир куни уйдагиларга билдирмай комиссариатга борди ва ариза ёзиб, кўнгилли сифатида фронтга жўнаб кетди. Афсуски, у ҳам урушда акаси сингари бедарак йўқолди.

Ўғилларининг кетма-кет бедарак кетганлиги ҳақидаги хабарлардан Ширинбеканинг (Моҳларойимнинг) кўзларига бу дунё қоронғи бўлган эди.

(Улардан келган хатлардан бирининг ичida ҳарбий кийимда суратга тушган бир йигит (Исомиддиннинг сурати бўлса керак) расми бўлиб, Ширинбека уни қўлидан қўймас эди. “Қора хат” келганида аза тутиб, тақдирга тан бериш мумкин эди. Аммо улардан на хат, на бир хабар келмаётганлигидан оиласдагиларнинг ҳаммаси бесаранжом, ич-этларини еб кун ўтказардилар. Бу орада Ширинбеканинг келинлари фарзандлик бўлишиди. Райхон келини ва Остона ўғил кўрди, исмини Фахриддин (менинг отам - муаллиф), фамилиясини Муҳиддинов (хос соқчи Муҳиддин полвон шарафига) Остонович деб қўйишди. Аммо дадам кейинчалик, ишхоналарида исм-шариф билан мурожаат қилишларини эътиборга олиб, Муҳиддин бобонинг номлари кўпроқ тилга олинishi мақсадида ва Остона бобомнинг

розиликлари билан ўз исм-шарифларини Фахридин Мұхиддинович Остонов деб ўзгартирган эканлар. Ширин бувининг Ойсулув келини қиз туғади, исмини Севара, фамилиясини Раҳмонқурова, шарифини Мұхиддиновна деб атайдилар. Кейинчалик қизи ва набирасини олиб кетган қуда буви қизини бошқага кишига турмушга беради. Кейинчалик Ширин бувининг набираси Севаранинг фамилияси ҳам Ҳамроева деб ўзгартирилган экан. (Мұхиддинов Раҳмонқул амаки бобомнинг қизи – Севара Ҳамроева 1941 йилда туғилган, яшаш манзили Дўрман қишлоғи. 2016 йилда вафот этган. Севара буви турмушга чиқганларида, баҳшидаларининг фамилияси Ҳамроев бўлганилиги сабабли Севара бувининг фамилияси Ҳамроева, этиб қайта ўзгартирилган).

### 1942 ЙИЛ. ЭРТА БАҲОР

Ширин буви (Моҳларойим набира кўрганидан кейин уни доим шундай деб атар эдилар) ўғлидан хат келмаётганига қанчалик сиқилаётгани етмаганидек, Кимсаной қуда келини ва набирасини ўз уйига кўчириб олиб кетгани, бунинг устига бошқага эрга бериб юборишидан жуда қаттиқ қайғуда қолди. Уруш йилларининг очарчиликлари Қоракўл қишлоқларини ҳам четлаб ўтмади. Аммо Ширин бувининг хонадонида аҳвол унчалик ёмон эмас эди. Уларнинг сигир ва бузоқлари, товуқлари бўлган. Колҳоз даласида кун бўйи ишлаб, ўз томорқаларини ҳам ташлаб қўймагандилар. Ўша йиллар экинлар яхши ҳосил берарди. “Ўша йиллари фронтга озиқ-овқат юборардиқ, шунда ҳам уйимиэда сут-қатиқ сарёғ, тухум топиларди”, деб айтардилар Райҳон бувим. Бу айниқса икки боланинг оч қолмаслиги учун етарли эди. Демак, Ширин бувининг қудаси қизи ва набирасини олиб кетгани ва бошқага турмушга бериб юбориши очарчилик билан боғлиқ бўлмаган. Ширин буви буни ўғлининг бедарак кетганлиги учун дея қаттиқ хафа бўлган.

Ширин буви ҳар куни почтага бориб, хат келган-келмаганини суриштирас, вокзал ёнидаги ҳовлисидан ҳам хабар олиб турарди. Ўғли урушдан келиб аввал хотини ва боласини кўриш учун у ерга борса, кўшнилар унга аёли бошқага турмушга чиққанини айтишса, бир кор-ҳол бўлишидан хавотир олар эди. Кўшниларнига бир-бир кириб, мабодо ўғли келиб

қолса, аёли турмушга чиққанини дабдурустдан айтмасликларини улардан илтимос қилиб чиқарди.

У яна ҳарбий комиссариатга ҳам қатнаб, ўғли ҳақида суриштиришни канды қилмасди.

Бир куни Ширинбуви:

- Менинг ўғлимдан бирор хабар борми? - деб сўраган эди, шу ердагилардан бири, уни ҳар куни келишига раҳми келган қоровул:

- Хола, шунча йўлдан ҳар куни келавермасангиз-чи, ўғлингиз бедарак кетганлар рўйхатида турибди. "Қора хат" келмаганига шукур қилсангиз бўларди. Уруш тугаса, балки ўзи эшикдан кириб келар. Бирор чет элга тасодифан ўтиб кетган бўлса, ҳозир тирик юргандир, уруш тугашини кутаётган бўлиши ҳам мумкин! Худо кўрсатмасин, асирга тушган бўлса, бир куни озод бўлиб, албатта қайтиб келади! - деди. У шундай деб жонсарак ва жонҳалак Ширинбувини бир оз тинчлантироқчи бўлган эди. Аммо Ширин бувини ҳеч ким ва ҳеч нима тинчлантира олмас эди. Кунлар, ҳафаталар, ойлар шу зайлда ўтавериб, борган сари унинг соғлиги ёмонлашди, охири касал бўлиб қолди. Касалхонада даволаниб чиқса ҳам дарди қайталанаверди, у хафақон касалига чалинганди. У қон босими пасайиб, аҳволи яхшиланган кунлари почтадан хабар олар, комиссарат эшигига борар, эски ҳовлисига ҳам бир бош суқиб чиқарди. Шундай қилмаса, кўнгли таскин топмасди. Баъзан қишлоғидаги симёғочга ўрнатилган радиокарнайга ҳам қулоқ тутарди.

Раҳмонқулнинг овози радиодан эшитилиб қолар деган ўйловда гоҳида радиокарнай тагида узоқ қолиб кетган пайтлари ҳам бўлган.

Бир куни Муҳиддин полвон Ширинбуви билан бирга эски ҳовлиларига бориб:

- Бекам, мана бу кўшнимиз ўзининг тўртта боласи ёнига уруш бўлаётган жойлардан олиб келинган яна уч нафар болани ҳам олишибди. Келинг, Раҳмонқул урушдан қайтиб келганига довур ҳовлимизни шуларга бериб турайлик. Уларга энди ўз уйлари торлик қиляпти! Бадалига ҳеч нима сўраб ўтирмаймиз. Аммо фақат шундай шарт билан: Раҳмонқул келиши билан бизга бу ҳақда дарров ҳабар беришлари керак бўлади. Катта

ўғиллари уйимизни билади. Нима дейсиз, сизга маъкулми? – деди. У уйни ҳар сафар бўм-бўш кўравериш Ширинбувининг руҳиятига ёмон таъсир қилишини сезиб, шундай қилинса ҳарна фойдаси бўлишидан умид қилганди.

Ширин буви кўп ўйлаб ўтирамди, дарров розилик билдири. Кўшни оиласагилар, айниқса уруш жойларидан келган болалар жуда хурсанд бўлишиди. Чунки бу ерда Раҳмонқулларнинг сим кароватларии бўлиб, болаларга жуда ёққан эди. Бир қизча сим кароватга чиқиб, сакрай бошлади. Бошқа болалар қари ўрик дараҳтига боғланган аргимчоқда учиб, қувончлари ичига сиғмасди. Ҳатто бир рус қизча Ширин бувининг ёнига келиб:

– Бабушка, вам большое спасибо! Я теперь чувствую себя как дома. Вот нашла того, что мне не хватало. Теперь мне осталось только ждать маму и папу! Бабушка, скажите пожалуйста, мне говорили, что они приезжают как мы с поездом? – деда сўради.

Ширинбуви унга рус тилида ота ва онаси яқинда поездда келишларини, совғалар келтиришларини, уларга қўшилиб ўз ўғли ҳам келишини айтди ва тинчлантириди.

– Фақат бироз кутиш керак, албатта келишади, – деди Ширинбуви қизалоқнинг тилларанг ва майнин соchlарини меҳр билан силаганча.

Муҳиддин полвон билан Ширин буви уйларига кетишиди. Кўшнининг катта ўғли ҳафтада икки марта, кейинчалик бир марта уйларига келиб:

– Ширин буви! Ойим юбордилар. Раҳмонқул ака ҳали келмадилар, лекин келишлари билан сиздан суюнчи олишга келар эканман. Хола, хотиржам бўлинг, акамни кўришим билан ўзим югуриб келаман. Ахир сиз менга доим шириналлар берасиз-ку! – дер эди. Чиндан ҳам шунча жойдан келган болани Ширинбека ҳеч қачон шириналлксиз қайтармасди. Шириналлик дегани икки дона ёнғоқдай чақмоқ қанд бўлиб, уни олган куни боланинг қалби шодликларга тўлиб-тошарди. У ҳар сафар чақмоқ қандни бирини оғзига солса, бирини қоғозга ўраб олиб кетар эди.

– Менга қара, нега чақмоқ қанднингни биттасини емасдан олиб кетасан. Уни нима қиласан? – сўради Остона бир гал унинг бу ишини кузатаркан..

- Навбат билан онам, отам, укаларимга бераман. Бугун синглиминг навбати. Улар кимнинг навбати эканлигини ҳам билишади, - деди қўшни бола аллақандай ички бир ифтхор билан.

Исомиддин бир куни онасига шундай деб қолди:

- Ойи, шу болага велосипедимни совға қилмоқчиман, сиз розимисиз?

- Ўзинг-чи, ўзинг нима қиласан, сенга керак бўлмайдими, болам?

- Йўқ, ойижон. Ишхонамнинг машинаси бор-ку! -деди у.

- Майли, унда берақол! - деди Ширин буви. Исомиддин ўша куниёқ болага велосипедини совға қилиб, уни кузатиб қўйди. У бугун фронтга жўгатишларини сўраб ариза ёзиб келган эди. Зора, фронтда акамни излаб топсаму, онамнинг қайғусини енгиллаштирсам, деан ният билан шундай қилганди у. Афсуски, ўзи ҳам 1943 йил декабрь ойида бедарак кетганлар рўйхатидан ўрин олишини асло билмаган эди. Ҳар эҳтимолга кўра, у бир неча хатлар ёзиб, конвертларга солиб елимлаб, дўстларига тарқатиб чиқсан эди. У онасига ёзган хатларини дўстларига бераётib:

- Агар мен бир кун жангдан қайтмасам, буларни навбат билан онамга юбориб турасизлар! Акамга куйиб юрган онам мен учун ҳам куймаслиги керак. [Бу хатлар йиллар ўтиб, бугун унинг ўзини излайдиганларни чалғитиб юборишини у билмаган эди. Унинг қаерда ва қайси жангда вафот қилгани, уни қайси шаҳардан излаш кераклиги ҳозиргача номаълумлигича қолаётir].

Ширин бувининг бир дарди энди иккита бўлган эди. Мазмуни бир хил хатлар ҳам охир келмайдиган бўлди. Комисариатга борганида Ширин буви буни ҳам суриштириди. Ҳарбий идорадагилар унинг аризасига биноан фронтга сўровнома жўнатишиди. Икки-уч ҳафтадан кейин фронтдан келган жавоб хатида Муҳиддинов Исомиддин 1943 йил декабрь оидан бери бедараклар рўйхатида эканлиги айтилганди. Ширин бувини кўзига энди ёруғ дунё яна баттар қоронги бўлди.

Бир куни у Муҳиддин полвонга:

- Ака, болалар балки отасининг ёнига - Афғонистонга кетиб қолишимикин-а? Ҳарбий комиссариятдаги қоровул менга

шунга шама қилгандек бўлувди. Уруш бўлаётган жойларда чегарадан ўтиш балки осондир? Ахир бир пайтлар ўзимиз ҳам Остонанинг ёнига ўқ ёмғири остида ўтиб келган эдик, эсингиздами? – деди.

– Бекам, ўша бир пайтлар замон бошқача эди. Ҳозир қилич ва милтиқ эмас, самолёт, танк, пушкалар билан жанг қилишяпти, чегаралар пашша ҳам ўтолмайдиган қилиб қўриқланади. Яна билмадим, балки ўтиб бўлар, – деб кўйди Муҳиддин полвон. – Биз ўтаётганимизда аламдор оқ байроқни кўтариб турган эди. Икки томон ҳам қоидага амал қилиб бизлар ўтиб кетгунимизча отишмани тўхтатиб турганди, эсингиздами? Бекам, ҳар қалай, мен тарбиялаган болалар ҳозирги жангларда бундай “жиннилик” қилишмайди. Раҳмонқул отасини эслай оладиган ёшда эди. Лекин Исомиддин ўшанда ҳали отасини эслай олмас эди. У эмизикли бола эди ўшанда. Аммо Остона жуда яхши эсласа керак. “Ана катта уйимиз!” – деб арк томонга юрганичи... У ҳали ҳам отасини унугтаний йўқ. Агар Остона урушга кетганида бирор имкониятдан фойдаланиб ўтиб кетиши мумкин эди. – У кўзи олдида катта бўлган болаларнинг феълини яхши билар эди.

– Ҳа, яҳшим унинг врач ёзиб берган маълумотномасини отаси келганида кўрсатаман, деб, ҳужжатлар ичиди асраб кўйганим, бўлмаса уни ҳам фронтга олиб кетишар, – деди Ширин буви.

– Аммо ўшанда доктордан ҳужжат ёзиб беришини сўраб жуда тўғри қилган экансиз, маликам. Ақлингизга балли. Ҳарна, ҳозир у ёнингизда, шунга шукур қилинг! Оллоҳ насиб этса, Раҳмонқулни ҳам, Мехриддинни ҳам дараги чиқиб қолар. Иншооллоҳ! – деди.

– Шукр қиласман, ака шукр дейман. Яхшиямки, Оллоҳ набира бериб кўйибди. Алҳамдуиллоҳ! Уни қўлимга олганимда дардимни бир озгина унугтиб, озгина бўлса ҳам енгил тортаман. Бу оти ўчкур уруш қачон тугар экан-у, болаларим қачон багримга қайтар экан. Ака, сабрим чидамаган пайтлари поездга шартта чиқсаму, болаларимни излаб, топиб келсан, дейман. Сиз шунга нима дейсиз, ака?

– Асло ундей қила кўрманг, бекам! Ҳожам келиб қолсалар, ҳали икки бола учун, нима жавоб бераман, деб турибман. Ўзим

фронтга бориб, хатлари келган шаҳарлар бўйлаб қидирмоқчи эдим. Ҳарбий идорадагилар: “Ёшингиз ўтиб қолган, отахон, сизнинг ёшингиздагиларни барибир қайтариб юборишади” – дейишиди. Сўнг ҳамёнини олиб, анчадан бери йиғиб юрган пулларини бекага кўрсатди:

– Лекин, бекам, эртага мен ҳазинабонникига бораман. Тиллақошингизни олиб келаман, устамасига ҳам пул етади, мана қаранг. Ҳожамнинг сизга берган биринчи эсадалик совғаларини қайтариб олиб келмоқчиман, – деди Муҳиддин полвон.

Полвон эртасига тонг пайти туриб аввал собиқ ҳазинабонникига йўл олди. Аммо унинг омади юришмади. Фронтга жўнатилиби. Хотини муҳтоҷлиқдан тиллақошни бир дехқонга чорак халта буғдой унига алмаштириб юборган экан. Муҳиддин полвон, Ширин бувига тиллақошини келтириб берсам, фарзандлари учун куйинишдан озгина ўзини тияр, деб ўйлади ва таваккал қилиб, ўша дехқоннинг уйини суришириб топди. Унга келишидан мақсади нима эканлигини тушунтирган эди, дехқон:

– Бухородаги Минораи Калон яқинидаги бозор дарвозасидан киргада чап қўлда иккинчи дўконда ўтирган заргарга сотдим, – деб, аниқ манзилни айтди. Муҳиддин полвон эртаси куни заргарнинг ҳузурига борди. Заргар Муҳиддин полвоннинг ҳикоясини тинглаб туриб, асл буюмни, бунинг устига, қадимги усталар маҳорат билан бебаҳо тошлар билан безаб ишлаган тиллақошни у таклиф қилаётган арзимаган пулга қайтариб бергиси келмади. Муҳиддин бермоқчи бўлган пул ўзи сотиб олган пулдан анча кўпроқ эди.

– Ўша тиллақошни менга сиз эмас, бошқа киши сотди. Бунинг устига, унинг розилиги билан сотиб олган эдим. Уруш даврида уни ҳеч ким мендан сотиб олмаслиги аниқ эди. Бир неча узук ва ҳалқа ясаб сотиш мумкинлигини билар эдим. Тиллани қайта эритиб, мана бу тақинчоқларни ясадим. – Заргар ойнаванд кутида қатор турган турли тақинчоқларни унга бир-бир кўрсатди. – Мана, ҳозир урф бўлган шибирма ҳалқа ва мана бу узуклардан олинг! Ишонмасангиз, қаранг, сотиладиган буюмларимиз орасида ундей тиллақош йўқ. Бори ҳам жездан, арzonроқ тошлар билан безатилганидан бор, – деди у. Муҳиддин

полвон дўкондаги тақинчоқлар орасида ҳам, бошқа заргарларда ҳам бекасиникидек тиллақош йўклигига тилла бозорини айланиб чиққанидан кейин ишонч ҳосил қилди. Охири ноиложлакдан ўша заргар олдига қайтиб келиб, бир узук ва бир шибирма ҳалқасидан сотиб олди.

Муҳиддин полвон энди бозор дарвозасидан чиқиб кетмоқчи бўлган эди, уни узоқдан кўриб, таниб қолган Қобил баққол ёнига югуриб келди ва сўрашиб кетди. Анчадан бери бир-бирини кўрмаган эски танишлар қуюқ саломлашдилар:

– Полвон ака, сизни яна кўрганимдан хурсандман. Юринг, бир отамлашиб олайлик, анави ерда мазали угра оши тайёрлашади, вақт ҳам пешин бўляпти, – деб Қобил уни кўярда-кўймасдан шу яқиндаги шинамгина ошхонага бошлаб кирди.

– Бола-чақалар яхшими, ўзингиз омон-эсонмисиз? Бу дейман, фронтга сизни ҳам олишмабди шекилли? – деди Муҳиддин полвон.

– Ҳа, шундай бўлди. Жанг учун “қариллик” қиласиз, дейишди. Ўзим ҳалиям бўйдоқман, – деди Қобил баққол.

– Ие, нега?

– Нима қилай, ҳамон Маствуани кутяпман! Хожамиздан хат-хабар йўқ-ми? Маствара ҳақида ҳеч нима билмайсизми? – деди.

– Ҳа, хожамиздан хат-ҳабар йўқ! Бунинг устига, бекамнинг икки фарзанди урушга кетган эди. Афсуски, иккаласи ҳам ҳозиргача бедараклар рўйхатида. Бекамнинг аҳволи танг! – деди Муҳиддин полвон афсус чекиб.

– Аттанг, роса қийин бўлибди бекамизга. Ўзингиздан эшитайлик, ўзингиз-чи, сиз ҳам ҳали оила қилмадингизми?

– Йўқ, оғайнни. Хожамизга эсон-омон бекамизни ва болаларини қачон топширсам, ўшанда уйланаман, деган эдим. Лекин начора, мен айтгандай бўлмади. Балки пешонамга шундай ёзилгандир! Тақдирдан қочиб бўлмайди, деганлари шу бўлса керак, дўстим.

Қобил ҳам қалбини тирнаб ётган аламни бу танишига тўкиб-сочгиси келди.

– Ҳа-а! Мен ҳам ҳар замон бозорнинг шу кириш дарвозасига гоҳида қараб туриб, гўё албатта бир кун ундан Маствара кириб келади, деб кутаман. Мабодо Маствара Бухорога қайтиб келса, мени топишида қийналмасин, деб савдо жойимни ҳали ҳам

ўзгартирмай турибман, – деди у. Мұхиддин полвон у билан анча сұхбатлашиб, шу баҳонада тушлик ҳам қилиб олди, у билан хайрлашиб, Қоракүлга қайтди.

Мұхиддин полвон уйга келиб, бекасининг эшигини тақиллатиб, ичкарига кирди. Сүңг бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир ҳикоя қилиб берди. Охирида Бухородан олиб келган тақинчоқларни бекасининг олддига қўйди ва:

– Куруқ қўл билан қайтмай, деб сизга ана шуларни олиб келдим, бир кўринг-чи, балки сизга маъқул бўлар? – деди.

– Ака, раҳмат сизга. Лекин роса овора бўлибсиз. Биласиз-ку, ҳозир кўнглимга шу тақинчоқлар сиғармиди? Менга ўғилларим керак, ака! Ҳеч бўлмаса, бир хат-хабар бўлсайдиям майли эди!

Ширинбуви йиглаб юбормаслик ва Мұхиддин полвонни хафа қилиб қўймаслик учун тақинчоқларни кўлларига олиб, ўёқ-буёғини кўргандай бўлди ва полвоннинг кўнгли учун:

– Жуда чиройли, нафис узук ва сирға келтирибсиз, дидингиз чакки эмаскан, ака. Аммо ўша заргар тиллақошни қайтаргиси келмай, сизга ёлғон гапирибди. Чунки унинг тошлари бунақа эмас, асл ёқутдан эди. Мен ўз буюмимни яхши танийман. Ҳа, майли, қўяверинг, энди бунинг нима аҳамияти бор! – деди у ва яна гапни ўғиллари ҳақида давом эттириди.. – Майли, менга ўғилларим тирик бўлиб, тезроқ дараги чиқса, бас. Бир пайтлар Остонани “тирик” деган Фотимадек, кимдир Раҳмонқул ва Исомиддинни ҳам тирик дейишини шунчалик кутяпман-ки, асти сўраманг! Шу, айтмоқчиманки, улар болалигида оталари Афғонистонда эканликларидан хабарлари бўлган. Улар балки отасини излаб кетишгандир-а?

– Бекам! Бўлмаса, бундай бир иш қиласиз! Мен эрта тонгдан чегарага кетаман, ҳозир уруш сабабли ҳамма эътибор фронтга қаратилган. Афғонистонга ўтиш осон бўлиши керак. Менга ҳат ёзиб беринг, амиримизнинг ўша хатларини ҳам қўшинг. Бир иложини топиб, ўзим амиримиз ёнига ўтмоқчиман, юзма-юз гаплашиб, сизга натижани келиб айтмоқчиман. Агар болалар ўша ерда бўлса, олиб кел, десангиз, йўлга солиб олиб келишим мумкин. Маъқулми, бекам?

– Мен учун уларнинг қаерда бўлиши аҳамиятли эмас, тирик бўлишса бас, менга ана шу керак, шу муҳим, ака! Қани эди, “улар тирик экан”, деган хушхабар билан келсангиз. Бошим кўкка етар

эди! – Табассум Ширинбувининг юзига кўп вақтдан буён бегона эди. Қалбиди умид учқунлари пайдо бўлган Ширинбувининг кўзлари куёшдай порлаб кетди. Бир лаҳзада уни кўрпа-тўшак қилиб ётишга мажбур қилаётган дарддан асар қолмади.

Ширин бувига Муҳиддин полвоннинг Афғонистонга ўтиб, ҳам ўғилларини излаши, ҳам бахшидасидан хабар келтиришга отлангани кутилмаган янгилик бўлди. Хурсандчилиги ичига сифмай, ўзини қўярга жой тополмади. У хос соқчи Муҳиддин полвоннинг агар жазм қиласа, ҳар қандай юмушни уддалашини, муаммони ҳал қилишини билар, агар бугун ана шундай қалтис ишга бел боғлабдими, демак, бунинг ҳам уддасидан чиқишига астайдил ишонганди.

У ўрнидан күшдай енгил учеб турди-да, токчадаги сандикчадан бахшидасининг унга эсадалик қолдирган "Куръон" китобини олди. Унинг саҳифалари орасида ётган мактубни Муҳиддин полвонга узатди. Ниҳоят ўзи ҳам бахшидасига ўз кўллари билан мактуб ёзиб жўнатиш имконияти пайдо бўлганидан қалам ва қоғоз излашга тушди.

Эртасига бомдод номозидан кейин Муҳиддин полвон ўз сафар ҳалтасига янги ёпилган кулча, туршак, консервалар солиб, узоқ сафарга жўнади. Остона ҳам Муҳиддин полвонга қўшилиб Афғонистонга кетиш мумкинлигини билиб, кечадан бери кетиш хаёлида эди. Аммо унинг бу фикрига онаси ҳам, полвон ҳам қарши чиқдилар. Айниқса Муҳиддин полвон:

– Йўқ, болам, мен йўклигимда онангни ёнларида бўлишинг лозим. Сени у кишига хос соқчи қилиб қолдирман. Қон босимлари ошганда ким дўхтир чақириб келади, сен бу ерда бўлмасанг. Балки шифохонага ётқизиб, даволатиш керак бўлиб қолар. Мен, нари борса, бир ойларда қайтсан керак. Майли, яхши қолинглар, – деб улар билан хайрлашди. Остона кўнди

– Агар Раҳмонқул ва Исомиддин оталари ёнида бўлсалар, уруш тугагунича келмасдан ўша ерда турга қолсинлар, – деди Ширин буви полвонни кузатаркан. – Мен уларнинг тириклигини билсан бас! Бахшидамдан ҳам сўранг-чи, нега шу пайтгача келмадилар, мактуб ҳам ёзмадилар. Биз уларни унутмаганимизни мактубимда ҳам ёздим, сиз ҳам такрор-такрор айтинг!

Бир неча кундан сўнг ўзбек-афғон чегарасига етиб келган Муҳиддин полвон вазиятни тезда ўрганиб англадики, бу ердан ҳам ўтиш осон бўлмаскан. Аммо энди, ҳозир унинг ёнида, у тарафга ўтишда ортиқчалик қиласидиган, халақит берадиган кишилар ҳам, юк ҳам йўқ эди. Агар ҳозир ёнларида хожасининг аёли ва болалари бўлганида уларнинг ҳаётлари хавф остида бўлиши муқаррар. У ёлғиз ўзи ҳам ўтолмаслиги мумкин. Лекин шунча ерга келиб, Раҳмонкул ва Исомиддин ҳақида, хожаси ҳақида ҳеч нима билмасдан, ортига қайтиб кетишни ўзига эп билмади. Унинг кўз ўнгига бекасининг Афғонистонга кетмоқчи бўлганини айтганида терисига сиғмай суюнгани келиб, бир иложини топишга ундарди. Нима бўлганда ҳам, чегарадан ўтиш кераклиги фикрида қатъий турди. Шу теваракдаги одамлардан эҳтиёткорлик билан ўтиш йўлларини суриштирди. Кўпчилик одамларнинг айтишича, куруқлиқдан ўтишнинг умуман иложи йўқ экан. Чегаранинг Афғонистон тарафидан дарё бир кўшни қишлоқ яқинидан оқиб ўтар экан. Ўша дарё орқали фақат бир киши ҳар уч-тўрт кунда бир ўтиб қайтаркан. Аммо кўп нарса олиб ўтолмас, фақат хат ёки бирор кичикроқ буюм бўлса олиб ўтаркан. Бу йигит аслида у тарафдаги қишлоқдан бўлиб, отонаси ҳам ўша у тарафда яшарди. Бу томондаги қишлоқдан уйлангани, бола-чақалари ҳам шу томонда бўлгани сабабли дарёдан ора-сири ўтиб қайтарди. Оиласи йигитнинг ота қишлоғида яшашни истамаганди. Натижала йигит бир неча йилдан бўён дарёдан ўтиб қайтишга мажбур эди. Айни пайтда у ўтиб қайтиши билан ҳар икки томондаги одамларнинг ҳожатларини имкони борича чиқариб турарди. Бу ишда фақат яширинча бажаарарди.

Уни сўроқлаб, топиб борган Муҳиддин полвон:

– Ҳой йигит, мен сен чегарадан ўтадиган жойдан ўзим ўтмоқчиман, – деди дабдурустдан. Йигит бу гапдан ҳайрон бўлиб қолиб деди:

– Амаки, ҳазиллашяпсизми, мен одам ўтказмайман. Сизга нотўғри тушунтирган эканлар. Хатми, бирор кичикроқ нарса бўлса, беринг, етказиб бнришим мумкин. Мабодо у томонда яқин қариндошларингиз бўлса совға-саломларингизни етказишим мумкин, бош устига. Бошқаси қўлимдан келмайди. Бунинг устига, ёшингиз ҳам тўғри келмайди, бирор ерингиз

сувдан чиқиб турганини чегарачилар кўриб қолишиша, дарров отиб ташлашади. Улар сувдан чиқишингизни кутиб туришмайди, кимлигингизни ҳам сўраб ўтиришмайди. Йўқ, бўлмайди, яхиси, ортга қайтинг, уйингизга боринг, отахон, – деди “тимсоҳ” лақабли бу йигит.

Муҳиддин полвон кўпчиллик қоракўлликларга хос бирорвнинг маслаҳати билан иш қиласидаган одам эмас эди. Худл унга жисмоний қудрат билан бирга ақлу заковат, донишмандликни ҳам берган эдики, жуда муҳим масалаларни у мустақил ва жадал ҳал қила оларди. Бу унинг қайсараги бўлиб кўрингани билан у аслида доим ҳақ бўлиб чиқарди. Ҳозир ҳам бу йигитнинг маслаҳати шунчаки бир гап эканлигини яхши фаҳмларди.

– Йўқ, ўғлим. Сен ўтадиган жойдан мен ҳам ўтмасам бўлмайди.. Менга ўзинг сувдан ўтадиган жойни кўрсатсанг бас, уёгини ўзимга кўявер. Нонимга шерик бўляпти, деб ҳам ўйлама! Мен атиги бир мартағина ўтиб қайтаман, холос. Урушда бедарак йўқолган сени ёшингдаги икки ака-ука – менинг жигарларим у томонга ўтиб кетган деган тахминим бор. Шуни аниқлаш учун шунча йўл босиб бу ерга келдим. Бир ҳафта бекорга йўл босмаганман ахир. Болалар у тарафдами ёки йўқми – шуни аниқлаб кетишим керак. Ҳизмат ҳақингни айт, истаганингча пул беришим мумкин. Бу болаларнинг онаси оғир бетоб. Фарзандлари дийдорига илҳақ бўлиб ётибди, – деди полвон.

Йигит гапга тушунадиган, одамохун киши бўлиб чиқди.

– Ака, сув тагида арқон бор. Мана бу найчани оласиз-да, шу орқали нафас олиб, арқонни ушлаганча нариги соҳилга боргунингизча бошингизни сувдан чиқармайсиз. – деди йигит уни дарёning хилват соҳили томон бошлаб бораркан. – Келинг, чегарачилар турмайдиган жойда аввал бир машқ қилиб, синаб кўринг, кейин қийналиб қолмайсиз. Нафас етмай қолган тақдирда дарров юзага кўтарилеманг, чиданг, ҳаракат қилинг.

“Тимсоҳ” лақабли йигит дарёning ҳар икки соҳилидаги одамлар орасида анча машхур эди. У кишилар ҳожатини беминнат чиқариб юргани учун уни ҳеч ким сотмасди. Улар бу ҳақда Муҳиддин полвонга дарров айта қолмадилар. Полвон қўноқда бир неча кун қолиб кетгач, одамлар унинг гаплари чинлигига ишонч ҳосил қилиб, ёрдам бергилари келганди.

"Тимсоҳ" Муҳиддин полвоннинг ёши ўтган бўлса-да, абжир, кучли ва матонатли эканига, сув тагидан сузишда мосламага тезда кўникиб ўта олишига машқлар давомида амин бўлди. Улар чегарадан изма-из арқонни ушлаган ҳолда, эҳтиёткорлик билан нариги соҳилга ўтиб олишди. Полвон қайтаётганида у билан яна учрашишга келишиб олишди. Тилни билмагани сабабли хожасининг манзилини суриштириши ва нозирлар қўлига қўлга тушмаслиги учун ўзига қийин бўлишини сезган Муҳиддин полвон "Тимсоҳ"дан ёрдам сўради. У рози бўлиб, қишлоқдаги бир йигит билан таништириб қўйди. Бу йигит "Тимсоҳ" астойдил илтимос қилгач унга йўл бошлилик ва таржимонлик қилиш ишини бажарадиган бўлди. Унинг ёрдамида Муҳиддин полвон икки кундан кейин Сайид Олимхон яшаётган каттагина ҳовлига кириб борди.

### 1943 ЙИЛ АФГОНИСТОН

Амир Олимхон бу давлатга келганидан бери яаш жойини бир неча бор ўзгартиришига тўғри келган. Аммо йўлбошчининг ёрдами билан Муҳиддин полвон унинг Кобулдаги ҳозирги манзилини суриштириб топишга муваффақ бўлди. Эски қадрдонлари, бутун хонадон аҳли Муҳиддин полвонни иззатикром билан кутиб олдилар. Ватандан келган ҳар бир киши улар учун энг азиз меҳмон ҳисобланарди. Уни кўрган амирнинг ўғиллари, келинлари, набиралари, аёли Гулсарабегим, уларга ҳалиям садоқат билан хизмат қилиб келаётган бир неча канизаклар ва бош канизак Маствора бениҳоя хурсанд бўлдилар. Муҳиддин полвон ўзини қарши олган кишилар орасида Раҳмонқул ва Исомиддин йўқлиги учун ташрифи сабабини айтишда гапни нимадан бошлашни ҳали билмаётган эди. Амир Олимхон Муҳиддин полвоннинг номидан келган, деб ўйлаган хатни ҳанузгача олиб, асраб қўйган, жондан азиз кишиларини унга ишониб, ишонган кишиси эса уларни асрай олмаганидан қаттиқ хафа эди. Шундай бўлса-да, у полвон билан қадрдонларча кўришди, очиқ чехра билан кутиб олди, қалбининг тубида тошдай чўкиб ётган аламини ошкор қилмади. Муҳиддин ҳамма билан бафуржা сўрашиб бўлгач, амир уни ўзининг хонасига бошлаб борди.

Хизматчилар меҳмон олдига дастурхон солиб, нон-чой, нознеъматлар билан безатиб, чиқиб кетишиди. Муҳиддин полвон билан холи қолган Саййид Олимхоннинг кўзларига шашқатор ёш келди. У ўрнидан туриб, токчадаги китоб орасидан, Муҳиддин полвон номидан келган, деб ўйлаган ўша хатни олди ва ўпкаси тўлиб, Муҳиддин полвонга узатиб:

- Уларни сенга ишонган эдим! - деди амир. Бу сўзларни шундай оҳангда айтдики, ҳар бир сўз полвоннинг рагига найза каби қадалгандай бўлди. Хатни ўқиб бўлган полвон ҳеч нарсани тушунмагандай чўнтағидаги амирдан келган хатни олиб, унга узатди:

- Амирим, бу хатни мен ёзмаганман, биз тоғ ён бағрига етиб келганимизда, сизга мен эмас, завжангиз Моҳларойим бека мактуб ёзган эдилар. Ўша хатдан кейин бизга сиздан мана бу жавоб мактуби келган эди. Завжангиз ҳаётлар ва ҳали ҳам сизни кутмоқдалар. Улар тирик. Сизнинг ишончингизни оқлаш учун уларни кўз қорачиғимдек асрарим. Завжангизга ҳеч ким қўл теккизмади, Худони ўртага қўйиб айтаманки, маликамизни ҳеч ким хафа ҳам қилгани йў! - деди Муҳиддин полвон ҳайратга тушиб.

- Нима? - ўрнидан туриб кетди амир ғайри табий бир ҳолатда. - Улар тирик дедингизми? Улар тирикми? - Полвоннинг сўзларини эшитган Саййид Олимхон ўз қулоқларига ишонмаётган эди.

- Ҳа, Амирим! Уч ўғлингиз ҳам катта бўлди. Бекам ҳам тириклар! - деди яна Муҳиддин полвон такрор ва такрор.

Ўрнидан туриб кетган Саййид Олимхон полвоннинг бу гапларидан сўнг тамоман бошқа ҳолатга тушди. У Муҳиддин полвон сари юриб, қайтадан бағирлашди ва елкасига дўстона қоқиб, миннатдорчилик билдириди.

- Узримни қабул қилинг, биродар! Мен бандай ожиз, бир нотавон амир бу хатни сиз ёзгансиз, деб ишониб юргандим. Хўш, ўзингиздан гапиринг-чи. Уйланган бўлсангиз керак. Болаларингиз бордир? - деди Саййид Олимхон.

- Уйлансанам, аёлим менга омонат берган завжангиз ва ўтилларингизни бирор баҳонада ранжитмасин, ноўрин шубҳа ва гумонларга бориб маломат қилиасин, деб сўққабошликни танладим. Болаларингиз улғайиб, уйланнишиди, Улуғбек, яъни

Раҳмонқулда бир қиз фарзанди бор, исми Севара. Остонада бир ўғил фарзанд бор, исми Фахриддин. Улар икки ёшга киришди. Аммо, амирим...кечиргайсиз, сизга айтмоқчи бўлган ёмон хабарим ҳам бор. Раҳмонқул ва Исомиддин урушга кетишган эди. Кўп вақт бўлди, иккаласидан ҳам хат-хабар йўқ. Аммо “қора хат” ҳам келгани йўқ. Алҳамдулилоҳ! Иккаласи ҳам, афуски, бедарак кетгандар рўйхатида. Завжангиз Моҳларойим, дарвоқе, ҳозир у кишининг исмлари Ширин, ахволи руҳиялари кундан-кун ёмонлашиб, ўзларини ёмон ҳист этяптилар. Завжангиз фарзандларингизнинг бедарак кетгандилиги туфайли улар балки бошқа йўллар билан сизнинг ёнингизга келишган, деган фикрдалар. Аммо бунга ўзлари ҳам ишониб-ишонмай изтиробдалар. Агар улар сизнинг хузурингизга келгандарини билсалар эди, тинчланган бўлармидилар. Ана шу гумонлар у кишини қийнаётгани учун уларни излаб йўлга чиқдим ва бу ерга келдим, Келишимдан мақсадим шу эди, амирим.

Унинг гапларини жон қулоғи билан тинглаётган Сайид Олимхонга, шунча йилдан бери севимли аёли ва икки фарзандига азадор бўлиб, улар тириклигидан бехабарлиги қаттиқ алам қилди. Муҳиддин полвон берган хатни ҳам синчиклаб ўқиган амир икки эски хатни ёнма-ён қўйиб, солишириб кўрди. Ниҳоят амин бўлдики, хатлар бир ҳусниҳат билан бир киши томонидан ёзилган экан. Шунда у қўлини мушт қилиб, яна ўрнидан туриб кетди.

- Зариф-а-а! - ўқириб юборди Сайид Олимхон ғазаб ва нафрат аралаш.

Зарифабонунинг вафот этганига икки йил бўлиб, амирнинг бундай чақириғига қўшни хонада зимдан, уларнинг гапини тинглаётган Гулсарабегим югуриб кирди.

- Лаббай, бегим, Зарифа дедингизми? - деди.

- Йўқ бону, йўқ. Аламимдан Зарифа деб юборибман. Хабарингиз бўлмаса керак, менга, “Моҳларойим вафот қилди”, деб полвоннинг номидан сохта хат ёзган экан. Ҳе-е, падарига минг лаънат уни! Ўлмаган киши учун менга жаноза ўқитибди, ноинсоф! Боринг, тайёргарлик кўришни Маствора канизакка тайинланг, мен эртага бундайроқ кийиниб полвон билан мамлакатга кетаман, Моҳларойимни олиб келаман!

– Ҳай-ҳай, амирим, асло бундай қила кўрманг. Уларни олиб келишнинг иложи бўлганда Муҳиддин полвон олиб келмасмидилар? Чегарадан яширин ўтмоқчи бўлганларни отиб ташлаётган эканлар-ку! Амирим, бу юртда бизнинг сиздан бошқа таянадиган кишимиз йўқ. Бу хатарли йўлдан қайтмасангиз, ҳолимиз не кечади? Бунинг устига, йўқлигингизда худуд нозири келиб суриштириб қолса, нима деб жавоб берамиз? – деди Гулсарабегим хавотир билан.

– Биласиз, тўнғич ўғлим ҳозир ҳамма иш қўлидан келадиган бўлиб қолган. Хўжалигимизни яхши билади, тутумли бола. Ўшанга сизларни топшириб кетаман, қайтиб келгунимча ҳамма ишга у бош бўлиб туради. Агар амирлик қайта тиклангудек бўлса ҳам, мен агар қайтмасам, у амир бўлади. Гулсарабегим, мен агар эртага Моҳларойимни ёнига полвон билан кетмасам, уни бошқа ҳеч қачон қайтиб кўра олмайман. Қолган умримнинг менга кераги йўқ, усиз татимайди! Нозир тафтиш учун келиб қолса, балиқ овими, шикорними баҳона қиласизлар, – деди Сайид Олимхон қатъий қилиб.

Патнисда овқат келтирган Маствура бўлиб ўтаётган гаплардан хабардорлиги учун хонтахта устига қўлидагиларни кўйиб, ўзини амирнинг оёқлари остига отди:

– Амирим, мени ҳам олиб кетинг! Шу пайтга қадар, отамнинг қабрларини зиёрат қилиб юрибман-ку, деб ўзимни овуттар эдим. Ўн етти йиллик хизмат муддатимни ҳам аллақачон аллақачон адо қилиб бўлганман. Ўз юртимга боришни, қолган умримни ўша ерда ўтказишни, қабрим ўз юртимда бўлишини истайман, олампаноҳ! – У шундай деб уввос солиб йиғлаб юборди. – Илтимос қиласман, ўтиниб сўрайман сиздан. Мени ҳам бир иложини қилиб юртимизга олиб ўтинг. Отиб ташлашсалар ҳам майли, розиман, – деди у кўз ёшларини тўхтатолмай.

– Майли, унда, эртага сиз ҳам биз билан кетасиз. Лекин у ерда паранжисиз юришга тўғри келади. Шуни олдиндан айтиб кўймоқчиман, – деди амир унинг аҳволини, аччиқ қисматини кўз олдига келтириб.

– Майли, хожам. Ҳаммасига розиман, ўл дейишса – ўламан. Фақат ватанимда ўлай. Бошқа аёллар қандай яшаса мен ҳам ўшалардай яшайман. Пешонамдагини кўрай, аммо туғилган юртимда кўрай, амирим, – деди Маствура.

- Майли. Унда бориб йўлга ҳозирланинг - деб туришга ундали амир, - Турингиз, шунча йилдан бери садоқат билан, биз туфайли ватангандоликда яшаб келаётганингиз етади. Энди юртга қайтишга ҳақлисиз!

- Раҳмат, ҳазорон раҳмат, - дея Маствора канизак ўрнидан туралётгандан хожасининг чопони этагини ўпди. У жуда тўғри иш қилаётганига амин эди. Маствора шу лаҳзаларда зимдан Муҳиддин полвонга қараб кўйиб, ундан келтирган хабари учун миннатдор эканини англатмоқчи эди. Полвон уни ҳовлида учратиб қолганида Қобил баққол уни ҳалиям уйланмай, савдо қилаётган жойини ўзгартирмай уни кутаётгани ҳақида кисқагина хабар бериб улгурган эди. Яъни, Муҳиддин полвон янги таниши, йўл бошловчиси билан эшикдан кириб келганларида, уларга биринчи бўлиб, Маствора канизак пешвоз чиқкан эди.

Кечки овқат маҳали амир бу ерда ўтган кунлари ҳақида, ўғил-қизлари ҳақида, фарзандларининг хорижда ўқигани, уйлантириб, турмушга бергани, набиралари ҳақида гапириб берди. Ўзи эса полвоннинг арк, Бухоро, айрим муҳим воқеалар ҳақидаги гапларини дикқат билан тинглади. Айниқса Остона касалликдан соғайганидан сўнг биринчи маротаба арк олдига боргандларида, “Оий, қаранг, ана бизнинг катта уйимиз, ичкарида дадам борлар, дада!” - деб, югуриб кетганини айтиб берганида, улар бирга кулиб юбордилар. Айни пайтда амир бу воқеадан хўрлиги келиб кетди. Суюқди болалари ота меҳрига муҳтоҷ дамларда уларнинг ёнида, бошида бўлолмагани амирни чукур қайғуга солди. Бироқ шу билан бирга Муҳиддин полвон келиб жуда тўғри қилганига, ўзининг Моҳларойим ёнига бормоқчи бўлгани Моҳларойим учун чексиз баҳт бўлишига, бироз нохуш бўлса ҳам Раҳмонқул ва Исомиддин ҳақидаги хабар кўнглига анчагина таскин бераётганидан хурсанд бўлди.

Эрталаб Сайийд Олимхон ҳамма билан хайрлашиб, дарвозадан чиқаётгандларида, Гулсарабегим ҳам бахшидаси ва Маствора канизак билан ҳайрлашди. Улар йўлга тушиб, бир оз юрганларидан кейин Гулсарабегим Муҳиддин полвонни ёнига чақириб қолди ва унга бир гап айтмоқчи эканлигини маълум қилди. Гулсарабегим шундай деди:

- Мұхиддин ақа, сизге айтадиган иккита омонат гапим бор:биричиси, амиримизни ёнимизга тирик қайтариб олиб келишингиз шарт эканлигини айтмоқчи әдим. Йккинчиси, Моҳларойимга бир ўтингимни етказиб қўйинг: ундан кечирим сўрайман! Узримни қабул қилишини илтимос қиласман, қиёматга қолмасин! Фақат бу узр сўраётганим баҳшидамиз учун бундан кейин ҳам сирлигича қолсин, демоқчиман. Кейинроқ, мавриди келганда, ўзим баҳшидамиздан ҳам узр сўрамоқчиман. Аркдаги охирги кунларимизда мен дуохон хотинни келтириб, ундан сехр-жоду билан ўзимга соғлик тиламагандим. Гап бошқа ёқда әди. Ўшанда мен амиримизни Моҳларойимдан қаттиқ рашк қилганим боис, уларни бир-бирларидан ажратишни сўраган әдим. Яхшиямки, у тирик, вафот қилмаган экан. Аммо маликага айтинг, улар 23 йил жудоликда яшаганлари билан, амиримизнинг кўнгиллари фақат унда әди. Қанча ҳаракат қилмайлик, уларнинг қалбларидан ҳеч биримиз Моҳларойимдек муқим ўрин олиб билмадик. Қайтанга, ҳаммамиз бугун ватангадолик, ғурбат азобини тортяпмиз! Улуғбек ва Меҳриддинларнинг урушдан тирик қайтишларини Оллоҳдан сўрайман, мендан уларга салом дeng, хайр! – деди ва ортига қайтиб кетди.

Улар дарё соҳилига келиб, чегарадан учловлари ҳам эсон-омон ўтиб олдилар. Сув остидан оқимга қарши эмас, оқим бўйлаб арқонни ушлаб ўтиш анчагина осонроқ кечди.

### 1943 ЙИЛ АПРЕЛЬ. ШИРИН БУВИНИНГ ХОНАСИ

Мұхиддин полвон ўз уйига оддийгина чопон кийган Сайийд Олимхонни ва шу қишлоқлик аёллардек кийиниб олган Мастура канизакни олиб келганида, қош қорайиб қолган, кун бўйи далада меҳнат қилган одамлар уй-уйларига кириб кетишган, кўчада деярли ҳеч ким кўринмасди. Уларнинг хавфсизлигини таъминлашни ўз бурчи ҳисоблаган Мұхиддин полвон кийинишда жойли аҳолидан фарқ қилмаслик мухимлигини яхши билар әди. Шунинг учун улар чегарадан ўтган кунлари ўша ижарада турган ҳовлига бориб, кийим-бош хусусида пухта ўйлаб, маслаҳатлашиб, ҳеч ким шубҳаланмайдиган тарзда кийиниб олган эдилар.

Улар келгунларича Ширин бувининг аҳволи янада ёмонлашиб қолган экан. Лекин бирмунча озиб-тўзиб қолган баҳшидасини кўрган малика учун ҳаётининг иккинчи нафаси бошланди, қувончдан кўзига ёш қалқди. Суюкли ёр фироғи, икки фарзандининг машъум урушда бедарак кетгани қайғуси уни анчагина ҳолдан тойдирган, қалбидағи умид учқунларини деярли сўндириб бўлганди. Аммо шунча узоқ жойдан, хавфу хатарларга қарамай баҳшидасининг унинг ҳузурига келгани энг оғир кунларида куттилмаган совға бўлган эди. Моҳларойимнинг дийдорига етишиш Саййид Олимхон учун ҳам Бухорога яна амир бўлишдан ҳам муҳимроқ ва қадрлироқ эди. Унинг ана шу дийдорлашув лаҳзалларидағи шодлиги, хиссиётларини сўз билан ифодалаб бўлмасди. Улар 1920 йил кузидан бўён биринчи марта кўришаётган эдилар.

Болалигидан бери отасини интизор кутган Остона анчадан бери кўришишдан умид узган эди. Аммо шунча йиллар соғиниб кутган палари бузрукворини ўз уйи остонасида кўриб, кўзларига ишонмай қолди. Ниҳоят, азиз инсонлари билан учрашмоқ, дийдорлашмоқ, бағирлашмоқ насиб этганидан ҳаммалари бениҳоя хурсанд эдилар. Улар 2-3 кундан бери давра курибсуҳбат қилаётган бўлсалар ҳам, сухбатлари тугамас эди. Икки яшар Фахриддин ҳам амир бобосининг тizzасига ўтириб олиб, гўё бу ерда бўлаётган гап-сўзларга тушунаётгандий ўзини тутиши уларга завқ берарди. У ҳатто ҳеч нарсани тушунмаса ҳам ортиқча шўхлик қилмас, катталар каби сухбатга кулоқ тутарди. Амир сухбат давомида неварасини бағрига босиб-босиб кўяр, бошини оҳиста силаб, пешонасидан ўпид оларди.

Муҳиддин полвон Маствора канизакни эртаси куни Бухорога олиб кетди. Бозор дарвозасидан кириб, Қобил баққолнинг раастасига яқинлашганларида ўзи қадамини бироз секинлатди. Уни кўриб қолган Қобил баққол бир муддат ўз кўзларига ишонмай, шамдай қотиб турди. Сўнг чаққон ҳаракатлари билан улар томонга интилди. Раастасини айланиб ўтиб, кўз осиб юмгуンча Маствуранинг олдида пайдо бўлди. Чунки паранжисиз келгани учун у Маствурани узоқдан бир қараашдаёқ таниган, шодлиқдан юраги ҳаприқиб кетганди. Қобил шундоққина кўзи олдида турган бу, шунча йилдан бери интизорлик билан

куттган маҳбубасини кучоқлаб, бағрига босгиси келди-ю, аммо атрофдаги тумонат одамлардан ийманди.

Мастуранинг кўзларидан ёш оқар, аммо бу унинг севинч ёшлари бўлиб, узоқ йиллик ватангадолик, мусофирилик, ғурбат қутқусидан халос бўлганига ишониб турган бир қалб шодлигининг ифодаси эди. У энди бу азоблар барҳам топганидан бениҳоя хурсанд бўлаётган эди. Ватанига қайтиш, уни кутаётган Қобил баққол ёнида бўлиш орзуси ушалган Мастурада Худо уни бу ажойиб қунларга етказганига ишонмас, шунинг учун унинг кўзларида ҳайрат ва ҳаяжон учқунлари ҳам чақнаб турарди. Шу дамда у ўзини бир умрлик зинданбандлик жазосидан озод бўлган, ёруғликка чиқиб олган маҳкумадай ҳис этарди. Аслида йигирма уч йил муқаддам уни ҳам, бошқа хизматчиларни ҳам ҳеч ким мусофири юртларга, бегона бир мамлакатга кетишга мажбур қилмаган эди. Ҳаммалари ўз инонихтиёлари билан кетган эдилар. Аммо бу кетганлар қалбини Ватан соғинчи ҳеч қачон тарк этмаган, улар ҳар дақиқа Ватан қайғуси билан яшардилар.

– Соғ-саломатмисиз... Қандай келдингиз? – сўради Қобил баққол унинг неча йиллар ўтса ҳам унчалик сезиларли ўзгармаган чехрасига, ҳамон олов чатнаб турган кўзларига боқиб...

Мастура шунча йиллик айрилиқдан кейин ҳам ўзига ўша – ёшлиқдаги меҳр ва ички бир эҳтиром билан унга бокаётган Қобилнинг нигоҳларига дош беролмай бироз бошини эгди. Бу ҳам ўз севиклисига бўлган хурмат рамзи эди.

– Мана бу кишининг шарофатлари билан бу ердаман, – деди Мастура Муҳиддин полвонни кўрсатиб. – У киши Афғонистонга бормаганларида, мен ёлғиз бошим билан ўзим кела олмас эдим, ўша томонларда қолиб кетардим.

Албатта, Қобил Мастурани Афғонистондай жойдан Муҳиддин полвон олиб келганини дарров фаҳмлаганди ва шу дамда унга қандай миннатдорчилик изҳор қилишни билмасди. У ҳеч нима демади-да, савдосини қўшни дўкондорга қолдириб, севгилиси ва дўстини ўз уйига бошлаб кетди.

Муҳиддин полвоннинг Мастура канизакни Бухорога олиб келишидан яна бир бошқа бир муҳим иши ҳам бор эдики, бу иш ҳақида у баққолга холи жойда айтиб берди. Унинг уйидаги

мехмондорчиликдан сўнг Қобил шу куни қаергадир бориб полвоннинг чоржёйлик поччаси номига “Башир Бахшилло ўғли” деб ёзилган сохта ҳужжат олиб келди. Полвон бу ҳужжатни дўсти Сайид Олимхон хавфсизлиги учун қўлга киритганидан анча хотиржам бўлиб, Қобилга миннатдорчилик билдирида, Қоракўлга йўл олди.

Жума кунлари қоракўллик номозхонларнинг баъзилари Бухоро шаҳридаги масжидларга келар эдилар. Муҳиддин полвон ва Остона ҳам баъзан шундай қилишарди. Бу сафар уларга Сайид Олимхон шерик бўлмоқчи эди. Чунки Ширин буви у келганидан бери аста-секин тузалаётгани учун, дийдор кўришганлари, Оллоҳ шу кунларни насиб айлагани учун шукроналик номозини адо қилмоқчи эдилар. Ватандан шунча йил йироқда юриб, туғилиб ўсган жойларини кўрмасдан, ота-онаси, боболарининг қабрларини зиёрат қилмасдан ортга қайтиб билар эдими? Албатта, йўқ! Шунинг учун улар, бирмунча хатарли бўлса ҳам, Бухоро сафарига ҳозирлик кўра бошладилар.

Бухоро шаҳрига келганларида пешин намозигача ҳали вақтлари бор эди. Бозор айланиб, нарх-наволарни сўраган Сайид Олимхон анча ҳайратланди. Чунки уруш бораётгани учун бозорда маҳсулотлар кам, бирмунча қимматроқ эди. Муҳиддин полвон кимdir уни таниб қолиши мумкинлигини, бегона киши сифатида шубҳа уйғотиб нозирлар қўлига тушиб қолиши ҳеч гап эмаслигини ҳисобга олса ҳам амирга Бухоро сафарини рад қила олмаган эди. Бунинг устига, у Гулсарабегим бекага, Сайид Олимхонни тирик қайтараман, деб ваъда ҳам бериб келган эди. Шунинг учун тонг саҳарда Бухорога жўнаётгандарида ҳар эҳтимолга қарши этигининг кўнжига ўзининг эски, хос соқчилигидан қолган ўткир ханжарини солиб қўйган эди. Шаҳарда ҳар қадамда хушёр бўлишни Остонага ҳам уқтирган, ҳатто амирнинг Бухорога келиш эҳтмоли борлиги, шунинг учун уларга кўз-кулоқ бўлишни Қобил баққолдан ҳам илтимос қилганди.

Сайид Олимхон уч “хос соқчи”сининг шартига кўра, ҳар эҳтимолга қарши, соқол-мўйлабини қирдириб, ўша вақтлар уни ёшидаги эркаклар учун урф бўлган европача бош кийимни бостириб кийиб олди. Анча хатарли бўлса ҳам, ўша куни улар Арк музейига кириб, оддий томошабинлар сифатида

экспонатлар кўйилган хоналарни бир-бир айланиб чиқишига муваффақ бўлдилар. Кираверишдаги музей соқчиси уларнинг хужожатларини кўздан кечириб киритди. Амир кўрсатган хужожат соҳталигини сезмаган соқчи унга номигагина кўз кирини ташлади ва ичкарига киришга руҳсат берди.

Аркни томоша қилувчилар одатда амир таҳти турган очик майдондаги айвон олдида эсадалик учун суратга тушадилар. Майдонда томошабинларнинг турли суратлари ёпиштирилган таҳтасини деворга тираб кўйган ўрта ёшлардаги ўрис сураткаш ўтиб қайтаётгандарни суратга тушишга таклиф этар, истаганларни уч оёқли аппарати билан суратга оларди. Учовлон теваракни, айвон ва таҳтни томоша қилиб, сураткашнинг ёнига келиб қолдилар. Мулозаматли сураткаш уларни табассум билан қаршилаб, суратга тушишни таклиф қилди. Сураткаш ҳатто ўтмишда амалдорларнинг кийим-боши, камари, ханжарини ҳам деворга илиб кўйган бўлиб, истаганлар ана шу кийим ва қурол билан ҳам суратга тушишлари мумкин эди. Сураткаш асли музей ходими ҳисобланиб, шу йўл билан мижоз орттирас, ишини аъло уddeлар эди.

Тахтага ёпиштириб кўйилган суратларни томоша қилаётган Мухиддин полвон таклиф киритди.

- Қаранглар, қанча одамлар суратга тушбди. Бизлар ҳам эсадалик учун тушиб кўрсак ёмон бўлмасди!

Бу таклиф, "мени бу жойларда ҳеч ким танимади, худога шукр", деган ўйлар хаёлидан кечаётган Саййид Олимхонга маъқул бўлди. У Мухиддиннинг кўз қарашларидан ҳам ҳеч қандай хатар йўқ, деган маънони анлаганди. Шунинг учун суратга тушиш учун рози бўлиб, таҳт томон юрдилар. "Амир" ўзидан қолган таҳтга ўтириб. Мухиддин ва Остона эса унинг ёнида тик турган ҳолда суратга тушдилар. Сураткаш, энди сизлар ҳам навбат билан таҳтга ўтириб тушинглар, десе ҳам Мухиддин буни ўзига эп кўрмади.

Улар бир неча холатда суратга тушиб, сураткашнинг хизмат ҳакини тўлаб оркага қайта бошладилар. Шуниси эътиборлики, арқда одамлар гавжум бўлмаса ҳам ҳеч ким бугун собик амирни танимади. Балки бу мамлакатда уруш бораётгандилиги, ҳамма ўз дарду ташвишига ўралиб қолгани сабаблидир. Чунки ўша кунлар ҳар кимнинг асосий илинжи бир бурда нон топиш бўлиб,

аркда амир, унинг хос соқчиси бемалол юрганида ҳам ҳеч ким уларга эътибор бермаслиги аниқ эди.

Музейда саёҳатчилар ва ходимлар ўзи билан ўзи овора бўлиб, Олимхон бугун бу ерда эркин юришини Оллоҳнинг унга кўрсатган карами деб билди. Бир замонлар у бу муҳташам салтанат, шон шуҳратни юртда уруш бўймаслиги, вайронагарчиликларга йўл бермаслик учун ўз ихтиёри билан ташлаб кетганди. Бундан ташқари, оиласини сақлаб қолиш, фарзандларининг тақдиди унинг учун барчасидан муҳимроқ бўлиб, уни ҳатто туганмас хазина тақдиди ҳам асло қизиқтирмасди. Унинг кеча Бухорога келиб топган энг катта бойлиги Моҳларойим ва суюкли фарзанди Остона бўлди. У буларнинг барчаси учун аҳли аёлига йигирма уч йилдан буён садоқат кўрсатиб хизмат қилиб келаётган Муҳиддиндан беҳад миннатдор бўлди. Унинг шарофати билан Бухорони сайр қилди, жоме масжидида намоз ўқиб, ўтган яқин аждодлари руҳига дуолар қилди.

Шу топда унга шунча йил садоқат билан хизмат қилмаган, омонатга хиёнат қилмаган, шу йўлда бор умрини сарфлаган Муҳиддин полвонга миннатдорчилик билдириш учун сўз тополмасди.

Олимхон бирор сўз айтмасада Муҳиддин хожаси ўзидан миннатдор эканлигини аниқ биларди.

Шу куни Олимхонга Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида бобоси Музafferхон ва кўп хеш-акроболари ётган даҳмаларни зиёрат қилиш насиб этди. Бир куни вафот этганида улар ёнидан жой олиш ниятини кўнглидан ўтказди.

—Муҳиддин полвон, бир гап айтаман. Афғонистонда жуда зўр бир мунажжим билан суҳбатлашгандим. У юртимиз етмиш йилан сўнг озод бўлишига мени далилар билан ишонтириди. Агар шундай кун келса, мен унда бу ёруғ оламни тарқ этган бўламан. Бир ўтинчим бор, Фахриддин ақлини танигандан кейин васиятимдан хабардор бўлиши керак. Юртимизга хуррият теккач, хоким аждодларим ёнида бўлишни хоҳлайман. Амирлигимизнig бир асрлик хазинаси ҳам Ватанга қайтарилса улуғ иш бўларди. Менинг руҳим ўшанда ором олади

— Амирим, наҳотки хазина ҳануз мавжуд бўлса. Муҳожирликда уларни эҳтиёжларингизга сарфламадингизми?

- Мұхтож бўлдик. Аммо хазина меники эмас, шу юртники, шу улусники экан, уни талон-торож қилишга ҳаққим борми? – деди полвонга жавобан амир. – Эсдадур, отам вафот қиласидиган кунлари менга қилган васиятлари? Падарим менга, “Сенга манғитлар сулоласининг хазинасини омонат қолдиряпман. Бу хазина халқники!” – деган эдилар. Инқилобдан кейин ёпиқ мажлис чақириб, 1918 йилдан бошлаб хазинани энг ишончли банкларга қўйганимизни билсанг керак! Ватанимиз озод бўлганда хазина Ватанга қайтишини истадим. Ҳатто фарзандларим ҳам уни ишлатиб юборишлари мумкин эмас. Чунки, бу хазина Ватан мулки, халқ мулки! – деди Сайид Олимхон. – Ҳа, агар ўша мажлисда шу йўлни топмаганимизда икки йилдан кейин большовойлар бир танга қолдирмай ўмарид кетарди.

- Амирим, халқ мулки деяпсиз. Ватан озод бўлиб, хазина юртга қайтса, ундан қандай истифода қилинади?

- Ҳа, балли! Ўшанда менинг номим билан аталадиган жамияти хайрия тузилади. Жамланган пуллар мұхтож кишилар, эҳтиёжманд оиласалар, bemорларга хайрия сифатида берилади, таълим, маърифат тараққиётига сарфланади. Уни шариат асосида шерикчилик ишга сарфлаш мумкин. Даромади ортифи билан ўрнига қайтиб келаверади. Шундай қилинса бу пуллар ҳеч қачон тугамайди...

Улар кеч кирганда Қоракўлга қайтишди.

\* \* \*

Мұхиддин полвон фотосуратлар тайёр бўладиган куни шаҳарга уларни олиб келган эди. Уларни эсадалик сифатида ўзи билан олиб кетиш учун бир нусхадан Сайид Олимхонга топширди. Ширин буви, Остона ва унинг аёли Райҳон ҳамда кичкина Фахриддин фотосуратларни қизиқиб томоша қилдилар. Уларнинг оиласида ҳам саноқлигина фотосуратлар бўлиб, улардан бири Исомиддиннинг аскар кийимида тушган бироз сарғайиб қолган сурат эди. КенжА ўғлининг суратини узоқ томоша қилган Сайид Олимхон:

- Аттанг, бу суратни ўша куни ўша сураткашга элтиб берганимизда ҳозир катталаштириб, кўпайтириб олган бўлардик, мен ҳам бир нусхасини олиб кетган бўлардим, – деди

Олимхон. Мұхиддин полвон эса амирнинг бу ниятини амалга оширишни күнглига туғиб кўйди.

Ўз Ватанида Олимхон ўз табиий қиёфасида бўлмаса ҳам бу ерда ўтган кунларидан у жуда хурсанд эди. Унга Ватанни қайта кўрмоқ насиб этди, ҳалқ ўз турмушидан норози эмаслигидан мамнун бўлди, узоқларда бўлаётган урушнинг бу тинч ўлкага таъсирини сезди. Ўзининг севимли учтунчи никоҳидаги аёли ҳали ҳам уни севишини, севгисига содик қолганини қалби билан ҳис этди. Остонанинг уйланиб, фарзандлик бўлганидан қувонди. Фарзандлари Улуғбек (Раҳмонкул) ва Мехриддиннинг (Исомиддин) урушга кетиб, бедарак бўлгаңликларидан қайғурса-да, Моҳларойимни юпатишга ҳаракат қилди. Мехрибонлик билан берган далдаларидан аёли согая бошлади. У Моҳларойимга:

- Ватанимни, сизни, Остонамни яна кўрганимдан мен баҳтиёрман! Мамлакатда ўзгаришлар бўлибди. Ҳалқ турмуши оғир экан, аммо уруш йўқ. Бу жуда яхши. Аммо сизга айтадиган бир гапим бор. Мен билан хорижга кетмайсизми? Ўзингизни анча олдириб қўйган экансиз, у ерда яхши шифокорларга қаратар эдим. Розимиси? - деди.

- Сизни кўриб дардларимдан фориғ бўлдим, баҳшидам! Аммо сиз билан хорижга кета олмайман. Шу вақтгача ўша мактуб сабаб Қоракўлдан ҳеч қаерга кетмай, ҳатто ота-онамни кўргани Самарқандга кетмай, сизни кутган эдим. Энди эса шу ердан қимирламай Раҳмонкул ва Исомиддинни кутишимга тўғри келади. Улар келиб қолса набиралармизни ҳам олиб бирга кетармиз, аммо келинлармиз ҳам бор-ку. Уларни яқинларидан ажратолаймиз, буни кўзим қиярмиди? Сиз билан кўришмоқ қиёматга қоладими, деган ҳадикда эдим. Мана, дийдорингизни кўрдим. Оллоҳим шуни насиб этганига минг шукр, баҳшидам. Ундан шунисига ҳам розиман! - деди Моҳларойим фикрларини пухта ўйлаб.

Уларнинг уйидан сал наридаги симёғочга ўрнатилган карнайидан "Говорит Москва..." деган овоз эшитилиши билан қишлоқ аҳли унинг остига тўпланиб, нафасларини ичларига ютганча фронт хабарларини тинглайдилар.. Хабарларни кимдир қўлидаги ўроқ, кимдир елкасидаги обкаши билан югуриб келган. Ҳатто супургисини ташлашни унутиб югуриб

келган аёлларни кўриш мумкин эди бу ерда. Ширинбуви энди бу симёоч ёнига бормас, Муҳиддин полвон шаҳарга тушганида рапидадай келадиган бир қора тусли радиокарнай сотиб олиб келганди. Муҳиддин бемор бекаси қийналмасин, деб шундай қилганди. Шундан буён Ширинбуви хабарларни уйда тингларди.

1943 йилнинг апрель ойи. Диний маросим ва байрамларни чеклаб кўйилган пайтлар эди. Шунинг учун бу маросимлар деярли хуфёна ўтказилар, кўп меҳмон чакирилмасди. Дастурхонга атала, сумалак, ҳалиса ёки угра оши тановул қилингач, бирор кекса киши қисқароқ дуойи фотиҳа ўқир ва маросим аҳли бир-бир тарқаларди. Бундай давраларда гап фақат “гирмон” уруши, ким урушдан майиб бўлиб қайтгани, кимдир қора хат олгани ҳақида борарди. Дуойи фотиҳалар ҳим “илоё, уруш тезроқ тугасин”, деган калималар билан тугарди.

Муҳиддин полвон ҳам Раҳмонқул ва Исомиддиндан бирор хушхабар келсин, деган ниятда кичикроқ маърака уюштириди. Овқатдан сўнг, узоқдан келган меҳмон, дея дуойи фотиҳа ўқишини Олимхонга илиндилар. Унинг уруш тезроқ тугаши, фронтдаги йигитлар, жумладан, Раҳмонқул ва Исомиддинлар ҳам соғ-саломат қийтишини тилаб юзига фотиҳа тортди. Унинг оятларни қироат билан ўқиши ҳаммага манзур бўлди.

Ширин бувининг қўшнилари чоржўйлик меҳмон, яъни Муҳиддин полвоннинг поччаси мулла Башир Бахшилло ўғли ҳақида эшигтан, лекин ўзини кўрмаган эдилар. Полвоннинг опаси Муслима доим ўзи ёлғиз ёки болалари билан келиб кетар, эри ҳақида бу ердаги қўшниларга озми-кўпми гапириб берар, энди унинг ўзи шунча жойдан келиши қишлоқ аҳлининг унга нисбатан ҳурматини оширган эди. Чекирчиликлар танимаган бу хушсурат одамнинг ўзини сипо ва зиёлинома тутиши, бамаъни сўзлари, оғир-вазминлиги ҳаммага ёқди. У “Куръон” оятларини қорилардай ёқимли қироат қилгани учун қишлоқ одамлари ҳар оқшом уни навбати билан меҳмонга таклиф қила бошладилар. Аслида ўзга юртдан келган меҳмонни навбатма-навбат таклиф этиш одати қишлоқда аввал ҳам бор эди.

Қишлоқларда оддий маросимларга ҳам, “Куръон” оятларини тиловат қилиб биладиган кишилар камайиб қолганлиги сабабли, уларни, ҳатто дафн маросимлари учун ҳам узоқлардан

олиб келишлари керак эди. Рости, шу кунларда қишлоқда икки жумла сурани ёдлаб, қироат билан ўқийдиган одам қолмаган, дуохонлик эскилик сарқити сифатида таъқиб остига олинган эди.

Одамлар, "Чоржўйдан шундай хосиятли зот келибди экан", унга ихлослари ошди. Айниқса унинг пойқадами билан анчадан буён касал бўлиб ётган Ширинбувининг оёққа туриб кетгани уларни ҳайратга солди. Шундан сўнг айрим хасталар шифо истаб унга мурожаат қилмоқчи ҳам бўлдилир. Полвон бу ишнинг хатарли экани, мабодо амир "табиблиқ" қиласидиган бўлса қаттиқ жазоланиши мумкинлигини билиб эҳтиёт чораларини излай бошлади. Бундан ташқари, шу ишлар сабаб "табиб"нинг аслида ким эканлиги хукумат идораларига аён бўлиши мумкин. Бу эса амир учун фожиали тугаши аниқ.

Бир куни тонгда полвон аллақандай ғовур-ғувурни эшишиб кўчага чиқса, дарвоза бир неча қўшнилар тўпланиб туриди. Полвон улар билан салом-алиқдан кейин сўради:

- Ҳа, тинчликми, қўшнилар, нима гап?
- Тинчлик, полвон ака, тинчлик. Шу, меҳмонингизни табиблиқдан хабарлари бор экан. Шунга кўрингани келувдик, - дейишди улар.
- И-я, у кишини табиб деб ким айтди сизларга? - ҳайрон бўлди Муҳиддин полвон.
- Ҳеч ким айтмади. Ўзимиз шундай деб ўйлаяпмиз. Кўллари енгил экан, Ширинбуви у кишининг шарофатлари билан дардан кутилибдилар.

- Ҳа, шундай-шундай, - деб бу гапни тасдиқламоқчи бўлди Раззоқ амаки деган киши ҳам. - У кишида бир хосият борки, шундай бўлди...

- Энди, гап бундай, қўшнилар, - деди полвон уларни тинглаб бўлгач. - Биринчидан, поччам ҳеч қандай табиб-пабиб эмаслар. Остонанинг оналарини тузалишига келсак, мен келгунимча Остона ойисига уч кун "Ёсин" сурасини ўқиган. Биласизлар, бу сурा "беморни ё у ёқлик, ё бу ёқлик қиласи", деган гап бор. Онасини тузатган аслида Остона бўлади. Поччамнинг ҳам сафарлари қариби, эрта-индин уйларига кетмоқчилар. Ўзлари айтдилар. Шунинг учун, илтимос, меҳмонни бошқа безовта қиласидилар. Омон бўлинглар...

Аммо ҳам қишлоқлар бўш келмадилар:

- Ундай бўлса, полвон ака, айтинг, поччангиз Остонага "кўл" берсинлар, белини боғласинлар, илмларни Остонага ҳам ўргатиб кетсинлар. Ўзингиз биласиз, бу атрофда на бир саводли киши, на бир табиб бор. Борлари ҳам урушда. Табиб ўзимизда бўлса, узоқларга бориб юрмаймиз. Остона "Куръон"ни яхши билади, Бировимиз вафот этсак, жаноза ўқийдиган топилмайди. Меҳмонга айтинг, ўғлингизга шуларни ҳам ўргатсинлар, илтимос, - дейишди улар.

- Бу бошқа гап, - деди уларга жавобан Муҳиддин полвон. - Майли, шундай қиласиз. Бу иш ўзимга ҳам маъкул.

Кўшнилар уй-уйларига тарқалишди. Нонуштадан кейин Муҳиддин полвон Сайид Олимхонга ва Ширин бувига қўшнилар билан бўлган воқеани ҳикоя қилиб берди. Кейин сұхбат мавзуси амирнинг қайтиш сафарига уланиб кетди.

- Эҳтиёт чораларини кўрмасак бўлмайди. Замон нотинч. Аммо битта йўли бор. Агар бекам хорижга, амиримиз билан кетишини хоҳламасалар, бошқа шаҳарга ҳаммамиз кўчиб кетишимиз мумкин, -деди Муҳиддин полвон. У хожаси ва бекасининг айрилиқ кунларини қайта бошларидан ўтказишларини исташмаётганларини сезиб турарди. Бекаси фарзандларини кутиши аниқлиги учун бахшидаси билан кета олмаслигини биларди. Сайид Олимхон ўзи билан Афғонистонга ўтиб кетган 118 кишининг тақдири олдидағи бурчи учун бу ерда қолиб кетмаслигини ҳам ҳис қиласарди. Унинг соқчига хос ички сезгиси хожасининг бу қишлоқда қолиши кундан-кун хавфли бўлиб бораётганини ҳам билдираётган эди.

- Мен бахшидам билан кетишини хоҳласам-да, кета олмайман! Раҳмонкул ва Исомиддин ҳақида касалхонада даволанаётганимда докторимдан сўраб билган эдим. "Бедараклар рўйхати" ҳақида гап очганимда у: "Снаряд ёки бомба портлашидан контузия бўлишлари, хотирани йўқотишлари мумкин" деган гапларни айтганди. Унинг айтишича, маълум вақт ўтиб, хотира ҳам тикланиши, контузия асорати ҳам йўқолиши мумки экан. Агар шундай бўлса, болаларим албатта қайтиб келишади. Йўқ, мени маъзур тутсинглар, мен бахшидам билан бора олмайман. Нима бўлса

ҳам, фарзандларимни албатта шу ерда кутишим керак, – деди Моҳларойим.

– Моҳларойим тўғри айтаяптилар. Болаларимиз бир куни албатта қайтар, иншооллоҳ, Ўғилларимиз, тирик бўлса, албатта, илоё, қайтганлари бўлсин қайтади. Иншооллоҳ! Менинг эса, энди сафарим қариби. Азизамни тирик кўрганимга, Худо дарддан фориғ этганига шукур! Аммо азизам, менга ваъда беринг, умр омонат. Бир кун оламдан ўтсам, невара-эвараларимиздан бири менинг жасадимни бу ерда ётган аждодларим ёнига келтириб қўйишни ўз замоналари подшосидан сўрасинлар, бегона тупрқда қолиб кетмайин. Сиз шу ҳақда ғамхўрлик қилгайсиз, азизам. Менга шуни ваъда бергайсиз, маликам...

– Ваъда бераман! Бахшидам, ваъда бераман! – деди Ширин буви энтикиб. – Аммо тилагим, умрингиз узоқ бўлсин, тириклигингизда юртимиз озодлигини кўриш аввало ўзингизга насиб этсин!

Амир шундан сўнг хазина тақдири ҳақида полвонга айтган гапларини Моҳларойимга ҳам такрорлади. Улар яхши тилаклар айтиб дуога қўл очдилар ва юзларига фотиха тортдилар. Амир полвонга мурожаат қилди:

– Менга энди қайтиб кетишимда шерик бўласизми?

– Жоним билан, – деди Муҳиддин полвон.

– Ундей бўлса йўл тадоригини кўрайлик. – У шундай деб Остонгага юзланди. – Боя полвон айтган қўшнилар гапида жон бор. Ўғлим, яқинроқ кел! Сенга қўл бериб, белингни боғлайман! Бу амалларинги савоб йўлида тамаъсиз ва ҳалол бажар. Кўлингдан келганча одамларга яхшилик қил, ўғлим! Фақат ўзингни эҳтиёт қилишни ҳам унутма! Янги хукумат замонасида имонда сабит бўлишинг ўзинг учун хатарли бўлиши мумкин. Шу сабабдан огоҳ ва хушёр бўлиб қадам бос. Бу савоб амалингни улар билмаслар, аммо Худо кўриб туради. – У шундай деб Ширинбуви сандиқдан олиб келган янги белбоғни ўғлининг белига маҳкам боғлади ва уни бағрига босиб, пешонасидан ўпди. – Ўзингни эҳтиёт қил, болам!

Ширин буви урф-одатга кўра сандиқдан бир сира сарпо олиб, бахшидасини кийинтириди.

- Раҳмат, маликам, энди айтинг-чи, ўшанда, кечувдан ўтмоқчи бўлганимизда, Остонанинг тирик эканлигини сизга ким айтган эди? - сўради шунда Сайид Олимхон.

- Майли айтаман. Фақат шартим бор: ўша одамга зиён етказмасликка сўз берсангиз, - деди Ширинбуви.

- Майли, сўз бераман.

- Буни менга Фотима канизак айтган эди.

- Ие, Роҳила хотин канизакнинг қизларими? - сўради Амир.

- Ҳа. У ўша пайтлар ўсмир қизча бўлган бўлса ҳам, сизни ёқтиришини сезар эдим. Аммо... - Ширинбуви индамай ўйланиб қолди.

\* \* \*

Муҳиддин полвон йўлга ҳозирлик кўриши учун сафар халталарини тайёрлаётган эди. Остона ўз хонасига бориб "Куръон" китобини олиб келмоқчи эди. У китобга шогирд сифатида отаси учун миннатдорчилик сўзларини ёзмоқчи бўлганди.

Сайид Олимхон Ширин бувини ўзи билан кетишига яна умидвор бўлиб шундай деди:

- Маликам, мен билан кетишингизни жуда-жуда хоҳлаяпман. Агар кетмасангиз, ўша Фотима канизак қизга уйланишимга тўғри келади. Рости, яна бир бор ўйлаб кўринг! У, Моҳларойим рашк туфайли мен билан кетишга рози бўлса керак, деб ўйлаган эди.

- Вот ты мой дурачок! - русча шўх қичқирди Моҳларойим. - Ҳали бошқага уйланмоқчи эдингизми? - Унинг сўз оҳангидан жаҳли чиққани ҳам сезилиб турарди.

- Сиз ҳалиям ўзгармабсиз, бекам. Аваллари ҳам жаҳлингиз чиққанида рус тилида гапириб юборар эдингиз! - деди амир жилмайиб. Улар биргаликда кулдилар.

Улар шу дақиқаларда жуда баҳтиёр, айни пайтда баҳтсиз ҳам. Висол ўрнини ҳижрон эгаллаётганди. Шунданми, Ширин бувининг кўзларига ёш келди. Сайид Олимхон уни юпатиш учун елкасидан кучди. Улар бир зум бир-бирларига маҳлиё бўлиб термулишди. Уларнинг самимий муҳаббатига ҳижронда ўтган йиллар, "вафот қилди", деган ёлғон мактуб, ўзга юртнинг узоқ сафари, чегарадан ўтиш азоблари, кундошларнинг қилмишлари, икки аскар ўғилларининг бедараклиги, ўтган

яҳши ва ёмон кунлар, ўтиб кетган ёшликлари соя солиб улгурмаган эди. Чунки, Сайид Олимхоннинг боқишилари ўша-ўша, муҳаббатга тўла, мулойим, ёқимли; Моҳларойимнинг хурлиқо чехраси, муҳаббатдан чақнаган кўқимтири шахло кўзлари аввалгидек беғубор ва маънодор эди. Уларнинг шу топдаги қалб туйғулари илк учрашувларидағи каби эҳтиросли эди. Аммо муҳаббатдан ҳам кучлироқ туйғулар бор эдики, бу туйғулар уларни яна ажралишга маҳкум этаётган эди. Улар ўз севгиларини бу гал тасодиф туфайли эмас, балки ўзлари англаган ҳолда яна қурбон қилаётган эдилар. Бу Моҳларойим учун икки аскар фарзандини кутиш, оналик меҳри, бурчи бўлса, Сайид Олимхон учун ўз хоҳишларига биноан хорижга унга эргашиб кетган 118 киши олдидағи масъулият юки эди.

Муҳиддин полвон Ширинбувига Афғонистон сафаридан Сайид Олимхон билан келган кунлари унга Гулсарабегим-нинг омонат гапини айтган эди. Гулсарабегимнинг ўша гапига жавобан Муҳиддин полвон амирга ҳамроҳ бўлиб кетаётган куни Ширинбуви шундай деди:

- Уни тушунаман. У ҳам аёл. У ҳам севимли ёр бўлгиси келган, холос. Унга "Сизни Моҳларойим кечирибдилар, бекам кек сақламайди. Ҳар хил гумонларга бориб юрмасканси", деб айтинг. Бошимизга тушган савдоларга Гулсарабегим айбдор эмас. Ҳатто дуюхон хотиннинг амалларига ҳам боғлиқ эмас. Уруш, айрилиқ азоблари ҳозир кўп қатори бизнинг бошимизга ҳам тушган. Мен Зарифабонуни у ёздирган сохта мактублар учун ҳам кечираман. У ҳам ўша пайт фарзандларининг тақдирини ўзича ўйлаган. Оналик меҳри ҳамма нарсадан устунлик қилган. Нима бўлган бўлса ҳам ҳар нуқсоннинг бир яҳшилик тарафи борлигини кўра билиш керак. Энди пешонамизга шундай кунлар ёзилган экан-да. Мен тақдиримдан розиман! Менга Ватанда қолиш баҳти насиб этди-ку! Оллоҳ берса, фарзандларимни дарагини эшитсан, мендан баҳтиёр одам йўқ! Майли, соғ-саломат қайтиб келинг! Амиришимни уйларигача элтиб қўйиб, сўнг қайтинг, илтимос. Йўлларингиз бехатар бўлсин!..

Муҳиддин полвон Амир Сайид Олимхонни Афғонистондаги уйига соғ-саломат олиб борди. Гулсарабегимга

Моҳларойимнинг айтганларини етказди, Чекирчига соғ-саломат қайтиб келди.

## АМИРНИНГ ВАФОТИ. ИНГЛИЗ РАЗВЕДКАСИНИНГ МАЪЛУМОТЛАРИДАН

Ватандан бадарға Амир Олимхон 1944 йилнинг 29 апрелида юрг соғинчидаги Кобулда бандаликни бажо келтирди. У етарлича иззат-хурмат билан Кобулдаги Шухадон солиҳин - шаҳидлар қабристонига дағн қилинган. Умрининг охирида орзулари ушалмасдан хасталаниб қолган ва кўзи ожизлашган амир қуидаги икки мисра шеърни кўп такрорлар экан:

Амири беватан зору ҳақиқар аст,  
Гадо гар дар ватан мирад – амир аст.

*Таржимаси:*

Ватансиз амирлар зору ҳақиқардир,

Гадо ватанда ўлса гар – амирдир.

(С.Гайбуллаев таржимаси)

*Ext.2344/44*

Махфий

Британия элчинонаси, Кобул

18-сон маҳфий маълумотномадан кўчирма

1944 йил бешинчи майда тугалланган ҳафта ҳақида

Кобул

**Собиқ Бухоро амирининг вафоти**

Бухоронинг собиқ амири Сайд Олимхон 0 29 апрелда Кобулда вафот этди. Уни дағн этишда Бош вазир, сарой вазири, таълим вазири ҳамда бошқа юқори мартабали давлат амалдорлари ва ҳарбийлар иштирок этдилар. Қирол Зоҳир Шоҳ, сарой вазири ва таълим вазири Шоҳ-и Душамшер масжидига ташриф буюрдилар ва марҳум амирнинг руҳининг осойишталиги учун фотиха ўқидилар. Маълум бўлишича, Бош вазир дағн учун 5000 афгон рупийсими хайрия қилган, Қирол Зоҳир Шоҳ эса вафот этган собиқ амир шарафига 40-кунлик ибодат ўтказишга фармойиш берган. Собиқ амир кейинги 23 йил мобайнида Кобулда яшаган. Кейинги йилларда унинг саломатлиги яхши эмас ва қарийб тўла кўр бўлиб қолган

бўлсада, ў ва унинг оиласи исломпастар ҳаракатлар ва жамиятлар, шунингдек, немис, япон ва турк агентларида доимий қизиқиш уйғотиб келган. Ўзининг қудратли қўшниларига ёқишига интилган афғон ҳукумати жуда эҳтиёткор эди ҳамда марҳум амир ва унинг оила аъзоларининг таҳтни қайтаришга бўлган ножоиз уринишларни маъқулламаганди. 1932 йилда у ҳатто ўз ҳаракатлари билан Афғонистонни Совет ҳукумати билан жиддий тўқнаштириши мумкин бўлган босмачиларга қарши Афғонистоннинг шимолий-шарқига ўз қўшинини юборди. Эҳтимол, афғон ҳукумати сабиқ амирнинг вафотидан афсус чекмайди. Аммо у сабиқ амирнинг хотирасига ҳурмат кўрсатишга ҳамда ўз мамлакатидан қувилган ва Афғонистонда яшашга мажбур бўлган сабиқ мусулмон ҳукмдорига муносиб эҳтиром кўрсатишга тайёрдир. Сабиқ марҳум амир афғон ҳукуматидан пенсия оларди, аммо унинг ўғиллари ҳам ўша миқдорда пенсия олиш-олмаслиги ҳозирча номаълум.

*IOR: L/PS/12/918*

Махфий (инглиз тилидан таржима)

Британия элчихонаси, Кобул

35-сон махфий маълумотномадан кўчирма

1944 йил 1 сентябрда тугалланган ҳафта ҳакида

Кобул

**Марҳум Бухоро амирининг оиласи**

Қайд қилиндики, афғон ҳукумати марҳум сабиқ Бухоро амирининг 50 нафар оила аъзоларига қуидаги ойлик таъминотни маъқуллади:

- А.уйланган ўғилларга – ҳар бирига 290 афғон рупийси,
- В.бўйдоқ ўғилларга – ҳар бирига 240 афғон рупийси,
- С.қизларга қизларга – ҳар бирига 140 афғон рупийси,
- Д.беваларга – ҳар бирига 140 афғон рупийси,
- Е.ўгай оналарга – ҳар бирига 140 афғон рупийси,
- Ғ.опа-сингилларга – ҳар бирига 140 афғон рупийси,
- Жамиси ҳар ойда 9300 афғон рупийси тўланади.

*IOR: L/PS/12/918*

(Манба: Абдуллаев К.Н. От Синьцзяня до Хорасана. Из истории среднеазиатской эмиграции XX века. Душанбе, Ирфон. 2009).

## 1945 ЙИЛ, АПРЕЛЬ.

Бешафқат уруш ҳамманинг тинкасини қурилган. эди. Ширинбувининг аскар ўғилларидан ҳамон ҳеч қандай дарак йўқ. У кўзлари тўрт бўлиб уларнинг келишини кутади. Бирор хабар йўқлиги дарё гирдоби сингари Ширин бувини ўз қаърига тортар, кечалари “тиқ” этган товушни эшитса дарвозага югуради. Бу ҳол Муҳиддин полвонни унга таскин бериш учун яна нимадир қилиш учун бош қотиришга мажбур этди. Ниҳоят у Раҳмонкул ва Исомиддиндан охирги марта қайси шаҳарлардан хат келган бўлса, ўша шаҳарларга бориб, уларни излаб кўришга қарор қилган эди. Чунки радиодан бу шаҳарлар душмандан озод этилгани ҳақидаги хушхабарларни радиодан эшитган ва режа тузиб юрганди. Ширинбувига шу ҳақда айтганида у мамнун бўлиб ўғилларининг хатлари ва суратларини дарҳол унга тутқазди. Ширинбувининг қалбида яна умид учқунлари пайдо бўла бошлади.

Муҳиддин полвон сафар халтасини туршак, иссиқ кулча, сувдон ва егуликлар билан тўлдириб, поездга ўтириди. Аввал Раҳмонкул, сўнг Исомиддиндан охирги марта хат келган шаҳарларга бориб, уларни излай бошлади.

Бу шаҳарларда дуч келган кишига суратни кўрсатиб, мана бу аскарни танийсизми, кўрганмисиз, деб сўрашдан чарчамас, аммо бу саволларга ҳеч ким “ҳа” деган жавоб қайтармасди. Албатта, таниймиз, кўрганмиз, фалон жойдан топиш мумкин, деган одамлар ҳам учради. Бироқ полвон излаб топган кишилар бошқа одам бўлиб чиқди.

Бу уринишлари самара бермагач, Муҳиддин полвон шифохоналардан бошлади. Йигитлар улар орасида ҳам учрамади. Шундай одамлар қаерда бўлса, ўша жойларга эринмай борди. Турфа одамлар билан сұхбатлашган сари уруш ҳақида тасаввурга эга бўлди.

– Майли, ҳеч бўлмаса бир бемор зиёрати бўлди-ку! – дерди у ҳар гал ноумид бўлиб улар ҳузуридан чиқаркан.

Полвон ўз яқинлари бўлиб қолган икки йигитни эрталабдан ярим тунгача, тинка-мадори қуриганча излар, аммо бирор натижа чиқмасди. Охири поездга ўтирида-да ортига қайтди. Унинг ҳамма чеккан азоблари бир томону, уйга бирор

хушхабарсиз қайтаётгани азобларнинг энг каттаси эди. Чунки уйга келиб Моҳларойимга, уларни тополмадим дейиш барча чеккан азобларидан оғирроқ бўлиши муқаррар. Аммо осмон баланд, ер қаттиқ. Унинг шундан бошқа чораси ҳам йўқ. Агар у Чекирчига икки аскарни бошлаб борганида ҳаммаси бошқача бўларди. Афсуски, бундай бўлмади ва бўлмайди.

Муҳиддин полвон сафардан 7 май куни қайтиб келди. Икки кундан кейин уруш тугагани ҳакидаги хабар бутун мамлакатга тарқалди.:

- Муҳиддин полвоннинг қадами кутлуғ келди!
- У бизга Ғалабани олиб келди!
- Ўзиям нақ авлиё экан!
- Билганимизда аввалроқ жўнатардик! -каби сўзлар ҳамма кўни-кўшниларнинг тилида эди.

\* \* \*

Икки кичикроқ хонадан иборат бу зиёратгоҳдан зиёратчиларнинг қадами аримасди. Ойсара буви бу зиёратгоҳ ёнига кўчиб келган 1920 йил эрта кузидан бери, мана, қарийиб 30 йил бўлибдики, савоб учун ҳар куни унинг атрофини чиннидек қилиб супуриб қўярди. Унинг туғ ўрнатилган жойидан сал пастроқда, жийда, ўрик дараҳтларининг соясида узун тахта ўтиргич ўрнатилган бўлиб, одамлар унга ўтириб, дуо ўқирдилар. Ойсара буви набираси Руқияга кўй-эчкиларни шу атрофларда ўтлатиб юришни тайинлаган эди. Қўл-оёғи чаққон 10 ёшли қизча Руқия бу ишни бувисининг кўнглидагидек эплар эди. Шунинг учун у мактаб ёшига аллақачон кирган бўлсада, уни мактабга юбормай, кўй-эчкиларни ўтлатишни маъкул кўрган эдилар. Хоналардан бирига Ойсара буви ҳар куни бир челак тоза сув келтириб қўйиб, Руқияга:

- Қизим, зиёратга келганларга мана бу чўмичда сув олиб чиқиб берсанг савоб бўлади! Сени ҳам дуо қилишади. Катта бўлганингда ҳамма орзуларингга эришасан, -дерди.

- Буви, улар сизни ҳам дуо қилишадими? Ахир сиз ҳар куни бу ерни супуриб, сув сепиб қўйяпсиз-ку! - сўради Руқия бир куни бувисидан.

– Ҳа, албатта! Балки дуо қилмаслар. Лекин авлиё бобонинг руҳлари кўриб ўтирибдилар, албатта ўзлари дуо қиладилар. Оллоҳ кўриб ўтирибди, менга савоб ёзилаётгандир.

– Савоб дегани нима, бувижон? – сўради Руқия.

– Қадимдан савоб ва гуноҳ деган гаплар юради, болам. Агар одамларга фойдаси тегадиган яхши ишлар қилаверсанг, буни савоб дейдилар. Бошқаларга ёмонлик қилиш, номаъқул, одамларнинг кўнгли оғрийдиган иш қилиш гуноҳ ҳисобланади. Яхшилик қилганлар – жаннатга, ёмонлик қилганлар дўзахга тушармиш.

– Буви жаннат дегани нима, дўзах дегани нима? Айтиб беринг!

– Булар иккиси ҳам у дуёда бўлади. Жаннат абадий гуллар очилиб, ариқларда зилол сувлар оқиб турадиган боғ, дўзах эса абадий тандирдай олов ёниб турадиган жой дейдилар. Болам, қачон катта бўлсанг, ўшанда ўзинг ҳаммасини тушуниб оласан. Қарагин, қўйлар узоққа кетиб қолмасин... Дўзах худди тандирдек оловли жой. Жаннат ҳамма мевалари пишиб турган энг яхши жой! – дедилар.

Бола – бола-да. Руқия бу гапларга қулоқ солар экан, қўлидаги чўпон таёғи билан олтита катак чизди ва улар ичидаги сакраб ўйнай бошлади.

Шу пайт зиёратга келаётган Ширинбуви кўриниб қолди.

– Буви, қаранг, Ширин бувим келяптилар, – деди Руқия.

– Ассалому алейкум, бекам яхшимисиз? – салом берди Ойсара буви.

– Ваалейкум ассалом, Ойсарабегим, тан-жонингиз соғми? Болалар, набиралар яхши юришибдими? – алик олди Ширин буви.

– Раҳмат, бекам, – деди Ойсара ва у ҳам ҳол сўради.

Шу пайт Руқия ичкаридан бир чўмич сув олиб чиқган эди.

– Ассалому алейкум, Ширин буви! Сисга сув олиб чиқдим. Зиёратингиз қабул бўлсин, – деди Руқия. Ширинбуви чўмичда бир ҳпладида Руқияга қайтариб берди

– Муродингиз ҳосил бўлсин, она қизим. Ойсарабегим, ақлли набиранг борда. Илоҳим кўз тегмасин унга. – деди Ширинбуви узоқлашиб кетган қўйларини ортидан юргурган Руқияга ишора қилиб. Бирпасдан сўнг сўзида давом этди. – Оллоҳ умр берса, шу

набирангизга ўзим совчи бўлиб келаман. Ўшанда "йўқ", демайсиз-а?

– Сиз учун ҳеч қачон бундай демайман, опа. Сўзим – сўз, – деди Ойсара. Кейин улар бир пайтлар аркда кечган ҳаётлари, Ражаб ва Фарангиз ҳақида, Раҳмонқул ва Исомиддин ҳақида, Сайид Олимхоннинг икки-уч йил олдин Қоракўлга келиб кетгани ҳақида гурунглashedilar

– Бекам, яқинда Мухиддин aka Афғонистонга бориб келибдиларми? Гапиринг-чи, у ерда нима гап экан? Амиримиз билан кетганлар соғ-саломат эканларми? Мухиддин акам Олимхоннинг қабрларини зиёрат қилган бўлсалар керак-а? – Ойсара Ширинбуваниннаволларга кўмиб ташлади.

– Ҳа, бир кетганларидан кейин Фотима канизакка ҳақиқатдан ҳам уйланибдилар! Фотима канизак бахшидамдан бир қиз ва бир ўғиллик бўлибди. Ойсара, биласизми, қизларига нима деб исм қўйибдилар? – деди Ширин буви.

– Хўш, нма исм қўйибдилар? – қизиқиб сўради Ойсара буви.

– Шукрия Рад Олимий деб қўйибдилар! Бир пайтлар мен у кишига, агар қиз кўрсам исмини Шукрия қўямиз, деган эдим. Сохта хат сабаб 23 йил мени вафот этган, деб ўйлаган бахшидам бизни тирик эканлигимизни эшитиб шунча олис йўлдан келиб кетдилар. Жойлари жаннатдан бўлсин, бахшидамни. Бу ердан кетганларидан кейин атиги бир йил яшаб қазо қилган эканлар.

– Ҳа, бекам, бу ҳақда радиодан эшитдим, деб айтган эдингиз ўшанда.

– Ҳа, радиодан, тафсилотлари билан эшиттириш берган эди. Раҳматлик вафот этишларидан олдин, мени қабрга омонат қўйинглар! Бир кун келиб, тупроғимни ўз юртимга олиб кетадилар, деган эканлар. Кетаётгандаридан, менга ҳам: "Фахриддин набирамга тайинланг, сизга ўхшаган бир меҳрибон қиз эварам туғилса, Ватан озод бўлса, юрт соҳибидан жасадимни, ўтган яқинларим даҳмасига дағи этилишини сўрасин" деган эдилар, – деди Ширинбуви.

– Бекам, акам жуда олийжаноб инсон эдилар. Мени сингилликка қабул қилган кунларининг эртаси Қулмат қоранинг амиримиз шаънига номақбул гапирганини қўрқмай гапириб юборибман. Яхшиямки, улардан жазо олмаганинга шукур! – деди Ойсарабегим.

- Амиримизга айтиб беришингиздан қўрқишишган.

- Бекам, аркда яшаганимиз учун баъзилар бизни қоралашади. Аммо синглим ва Ражаб куёвимни олиб кетишиб, уларнинг қайтмагани-чи? Бегуноҳ кишиларнинг қатл қилиниши-чи? Опа, бизнинг аркдаги ҳаётимиз эсингиздами? Тўйимиз кунидаги суратлар!..Ха, айтгандай, бир пас шошманг, ҳозир олиб чиқаман. - Ойсара буви шундай деб зиёратгоҳга яқин ҳовлисига кириб кетди. Ширинбуви тасбех ўгириб кута бошлади...

Ширинбуви эртасига яна келди. У Руқиянинг мактабга бормаслигини билар, ўз тентдошлари қатори саводхон бўлишини, замондан орқада қолмаслигини истарди ва буни Ойсарага ҳам уқтирганди. У анчадан буён Руқия билан машғулотлар ўтказар, Руқия аллақачон санашни, ёзишни, ўқишини ўрганиб олганди. Уларга дафтар, қалам керак эмас эди. Ширин буви ерга чўп билан ёзар, Руқия уларни ўқирди. Руқиянинг хотираси кучли бўлиб, бир кўрган, ёки эшитган нарсасини эсида сақлай олар эди. Улар машғулотга берилиб кетгандарида, атрофидагиларни унутиб қўяр эдилар. Шунинг учун Ойсара буви, ўз тарбияларига олган яна бир болага:

- Итолмас, болам, Руқиянинг қўйларидан ҳам боҳабар бўлиб тур! Устоз бувиси келганида қўйлари борлиги эсидан чиқиб кетяпти! – дерди.

Ширинбуви бу сафар ерга “Катта айик” туркумидаги юлдузлар жойлашувининг суратини чизди:

- Руқия, қара, еттита юлдуз мана бундай жойлашган, бу “Катта айик” юлдузлар туркуми дейилади. Сана-чи, нечта экан? – савол берди Ширинбуви.

- Санадим, еттита экан, буви. Лекин улар ҳеч ҳам айиққа ўхшамаяпти-ку? Ҳа, топдим, мана бу чўмичга ўхшамаяпти-ку! – деди у ўз топқирлигидан севиниб, Ширинбувига сув келтирган чўмичини қўлига тутганича. – Мана қаранг, айнан шунга ўхшайди.– у қўлидаги чўп билан бир зумда юлдузлар деб чизган нуқталари бирлаштириди. Шунда ҳақиқатан ҳам чўмичнинг сурати ҳосил бўлган эди. Бунга Ширинбуви ҳам қойил қолди.

- Вой, топқир қизалоқ, ҳақиқатдан ҳам чўмич шакли бўлди-ку!

– Буви, келинг, биз уни “Катта айик” деб эмас, балки “Чўмич” деб атаймиз, – деди Руқия.

– Ҳа, майли, сен айтганча, бўла қолсин, бу юлдузлар туркумига, “Чўмич” деб ном берамиз. Фақат, сен мактабга бориб, яхши ўқишинг, кўп билим олишингкерак. Ўқиб, муаллима бўлгин, хўпми? Юлдузлар ҳақидаги фан нима деб аталади, биласанми?

– Йўқ бувижон, билмайман. Нима деб аталаракан?

– “Астрономия” деб аталади, – деди Ширин буви. У чарчаган одамдай бир зум кўзини юмди. Ҳаёллари уни мактабда дарс бериб юрган даврларга олиб кетди. У ўқитувчилар хонасида эди. Бир ўқувчи келиб, Исомиддин ўғли янги машинада келгани, мактаб ҳовлисига чиқиб ўғлининг одамлар куршовида кўриб роса кувонгани ёдига тушди, кейин радиодан бомбалар портлаши эштилди-ю, бирдан ўзига келди. Қараса, Руқия унга қараб гапирав у эса эшитмаётган экан.

– Буви, сизга нима бўлди, мени эшитяпсизми ўзи? – деди Руқия.

– Кўрқма, қизим, ўлиб қолганим йўқ! Бир оз ҳаёл суриб қолибман, ҳа, айтгандай, менга нима демокчи эдинг? – деди у.

– “Астрономия” бу юлдузлар ҳақидаги фан, дедингиз...

Ширинбуви астрономия деганда кўз олдига ўғли Улуғбек, ўзининг “болам!” деб бошяланг темир минора томон юргургандари келди. Киприкларига ёш тўпланди.

– Буви, яна йиғлаляпсизми? Мен ҳафа қилдим-ми? – деди Руқия.

– Йўқ, болам, сенинг ёнингга асли дардларимни озгина бўлса ҳам унутиш учун келаман... Айтгандай, қачон мактабга бораман деган эдинг?

– Биринчи сентябрь куни, яқин қолди. Қиз неча кун қолганини бармоқларини букиб санай бошлади: бир, икки...

Ширин бувининг кўзлари яна беихтиёр юмилиб, уйкуси келган одамдек, яна туш кўраётгандек бўлди. Унинг ҳаёлида энди аркдаги сўнгги куни, – 1 сентябрь нди ва ўша алғов-далғов лаҳзалар кўз олдидан ўта бошлади. Сўнг нимадир ногаҳон ёдига тушгандек ўрнида турди.

– Бувижон, кетяпсизми? Санадим, йигирма кун қолган экан. Ҳали менга Вяткин отангиз ҳақларида гапириб бермоқчи

эдингиз. Буви чарчаганга ўхшаяпсиз, ухлаб қоляпсиз! Унда эртага гапириб берасиз-а?

- Ҳа,, қизим, бувингни чақир, хайрлашиб кетмоқчи эдим! – деди Ширинбуви.

Қизалоқ бувисини етаклаб келди.

- Ойсара, мен энди келмасам керак. Руқияни бу йил ҳам мактабдан сақлаб қолманг, у ўқиши керак! У жуда зийрак бола,- деди Ширинбуви.

- Майли, опа, айтганингизни қиласам, шу йил албатта мактабга боради. Нега энди келмасам керак дедингиз, тушунмадим? – деди Ойсара Ширинбувининг гапига ҳайрон қолиб.

– Ҳозирлар бахшидам тез-тез тушларимга киряптилар. Бугун эрталабдан ўзимни ғалати сезяпман. Ўзимдан хавфсираяпман. Набирангиз олдида менга бир бало бўлмасин тагин, деб кетмоқчиман, уни кўрқитиб қўймаслигим керак! Ҳозир ҳам бир зумда ўлиб қолай дедим. Яхшиси, тезроқ уйимга бора қолай! Майли, омон бўлинглар.

У шундай деб хайрлашиди ва беҳол қадам ташлаганча уйи томон кетди. Унинг нохуш авзойини кўрган Ойсара сал кейинроқ ортидан бориб, ҳол сўрашни кўнглига туғиб қўйди. Набираси қўйлар ортидан юргурган томонга бир икки қараб, у ҳам уйига кирди...

## БУХОРО. АРК. 1978 ЙИЛ. ИЮЛЬ

Биз ҳар йили ёзги таътил вақтида Бухоро шаҳрига саёҳатга борар эдик. Ота-онамиз бизни тарихий ёдгорликлар, миллий анъаналар, музей, театр ва истироҳат боғини сайдар этиш, турли томоша ўйинларни кўриш болалар дунёқарашини бойитади деб шундай қилишарди. Айниқса аркдаги музейни томоша қилиш бизлар учун ҳаммасидан қизиқроқ эди. Остона бобомнинг қиши кунлари сандали атрофида бизга айтиб берган эртакларидан кейин бу қизиқишимиз янада ортар эди. Бу гал арк бўйлаб сайдар қилиб юрганимизда хоналардаги ҳар бир экспонатни Ширин буви ёки Остона бобом болалигида ўз қўллари билан ушлаб кўрган бўлиши мумкин, деб уларни синчиклаб ўрганмоқчи бўлган эдим. Қачон Бухорога борсак аввал аркка кириб, кейин шу яқиндаги боғда ўйнаб кетардик.

Эсимда, бир гал музейда онам дадамга:

- Болаларимизни қаранг, ўз уйларидағидек югуриб юришибди, -дедилар.
- Ахир бу уларнинг ўз уйлари-да! Агар ўша инқилоб бўлмаганида бу ер музей эмас, саройлигича турарди, дедилар дадам
- Қаранг, дадангиз (қайнотам демоқчи) шу остоңада туғилган эканларми? – сўрадилар онам.

- Ҳа, тўғри топдинг. Лекин эҳтиёт бўл. Болалар биздан эшитиб, бир-бирларига бақириб айтиб юборишмасин. Дадам болаликларида, "Катта уйимизга, дадамга бораман", деб одамларни ҳайрон қолдирғанларидек, одамлар томошани қўйиб, бизга қараб ҳайрон бўлишмасин тагин. Эсиндан чиқарма, ота-онам бу сирни фақат бизга айтдилар. Ҳали синглим Ҳожибувига ҳам, укам Насриддинга ҳам айтмаганлар. Укам, биласан, милицияда ишлайди, ишига таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун дадам менга:

- Сир сирлигича қолсин, уканг ички ишлар ходими, ишига таъсир қилиши мумкин, сен ҳам бу ҳақда, ҳеч кимга индамаганг маъқул, – дедилар. Мен дадамга:

- Мен Ширин бувимнинг васиятларига биноан уруш йилларида бедарак кетган амакиларимни қидирувини давом эттироқчиман. Сўровнома хатларини ёзмоқчиман, керак бўлса, ўша шаҳарларга ўзим бораман! – дедим...

Дадам онамга паст овозда гапирган бўлсалар ҳам, уларнинг сұҳбати нима ҳақда эканлигини эшитган эдим. Демак, сир сақлаш кераклигини ҳам тушунган эдим. Остона бобомнинг уйлари деворидаги портрет аскар амаки бобомиз – Исомиддин бобоники эканлигини, аммо у киши урушга кетиб, ҳалигача қайтмаганликларини, "қора хат" ҳам келмаганлигини билар эдик. Энди дадам у кишини қидириб топмоқчи эканликларини эшитиб, хурсанд бўлган эдим.

Ўша куни музейда бизларга бир хорижлик сайёҳ рўпара келиб, қўзимизга ярқироқ қоғозга ўралган нимадир тутқазди. У таржимон билан юрган экан, ундан бу нима, деб сўрасам, олавер, қизим, хориж сақиҷи бу, деди. Хурсанд бўлиб кетдик. Кейин яна таржимондан, нега бу амакимиз бизга сақич берди, деб сўрасам, у киши:

- Сизлар бу амакига ёқиб қолдингиз. У болаларни яхши күраркан, - деди.

Мен нима дейишимни билмай сайёхга қараб аввал ўзбек, кейин рус тилида "Раҳмат" -дедим. Хориждик мамнун бўлганини ёқимли табассуми билан изҳор этди.

Ўша пайтлар дўконларда оддий сақичлар кўп, лекин бундай чўзилувчан сақич камёб эди. Мен уни онамга совға қилмоқчи бўлдим ва онамнинг ёнларига бориб:

- Онажон, олинг, бу - сизга! Бир сайёх совға қилди! -дедим. Онам эса:

- Ҳай-ҳай, болаларим-а, бегонанинг қўлидан нарса олманглар, деб айтгандим-ку. Билмасдан олсаларинг ҳам оғзингизга сола кўрманг! - деб хавотирланган эдилар.

- Кўйсанг-чи, онаси, унга ҳеч нима қўшилмаган. Менга бер. Аввал ўзим текшириб кўрайин, - дедилар дадам. Дадам бу яхши сақич эканини айтганларидан сўнг биз уни ташлаб юбормадик.

Бухорага ўша саёҳатимизвақтида эсдалика тушган суратимиз ҳозир ҳам оиласидаги албомимизда бор. Унда опам Феруза, укам Фазлиддин, синглим Ҳафиза, дадам, мен онам тасвирланганмиз.

### 1960 ЙИЛ ЧЕКИРЧИ ҚИШЛОГИ

Остона бобом ва Райҳон бувимларнинг оиласида Фахриддин ўғилларидан кейин Ҳанифа, Ҳожибуви исмли қизлари ва кенжак ўғиллари Насрилдин туғилган.

Остона биринчи туғилган қизига болаликдаги дўсти, қизамиқдан вафот этган Ҳанифанинг исмини қўйган эди. Ўша йиллари Ширин буви ва Муҳиддин полvon Остонанинг кейинги фарзандлари туғилганида ҳали ҳаёт эдилар. Улар ҳам Райҳон келинлари ҳар сафар фарзандлик бўлганида бирдек кувонишган. Аммо кейин аввалига Ширин буви, кейин Муҳиддин полvon бобо оламдан ўтган эдилар.

Кунларнинг бирида, 14 ёшли Ҳанифа ва 8 ёшли Ҳожибуви бир вақтда касал бўлиб қолишади. Уларни кўрган врач:

- Болалар "Сариқ"ка чалинган. Касалхонада ётиб даволаниши керак, - деб айтган. Афсуски, ўшанда Ҳанифанинг аҳволи бирмунча яхшилиги учун касалхонага олиб боришимаган ва бир неча кундан сўнг вафот этади.

Хожибуви касалхонадан соғайиб чиқади. Остона ва Райҳон Ҳанифани касалхонага ётқизмаганлари учун бир умр пушаймон бўлган эдилар. Хожибуви соғайгани учун шифокорларга, тибиёт соҳасига ҳурмати ошди. Шунинг учун дадам, аммам тибиёт соҳасини танлаган бўлсалар керак. Чунки, ҳатто менинг ҳам бу соҳани танлашимда ўша воқеа сабаб бўлган. Чунки болалигимизда бу воқеани бизга кўп марта айтиб беришган.

Мен учинчи синфда ўқиётган вақтимда “сарик” билан оғриғанман. Эсимда, шифохонага тушган куним даволовчи врач Раиса Павловна фонендоскоп билан юрагимни эшишиб кўрдилар. Шунда мен у кишига шундай савол берганим эсимда:

- Доктор, эшифтганингизда касал эканлигини қандай биласиз?
- дедим. У киши қулогимга фонендоскопни тақдилар.

- Энди эшифт! “Дук-дук, дук-дук” этса, бу – яхши, Агар, “дукшиғ, дук-шиғ” этса, демак, буқайси бир касаллик аломатидир! – дедилар

- Вой, жуда осон экан-ку! Ундей бўлса, мен албатта врач бўламан, сизникideк оқ халат кийиб, одамларни даволаб юраман! – дегандим.

- Майли, ундей бўлса, мактабда фақат беш баҳоларга ўқигин, хўпми! – дедилар.

Орадан йиллар ўтиб, ўрта мактабни тугатдим ва Самарқанд тибиёт институтига ўқишга кирдим. Бу менинг орзуларим рўёбга чиқиц учун қўйган биринчи қадамим эли.

Касалхонадан чиқиб уйга келган куним Остона бувам мени кўргани уйимизга келган эдилар. Ўз боғларида етиштирган олма, анорлардан олиб келган эдилар. Болалигимизда бувамнигига биз тез-тез борар эдик. Аммо бувам уйларидан жуда кам чиқар эдилар. Жума кунлари номоз учун Бухорога борсалар, бизниги келар эдилар, холос. Ўша куни бувам бизниги мени кўриш учун келганларига жуда хурсанд бўлган эдим. Ёнларига ўтириб олиб, яна эртак айтиб беришларини сўраганим кечагидек эсимда. Отам билан онамга бувам менинг соғлигимга кўпроқ эътибор беришни тайинлаган эдилар...

### 1965 ЙИЛ. БАҲОР. ЧЕКИРЧИ ҚИШЛОГИ.

Остона бувамнинг ўғиллари Фахриддин Бухоро шаҳридаги тибиёт билим юртини тугатиб, Қоракўл тибиёт

бирлашмасига ишга киргандар. "Правда" колхози (ҳозирги "Қозон" маҳалла фуқаролар йиғини) қишлоқ амбулаториясида иш фаолиятларини бошлагандар. Остона бува катта ўғилларини уйлантироқчи бўлганда раҳматлик оналари Моҳларойимнинг ўринлари билиниб қолди. Чунки у киши бу масалада анча тажрибали бўлиб, доимо тўғри қарор қабул қилган. Остона бува шу ҳақида ўйлагандаридан ёдларига болалик йиллари, ёш йигитлик даврлари келди. Остона бува онаси Моҳларойим билан Мехридин укаларини уйлантириш ниятида Охунбобо авлиёси ёнидаги ҳовлига борганларини эслади. Бу ҳовли косиб Курбон бобоники бўлиб, уларнига борганларидан бўлган воқеалар кўз ўнгидан бошқадан гавдаланди. Ўшанда эндиғина тетапоя бўлиб юра бошлаган қизалоқ Хосият ўрнидан тушиб, болаларча қадамлар ташлаб Моҳларойимнинг ёнига келганди. Ота-она меҳрига зор ўсаётган қизалоқ балки Моҳларойимни ўз онаси деб ўйлагандир. Бу қизчага аллақачон меҳри тушиб қолган Моҳларойим ҳам уни ўз тарбиясига олишни истади. Бу ҳақда Курбон бувага сўз очганда улар қизчани акасидан ажратмаслик мақсадида ва ота-онасидан бири тирик бўлса, бир куни болаларини излаб келиши мумкин, деб ўзлари тарбия қилишган. Моҳларойим ўғли Мкхриддин улғайганида Хосиятни унга унаштириш учун уларнига яна борганларидан олти йилга кечиккан эди. Чунки Моҳларойим эри амир Олимхон келиб, ўғиллари билан уни хорижга олиб кетиши мумкин деб, ҳалиям ўғилларини уйлантиришни пайсалга солаётганди. Лекин улар бу хонадонга бир гал келгандаридан яна бир қизалоқ худди ўша тетапоя юриш билан Моҳларойимга пешвоз чиққанди. Моҳларойим уни кўтариб олган, Ширин бувининг ёнига келдингми, ширин қизалоғим, деб эркалаган эди. Қизалоқнинг онаси Бегимжон яна чақалоқлик бўлиб, кейинги қизи Олияни туққан, Руқияга бир оз вақт ва эътибори камайган эди. Бу сафар Моҳларойимни ёнига келган қизалоқ Моҳларойимнинг меҳрини сезган ва унга пешвоз чиққан эди. Остона бува онасининг меҳри бу қизчага бекорга тушмаганилигини ҳис этди...

... Ширинбуви уйга келибоқ ўз хонасига кирди. Райхон келини бир чойнак чой олиб келди.

- Келин, Фахриддинни чақириб келинг, - деди ҳорғин нафас олаётган Ширин буви.

Ҳаял ўтмай Фахриддин уйга кириб келди.

– Болам, – дея сўз очди у чуқур бир сўлиш олиб. – Сенга қайлиқ тониб келдим, исми Руқия. Уйланиш ёшига етганингда сени ўша қизга уйлантирадилар. Буни отанг билан онангта тайинлаб кўйман. Яна бир гап, болам, сен кимнинг набираси эканлигининг яхши биласан, тўғрими?

– Ҳа, бувижон, биламан. Манғитлар сулоласининг энг сўнгги амири Сайид Олимхон бобоннинг набирасиман, – деди Фахриддин дона-дона қилиб..

– Худди шундай, жуда тўғри! Лекин бу гапни ҳаммадан сир сақлашинг керак бўлади, ҳатто укаларингдан ҳам. Даданг болалигида бу гапни мактабда айтиб кўйгани учун бошқа жойга кўчишимизга тўғри келган. Аммо сен вақти соати келмагунича ҳеч кимга ва ҳеч қачон айтмаслигинг керак. Юртимиз вақти келиб озод бўлишини башорат қилишган экан. Ҳозир сенга уч нарсани васият қиласман. Катта бўлганингда уларни бажаришинг керак бўлади. Эслаб қол: биринчиси, Руқияга уйланиш; иккинчиси, Амир Сайид Олимхон бобонгни Афғонистондаги жасади қолдиқларини Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи ёнидаги манғитлар сулоласи амирлик вакилларининг даҳмасига қайта дағн қилинишини давлат раҳбарларидан сўраш; учинчиси, урушда бедарак кетган Муҳиддинов Раҳмонкул ва Муҳиддинов Исомиддинларни излашда давом этиш. Яна бир васиятим бор. Буниси анча нозикроқ масала. Бу хазина ҳақида. Кейинроқ ота-онанг сенга бу ҳақда айтиб беришади.

– Мен энди ёш эмасман, бувижон, эсимда сақлаб қоламан. Бу борада нима қилишим кераклигини айтаверинг, – деди Фахриддин.

– Тўғриси, ҳозир ҳам айттар эдиму, аммо ҳали саккиз яшар боласан-да. Вақти-соати келганда ўзинг тушуниб етасан. Шу ишни амалга оширсанг, Сайид Олимхон бобонгнинг руҳлари шод, юрт обод бўлгайдир... У Фахриддинга бошқа ҳеч гап айтмади, фақат хонадан чиқаётганида : “Отангга айт, ёнимга кирсин”, – деди.

Ширин бувининг хонасига кирган Остона онаси чўзилган сим каравот ёнига чордона қуриб ўтириб олди. Гапиринг, онажон,

кулогум сизда, маъносидаги нигоҳлари билан онасига термулди.

— Ўғлим, Фахриддининг уйланадиган кунларни кўраманми-йўқми, билмайман. Аммо ўшанда кўнглида бошқа қиз бўлмаса, ўзинг биладиган косиб Курбон бобонинг набираси Руқия ўғлингга жуда мос, ўша қизга совчи бўлиб боринглар. Ҳозир у 10 ёшда, аммо жуда ақлли қизча. Остона, отанг Сайид Олимхоннинг васиятларидан хабаринг бор. Аммо бажариш масаласида олий ҳакам - вақт. Шунинг учун фарзандларинг ақли оладиган ёшга етганларида арқда яшаган вақтларингни, бошқа кўрган-кечирганларида ҳикоя қилиб бер! Авлодимиздан отангва мени васиятимни бажариш Фахриддин ёки унинг бирор фарзандига насиб этсин! Иншооллоҳ! Мендан рози бўлинглар.. - деди. Ширин буви (Моҳларойим) ва бир пас жим қолди, холос. У шундай нидо эди:

“Мен ким, Моҳларойим, Василий Лаврентьевич Вяткиннинг кизи Надежда Васильевна, набираларимнинг Ширин бувиси, Бухоро манғитлар суоласининг сўнгги амири Сайид Олимхоннинг никоҳидаги завжаси! Ҳаётим давомида малика ҳам бўлдим, колхозчи, мактаб ўқитувчиси бўлдим. Аёлларга, болаларга илм-хунар ўргатдим. Бахтили висол ва қора ҳижрон кунларини кўрдим. Урушда бедарак кетган, фарзандлари дийдорига зор она бўлдим. Умрим охиригача улардан хушхабар кутиб, йўлларини пойладим! Лекин яхши ва ёмон кунларда Ватанимда қолдим! Алҳамдуиллоҳ! Оллоҳимга беҳисоб шукр! Оллоҳим мени мағфират қилсин! Бахшидам Сайид Олимхоннинг пок руҳлари билан у дунёда учрашмоқлик насиб этсин! Икки аскар фарзандим Раҳмонкул ва Исомиддинларни ўзинг ёrlақа, Павардигор! Фарзандларим, набираларим ва келгуси авлодларимни Ўзингга топширдим ва инондим, Оллоҳим! Ўзинг мағфират қил!”

Сўнг пицирлаб калимасини қайтардилар. Бир оздан сўнг кўксига кўйиб турган кўллари “шилқ” этиб, ёнларига туша бошлади. Ярим очиқ турган кўлларида нимадир борга ўхшар эди. Оғир сукунат чўқди. Моҳларойим оламдан ўтган эди. Остона онасининг сим каравоти ёнига чўккалаб, унинг ориқ ва жонсиз кўлларини бағрига босади. Кўзларига шашқатор ёш келди. Ниҳоят, онасининг кўлларини очиб қараса, унинг кўлида

бир парча қофоз бор экан. Бу укаси Исомиддиндан келган сүнгги хат эди!..

Остона онасининг дағн аросимларини рисоладагидек ўтказди. Таъзияга жуда кўп одамлар келган эди. Руқиянинг бувиси Ойсарабегим ҳам ҳар куни шу ерда. Аммо Руқияга, ҳали бола, деб устози Ширин буви вафот қилганини айтишни кейинроққа қолдирди. Руқия, мана бир ҳафта бўляптики, Ширин бувиси келадиган муюлишга қараб, уни кутяпти. Шундай кунларнинг бирида бир бобо зиёратга келиб қолди. Руқия у кишига ҳам, Ойсара бувиси тайнлаганидек, бир чўмич сув олиб чиқиб берди. Ширин бувининг ҳошияси мунчоқли шойи рўмолчаснишу кишининг қўлида кўриб қолди. Руқия, у кишидан, рўмолча Ширин бувиникими?, деб сўрамоқчи бўлди-ю, аммо одобсизлик бўлмасин деб индамади. Сувни ичиб бўлиб, нуроний киши ҳам бошқа зиёратга келган кишилардек, ёзинг иссик кунида келтирган, муздеккина сув учун Руқияни дуо қилмоқчи бўлди

- Қизча, сенинг исминг Руқиями, адашмасам? - деди у кўлларини дуога оча туриб.

- Ҳа, - деди Руқия таажжуби ошиб. Ширин бувининг кўл рўмолчаси бор бу киши унинг исмини қандай билдилар экан

- Илоҳи омин, шу Руқия исмли, Курбонбой ва Ойсаранинг набираси, баҳтли-тахтли бўлсин! Оқила ва ўқимишли бўлсин! - дея у қандайдир амир Олимхон, васият, Раҳмонкул, Исомиддин каби унга нотаниш исм ва сўзларни тилга олиб: Ўзинг буларга мададкор бўл! - дея юзига фотиҳа тортди

- Амаки,- деди нотаниш киши ортига қайтар экан Руқия, - бобомга сизни ким келдилар деб айтайин?

Руқиянинг яхши хотираси бор эди ва у ҳар куни бу ерга ким, қачон келгани, нималар деганини Курбон бобосига тўлиқ етказа оларди.

-Хўжайи Хизр бобо келдилар, деб айта қол, қизим!- деди нуроний. Нуроний аслида кексайиб қолган Муҳиддин полвон эди. Руқия шу ондаёқ уйи томон югуриб кетди.

- Ойсара буви, бувижон! Суюнчи беринг, мен хозргина Хўжайи Хизрни кўрдим! Кўй-эчкиларинг эгиз туғсин дедилар! - дерди ҳовлига отилиб кирап экан хурсандлиги ичига сиғмаган Руқия.

- Ким келган экан? Тушунтириброқ айт-чи, ким келди дединг? - сўради бувиси.

- Бўйлари баланд, соқоллари оқ бир нуроний бобо. Ҳа, буви, у кишининг қўлларида Ширин бувининг шойи рўмолчалари бор эди, - деди Руқия.

Ойсара буви ким келганини дарров фаҳмлади.

- Ҳа, бўлди, болам, ўзингни бос. Муҳиддин бобо зиёратга келибдилар. Ширин буви учун дуойи фотиха ўқишга келгандар. Кўрдингми, сув берганинг учун сени ҳам дуо қилгандар, - деди бувиси хотиржамгина.

- И-е, ундан бўлса, Ширин буви ўлиб қолганларми? - сўради Руқия.

- Ҳа, устозинг дунёдан ўтдилар. Ўша куни сенга охирги дарсларини бергани келган эканлар. Оллоҳ раҳматига олсин! - деди Ойсара буви.

- Сиз, оқ рўмол боғлаган куни Ширин бувининг таъзияларига кетган экансиз-да? - сўради Руқия.

- Ҳа, сени хафа қилмаслик учун индамагандим. Хўш, Муҳиддин бобо сенга нималар деб дуо қилдилар? - деди Ойсара буви.

- Кўй-эчкиларингни ҳаммаси эгизак туғсин, дедилар - жавоб берди Руқия.

Орадан бир неча ой ўтиб, бир куни Руқия мактабдан келганида Ойсара буви:

- Руқия, суюнчи! Ҳов ўша бобонинг дуолари ижобат бўлиб, ҳамма кўй-эчкиларинг эгиз туғди. Мана бу кейингиси учта кўзилади, жонивор!

Ойсара буви ва Курбон бобо бугун жуда хурсанд эдилар. Руқия улардан кўпрқ қувонди.

- Ву-уй, қаранг териси ялтирашини. Буви, демак, ўша киши чиндан ҳам, Хўжай Хизр эканлар -а! Ахир, дуолари ижобат бўлибди-ку! - деди Руқия.

- Ҳа, шундай, болам, - дея жавоб берди набирасига Ойсара буви.

Руқия ҳар куни мактабдан қайтишда аввал бобо-бувисиникига кирав, сўнг ўз уйига кетар эди. Ҳозир у уйига ҳар доимгидан хурсандроқ бўлиб жўнади

## 1965 ЙИЛ. ЧЕКИРЧИ ҚИШЛОГИ

Ўша йили отам дадам Фахриддин Мұхиддинович Остонов (туғылғанлық тұғрисидаги гувоҳномада Фахриддин Остонович Мұхиддинов) тиббиёт билим юртини ва ҳарбий хизматни тугатиб, Қоракүлга фельдшер бўлиб ишга келадилар.

Хаёллар оғушида тасбех ўгириб ўтирган Остона бобо аёли Райхон бувига:

– Хотин, Фахриддинга қараб ўтирсак, уйланиш хаёлига ҳам келмаяпти. Чақириб кел-чи ўзини, гаплашиб олай, –деди.

Остона ўғли билан сұхбатлашиб күз остига олиб қўйган қайлиғи йўқлигига амин бўлди. Шундан сўнг унга:

– Эсингдами, Ширин бувинг, “сенга қайлик кўриб келяпман”, деган эдилар. Эртага уларникига меҳмонга борамиз, – дедилар.

Эртаси куни улар, дастурхонга нон-патир туғиб, йўлга чиқишиди. Косиб Курбон бобо ҳам, Ойсара буви ҳам, оламдан ўтган эдилар.

– Ойсара бувининг набираси Руқиянинг уйи қайси? – деб қўшни болалардан сўрадилар. Болалар уларнинг уйини кўрсатишиди.

Уй бекаси кутилмаган меҳмонларни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Сўнг бир пиёла чой баҳона гурунг қизиди. Райхон буви сұхбат давомида Бегимой бувидан қизлари ҳақида сўз очди. Бегимой буви:

– Сизга айтсан, Хумор қизим ўқитувчи, турмушга бердим, бир қизи, икки ўғли бор. Руқия қизим ҳам ўқитувчи, яқинда Бухородаги институтни тугатиб келганди. Учинчи қизим Олия болалар боғчасида ишләяпти, қайлиғи бор. Оласи Руқияни “ич куёв”лик шарти билан тўй қилмоқчимиз!

– Нега, айнан Руқияни ич-куёвга бермоқчисиз? – сўради Райхон буви.

– Болалигидан қўл-оёғи чаққон эди. Ўғил болалардай оғир юмушларни ҳам бажараверади, ишдан қочмайди. Биздан кейин ҳам сингилларига бош бўлади, деган умидимиз бор, – деди Бегимой буви.

– Ўғил фарзанд кўрмаган эдингизми?

– Иккита ўғил фарзанд туғилди. Аммо Оллоҳ кўп кўрди. Улар чақалоқликгига нобуд бўлишган.

- Ҳа, фарзанд доғи ёмон, айланай. Биз ҳам Ҳанифа исмли 14 ёшли қизимизни бой берганмиз. Дунё күзимга қоронғы бўлган эди ўшанда! Ҳа-а, кейинги қизларингиздан ҳам гапиринг-чи, - деди Райхон буви.

- Зулайхо ҳамшираликка ўқияпти. Зубайда ва Лутфия қизларим ҳали мактабда ўқияпти, - деди Бегимой.

Ўша сухбатда Руқиянинг тақдиди ҳал бўлади. Орадан бир неча кун ўтиб икки оила қуда киришадилар. Фахриддин ва Руқияга турмуш қуришади. Мен, ушбу китоб муаллифи, ана шу икки инсоннинг фарзандиман.

Онам Руқия Ражабовна Ҳамроеванинг дипломларига "физика, астрономия ва меҳнат фанлари ўқитувчиси" деб ёзилган. Онамда бу соҳаларга қизиқиши биринчи устозлари Ширин буви ўйғотганлар. Онамда ҳақиқатдан Ширин бувига ўхшаш жиҳатлар кўп эди. Шу жиҳатлардан бири қизларга бичиш-тикиш, каштачилик, пазандалик сирларини, жун пайпоқ тўкиш сирларини ўргатиб, мактабда асосан қизлар гурухи меҳнат фанидан дарс берганлар. Ёзги таътилда ҳам онам бекор ўтирмас эдилар. Биз уч опа-сингилга ҳам барча ҳунармандлик сирларини ўргатишга ҳаракат қылганлар ва буни уддалаганлар. Айниқса Феруза опам доим қўллари иш билан банд, бўш қолдим деганларича ҳеч бўлмаса жун пайпоқ тўкиб ўтирадилар.

### **1985 ЙИЛ. АВГУСТ. САМАРҚАНД. РЕГИСТОН МАЙДОНИ**

Дадам, онам ва мен Регистон майдонида фотосуратга тушибмоқдамиз. Бугун мен Самарқанд тиббиёт институтига ўқишга кирганим маълум бўлган кун. Шундай қувончли кунимда ота-онам ёнимда эканлигидан жуда баҳтиёр эдим! Улар билан кун бўйи Самарқандни зиёрат қилиб чиқдик. Дадам жуда хурсанд эдилар. Хатто фотограф амакинга:

- Бугун жуда хурсандмиз, оғайнин! Қизимиз талаба бўлди. Ўз кучи, ўз билими билан тиббиёт институтига кирди, - дедилар бегона кишига бўлса ҳам шодликлари ичларига сифмаганидан.

Онам мактабдан ёзги таътилга чиқиб, икки ойдан бери ёнимда эдилар. Бу орада Россияга кетиб қолдилар. Эсимда, ўша йили фашизм устидан қозонилган ғалабанинг қирқ йиллиги нишонланганди. У киши Исомиддин (Мехрилдин) амакилари қаҳрамонларча ҳалок бўлган жойни, ҳалок бўлганлар учун

барпо этилган рамзий қабрни излаб топиб бориб, зиёрат қилган эканлар.

Жанг майдонларида амаки бобом окоп ичидаги ўтириб, хужум олдидан оналари Ширин бувимизга, энг охирги хатларини ёзган эканлар. Кўп ўтмай жанг бошланади. Командирнинг “олға!” деган ҳайқириғини эшитган оддий аскар биринчилардан бўлиб хужумга ташланади. Қуролдошлари унинг “ура!” деганча қичқириб олдинга интилгани, душманга ўт очганини кўришган. Жангда кўп аскарлар ҳалок бўлади, уларнинг жасадлари душман танклари остида мажақланади, тупроқка, ботқоқа қоришади. Бироқ жанг тугагач, жасадлар тўпланганда унинг жасади топилмайди. Эҳтимол снаряд ва бомбалар портлаганда жуда қалин тупроқ остида қолиб кетгандир. Шунда жасадлари топилмаган аскарларнинг номлари бедарак кетганлар рўйхатига киритилган экан.

Аммо отам Россиянинг тегишли идораларига сўровномалар юборишдан чарчамаганлар. Ниҳоят орадан кўп йиллар ўтиб ушбу сўровномаларга жавобан “Жди меня” кўрсатуви ижодкорлари ва кўнгилли изтопарлар ўша жанг бўлиб ўтган майдонни кавлаганларида бир аскар жангчининг жасади топилган экан. Тиббий экспертиза хулосасига кўра танк остида қолиб эзилиб кетган бу тана қолдиқлари амаки бобомга тегишли эканлиги тасдиқланади. Унинг исми ва шарифи бедарак кетганлар рўйхатидан олиниб, қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар рўйхатига қўшилади. Бу хабар дадамни кўп йиллик оғриқлардан халос қилди. У киши Россияга бориб, амаки бобомнинг хокидан олиб келадилар ва рўмолнчага тугилган тупроқни Моҳларойим ва Остона бобом қабрлари ёнига кўмадилар. Демак уларнинг руҳлари шод бўлгани шубҳасиз, чунки қилган васиятлари ижобат бўлди, амаки бобомнинг руҳлари ватанинига, яқинлари ёнига қайтди.

Дадам амаки бобомнинг номи ўчмаслиги учун Фазлиддин укам ўғил кўрганида унга Мехриддин деб исм қўйдилар.

– Бу исмни амакимнинг руҳлари шод бўлиши учун ҳам кўймоқдаман, – дегандилар ўшанда. – Бундан ўтган бошқа аждодларимизнинг ҳам руҳлари шод бўлади, таскин олади. Ҳеч ким ўтмишии, ўтган яқинларини ҳеч қачон унутмаслиги керак. Дунёда инсон шаънининг маъноси ҳам шунда, буни асло

унутманг, болаларим. Бу исмни доимо меҳр ва ҳурмат билан тилга олинглар, Ҳаётлик чоғларингизда бир-бирингиз билан қадрдан бўлиб яшанглар.

Дадам амаки бобом ҳокларини Қобул ота қабристонидаги оталари ва бувилари қабрлари орасига дафн қилганларидан сўнг уларнинг руҳларига қаратга шундай деганлар:

- Отажон, сизга берган ваъдамни бажардим. Руҳингиз шод бўлсин! Амаким кимлардир маломат қиланидай "кўрқоқ" ҳам, "қочоқ" ҳам, "сотқин" ҳам эмас! Асирикка ҳам тушмаган экан. У киши жанг майдонида қаҳрамонларча ҳалок бўлгани исботланди. Биз энди бу жасоратли аждодимиз билан фахрлансан арзийди.

Бувижон, амир Сайд Олимхон ҳақидаги ҳар хил уйдирма, бўхтонларнинг барчаси ёлгон. Бир кун ҳақиқат қарор топажак. Ўшанда мен ёки фарзандларимдан бири у кишининг қабрларидан бир сиқим тупроқ олиб келиб, сизнинг ёнингизга кўмиб кўйилишига сўз бераман!

Отам ўша куни оламдан ўтган барча аждодларимиз руҳи поклари, хусусан, Меҳридин амаки бобомиз арвоҳларига бағишлаб хатми қуръон буюрдилар. Дунё ўткинчи экан. 2009 йилда онам Руқия, 2014 йилда дадам Фахриддин вафот қилдилар.

Отам ва онам бир-бирларини чуқур ҳурмат қилиб, меҳрибон бўлиб яшадилар. Бор меҳрларини биз фарзандларига бағишлаб, тарбияладилар, ўқимишли қилдилар. Барчамиз уйли-жойли, бола-чақалик бўлдик. Буларнинг ҳаммаси бу икки мушфиқ ва заҳматкаш инсонинг меҳнатлари, меҳрлари туфайлидир. Отам оламдан ўтганда, улар бошқа оламда ҳам яқин бўлсинглар деган мақсадда онамнинг қабрлари ёнига дафн этдик. Охиратлари обод бўлсин!

## 2018 ЙИЛ КУЗ

22 ноябрь куни яна Самарқанд шаҳрига, Ўзбекистонда биринчи бор ўтказилаётган Эндокринологлар конгрессига Бухоро вилоятидан 24 киши таклиф қилинган эдик. Самарқандга маҳсус ажратилган автобусда етиб келдик.

Автобусда ўтириб кетар эканман, мени яна хаёлларим ўз гирдобига тортди. Айтишларича, кимнингдир савобли иши

якунига етмай вафот этган бўлса, ўша киши киши вафотидан кейин ҳам ўзининг савобли иши якунига етишини истар экан! Амир Саййид Олимхон бобомнинг: "Мени қабрга омонат қўйинглар, барибир бир кун келиб мени Ватанимга олиб кетадилар!" – деган васиятларининг бажарилмай қолаётганига ишорами бу? Ёки хазиналари тақдиридан безовталаниш, уни қайтариб келиш зарур деганими руҳнинг? Балки бу, энди замонлар ўзгарди, асл ҳақиқатни барадла айтадиган, тақиқланган ва таҳқирланган қадриятларни тикладиган, оқни – оқ, қорани – қора деб айтадиган давр келди, шу ер, шу элга раҳнамолик қилган, тарихий, сиёсий вазият тақозоси билан халқнинг тинчлиги, осойишталигини ўйлаб Ватандан чиқиб кетишга мажбур бўлган, ҳақирликда вафот этган амирнинг руҳини унутманглар, деганимикан?

Ҳар қалай, мен ушбу рух безовталигидан шуларни илғадим. Олис аждодим бўлса ҳам, томиримда унинг озгина қони оқиб турган бўлса ҳам менга шундай бўлиб туюлди.

Амир Саййид Олимхон Бухоро тахтига ўтирган давр тарихимизнинг ажralmas бир бўлаги. Бу давр турли тарихий ва сиёсий ўзгаришлар, бўхронларга тўлган давр эди. Шўролар ҳукмрон бўлган замонларда бу давр ва унда ҳукмронлик қилганлар қаттиқ қораланди, турли айблар кўйилди, бўхтонлар тўқилди. Буларнинг қанчалик рост ёки ёлгон эканлигини айтиш учун ўтмишни чуқур ўрганишга тўғри келади. Бунда холислик ва адолат юзасидан иш тутиб, тарихий ҳақиқатни бўй-басти билан бутун жамоатчиликка, бутун оламга кўрсатиш керак. Мен эса мутахассис сифатида эмас, балки қайси бир жиҳатдан шу сулолага мансублигим учун виждоним амри билан қўлимга қалам олиб ушбу китобни қораладим. Бунда тарихий ҳақиқатни тиклашни ўз олдимга мақсад қилиб қўймадим, балки бобо-бувиларим, ота-онам ва уларга яқин бўлган кишилардан эшитганларимни хотира илларига тизиб чиқдим. Тишим ўтмаслиги учун амирнинг сиёсий фаолиятини эмас, балки унинг шахсий оилавий турмуши, севимли аёли билан ораларидаги самимий муҳаббат, меҳр, вафо ва садоқат ҳақида ёзишга интилдим. Ўзимдан қўшиб ҳеч нима ёзганим йўқ. Буларнинг ҳаммаси деярли бобомнинг эртакларидир. Улғайганимда ўша

эртаклар замирида айни ҳақиқат яшаганини ҳис этдим. Албатта, бу менинг шахсий фикрим.

Амир Сайид Олимхоннинг васиятларига келсак, агар имкони ва бу шахс шунга муносиб бўлса, уларни адо этиш масаласини хукумат даражасида ўйлаб кўриш керакка ўхшайди. Балки унинг хоки ўз Ватанига қайтар, у қолдирган хазина қонуний йўллар билан олиб келинар, хазина ҳисоби蘭 унинг номидаги фонд очилиб, маблағлари эзгу мақсадлар учун сарфланар. Балки шу фонд ҳисобига амир ҳақида илмий ва бадиий асарлар, ҳужжатли ва бадиий фильмлар яратилар. Булар менинг шахсий мулоҳазаларим, холос. Барчасига вақт олий ҳакамдир:

## МУНДАРИЖА

Сўз боши .....	3
1868 ЙИЛ 1 МАЙ. САМАРҚАНД. ЧЎПОНОТА ТЕПАЛИГИ .....	4
АМИР НАБИРАЛИК БЎЛДИ .....	7
1908 ЙИЛ. КУЗ. САМАРКАНД. БИБИХОНИМ МАСЖИДИ .....	16
1909 ЙИЛ. ЭРТА БАХОР .....	29
ТЎРАҚУЛНИНГ РАД ҚИЛИНГАН МУҲАББАТИ .....	37
1910 ЙИЛ (ХИЖРИЙ 1329 ЙИЛ МУҲАРРАМ ОЙИ, 10 - КУН) .....	38
“ТОЖ КИЙДИРИШ” МАРОСИМИ .....	44
АРК. АМИР ОЛИМХОНИНГ ХОС ХОНАСИ. 1912 ЙИЛ .....	46
БУХОРО. АРК ҚЎРҒОНИ. 1915 ЙИЛ. ЭРТА БАХОР .....	61
БУХОРО ШАҲРИ. 1915 ЙИЛ. БАҲОР .....	66
БУХОРО. 1918 ЙИЛ .....	94
1917 ЙИЛ. ФЕВРАЛЬ .....	102
1917 ЙИЛ. 7 АПРЕЛЬ .....	105
КОГОН. 1918 ЙИЛ. МАРТ ОЙИ .....	109
1920 ЙИЛ. МАЙ ОЙИ .....	110
БУХОРО 1920 ЙИЛ. АВГУСТ ОЙИННИГ СЎНГТИ КУНЛАРИ .....	116
АРК. 1920 ЙИЛ 2 СЕНТЯБРЬ. ТОНГ .....	130
СИТОРАИ МОҲИ ХОСА ҶАРОРГОҲИ. 1920 ЙИЛ 2 СЕНТЯБРЬ. ТОНГ .....	132
БУХОРО. 1920 ЙИЛ 2 СЕНТЯБРЬ. СОАТ 9.00 .....	138
АМУДАРЁНИНГ ЧУБЕК КЕЧУВИ. 1920 ЙИЛ. 10 СЕНТЯБРЬ .....	146
1978 ЙИЛ. ҚОРАҚЎЛ. ЧЕКИРЧИ ҚИШЛОГИ. ЯНВАРЬ .....	147
АМУДАРЁНИНГ ЧУБЕК КЕЧУВИ. 1920 ЙИЛ. 10 СЕНТЯБРЬ .....	153
ТАБИБНИНГ УЙИ. 1920 ЙИЛ СЕНТЯБРЬ .....	168
ҚОРАҚЎЛ МАРКАЗИ. ЗАРАФШОН ДАРЁСИ БЎЙИ. 1921 ЙИЛ. ФЕВРАЛЬ .....	183
БУХОРО. АРК. 1921 ЙИЛ. 8 МАРТ .....	187
1925 ЙИЛ. ҚОРАҚЎЛ. МУҲИДДИН ПОЛВОННИНГ УЙИ .....	198
ҚОРАҚЎЛ. ВОКЗАЛ ЁНИДАГИ УЙ .....	204
ҚОРАҚЎЛ. ВОКЗАЛ ЁНИДАГИ УЙ. 1937 ЙИЛ .....	206

ҚОБУЛ. АФГОНИСТОН.....	211
ҚОРАКҮЛ. ВОКЗАЛ ЁНИДАГИ УЙ. 1939 ЙИЛ .....	212
1941 ЙИЛ БАХОРИ. ЧЕКИРЧИ МАҲАЛЛАСИ .....	219
1942 ЙИЛ. ЭРТА БАХОР .....	228
1943 ЙИЛ. АФГОНИСТОН.....	239
1943 ЙИЛ. АПРЕЛЬ. ШИРИН БУВИНИНГ ХОНАСИ.....	244
АМИРНИНГ ВАФОТИ. ИНГЛИЗ РАЗВЕДКАСИНИНГ МАЪЛУМОТЛАРИДАН .....	258
1945 ЙИЛ, АПРЕЛЬ .....	260
БУХОРО. АРК. 1978 ЙИЛ. ИЮЛЬ .....	266
1960 ЙИЛ. ЧЕКИРЧИ ҚИШЛОФИ .....	268
1965 ЙИЛ. БАХОР. ЧЕКИРЧИ ҚИШЛОФИ .....	269
1965 ЙИЛ. ЧЕКИРЧИ ҚИШЛОФИ .....	275
1985 ЙИЛ. АВГУСТ. САМАРҚАНД. РЕГИСТОН МАЙДОНИ.....	276
2018 ЙИЛ. КУЗ.....	278

---

**Дилфуза Остонаева**

## **АЖДОДЛАР РУҲИ**

Мухаррир *M. Талипова*  
Мусахҳих *И. Турсунова*  
Саҳифаловчи *Г. Аббосова*

Нашриёт лиц. AI №276 15.06.2015  
Босишга руҳсат этилди 14.02.2020й. Бичими 60x84 1/16  
Офсет когози. Офсет усулда. Cambria гарнитураси.  
Шартли босма табоги 17.7. Нашр ҳисоб табоги 14,5.  
Адади 100 нусхада. Буюртма № 27-12

«LESSON PRESS» МЧДЖ нашриёти  
100071, Тошкент ш., Комолон, Эркин тор кӯчаси, 13

«IMPRESS MEDIA» МЧДЖ босмахонасида чоп этилди  
Манзил: Тошкент ш., Кушбеги кӯчаси, 6 уй.

25.600 c.





ISBN 978-9943-6261-7-1

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-6261-7-1.

9 789943 626171